Аннотация: *Исследованиями установлено,что минерализованные воды на среднесуглинистых орошаемых луговых почвах пустынной зоны Ферганской области Кувинского района в рамках полива пшеницы сорта «Половчанка» с минерализацией до 3,8 г/л в смешанном состояние (коллекторно-дренажные) положительно влияли на рост, развитие и урожайность,где прибавка составила 1,4 ц/га по сравнению с контролем.*

Ключевые слова: *луговые,половчанка,урожайность,контроль,минерализация, пшеница,рост и развитие.*

МИНЕРАЛЛАШГАН СУВЛАР БИЛАН СУҒОРИШНИ ТУПРОҚ ҲОЛАТИ ВА БУҒДОЙНИНГ АГРОБИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ

Юлдашев Ғулом
Фарғона давлат университети, қ.х.ф.д., проф.
Дармонов Дилмурод
Фарғона давлат университети-тадқиқотчи

Аннотация: *Фарғона вилояти Кува туманидаги сугориладиган ўрта қумоқ ўтлоқи тупроқларида “Половчанка” навли бугдойни 3,8 г/л гача минераллашган сувлар билан сугорилганда бугдойни ўсиши, ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги ҳамда назорат вариантига нисбатан ҳосилдорликни эса гектарига 1,4 центнерга ошганлиги аниқланди.*

Калит сўзлар: *ўтлоқи,половчанка, ҳосил, назорат, минераллашган, бугдой, ўсиш ва ривожланиш.*

INFLUENCE OF IRRIGATION BY MINERALIZED WATER ON SOIL CONDITIONS AND AGRIBIOLOGICAL FEATURES OF WHEAT

Yuldashev Gulom
Ferghana State University
Doctor of Agricultural Sciences, prof.
Darmonov Dilmurod Ferghana State University - Applicant

Annotation: *Studies have established that mineralized waters on medium loamy irrigated meadow soils of the desert zone of the Ferghana region of the Kuva region as part of the Polovchanka wheat irrigation with mineralization up to 3.8 g/l in mixed state (collector-drainage) positively influenced growth, development and productivity where the increase 1.4 ts/ha compared with the control.*

Key words: *meadow,polovchanka,productivity,control,mineralization,wheat, growth and development*

В наших почвах емкостью катионного обмена 9-10 мг-экв.на 100 г почвы,где поглощающий комплекс насыщен кальцием до 5-6 мг-экв.,который при орошение минерализованными водами довольно легко вытесняется натрием и магнием, под влиянием этого процесса вновь образуется сернокислая соль кальция,т.е. гипс.

И все же под воздействием минерализованных вод постепенно происходит засоление почв, а отрицательные влияния засоления почв проявляются не только в виде токсического действия солей,но и в виде изменения физико-химических свойств почв повышения щелочности и ухудшения водно-физических свойств,снижение урожайности некоторых сельскохозяйственных культур.

Поэтому,изучая возможности использования минерализованных вод для орошения,нельзя ограничиться только констатацией получения урожая при поливе почвы водами той или иной концентрации солей.Необходимо в каждом отдельном случае на конкретных почвенно-климатических условиях изучат почвенные и агробиологические процессы.

В условиях близкие как наши на суглинистых почвах возможность применения для орошения минерализованных вод ограничивается рядом причин, такие как уровень залегания грунтовых вод, механический состав,химическое состояние почв,состав растений и другие.

Несмотря на это основная проблема при использовании минерализованных вод для орошения в этих районах предупреждения засоления орошаемых земель, где биогеохимические условия таковы,что они способствуют обогащению природных вод и почв солями кальция, в том числе гипсом, в результате которого исключается опасность осолонцевания почв.Для разных условий предельно-допустимая концентрация солей минерализованных вод различна.С поднятием уровня залегания грунтовых вод возможность полива минерализованными водами снижается.В таком положение грунтовые воды служат источником засоления почв.

При этом,чем выше уровень грунтовых вод,тем выше засоления почв,но это положение не всегда оправдано,тем что засоление почв зависит так же и от концентрации грунтовых вод.Чем выше уровня грунтовых вод,тем меньше мощность почвенного слоя.Практика показывает,что при уровне грунтовых вод 1,5-3,0 м соли накапливаются в основном в слое почве мощностью до 60 см, а при более глубоком залегании грунтовых вод в слое мощностью 100 см.

В этих условиях вымытые соли во время полива из пахотного слоя снова возвращаются с капиллярными движениями от грунтовых вод.В полевых условиях создание промывного режима связаны с нормой орошения, где промывной режим орошения в вегетационный период не всегда оправдано.Это связано с вымываниями

питательных элементов и воднорастворимого гумуса, которые все же приводит к некоторому снижению урожая сельскохозяйственных культур, из-за нарушение питательного режима растений и физико-химических свойств почв.

В пользу использования минерализованных вод повышенной минерализации можно приводить данные зарубежных авторов, которые приведены Б.П.Строгановым и др. [1], где сахарная кукуруза, лень, хлопчатник, дали повышенные урожаи при сульфатной минерализации. Тот же автор пишет, что роль серы в нормальном метаболизме общеизвестна.

Она имеет первостепенное значение в жизнедеятельности растений, является, составной частью многих компонентов клетки играет важную роль в свойствах и структурных превращениях белковой молекулы, в окислительно-восстановительных процессах и энергетическом обмене клетки. Метаболизм серы представляется в ниже следующем виде [1]

В целом растений нуждаются на ряду с другими практически во все ионы водной вытяжки в том или ином количестве.Эти ионы в растениях выполняют различные метаболические роли.Например,калий и натрий изменяют активность ферментов, а хлор участвует в фотосинтетической деятельности,а также создание урожая.

В присутствии высоких концентрациях серы наблюдается снижение биосинтеза серосодержащих аминокислот и включение серы в белки.

а	б	в
SO_4''	SO_4''	SO_4''
↓	↓ Cl'	↓
— —	— —	— —
H_2S	H_2S	H_2S
↓	↓	¦
цистеин	цистеин	цистеин
↓	↓	¦
метионин	метионин	метионин
↓	↓	↓
белок	белок	сульфоксид метионина
а-засоление	б-хлоридное	белок ↓
отсутствует	засоление	сульфон метионина
		↓
SO_4''		в-сульфатное засоление

В клетках синтез осуществляется за счет прямого действия избытка сульфатов на активность соответствующих ферментов по принципу обратной связи [1]. Очевидно, вновь образованная серная кислота вновь вернется в начальную стадию образования аминокислот и белков в группу а.

Эта схема работает в определенных интервалах содержании сульфатов в растворе, выше которого отрицательно действует на этот процесс. Но и недостаток серы тоже влияет на процесс образование серосодержащих аминокислот, в том

числе белков. Исследованные нами воды, которые использовались, для полива пшеницы сорта половчанка по общей минерализации относятся к группе слабоминерализованных, где содержание плотного остатка колеблется в интервале 2,8-4,2 г/л. а по анионному составу к типу сульфатной минерализации, где отношение $Cl:SO_4$ колеблется в интервале 0,12-0,19.

Исследование проводились на севере Кувинского района Ферганской области на границе пустынной и сероземной зоны. Почвы опытного участка орошаемые луговые сазовые среднесуглинистые. Полевые исследование проведены с 2016 по 2018 г.Ежегодно осенью проведены посевы пшеницы сорта «половчанка».Влияние поливов на фенологические показатели и урожайности пшеницы приведены в таблице.

Изменение роста, развитие и урожайности пшеницы под влиянием поливов минерализованными водами

Номер и варианты опыта	Минерализация воды, г/л	Рост растений, см				Вес 1000 семян	Урожайность, ц/га		
		Трубкование	Колосование	Молочно-восковая спелость	Зрелость		Зерно	Солома	Всего
Июль-2016 г.									
1. Поливы арычной водой	0,92	81,0	35,0	97,5	100,1	42,8	43,0	58,2	101,2
2. Поливы дренажной водой	4,20	84,5	33,3	98,8	101,2	42,2	40,8	50,8	91,6
3.Поливы из коллектора агроном	2,80	90,5	103,0	105,3	110,4	42,1	42,3	66,5	108,8
4. Поливы смешанными коллекторно-дренажными водами	3,50	98,4	111,9	108,4	114,3	42,7	44,3	64,7	109,6
Июль-2017 г.									
1.Поливы арычной водой	1,10	79	90,0	92,5	98,1	41,8	41,0	56,3	97,3
2.Поливы дренажной водой	4,80	81,5	90,1	94,4	100,3	42,0	36,5	49,4	85,9
3.Поливы из коллектора агроном	3,42	90,1	95,8	99,4	101,4	42,1	41,6	62,4	104
4.Поливы смешанными коллекторно-дренажными водами	3,80	94,3	101,9	103,0	110,1	42,8	44,6	63,8	108,4
Июль-2018 г.									
1.Поливы арычной водой	0,85	96,3	110,7	107,4	110,4	42,6	45,3	68,7	114
2.Поливы дренажной	4,02	85,5	95,6	95,5	92,3	42,0	36,	50,4	86,4

водой							0		
3.Поливы из коллектора агроном	2,90	93,3	96,5	98,4	102,3	42,8	39,6	64,2	103,8
4.Поливы смешанными коллекторно-дренажными водами	3,25	95,4	110,9	105,4	111,2	42,8	44,3	71,8	116,1

Из представленных данных в таблице видно, что минерализованные воды различной степени засоления влияют на рост, развития и урожайности пшеницы по-разному.Так,например наибольший рост растений характерны четвертым вариантам, где высота пшеницы в фазе зрелости достигает 110,4-114,3 см.Примерно такая же закономерность наблюдается и в предыдущие фазы роста.

На второе место по этим показателям выходит варианты, где поливы проведены только коллекторными водами. Во все годы исследования проведены по три полива с вышеуказанными концентрациями поливных вод. Агротехника возделывания приняты как на фермерском хозяйстве. Все же на наш взгляд обнаруживается интересный факт, то есть ожидали, что полив минерализованной водой определено, снижает урожай пшеницы, как в хлопчатнике которые обнаружены Беспаловым Н.Ф.[2], Турахановым Н.Т.[3], Юлдашевым Г.[4] и др. Оказалось, что не все минерализованные воды отрицательно влияют на урожайность пшеницы и нами обнаружены, что количество зерно пшеницы и соломы под влиянием смешанных коллекторно-дренажных и речных вод с минерализацией до 3,8 г/л не только не снижает урожай пшеницы сорта половчанки, но и увеличивает по сравнению с контролем, где поливались только арычными (речными) водами с концентрацией воднорастворимых солей до 1,1 г/л.

Можно предполагать, что при поливе минерализованной водой пшеницы повышается количество воднорастворимой серы в почве, которая в настоящее время включается в состав питательных элементов растений.

Следовательно, улучшается питательный режим пшеницы в отношении серы. Кроме того не исключено, что положительное влияние орошение минерализованной водой на рост и развитие, а так же урожайности пшеницы сорта половчанка объясняется относительной сбалансированностью ионов в поливных водах.

В целом за три года урожайность пшеницы на варианте с поливами смешанной водой составила 44,5 ц/га, тогда когда на контрольном варианте составляет 43,1 ц/га. Но особо следует подчеркнуть, что на варианте с поливами только дренажной водой урожайность снижается и составляет 37,9 ц/га.

Список использованной литературы

1.Строганов Б.П.,Кабанов В.В.,Шевякова Н.И..Современное состояние проблемы солеустойчивости растений.
В кн:Использование минерализованных вод для орошения.М. 1973.с.46-66.
2.Беспалов Н.Ф.,Маллабаев Н.И.,Бобокулов Х.,Абдурахмонов Х.,Юсупов М. Использование для орошения хлопчатника и промывки засоленных почв Узбекистана минерализованными водами (Дренажные и подземные).Мелиорация и орошения в хлопководстве.Т.1980. с. 3-15.

3.Тураханов Н.Солевой режим почвы в зависимости от минерализации поливной воды доз удобрений.
В кн: Мелиорация и орошения в хлопководстве.Т.1980.с.39-44.
4.Юлдашев Г.Изменение свойств почв под влиянием поливов минерализованными водами.Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук.Т.1978.24-с.

КУЗГИ БУҒДОЙНИ ЎҒИТЛАШДА НАВ ХУСУСИЯТИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Каримов Хаитоли Хурсанович
Термиз давлат университети
Экология ва тупроқшунослик кафедраси, ўқитувчи

Аннотация: *Ушбу мақолада Республикамиз тупроқ иқлим шароитидан келиб чиқиб, кузги бугдой навларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш борасида, қатор агротехник тадбирлар орасида минерал ўгитларни қўллаш тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.Бунда бугдойнинг серҳосил навларини етиштириш, ундан юқори ва сифатли ҳосил олишда навларнинг минерал озиқланиш меъёрини аниқлаш учун турли ўгит меъёрларини қўллаш шунга мувофиқ ўгитнинг мақбул тизимини ишлаб чиқиш илмий асосланган.*

Калит сўзлар: *Кузги бўгдой, ҳосилдорлик, палавчанка, минерал ўгит, сугориладиган типик бўз тупроқлар, нав.*

ПРИ УДОБРЕНИЕ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ ПРИНИМАТЬ ВО ВНИМАНИЕ ОСОБЕННОСТИ СОРТА

Каримов Хаитоли Хурсанович
Термезский государственный университет
кафедра экология и почвоведение, преподаватель

Аннотация: *В данной статье рассматривается система внесения минеральных удобрений среди ряда агротехнических мероприятий с целью получения высоких и качественных урожаев сортов озимой пшеницы с учетом климатических условий республики. В то же время с научной точки зрения оправдано использование различных стандартов удобрений для определения нормы минерального питания при возделывании высокоурожайных сортов пшеницы и для получения более высоких и лучших урожаев.*

Ключевые слова: *Озимая пшеница, плодородие, палавчанка, минеральные удобрения, типичные песчаные почвы, сорт.*

WHEN FERTILIZING WINTER WHEAT, TAKE INTO ACCOUNT THE CHARACTERISTICS OF THE VARIETY

Karimov Xaitoli Xursanovich
Termez State UniversityDepartment of Ecology and Soil Science, Lecturer

Annotation: *This article discusses the system of applying mineral fertilizers among a number of agro technical measures in order to obtain high and high-quality yields of winter wheat varieties, taking into account the climatic conditions of the republic. At the same time, from a scientific point of view, it is justified to use various standards of fertilizers to determine the standard of mineral nutrition in the cultivation of high-yielding varieties of wheat and to obtain higher and better yields.*

Keywords: *Winter wheat, fertility, the palavchanka, mineral fertilizers, typical sandy soils, variety.*

Республикамиз қишлоқ хўжалигининг иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш дастуридан кенг ўрин олган ўта муҳим масалаларидан бири,бу ҳозирги кунда суғориладиган майдонларда кузги буғдой етиштиришнинг энг мақбул агротехнологияларидан фойдаланишдир. Бугунга қадар Тошкент вилояти суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой навларининг генотипик хусусияларини ҳисобга олиб,ўғит қўллаш тизимини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган [1].

Шу муносабатлар билан биз суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида турли кузги буғдой навларини етиштириш ва ҳар бир навнинг генотипик хусусият-ларини ҳисобга олиб,ўғит қўллаш тизимини ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўйдик.

Дон мустақиллигининг барқарорлигини таъминлаш учун ғаллакорларимиз олдида ҳар хил иқлим шароитларига мос келадиган ва потенциал ҳосилдорлиги юқори бўлган навларни танлаб олиб, ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш сингари долзарб,маъсулиятли вазифалар турибди. Бу эса суғориладиган майдонларда максимал сифатли дон етиштириш имконини беради. Бунинг учун албатта навнинг минерал озиқланиш генотопик хусусияти,тупроқ-иқлим шароитларни ҳисобга олиш ва агротехнологияларни ишлаб чиқиш зарур [2].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки,ҳозирги кунда ўғит самарасини кўтариш учун ҳар бир тупроқда экилаётган навнинг ўғит миқдори ва нисбатига талабини ўрганиб чиқиб, уни қўллаш муддати ва усулини аниқлаш лозим бўлди. Бунинг учун ҳар бир тупроқ шароитида битта навга ҳар хил ўғит миқдори ва нисбатини турли муддат ва усулларда қўллашни ҳамда бир неча навни битта тупроқ ва битта ўғит миқдори ва нисбатида бир хил муддат ва усулда қўллашни турли тажрибаларда айниқса дала тажрибасида текширилиб кўриш услубий жиҳатдан тўғри йўл ҳисобланади.

Тадқиқотларни олиб боришдан асосий мақсад, Ўзбекистоннинг асосан суғори-ладиган тупроқларида кузги буғдой навларининг ўсиши, ривожланиши, озиқ моддаларни истъмол қилиши,улардан мўл дон ҳосили олиш,шу шароитда қўлланиладиган минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини кўтариш масалаларини ҳисобга оладиган нав коэффецентини ишлаб чиқиш ва ўғит қўллаш тизимини яратишдан иборат [3].

Тадқиқот вазифалари:

1.Тажрибалар ўтказиладиган майдондаги суғориладиган типик бўз тупроқларнинг сув-физик, мелиоратив ва агрокимёвий хоссаларини ўрганиш.

2.Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида турли хил кузги буғдой навларини дала тажрибасида синаб кўриш ва улар ҳақида маълумотлар тўплаш.

3.Минерал ўғитларнинг ҳар хил меъёри ва нисбатини кузги буғдой навининг ўсиши, ривожланиши, озиқа элементларни ўзлаштириши, ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотлар объекти сифатида суғориладиган типик бўз тупроқлар, минерал ўғитлар, озиқа элементларга талабчанлиги кузги буғдойнинг Таня, Ҳосилдор (Санзар-8), Паловчанка навлари, ҳар хил ўғитнинг варианти ва қайтариқлари.

Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг Таня, Ҳосилдор (Санзар-8), Половчанка ва бошқа навларнинг минерал ўғит меъёрлари ва нисбатига таъсирчанлиги дала тажрибаси шароитида ўрганилди. Дала тажрибаси; фенологик кузатувлар, тупроқ ва ўсимлик намуналари олиш «Методика полевых опытов» (Б.А.Доспехов, 1985) ва «Методика Государственного сорта испытания сельскохозяйственных культур» (1964) қўлланмалари асосида ўтказилди.Тупроқ ва ўсимлик намуналарининг кимёвий таҳлили «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии» қўлланмаси (1977) асосида таҳлил қилинди. Дала ҳосилининг математик таҳлили Б.А.Доспехов (1985) бўйича бажарилди. Кузги буғдойда минерал ўғитларнинг иқтисодий самарадорлиги Н.А.Баранов усулида (1980) аниқланди. Илдизнинг тупланиши Н.З.Станков усули билан ўрганилди[2].

Илмий тадқиқотдан кутилаётган натижалар:

1.Бир неча суғориладиган тупроқларининг сув-физик, мелиоратив ва агрокимёвий хоссалари ҳақида янги маълумотлар;

1.Минерал ўғитлар меъёри ва нисбатини тупроқ хоссаларига таъсири;

1.Ўғитларнинг ҳар-хил меъёри ва нисбатини ҳар хил кузги буғдой навларига таъсири;

1.Ўғитларнинг навлар ҳосилига таъсири;

1.Суғориладиган тупроқ-иқлим шароитида етиштирилган кузги буғдой навларининг минерал ўғитларга бўлган талабчанлигини кетма-кетлиги ўрганилади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйдагиларни хулоса қилиш мумкин:

1.Дала тажрибаси майдонининг тупроғи суғориладиган типик бўз,оғир механик таркибли, шўрланиш ва тақирга айланиш ходисаси кузатилмайди.Бир хил тузилишга эга лёссимон ётқизиқлардан ташкил топган.Ҳайдалма қатлам азот, фосфор ва калий билан ўртача таъминланган.Ҳайдалма ости қатлам эса фосфор билан кам,калий билан ўртача таъминланган. Гумус миқдори бир оз юқори. Тупроқда гумус миқдори юқоридан пастга қараб борган[4].

2.Ўрганилган типик бўз тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари иқлим,экилаётган ўсимлик ва қўлланилаётган сув,ўғит меъёрларига боғлиқ.Кузги буғдой навларининг вегетация давринг бошларида Ҳосилдор нави ўсган тупроқда азот,фосфор ва калий миқдори камроқ Таня ва айниқса Половчанка остида кўпроқлиги,вегетация охирида эса бунинг акси аниқланди[4,5]

3.Суғориладиган типик бўз тупроқларда экилган кузги буғдойларнинг уруғи ҳар хил униб чиқди. Назорат ва ўртача ўғит меъёрларида ҳар уччала (Таня, Ҳосилдор ва Половчанка) навларининг уруғи тез униб чиқди, айниқса Ҳосилдор навида бундай ҳолат аниқроқ кўринади. Ўғит меъёрларини кўпайиши билан барча навларда ҳам уруғларнинг униб чиқиши кечиқди. Кузги буғдойнинг Ҳосилдор навида вегетация даври бошларида ўсиш, ривожланиши ўртача ўғит меъёрларида юқори

кўрсаткичларга эга бўлди. Таня ва Половчанка навлари эса юқори ўғит меъёрларида ижобий натижа кўрсатди[5,6]

4.Кузги буғдой навлари ўсиши, ривожланиши ҳосил структура элементларининг шаклланиши турли навларда ҳар хил бўлди. Назорат ва юқори меъёрлардаги ўғит фонида Половчанка, сўнг Таня навларида юқори бўлиши кузатилди.Ҳосилдор нави эса ўртача ўғит вариантларида яхши ривожланди[7].

5.Кузги буғдойнинг Ҳосилдор нави ўртача, 4 вариант N_{200} P_{100} K_{100} кг/га ўғит меъёрларида 71,46 дон ҳосили, 93,43 ц/га сомон ҳосили, Таня нави юқори 6 вариант N_{200} P_{150} K_{150} кг/га ўғит меъёрларида яхши натижа берди. Таня навининг 72,94 дон ҳосили ва 98,41сомон ҳосили, Половчанка нави 7 вариантда N_{250} P_{150} K_{150} кг/га ўғит меъёрларида, 82,32 дон ҳосили, 99,99 ц/га сомон ҳосилини ташкил этди. Демак бу иккала навларининг Р ва К ўғитга талаби юқори экан.

6.Кузги буғдой навларининг ривожланиш даврида вегетация бошларида озиқа элементларнинг ютилиши Ҳосилдор навида бир оз фаолроқ вегетациянинг тупланиш давридан бошлаб эса камайиб бориши аниқланди. Половчанка, Таня навларида бунинг акси номоён бўлди. Ҳосилдор навининг Таня навидан 9 кун олдин, Половчанка навидан эса 4 кун олдин дони етилгани маълум бўлди [8].

7.Кузги буғдой навларида қуруқ массани тўпланиши Половчанка навида 7 вариант N_{250} P_{150} K_{150} кг/га ўғит меъёрларида, Таня навларида 6 вариантдаги N_{200} P_{150} K_{150} кг/га ўғит меъёрларида юқори. Ҳосилдор навида эса 4 вариант N_{200} P_{100} K_{100} кг/га ўғит меъёрларида қуруқ массанинг тўпланиши вегетациянинг бошидан охирига қадар барча ривожланиш даврларида ҳам паст кўрсаткичларни ифодалади[6,7,8]

Тавсиялар:

-Половчанка нави учун N_{250} P_{150} K_{150} кг/га ўғитнинг йиллик меъёрлари ва Таня нави учун N_{200} P_{150} K_{150} кг/га ўғитнинг йиллик меъёрлари тавсия қилинади.

-Кузги буғдойнинг Ҳосилдор нави Таня ва Половчанка навларидан ўсиши, ривожланиш жиҳатлари фарқ қилади. Сувга ва ўғит меъёрларига талаби камроқ. Ҳосилдор нави учун N_{200} P_{100} K_{100} кг/га ўғитнинг йиллик меъёрлари тавсия қилинади.

Ҳар уччала навга ҳам ўғитларнинг меъёрлари қўйидагича тақсимланади:

-Азотли ўғитларнинг йиллик меъёрларининг 20 % и экиш даврида,25 % и тупланиш даврида 35 % и найчалаш даврида 20 % бошоқлаш даврида берилади.

-Фосфорни ўғит йиллик меъёрларининг 60 % шудгор остида,20 % экиш даврида,20 % тупланиш даврида берилади.

-Калийли ўғит йиллик меъёрларининг 50 % шудгор остида,25 % экиш даврида,25 % тупланиш даврида берилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Абдурахмонов С.О.Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг “Санзар-8” навини экиш муддати,маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибининг унинг ўсиши,ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири.Қ.х.ф.н.дис. автореферат.–Тошкент:ЎзПИТИ, 2004.-15-16 б.

1.Атақулов Т.У.Янгидан суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида суғориш режимининг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири.Қ.х.ф.н. дис.автореферат. Тошкент:2003.-4-12 б.

1.Атоев Б.Қ.Кузги буғдой навларининг униб чиқишини тупроқ, нав ва ўғитга боғлиқлиги //Ўзбекистон биология журнали.Тошкент,2007 № 3.17 б.
1.Атоев Б.Қ.,Махаммадиев С.Қ., Сапаров Т.М. Кузги буғдой уруғини униб чиқишига ўғитлар меъёрининг таъсири.// ЎзМУ хабарлари Ўзбекистон Миллий Университетининг илмий журнали.–Тошкент:2012 й.3-№.66-69 б.
1.Ж.Сатторов,Б.Атоев.Кузги буғдой ҳосилининг структура элементлари //Ўзбекистон биология журнали.Тошкент,2009.-№2. 60-64 б.
1.Ж.Сатторов,Б.Атоев.Ўғитлар самарадорлигининг кузги буғдой навларига боғлиқлиги//ЎзМУ хабарлари Ўзбекистон Миллий Университетининг илмий журнали.-Тошкент:2010. №2/1.209-211 б.
1.Ж.Сатторов.Минерал ўғитларни қўллашнинг илмий асосини ривожлантириш// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали.–Тошкент, 2013. № 2. 23-24 б.
1.Сатторов Ж.С, Атоев Б.Қ, Маҳаммадиев С.Қ, Каримов Ҳ.Х. Кузги буғдой тупланишига ўғитлар меъёрининг таъсири//Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг маърузалари журнали.–Тошкент, 2013.№1.87-89 б.

ҒЎЗА ФОТОСИНТЕТИК АППАРАТИНИНГ ФАОЛЛИГИГА ЧИГИТГА ЭКИШДАН ОЛДИН ҚИЗИЛ НУР БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТАЪСИРИ

Мавланова Садбархон Абдукаримовна, Исматов Азамат Мўйдинович
Наманган давлат университети

Аннотация: *атроф-муҳит ҳарорати ўсимликларнинг ФСА (фотосинтетик аппарат фаоллиги) ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади. Фотосинтетик аппарат фаоллигининг энг кўп ўзгаришлари ўта юқори ва паст ҳароратларда кузатилади. Уруғларга экишдан олдин қизил нур билан ишлов бериш ўсимликнинг биологик фаоллигини оширишга имкон берди. Бу жараённинг механизми ўрганилганда хужайра ичидаги фитахромнинг активлашиши ва хлорафиллар сонини ошганлигини билдирди.*

Калитсўз: *ФСА (фотосинтетик аппарат фаоллиги), ЭТЗ (электрон-транспорт занжири), фитопатоген, фитоалексин, фотоэлектрокалориметр, элюациялаш, фитохром, флуоресценция.*

ВЛИЯНИЕ ОБРАБОТКИ ИК-ЛУЧАМИ ПЕРЕД ПОСЕВОМ СЕМЯН НА АКТИВНОСТЬ ФОТОСИНТЕТИЧЕСКОГО АППАРАТА ХЛОПЧАТНИКА

Мавланова Садбархон Абдукаримовна, Исматов Азамат Муйдинович
Наманганский государственный университет

Аннотация*: влияние окружающей среды оказывает ощутимое влияние на состояние активность ФСА (фотосинтетического аппарата) растений. Большие изменения в активности фотосинтетического аппарата наблюдаются при очень высоких и низких температурах. Обработка семян инфракрасными лучами перед посевом дала возможность повысить биологическую активность растений. При изучении механизма данного процесса показала активацию фитохрома и повышения количества хлорофилла внутри клетки.*

Ключевые слова: *активность ФСА (фотосинтетического аппарата), ЭТЦ (электрон транспортная цепь), фитопатогенный, фитоалексин, фотоэлектрокалориметрия, элюирование, фитохром, флуоресценция*

INFLUENCE OF TREATMENT WITH IR RAYS BEFORE SOWING SEEDS ON THE ACTIVITY OF THE PHOTOSYNTHETIC APPARATUS OF COTTON

Mavlanova Sadbarkhan Abdukarimovna, Ismatov Azamat Myudinovich
Namangan State University

Abstract*: environmental influences have a noticeable effect on the state of the activity of PSA (photosynthetic apparatus) of plants. Large changes in the activity of the photosynthetic apparatus are observed at very high and low temperatures. Infrared seed treatment before sowing made it possible to increase the biological activity of plants. When studying the mechanism of this process, it showed phytochrome activation and an increase in the amount of chlorophyll inside the cell.*

Keywords*: activity of PSA (photosynthetic apparatus), ETC (electron transport chain), phytopathogenic, phytoalexin, photoelectrocalorimetry, elution, phytochrome, fluorescence*

Мавзунинг долзарблиги: пахтачиликда ғўза ҳосилига зараркунанда-ҳашаротлар (ширалар, ўргимчаккана, ўсимликхўр каналар, тунламлар, трипслар ва б.) ва вилт қўзғатувчиси - Verticillium dahliae замбуруғи катта зарар келтиради [1]. Эволюция жараёнида ўсимликлар уларга қарши курашишнинг турли йўлларини ишлаб чиққанлар. Масалан, ўсимликлар фитопатогенлар учун заҳарли бўлган моддалар: алкалоидлар ва фитоалексинларни ишлаб чиқаради [2]. Ўсимликларнинг паразитларга чидамлилигини бошқарувчи омиллардан яна бири сўрувчи ҳашаротларнинг ҳужайра ширасини сўришига йўл қўймайдиган барг структураларининг [3] ёки ўсимлик тўқималарига замбуруғ тушишини қийинлаштирувчи илдиз структурасининг ривожланишидир [1].

Ўсимликларнинг фитопатогенларга қарши чидамлилигининг бу ва бошқа механизмлари ҳар доим ҳам юқори физиологик фаол даражада бўлмайди, балки турли стресс таъсирлар натижасида фаоллашади. Бундай таъсирлар ҳашаротларнинг баргларни механик зарарлаши, ўсимлик тўқималарини патоген замбуруғлар таъсирида касалланиши ва бошқа турли стресс омиллар бўлиши мумкин. Шунинг учун ўсимликларни зараркунанда- ҳашаротлар ва касалликларга чидамлилигини оширишнинг янада мукаммаллашган, иқтисодий самарадор ва экологик хавфсиз усулларини яратиш замонавий фан учун долзарб муаммо ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади: ғўзани сўрувчи зараркунанда-ҳашаротлар (иссиқхона оққаноти, шира, ўргимчаккана) ва фитопатоген замбуруғ – ғўзанинг вертициллёз вилт қўзғатувчисига чидамлилигини чигитга экишдан олдин биологик-фаол қизил нур ва паст частотали электромагнит майдони билан ишлов бериш ёрдамида ошириш механизми ва унинг амалий имкониятини ўрганиш.

Тадқиқотлар объекти ва предмети: тадқиқотлар объекти - турли нав ғўза ўсимликлари ва уларнинг чигити. Тадқиқотлар предмети – ғўзанинг фитопатогенларга индуцирланган чидамлилиги механизми.

Тадқиқот методлари: ғўза тўқималаридаги фитоалексинлар миқдорини ўрганиш.

Ғўза поясидаги фитоалексинлар миқдорини Авазходжаев М.Х. ва Зельцер С.Ш. [1] ишларида кўрсатилганидек ЎзР ФА Гненетика ва ўсимликлар биологияси институтида Г.М.Агаев билан ҳамкорликда ўргандик.

Пояларни пўстлоғидан тозаладик, майдаладик ва суюқ азот билан фиксация қилдик. Сўнг ундан 4 г тортиб олдик, 30 мл хлороформ қуйдик ва бир сутка туриши учун қоронғи жойда қолдирдик. Сўнг ҳосил бўлган таркибида фитоалексинлар бўлган хлороформли экстрактни қаттиқ қолдиқлардан фильтрлаб олдик ва паст ҳарорат (-50°С) да вакуум остида қуруқ ҳолга келгунича хлороформни буғлантирдик.

Қолдиқни 1 мл хлороформда эритиб олиб Kavalier фирмасида (Чехословакия) ишлаб чиқарилган UV-254 Силуфол пластинкасига суртдик. Пластинкаларни хроматография камераларига жойлаб бензол-метанол (9:1) эритувчилари системасида биркаррали ажратишни амалга оширдик. Бензол ва метанол сувсиз бўлиши лозим.Сув аралашганда система хира ва таҳлиллар учун яроқсиз ҳолга келади. Фен билан қуритилган хроматограммани ультрабинафша нурларда кўрдик ва флороглюцин (96 этанолда 2%) билан суратини чиқардик.

Изогемигоссипол ва госсипол-эквивалентини хроматограммадаги доғларни бензол-метанол (9:1) билан элюациялаш ва фотоэлектрокалориметрда кўк ёруғлик фильтрида ранг интенсивлигини ўлчаш орқали миқдорий аниқладик.

Ғўза баргидаги фитоалексинлар миқдорини Benedict C.R. et al. [5] ишида кўрсатилган методни модификациялаб б.ф.н. Тонких А.К (Ўзбекистон миллий университети) билан биргаликда ўлчадик.

Эндигина узилган баргларни суюқ азот билан музлатдик ва вакуум остида лиофил қуритдик. Сўнг қуриган баргларни чинни ҳавончада эзиб майдаладик ва 100 мг дан ўлчаб олиб 125 мл ли Эрленмейер колбасига жойладик. Ҳар бир колбага 10 мл дан гексан:этилацетат (3:1 v/v), 20 мл 10% HCl ва 15 мл стеклярус аралашмасидан қуйдик ва сўнгра колбаларни айланувчи шейкерга 30 мин.га жойлаштирдик. Экстрактни фильтрладик ва барг қолдиқларини яна бир марта 5 мл гексан:этилацетат (3:1 v/v) аралашмаси билан ювиб фильтрладик. Иккала экстрактни аралаштирилиб роторли буғлантирувчи ускунасида буғлантирдик.

Қолдиқни 1 мл гексан:этилацетат (3:1 v/v) аралашмасида эритиб олиб Kavalier фирмасида (Чехословакия) ишлаб чиқарилган UV-254 Силуфол пластинкасига суртдик. Пластинкаларни хроматография камераларига жойлаб изопропанол: ацетонитрил: H_2O: этилацетат (37:22:41:6,5 мл) эритувчилари системасида биркаррали ажратдик. Фен билан қуритилган хроматограммани ультрабинафша нурларда кўриб, флороглюцин (96 этанолда 2%) билан суратини чиқардик. Энг тўқ бўялган доғ таркибида гелиоцид, очроқ бўялганида – госсиполон ва янада оч бўялганида – госсиполлар бўлади.

Умумий фитоалексинлар миқдорини хроматограммадаги доғларни изопропанол: ацетонитрил: H_2O: этилацетат (37:22:41:6,5 мл) аралашмаси билан


элюациялаб, сўнг СФ-26 спектрофотометрида ранг интенсивлигини 550 нм да оптик зичлиги бўйича ўлчаш орқали аниқладик.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Ўсимликлар ва фитопатоген организмларнинг ўзаро муносабатининг физиологик-биокимёвий жиҳатларига бағишланган тадқиқотларда инфекция фотосинтез билан боғлиқ бўлган жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланган [4, 6]. Кўрсатилишича [2], фотосинтетик фаолликнинг сусайиши замбуруғ патогенларининг ғўза фотосистемасининг ўзига ҳам, фотосинтетик аппаратнинг электрон-транспорт занжирига ҳам кўрсатадиган салбий таъсирига боғлиқдир.

Фитохром системаси–ўсимлик ҳаёт фаолиятининг эндоген кўп функцияли бошқарувчисидир. Ўсимликнинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабатини бошқариш асосида асосан пигментнинг нофаол Рк-шаклидан фаол Рдк-шаклга фотоқайтарилиши ётади.Уруғлар ва ўсимликларни қизил нур билан нурлантириш орқали фитохром системасини фаоллаштириб турли физиологик жараёнларни, шу жумладан, атроф-муҳитнинг салбий таъсирларига чидамлилигини бошқариш мумкин [6].

Мазкур бўлимда вертициллёз вилт билан касалланган ғўза ФСА нинг чидамлилигига чигитларга қизил нур билан ишлов беришнинг таъсирини ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотларимизнинг натижалари келтирилган. Ўсимликларнинг вертициллёз вилт билан касалланишга чидамлилигини ғўза барги фотосинтетик аппарати фаоллигини лазер билан индуцирланган флуоресценциясини ўлчаш методи бўйича баҳоладик. Бинобарин, бунда хлорофиллнинг паст температурали ЛИФ методи кўпроқ сезгирликни кўрсатди.

Тажрибаларни ғўзанинг “Орзу” навида ўтказдик. Ўсимликларни V.dahliae Kleb замбуруғи 2 расасининг дозаланган инокулюми билан 4-5 чинбарг фазасида сунъий касаллантирдик. Назорат сифатида поясига капилляр орқали сув юборилган ўсимликларни олдик.



Изоҳ: 1–назорат; касаллантирилгандан кейинги: 2–учинчи, 3–бешинчи, 4–саккизинчи,5–ўн биринчи кунлар.

1-расм. “Орзу” ғўза нави барги флуоресценция спектрларининг хона ҳарорати (I) ва 77 К (II) даги типик спектрлари.

1-расмда хона ҳарорати ва намунани суюқ азотда 77 К гача музлатилган вақтдаги барг флуоресценцияси спектрларини ўлчаш бўйича натижаларимиз берилган.


Флуоресценция спектрларидаги ўзгаришларни I_{690}/I_{732} интенсивликларининг нисбати бўйича назорат қилдик. Ҳар бир гуруҳдаги ўсимликларнинг ўртача натижаларидан маълум бўлишича, касалланишдан кейин I_{690}/I_{732} нисбати 3-кунга келиб назоратга нисбатан ортади, 5-куни меъёрига қайтади, сўнг яна кўтарилади ва 11-куни I_{690}/I_{732} катталиги 3-кундагига қараганда юқори бўлади. Касалланган ўсимликлар учун I_{690}/I_{732} нисбатини меъёрига қайтишини, афтидан уларнинг бирмунча вақт касаллантирувчи омилга мослашганлиги билан тушунтириш мумкин, чунки ўсимликнинг патоген билан ўзаро таъсирига хўжайин ва паразит томонидан мослашувчанлик реакциялари деб қараш мумкин.

Флуоресценция интенсивлигининг 690 нм да ортишининг сабаби I ФС ва II ФС ўртасидаги участкада мембранага ўрнашиб олган замбуруғлари метаболитларини электрон-транспорт занжирини бузиши бўлиши мумкин. Бунинг оқибатида II ФС қайта тикланиши рўй беради ва у қўзғалган молекулалар энергиясини люминесценцияга сарфланишига ёрдам беради. I ФС люминесценциясини акс эттирувчи чўққи интенсивлигининг 732 нм да назоратга нисбатан пасайиши унинг бузилиши оқибатида сонининг камайиши ёки тилакоидлар мембранасига таъсир қилганда ЁЙК фосфорланишининг бузилганлиги ва протон градиентининг камайганлиги, демак, АТФ синтезининг ҳам камайганлигидан далолат беради.

Маълумки, атроф-муҳит ҳарорати ўсимликларнинг ФСА ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади. Фотосинтетик аппарат фаоллигининг энг кўп ўзгаришлари ўта юқори ва паст ҳароратларда кузатилади. Масалан, барглар суюқ азот ҳароратигача музлатилганда фотосинтетик жараёнлар бутунлай тўхтайди, қўзғалиш энергияси эса деярли тўлиқ флуоресценцияга сарфланади. Шунинг учун кучли музлатилган баргларнинг *ЛИФ* ўлчаш орқали *V.dahliae* замбуруғи билан касалланган ғўза ФСА ҳолати тўғрисида нафақат қўшимча, балки янада аҳамиятли маълумотни олиш мумкин.

Назоратдаги намунанинг паст ҳароратли флуоресценциясининг спектрлари $I_{690} < I_{732}$ чўққилари интенсивликларининг тескари нисбати билан характерланади.

Касалланган кейин 11-кунга келиб қисқа тўлқинли чўққининг интенсивлиги узун тўлқинли чўққи интенсивлигидан катта бўлади, унинг ўзи эса 10 нм янада қисқароқ тўлқин узунликлари томонига (тахминан 680 нм) силжийди. Паст ҳароратли флуоресценция спектрларидаги бундай сезиларли ўзгаришлар патологияларда, афтидан ЁЙК фосфорланишини чекланиши ёки хлорофилл-оқсил комплексининг узун тўлқинли шаклларининг бузилиши оқибатида рўй беради.



Изоҳ: 1–690 нм тўлқин узунлигидаги назорат, 2–690 нм тўлқин узунлигидаги касалланиш, 3-732 нм тўлқин узунлигидаги назорат, 4–732 нм тўлқин узунлигидаги


касалланиш. Ўртача катталикларнинг ишончлилик эҳтимоллиги интервали 95% дан кам эмас ($P \leq 0,05$).

2-расм. Ғўзанинг "Орзу" навини касаллантириш муддатига боғлиқ ҳолда ЛИФ нинг спектрал (А) ва индукцион (В) эгриликлари кўрсаткичларинингўзгариши.

Патологик ҳолатларда ЁЙК фосфорланишининг чекланиши мослашувчанлик аҳамиятига эга бўлиши ҳам мумкин. ЁЙК таркибида виолоксантинни зеаксантинга айланиши механизми йўли билан эркин-радикал оксидланишни тўхтатиш хусусиятига эга бўлган каротиноидлар мавжуддир. Замбуруғ метаболитлари II ФС ва I ФС орасидаги участкаларда электрон транспортини блок қилганида II ФС реакцион марказига келадиган энергия сарфланмайди, бунинг натижасида I_{O2} ҳосил бўлиши мумкин. Каротиноидларнинг мавжуд бўлиши мембрана бузилишини бир неча муддатга тўхтатади.

Зарарловчи омил таъсирида пигментларнинг узун тўлқинли шаклларини бузилиши тўғрисидаги тахминлар ҳақиқатга яқинроқдир. Маълумки [22], пигментларнинг узун тўлқинли натив шакллари қисқа тўлқинли шаклига қараганда молекулаларнинг йирикроқ агрегатларидир. Демак, патоген метаболитлари хлорофилл агрегатларини бузганида биринчи навбатда узун тўлқинли шаклларни тикланиши қийинлашади, натижада флуоресценция спектрининг узун тўлқинли областида чўққининг пасайиши кузатилади.

Флуоресценция кинетикаси ЭТЗда рўй берадиган жараёнларни акс эттиради. Кинетик эгриликларни баҳолаш ва солиштириш учун (Fp-Fo)/Fp катталигидан фойдаландик. Бу ерда Fp–ФИ максимуми амплитудаси, Fo–стационар даражанинг амплитудаси. Иккала тўлқин узунликлари учун (Fp-Fo)/Fp нисбати ўсимлик зарарланишининг биринчи босқичларида деярли ўзгармади, 8-кунга келиб, 690 нм тўлқин узунлигидаги кинетика учун ҳам, 732 нм тўлқин узунлигидаги кинетика учун ҳам сезиларли камайди. Демак, замбуруғ патогенлари ғўза фотосинтетик аппарати фотосистемаларининг ўзига ҳам, ЭТЗ га ҳам таъсир қилади.



Касалланишдан кейинги кунлар

Изоҳ:1–назорат,2–касалланиш, 690 нм (Б) ва 732 нм (В) тўлқин узунликларида ўлчанган; 3–касалланиш, чигитлар аввал қизил нур билан нурлантирилган. Ўртача катталикларнинг ишончлилик эҳтимоллиги интервали 95% дан кам эмас ($P \leq 0,05$).

3-расм.Ғўзанинг "Орзу" навини касаллантириш муддатига боғлиқ ҳолда ЛИФ нинг спектрал (А) ва индукцион (Б,В) эгриликлари кўрсаткичларининг ўзгариши.

Чигитларга ҚН билан ишлов бериш ғўза вилт билан касалланганида ФСА фаолиятини фитохром орқали назорат қилинишида билинади. Масалан, фотостимулланган ўсимликлар баргининг ЛИФ спектрларида I_{690}/I_{732} нисбати кузатувимиз давомида деярли ўзгармади (3.13 А-3-расм), бу эса замбуруғ билан касалланмаган соғлом ўсимликларнинг люминесценцияси учун характерлидир.

ЛИФ спектрларини суюқ азот ҳароратида ўлчаганимизда ҳам, 690 нм ва 732 нм даги чўққиларнинг нисбати ва қисқа тўлқинли чўққи силжишида ҳам, ўзгариш бўлмади. Бундай ўзгаришлар фотоишлов берилмаган уруғлардан ўсган касалланган ўсимликларда кузатилган (3-расм).(Fp-Fo)/Fp нисбатининг катталиги бўйича ўлчанган флуоресценция кинетикасининг ўзгаришлари 690 нм тўлқин узунлиги учун ҳам, 732 нм тўлқин узунлиги учун ҳам аниқланмади. Бу ҚН билан ишлов берилганда патогеннинг зарар келтирувчи таъсир кўрсатмаслигидан далолат беради.

Шундай қилиб, натижаларимиз асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин: 1-ғўза вилт билан касалланган вақтида ФСА функционал ҳолатини баргларнинг суюқ азот ҳароратида ўлчанган ЛИФ методи ёрдамида назорат қилиш нисбатан самаралидир. 2 - ғўза вертициллёз вилт билан касалланганида чигитларда фитохромнинг фотоактивацияси хлорофиллнинг узун тўлқинли натив шаклларини бузилишини ва фотосинтетик аппарат электрон-транспорт занжирининг блок қилинишини олдини олади.

Фойдаланган адабиётлар

1.Нерозин С.А. Борьба с вредителями и болезнями хлопчатника. Брошюра Проекта «Интегрированное управление водными ресурсами в Ферганской долине.–Ташкент: НИЦ–МКВК, 2005.–21с.

2.Avazkhodjaev M.Kh., Zeltzer S.S., Nuritdinova H., Raviprakashi G.Dani. Phytoalexins as a factor in Wilt Resistance of Cotton // In: Handbook of Phytoalexin Metabolism and Action.–New York–Basel–Hong Kong: Marcel Dekker Inc., 1995. – P.129 –160.

1.Ле Диуен Анх, Клят В.П., Абдуллаев А.А. Об устойчивости хлопчатника к хлопковой тле Aphis gossypii Glov. // Доклады АН РУз.–Ташкент, 1994.–№ 8.–С.46 - 47.

2.Авазходжаев М.Х.,Зельцер С.Ш. Физиологические факторы вилтоустойчивости хлопчатника.–Ташкент:ФАН, 1980.–22 с.

2.Benedict C.R., , Martin G.S., , Liu J., Puckhaber L., Magill C.W. Terpenoid aldehyde formation and lysigenous gland storage sites in cotton: variant with mature glands but suppressed levels of terpenoid aldehydes// Phytochemistry–2004.–V.65, № 8.–P. 1351-1359.

2.Naik M.K., Horemathe P.C., Hiremath S.U. Postinfectional changes in the betel vine leaves infected with colletotrichum gloeosporiodes // Indian Phytopathol.– 1988.–V.4, № 3.–P.370-372.

САНОАТ ҲУДУДЛАРИНИНГ ТУПРОҚ СУВЎТЛАРИ (АНДИЖОН ШАҲРИ МИСОЛИДА)

Мамасолиев Сардорбек Турсинович
Андижон давлат университети катта ўқитувчи,
Мўминова Раъно Набиджановна
Қўқон давлат педагогика институти доценти

Аннотация: *Мақолада Андижон шаҳрининг антропоген ва техноген таъсир юқори бўлган саноат ҳудуди тупроқларида учрайдиган сувўтларининг таксономик ва экобиоформа таҳлили ҳақида маълумотлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *Шаҳар, саноат, антропоген, сувўти, таксономик, экобиоформа.*

ПОЧВЕННЫЕ ВОДОРОСЛИ ПРОМЫШЛЕННОЙ ЗОНЫ (НА ПРИМЕРЕ Г.АНДИЖАН)

Мамасолиев Сардорбек Турсинович
Старший преподователь Андижанского государственного Университета
Мўминовой Раъно Набиджановна
Доценти, Қўқон давлат педагогика институти

Аннотация: *В статье дается обзор таксономического и экобиоформного анализа водорослей в промзоне антропогенных и техногенных зон города Андижана.*

Ключевые слова: *Городской, промышленность, антропогенный, водный, таксономический, экобиоформ.*

SOIL ALGAE OF THE INDUSTRIAL ZONE (ON THE EXAMPLE OF ANDIJAN)

Mamasoliev Sardorbek Tursinovich
Senior Lecturer, Andijan State University
Mўminova Rano Nabidjanovna
Associate Professor, He Davlat Pedagogy Institute

Annotation: *The article gives an overview of the taxonomic and ecobioform analysis of algae in the industrial zone of the anthropogenic and technogenic zones of the city of Andijan.*

Keywords: *Urban, man-made, industry, aquatic, taxonomic, ecobioform.*

Тупроқдаги сувўтлар турларидан иборат жамоанинг кўрсаткичлари кўп холларда мазкур ҳудуддаги корхона ва муассасанинг ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳусусиятлари, технологияси, унда фойдаланилаётган хом ашёга ҳам боғлиқ. Тупроқни оғир металларнинг тузлари ва турли органик ва органик бўлмаган характердаги кислоталар билан ифлосланиши унда яшил сувўтларнинг кўпроқ ривожланишига сабаб бўлган[1,2,4,5]. Нордонлашган тупроқларда ва органик моддалар билан ифлосланиши анча кўп бўлган жойларда кўкяшил сувўтларидан иборат альгогурухлар кўпроқ учради[3,6,7].

Тадқиқот объекти ва методлари

Тупроқлардаги сувўтларнинг систематик, таксономик таркибини ўрганишда Fritsch a John (1942) нинг “тупроқ культураси” методидан [1] фойдаланилди

(Голлербах, Штина ва бошқ.). Альгофлораси таркиби ўрганиладиган тупроқлардаги таксономик таркибни янада тўлароқ ўрганиш мақсадида “сув культураси” деб аталадиган метод ҳам қўлланилди [1,5,9,10]. Бундан ташқари, Л.А.Гайсина (2008) нинг “Современные методы выделения и культивирования водорослей” услубий қўлланмасидан фойдаланилди [6,7,8].

Андижон шаҳри саноат ҳудуди тупроқларида тарқалган сувўтларнинг тарқалиши қонуниятлари бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Бунинг учун ҳар бир саноат ҳудуд деб ҳисобланган жойлардан намуналар олиниб ўрганилди. Намуналар тупроқ юзасидан 0–2 см қалинликда олинди. Таркибидаги сувўтлари ўрганиладиган тупроқ стерилланган Петри идишига солинди. Унга минералли суюқ озиқ қуйиб, қопқоғини ёпиб, ёруғ тушиб турадиган жойга қўйилди. Хона ҳарорати 25–30°С бўлиб, сувўтларидан ҳосил бўлган ғуборлар 10–12 кунда (баъзан эртароқ) пайдо бўлди[1,8,10].

Натижа ва унинг муҳокамаси

Андижон шаҳри саноат корхоналари, фирмаларнинг ҳудудларидаги тупроқлардан олган намуналаридаги сувўтлар 95 турдан иборат. Систематик жиҳатидан улар 5 бўлим, 6 синф, 16 тартиб, 34 оила, 44 туркумга мансублиги аниқланди.

1-жадвал

Саноат корхоналари жойлашган ҳудуд тупроқлардаги сувўтларнинг таксономик таркиби

Бўлимлар	Таксонларнинг сони, фоизи										жами фоиз улуши
	синфлар	%	тартиблар	%	оилалар	%	туркумлар	%	турлар	%	
Cyanophyta	1	14.28	2	12.50	9	26.47	13	29.54	44	46.32	46,3
Chlorophyta	3	42.85	9	56.25	17	50.0	20	45.45	31	32.63	33,0
Xanthophyta	1	14.28	2	12.50	3	8.82	3	6.82	4	4.21	4,2
Euglenophyta	1	14.28	1	6.25	1	2.94	2	4.54	3	3.16	3,2
Bacillariphyta	1	14.28	2	12.50	4	11.76	6	13.64	13	13.68	13,7
Жами	7	100	16	100	34	100	44	100	95	100	100

Cyanophyta бўлимига мансуб таксонлар 44 тур ва тур хилларидан иборат бўлиб, 46% ни, Chlorophyta бўлимининг таксонлари 31 турдан иборат бўлиб, 33% ни ташкил қилади. Bacillariophyta бўлимига мансуб таксонлар кам, улар 13 турдан иборат бўлиб, 14% ни ташкил қилади. Xanthophyta ва Euglenophyta бўлимларидан 4 ва 3 турдан қайд этилди.

Саноат корхоналари, фирмалар жойлашган ҳудудлар тупроқларидаги биологик хилма – хиллик ўрганилган бошқа ҳудудларга нисбатан анча кам. Бу ҳудудда 7 синф 16 тартибга, 34 оилага, 44 туркумга мансуб сувўтларнинг 95 тури аниқланди. Жами турни битта синфга тўғри келган ҳолати 13,57; бир тартибга 5,93;

бир оилага 2,79; бир туркумга 2,16 тур тўғри келади. Xanthophyta ва Eustigmatophyta бўлимларига мансуб таксонларнинг биологик хилма – хиллиги бошқа бўлимларга нисбатан кам. Cyanophyta бўлимига мансуб таксонларни кенг тарқалганлиги, турли экологик ҳусусиятли тупроқларда ҳам биологик хилма-хиллик мавжудлигини исботлайди.

Саноат корхоналари, фирмалар жойлашган ҳудудларнинг тупроқларидан аниқланган таксонларнинг орасида турлар сони жиҳатидан кўп бўлган 3 бўлим: Cyanophyta бўлимидан *Phoridium autumnale, Ph. favosum, Microcoleus vaginatus, Lyngbya foveolaum; Bacillariophyta* бўлимидан *Hantzshia amphyoxys Navicula atomus, N. mutica; Chlorophyta* бўлимидан *Chlamydomonas* туркумининг турлари, *Chlorococcum humicala, Chlorella vulgaris* каби кокоид тузилишлилар кўп учради.

Турларининг кўплиги жиҳатидан 6 тартиб уларнинг орасида *Nostocales* 24 тур 1/4 қисмидан (25,0%) иборат. *Oscillatoriales* 20 тур билан иккинчи (21,0%) ўринда. *Naviculales* тартиби 11 тур билан (12,%) учинчи ўринда. *Chlorellales* ва *Chlorococcales* тартибларига мансуб турлар 6% га, *Volvocales* эса 5% ни ташкил этади. *Nostocales* ва *Oscillatoriales* тартиблари биргаликда 46% иборат. Кейинги уч тартибнинг сувўтлари 17% дан иборат.

Намуналаримизда яшил сувўтлардан коккоид тузилмали *Chlorococcales*, сарциноид *Chlorosarcinales*, монад *Chlamydomonadales*, трихоид *Oscillatoriales* тартибларининг тур ва тур хиллари кўп учради. *Nostocales* тартибининг вакиллари тур ва тур хилларини хилма – хиллиги яққол намоён бўлмаган бўлсада, улар ҳам намуналаримизда кўп учради.

Сувўтларнинг 3 ва ундан ортиқ турни ўз ичига олган оилаларни полиморф деб ҳисоблаганимизда улар 10 та, рўйхатдаги дастлабки 3 оила 38 тур ва тур хилларини (40,5%) ўз ичига олган. *Phormidiaceae* 14 тур (14,9%); *Nostocaceae* – 12 тур, (12,8%), *Anabaenaceae*-12 тур, (12,8%). *Pinnulariaceae, Desmidiaceae, Chlamydomonadaceae,* оилалари 15 тур ва тур хилларини жамлаб 15,9% дан иборат. Жами 34 оиладан қолган 24 оила 2-1 тур сувўтларидан иборат. Бу ўринда биологик хилма хиллик кўпдай бўлса ҳам уларнинг кўрсаткичлари кам.

2-жадвал

Саноат ҳудуди тупроқларидаги турлар сони кўп бўлган оилалар

Оилалар	даражаси	турлар сони	жами турлардан фоизи
Oscillatoriaceae	1	14	14,9
Nostocaceae	2-3	12	12,8
Anabaenaceae	2-3	12	12,8
Pinnulariaceae	5	5	5,3
Desmidiaceae	5	5	5,3
Chlamydomonadaceae	5	5	5,3
Stichococcaceae	7	4	4,3
Eustigmataceae	9	3	3,2
Chlorococcaceae	9	3	3,2
Klebsormidiaceae	9	3	3,2

Туркумларнинг биологик хилма хиллиги 44 турдан иборат. Бир туркумга ўртача 2 турдан бироз кўпроқ тўғри келади.

3-жадвал

Турлар сони кўп бўлган туркумлари

Туркумлар	Даража	Турлар сони	% ҳисобида
Phormidium	1	14	15,0
Lyngbya	2	5	5,5
Nostoc	3-5	5	5,3
Chlamydomonas	3-5	5	5,3
Licticola	3-5	5	5,3
Stichococcus	6	4	4,3

Систематик таркибда *Phormidium* 14 тур ва тур хилларидан иборат, жами альгофлоранинг 15% ни ташкил қилади. Иккинчи ўринда *Lyngbya* туркуми 5 тур 5,5% дан иборат. *Nostoc, Licticola, Chlamydomonas* туркумлари 5 турдан 15,9% ни, *Stichococcus* 4 тур билан 4,3% ташкил қилади. Бу туркумлар рўйхатидаги дастлабки икки туркум 19 тур ва тур хиллари билан ¼ қисмидан камроқни ташкил қилади. Аниқланган 44 туркумдан, етакчилардан ташқари 34 туркум 2 – 1 турдан улар альгофлоранинг 63,6% улушидандан иборат.

Аниқланган 95 турга мансуб тупроқ сувўтлари жами 10 габитус – хаётий кўринишларга эга. Уларнинг орасида кўкяшил сувўтларидан гетероцистаси йўқ, фақат вегетатив ҳужайралардан ташкил топган трихоид кўринишлилар барча намуналаримизда кенг тарқалган. Улар ксероморф тузилмали, антропоген таъсир кучли бўлган жойларда кўп учради. Бундай экстермал шароитда кўкяшилларнинг атмосфера азотини боғланган холга айлантира оладиган, трихомаси маржонсимон тузилишлар ҳамда намсевар диатомлар ва соясевар формалар тарқалган. Саноат ҳудудидан аниқланган сувўтлар биоформасининг умумий формуласи қуйидаги кўринишга эга: P_{26} Ch_{15} CF_{13} B_{13} X_{12} H_7 C_4 M_2 $amph_2$ $hydr_1$. Биоформа сувўтларнинг ҳар бирини фоиз улушидаги кўрсаткичлари қуйидагича: P-27,7%; Ch-15,62%; CF-13,54%; B-13,54%; X-12,5%; H-7,29%; C-4,16%; M-2,88%; amph-2,08%; hydr-1,04% .

Ушбу биоформа орасида P – форма бошқаларидан кўп бўлиб жами турларнинг 27,7% ни ташкил қилди. Ch, CF, B, X формалар жами альгофлора таркибида 53 тур 55,6% дан иборат.H, C, M, amph, hydr формаларнинг миқдори анча кам.

Андижон шаҳридаги биокимё заводи атрофи тупроқларидан олинган альгологик намуналардан 51 турга мансуб бўлиб, улардан Cyanophyta-25 тур (49%); Bacillariphyta-7 тур (13,7%); Xanthophyta – 2 тур (3,9%); Euglenophyta – 1 тур (2%); Chlorophyta–16 тур (31,4%) ташкил қилди. Бу ҳудуд тупроқларида ҳам Cyanophyta бўлимига мансуб турлар бошқаларидан кўпроғини ташкил қилди. Намуналаримизда *Phormidium autumnale, Nostoc commune, Microcoleus vaginatus, Hantzschia amphyoxys, Luticola mutica, Liticola nivalis, Navicula pelliculosa, Chlorococcum humicala* кўп учради.

Заводдан турли зарарли газлар атроф–муҳитга чиқарилади.Баҳор,куз пайтларида ҳаво намлиги юқори бўлган ҳолатларда тупроқ юзасида уни тўпланиши

рўй беради.Завод атрофидаги тупроқлардан олиган намуналаримиздан 37 тур аниқланди. Систематик жиҳатидан улар Cyanophyta–19 тур (51,4%); Bacillariphyta – 5 тур (13,5%); Xanthophyta–1 тур (2,7%); Chlorophyta–12 турдан (32,4%) иборат. Экобиформасининг формуласи қуйидагича: P_{12} Ch_9 CF_8 B_5 X_3. Аниқланган жами альгофлоранинг 31 тури (80%) иккита бўлимга мансуб. Bacillariphyta, Xanthophyta таксонлари 20% ни ташкил қилди. Xanthophyta бўлимидан битта тур аниқланди – *Pleurochloris pyrenoidosa.*

Андижон шаҳридаги машинасозлик заводи ҳудуди ичидаги асфальтланган жой атрофидаги тупроқ намуналаридаги альгофлора таркибидан 32 турга мансуб сувўтлар аниқланди. Улардан Cyanophyta бўлимига мансуб 5 тур (15,62%); Bacillariphyta 6 тур (18,75%); Xanthaphyta 2 тур (9,37%); Chlorophyta 17 тур (53,13%) ва бир тур Pyrophyta бўлимига мансуб. Биоформаси қуйидагича $P_{12}Ch_8CF_6B_4X_2$.

Аннотация. *Стратегическая цель современного бизнеса сегодня состоит не только в получении прибыли, но и в том, чтобы завоевать доверие потребителей и максимально удовлетворить их потребности. Для этого необходимо иметь возможность быстро диверсифицировать ассортимент продукции на основе закономерностей его жизненного цикла. В то же время ассортимент продукции определяется материально-техническим уровнем предприятия, а самоорганизация, которая постоянно ищет благоприятные рынки, обеспечит выживание и развитие основного критерия предприятия - рынка.*

Ключевые слова: *аграрный сектор, агропромышленный комплекс, инвестиции, конкуренция, природные ресурсы, предпринимательство.*

Annotation. *The strategic goal of modern business today is not only to make a profit, but also to win the trust of consumers and satisfy their needs as much as possible. To do this, you must be able to quickly diversify the range of products based on the laws of its life cycle. At the same time, the product range is determined by the material and technical level of the enterprise, and self-organization, which is constantly looking for favorable markets, will ensure the survival and development of the main criterion of the enterprise - the market.*

Key words: *agricultural sector, agro-industrial complex, investments, competition, natural resources, entrepreneurship.*

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр соҳанинг ривожланиши иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқлари ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, унга ушбу тармоқлар томонидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш орқали саноат

маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатига қўйиладиган талаблар билан бир қаторда, соҳанинг ўзини ўзи ривожлантира олиш имкониятлари, яъни етарлича даромад олиши ва унинг ҳисобидан соҳага инвестициялар жалб қила олиш талаблари қўйилади.

Агросаноат мажмуининг ишлаб чиқариш тизимидаги аҳамияти қуйидаги бир неча белгилар билан аниқланади:

- мамлакат иқтисодиётига бевосита таъсири;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тармоқлараро аҳамияти;
- республика аҳолисининг асосий қисми қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилиши сабабли, аграр соҳада тадбиркорликни ривожлантиришда ижтимоий манфаатнинг устуворлиги.

Шу нуқтаи назардан, аграр ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини изчиллик билан тадқиқ этиш соҳада тадбиркорлик субъектлари ҳамда уларнинг ташкил топиш жараёни ва ривожланиш босқичларини аниқлаб бориш имконини беради.

Аввалambор, аграр секторда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мутлақ мустақилликка интилиш, бир корхона доирасида бир нечта фаолият турлари билан шуғулланиш имкониятлари ҳамда бир маҳсулот ишлаб чиқариш моделига доимо таяниб бўлмаслиги каби ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради.Қуйидаги шарт-шароитлар:

- қишлоқ хўжалигида технологик қуролланиш даражасининг индустриал тармоқларга нисбатан пастлиги;
- юқори малакали кадрларнинг индустрлашган ҳудудларга миграциянинг юқорилиги туфайли, қишлоқ ишлаб чиқаришининг бундай кадрлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги;
- қишлоқ тадбиркорларида бозор муносабатларига оид зарур билим, тажриба ва кўникмаларнинг етарли эмаслиги;
- қишлоқ хўжалиги субъектларида ўзини-ўзи ташкил этиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимидан самарали фойдалана олмаслик;
- аксарият аграр соҳа тадбиркорлик тузилмаларининг маҳаллий бозорлар билан чекланиши, халқаро бозорларга чиқа олмаслиги;
- бозор ҳолати ва конъюнктураси тўғрисида етарли ахборотга эга эмаслик;
- тор йўналишларда маслаҳат ва таълим хизматларини кўрсатиш ҳажми ва сифатининг етарли эмаслиги ва бошқалар қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятида хўжалик юритиш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотларни олиб боришни долзарб қилиб қўймоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, турлари ва истеъмолининг ортиб бориши, рақобатнинг кучайиши бозорнинг маълум бир улушига эга бўлиш учун соҳа корхоналари фаолиятида хўжалик юритишнинг замонавий усулларини қўллаш асосида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Шундай йўналишлардан бири ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ҳисобланиб, уни энг аввало, соҳа корхоналари рақобат устунлигини таъминлаш, уларнинг табиий ресурслар (ер ва сув) ҳамда ўз иқтисодий, молиявий ва маънавий салоҳиятларидан

мак-симал фойдаланиш ҳисобига рақобатдошликка эришишини таъминловчи тадбирлар мажмуаси сифатида эътироф этиш мумкин. Демак, рақобатдошлик намоён бўлишининг асосий йўналишларидан бири – рақобатчиларникига ўхшаш маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг муайян сегментида рақобат устунликлари ҳисобига сотувлар ҳажмини кенгайтириш ўзгарувчан конъюнктурага мослашувга имкон яратади.

Бугунги кунда замонавий корхоналарнинг стратегик мақсади шунчаки даромад олиш эмас, балки кўпроқ истеъмолчилар ишончини қозониш ва уларнинг талабларини мумкин қадар тўлиқ қондиришга эришиш ҳисобланади.

Бунинг учун маҳсулотнинг ҳаётий цикли қонуниятлари асосида унинг ассортиментини тезкор диверсификациялаш имкониятига эга бўлмоқ лозим. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хилма-хиллиги корхонанинг моддий-техник даражаси билан белгиланиб, доимий равишда қулай бозорларни излашга қаратилган ўзини-ўзи ташкил этиш корхона фаолиятининг асосий мезони – бозорда жон сақлаб қолиши ва ривожланишини таъминлайди.

Иқтисодий атамашуносликда “диверсификациялаш” – ишлаб чиқаришда янги йўналишларни очиш ёки маҳсулотнинг янги турларини яратиш билан боғлиқ жараён сифатида талқин қилинади. Яъни, диверсификациялаш – бир-бири билан технологик жиҳатдан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш турларини бир вақтда ривожланиши ва маҳсулот турларининг кўпайишидир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш деганда, бир ёки бир неча хилдаги турдош маҳсулотни ишлаб чиқаришга таянган ишлаб чиқариш тузилмасидан, бир неча йўналишни ўз ичига олган, кенг турдаги ишлаб чиқариш тузилмасига ўтиш тушуниш мумкин.

Бир томондан, диверсификациялашга янги соҳаларни ўзлаштириш орқали корхонани ривожлантириш усули сифатида қаралса [4], ик-кинчи томондан, янги технологияларни жорий қилиш, янги бозорларга кириб бориш ва янги маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш жараёни сифатида ҳам қаралади. Албатта бу тадбирлар ҳаммаси инвестицияларни талаб этади. Шундай экан, диверсификациялаш корхона стратегиясини ўзгартириш ва унга эришининг асосий воситаларидан бири бўлиб юзага
чиқади [3].

Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқаришини диверсификациялашни уч асосий гуруҳга бўлиб ўрганиш илмий-амалий аҳамият касб этади деб ҳисоблаймиз (1-расм):

1) ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш жараёни;
2) янги фаолият турларини ўзлаштириш жараёни;
3) капитал таркибининг ўзгартирилиши ва кенгайтирилиши.

Диверсификациялашнинг стратегик афзалликлари бир неча омиллар билан таърифланади. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар:

- синергизм салоҳияти – бу бошқарувнинг ягона тизими ҳамда назорат ва мувофиқлаштириш ҳисобига турли фаолият турларининг ўзаро бирлашувида

кузатилувчи харажатларнинг қисқариши, шунингдек, капитал айланмасининг тезлашуви натижасидир;

- агробизнесни ахборотлар билан таъминланиш ҳолатини яхшилаш, маркетинг тадқиқотларининг интеграцияси;

- ишга оид алоқаларнинг доимийлиги, етказиб бериш кафолати ва турғунлиги ўз навбатида, маркетинг ва рекламага харажатларини тежаш имкониятини беради;

- технологиялар ўзгариши ҳисобига технологик ютуқ ҳамда ИТКТИни ҳамкорликда бажариш учувн қулай шароит яратади;

- таъминот каналлари, маркетинг, хизмат ва сифат даражасини ошириш бўйича бажариладиган иш ҳисобига маҳсулотларни солиштириш имкониятлари яратилади.

Шунингдек, диверсификациялаш эҳтимолдан йироқ бўлмаган рискларни ҳисобга олиш билан боғлиқ мантиқий характерга эга бўлиши шарт. Диверсификациялаш фаолиятини, бир томондан стратегик салоҳиятни амалга ошириш эҳтимоли билан, бошқа томондан эса мувозанатлашган иқтисодий ва технологик натижаларга эришиш йўли сифатида қабул қилиш керак. Бунда учта асосий муаммо юзага келади:

- янги бозорларга чиқиш харажатининг юқорилиги;

- шериклар танлаш ва диверсификациялашда мувозанатлашув ҳамда юқори мослашувчанликни корхона фаолиятига жалб этиш зарурияти;

- диверсификациялашнинг барча босқичларида инновацияларни татбиқ этиш Диверсификациялаш фақатгина корхонанинг қуйидаги тузилмавий бўлимлари мавжудлигида муваффаққиятли бўлиши мумкин [7]:

1. Мавжуд тузилма ва ишлаб чиқариш бўлимларининг имкониятлари доимий қидирувини амалга ошириш. Бу табиий равишда фаолиятнинг янги шаклларини ўзлаштиришга олиб келади.

2. Янги тадбиркорлик тузилмасини ташкил қилиш имкониятларини баҳолаш. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, мўлжалланаётган фаолият соҳаси диверсификациялашга қадар жозибадор бўлиши шарт эмас. Янги соҳага тўлиқ иқтисодий салоҳиятни аниқлагунга қадар ўтиш.

3. Диверсификациялашни амалга оширишда, асосий бизнес фаолиятида тўпланган амалий тажрибадан фойдаланиш. Бунда асосий мақсад қишлоқ хўжалиги корхонасининг кучайтирилган салоҳиятини шакллантиришдир.

4. Корпоратив бошқарув механизми (ходимларни рағбатлантириш, ҳудудий бўлинмаларни ташкил этиш, корпоратив маданиятни ривожлантириш) ҳисобига ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатини ифодалаш, диверсификациялаш таъсирида корхонанинг пароканда бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ходимлар ва корхона орасидаги ўзаро горизонтал боғлиқликни янада соддалаштириш учун мукаммал асос яратиш.

Ҳар қандай соҳа корхоналари каби қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашни келтириб чиқарувчи сабаблари бор бўлиб, уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича тизимлаштириш мумкин:

- тармоқнинг соҳа ва ҳудудлар кесимида нотекис ёки номутаносиб ривожланиши;

- фаолият ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларида рентабеллик ёки фойда даражасининг турличалиги;

- илмий-техникавий тараққиёт;

- ишлаб чиқариш тежамкорлигини таъминлаш;

- иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши ва кластерли иқтисоднинг шаклланиши;

- барча соҳаларда кескин рақобат муҳитининг шаклланиши;

- корхона ва ташкилотларнинг бозор улушини кенгайтиришга интилиши;

- молиявий мустақилликка эришиш;

- корхонанинг ишбилармонлик нуфузи ва имижини оширишга интилиши ва бошқалар.

Юқоридаги фикр - мулоҳазаларимизни умумлаштириган ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар қандай корхонада ишлаб чиқаришни диверсификациялаш алоҳида ўзига хос хусусиятга эга бўлсада, умумиқтисодиётни диверсификациялашнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўз навбатида, диверсификациялаш рақобат устунлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш таркибини модернизация қилиш ҳамда техник янгилаш орқали маҳсулотларнинг янги турлари билан ички ва ташқи бозорларга чиқиш каби иқтисодиётнинг устувор вазифалари ечимини ижобий ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда натижадорлик юритиладиган диверсификациялаш сиёсатига бевосита боғлиқ.Диверсификациялаш сиёсати ўз навбатида, стратегияни ишлаб чиқишни, бозорни таҳлил қилиш ва маркетинг операцияларини ўз ичига олувчи бир неча босқичлардан иборат.

Замонавий диверсификациялаш сиёсати янги маҳсулотлар ва янги технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни бозорда сотиш учун маркетингнинг прогрессив усулларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш ҳамда янги бозорларни эгаллаш имкониятини беради. Диверсификациялаш сиёсатининг натижадорлигини самара келтирувчи маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларда турли даражадаги ўзгаришлар сифатида кузатиш мумкин.Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, технологиянинг ривожланиши янгича бошқарув ҳамда маркетинг сиёсати билан биргаликда бориши лозим. Ушбу чора-тадбирлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Технологик инновацияларни юритиш шакллари ва янги бозорларни эгаллаш.

2. Истеъмолчилар фаоллигини рағбатлантиришнинг янги усуллари ишлаб чиқиш.

3. Комбинациялашган диверсификациялаш. Изланишларимиз шуни кўрсатадики, диверсификациялаш сиёсатига маркетинг сиёсати концепцияси асосида корхонанинг рақобатдошлик стратегиясини шакллантириш сифатида қараш мумкин. Демак, қишлоқ хўжалиги корхоналари диверсификациялаш сиёсатини бошқаришга маркетинг стратегияси орқали ёндашилиб, бунда асосан, маҳсулот етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчи нуқтаи назаридан ўрганилади.

Диверсификациялаш сиёсатининг муҳим шаклларидан бири - стратегик ҳамда тезкор сиёсат юритилиши ҳисобланади.

Омилларни бир бирига қарама-қарши икки йўналиш бўйича таснифлашни мақсадга мувофиқ деб топдик. Ўз навбатида, тизимга нисбатан бундай омилларни ички ва ташқи омил сифатида қараш мумкин.

Ушбу икки гуруҳ омилларининг ўзаро таъсири қанчалик бир-бирига мутаносиб бўлса, корхонанинг рақобат устунлиги кучаяди, бир-бирини инкор этса, аксинча таъсир кўрсатади.

М.Портер корхонанинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобат устунлиги, корхона жойлашган мамлакатда шаклланган шароитларга юқори даражада боғлиқ, яъни ишчи кучининг мавжудлиги, табиий ресурсларининг кўплиги, давлатнинг маҳаллий корхоналарга нисбатан протекционистик сиёсати, корхоналарни бошқарув амалиётидаги фарқлар ва бошқа омилларга боғлиқлигини асослаб берган. Бироқ, кўриб ўтилган омиллардан алоҳида олинган ҳеч бири корхонанинг рақобатдаги муваффақиятини белгилаб беролмайди, деган хулосага келади.

Олимнинг фикрича, рақобатдошлик ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги принципига асосланади ва бу принцип корхона даражасига ҳам, мамлакат иқтисодиёти даражасига ҳам бирдай тааллуқлидир.

Бир қатор иқтисодчилар рақобат муҳитидаги корхона муваффақиятининг асосий омилларига корхонанинг молиявий ҳолатини; илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун шароитлар мавжудлиги ҳамда уларга сарфланадиган харажатлар даражаси;

илғор технологияларнинг мавжудлиги;

юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси; маҳсулот ва нархни ўзгартириш қобилияти;

савдо тармоғининг мавжудлиги;

техник хизмат кўрсатиш ҳолати; кредитлаш имконияти; реклама ва савдони рағбатлантириш воситаларининг амалийлиги; ахборот таъминоти;

асосий харидорларнинг тўлов қобилиятларини киритадилар.

Диверсификациялаш сиёсатининг таркибий қисмларидан бири баҳо сиёсатини тўғри белгилай олиш рақобат устунлигини кучайтиради:

а) ресурс тежамкорлигига эришиш, яъни рақобатчиларга нисбатан маҳсулотни етиштириш ва қайта ишлаш харажатларини камайтириш;

б) ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;

в) бир вақтнинг ўзида маҳсулот таннархини пасайтириш, унинг ҳажми ва ассортиментини оширишга эришиш.

Ҳар учала ҳолатда ҳам баҳо ижобий таъсир этувчи ҳосилавий омил бўлиб юзага чиқади.Қишлоқ хўжалиги корхонаси диверсификациялаш сиёсати самарадорлигини таъминловчи омилларини таснифлаш тизимига бўлган умумий талабларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- таснифлаш тизими омиллар гуруҳларининг мумкин қадар тўлиқроқ рўйхатини қамраб олиши;

- корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши;

- жараёнларнинг динамиклиги туфайли янги омилларни киритишҳисобига тизимни кенгайтириш имконини таъминлаши лозим.

Ушбу тадқиқот вазифаларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги корхонаси диверсификациялаш сиёсатига таъсир қилувчи ташқи ва

ички омилларини гуруҳларга ажратиш таклиф қилинади (3-расм).

Самарали диверсификациялаш сиёсатини юритиш, омилларнинг корхона амалий фаолиятида қанчалик самарали қўлланилишига боғлиқ

бўлади. Бироқ, ушбу омилларнинг барчасини ҳам миқдоран баҳолаб бўлмайди, бу уларни жамланма баҳосини ҳисоблашни мураккаблаштиради. Бу мавжуд шароитларга мос бўлган кўрсаткичларни ишлаб чиқишнинг замонавий услубларини қўллаш заруриятини келтириб чиқаради.

Қайд этиш мумкинки, ҳеч бир корхона ишлаб чиқариш фаолиятини диверсификациялашсиз барқарор ўсиш суръатларига эга бўла олмайди. Яна шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, диверсификациялаш стратегияси доимий равишда ўзгартирилиб ва такомиллаштириб борилиши зарур. Янги вазиятга мослаштириш ишлари умумий ҳолда қуйидаги тадбирларни ўз ичига олиши мумкин:

– маҳсулотни табақалаштириш;

– технологияни ва маҳсулотни такомиллаштириш;

– янги сотиш тизимини ва каналларини яратиш, тажриба самарасини инобатга олиш;

– янги истеъмолчилар сегментларини топиш, фаолиятнинг географиясини кенгайтириш;

– баҳо пасайишига сезгир харидорларни ўзига жалб қилиш учун чегирмалар жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қудратов Ғ.Х., Акрамов Э. Реформирование сельского хозяйства Республики Узбекистан: Задачи принципы и основы направления реформ. // Сельское хозяйство Узбекистана. –Т.: 2000.- № 6. – С. 2-4;

2. Жўраев А.М., Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы –Т.: Узбекистан, 2002. – 766 с.;

3. Хусанов Р.Х., Дўстмуродов Р. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Андижон тажрибаси // –Т.: Янги аср авлоди. 2008. – 49 б.;

4. Чориев Қ.А., Хушматов Н.С. Деҳқон ва фермер хўжалигилари фаолиятини режалаштириш. – Т.: Шарқ, 2002. – 132 б.

5. Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж., Рашидов Ж., Тошбоев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент.Ўқув қўлланма. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2008й. -264 б.

6. Ҳусанов Р.Х. Деҳқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари. - Тошкент: Чўлпон, 2000. -103 б.;

ҲУДУДИЙ ИҚТИСОДИЙ-ЭКОЛОГИК ТИЗИМЛАР БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Рахмоназаров Пахловон Йигиталиевич
Фарғона политехника институти таянч докторант
Ахунова Маърифат Хакимовна
“Иқтисодиёт кафедраси” катта ўқитувчиси

Аннотация. *Ушбу мақолада иқтисодий-экологик тизимлар фаолиятини барқарор ривожланиши ва уни баҳолаш ёндашувлари ёритилган. Мақолада худудлар кесимида иқтисодий-экологик тизимлар ривожланиши таҳлили амалга оширилган ва аниқланган камчиликлар асосида зарур таклифлар келтирилган.*

Калит сўзлар*: иқтисодий - экологик тизимлар, барқарор ривожланиш, аҳоли турмуш даражаси, атроф-муҳит, иқтисодий - экологик тизимларни бошқариш, иқтисодий - экологик тизимларни баҳолаш, иқтисодий - экологик тизимларни ифодаловчи кўрсаткичлар.*

МЕТОДЫ ОЦЕНКИ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СТАБИЛЬНОГО РАЗВИТИЯ ЭКОЛОГО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ СИСТЕМ

Ферганский политехнический институт
Рахмоназаров Пахлавон Йигиталиевич, докторант
Ахунова Маърифат Хакимовна
Старший преподаватель кафедры «Экономика»

Аннотация: *В статье рассмотрены подходы для оценки и стабильного развития деятельности экономико-экологических систем. В статье осуществлён анализ развития экономико-экологических систем в разрезе регионов и представлены необходимые предложения на основе выявленных недостатков.*

Ключевые слова*: эколого-экономические системы, стабильное устойчивое развитие, уровень жизни населения, управление эколого-экономических систем, оценка эколого-экономических систем, показатели эколого-экономических систем*

THEORETICAL ASPECTS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF REGIONAL ECONOMIC ECOSYSTEMS AND ASSESSMENT METHODS.

Ferghana Polytechnic Institute
Rakhmonazarov Pakhlavon doctoral student
Akhunova Marifat
Senior Lecturer, Department of Economics

Annotation: *The article displays approaches for stable development and assessment for economic-ecological systems. There was made analysis of development of economic-ecological systems by regions and presented necessary solutions based on identified deficiencies.*

Key words*: economic –environmental system, sustainable development, environment, managing economic-environmental systems,evaluation of economic environmental systems, indicator of economic –environmental systems.*

Жамият ривожланиши, товар ва хизматларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёни доимий инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро алоқалар асосида амалга оширилади. Кишилик жамиятининг тараққиёти, хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолияти доимо атроф-муҳитга таъсир кўрсатади. Ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси барқарор ҳамда мувозанатли ривожланиш асосини ташкил этади. Бугунги кунда Жаҳон амалиётида барқарор ривожланишни таъминлаш бирламчи мақсадга айланди. Иқтисодий муносабатларни ўз ичига олган тизим доимо табиатга таъсир этиш асосида рўёбга чиқади. Яъни, иқтисодий тизим ва экология узлуксиз боғлиқликни ифодалагани ҳолда, бир-бирини инкор этиши ҳам табиийдир. Инсон табиатга таъсир қилиш баробарида иқтисодий фаолиятни амалга оширади. Бунда, иқтисодий самарадорликни доимий ошириш учун экологик мувозанатни сақлаш муҳим ҳисобланади. Яъни, иқтисодий ва экологик тизим ўзаро алоқасининг самарадорлигини таъминлаш муҳимдир. Жумладан, иқтисодиётда инновацион фаолиятни кенг жалб этиш асосида, ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик вазиятни барқарорлаштириш каби масалаларни ҳам таъминлаш зарур. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2015 йил 25 сентябрда қабул қилинган «Барқарор ривожланиш мақсадлари» доирасида экологик барқарорликни таъминлаш, иқтисодий тизим ривожланиш даржасини ошириш маслаларига эътибор қаратилган[14].

“Барқарор ривожланиш” тушунчаси атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Халқаро комиссия (Брутланд Комиссияси) томонидан 1987 йилда киритилган. Барқарор ривожланиш бу жорий эҳтиёжларни келгуси авлод талаб эҳтиёжларини хавф-хатарга қўймаган ҳолда қондиришдан иборатдир. Барқарор ривожланиш концепцияси жамиятнинг уч фаолият соҳасини (ижтимоий, иқтисодий, экологик) бирлашиши натижасида пайдо бўлган[11].

Экологик нуқтаи назардан барқарор ривожланиш биологик ва физик тизим барқарорлигини таъминлаши лозим. Бунда асосий эътибор экологик тизимларни ўзгаришларга мослашишни таъминлашдан иборат бўлади. Шундай бўлсада, табиий ресурсларни емирилиши, атроф-муҳит ифлосланиши ва биологик турларнинг йўқолиши экологик тизимни нобарқарорлигига таъсир этади ҳамда уларнинг тикланиш имкониятини йўқотади[8].

Экологик жараён кишиларнинг атроф-муҳитга муносабати асосида шаклланар экан, ушбу жараён чекланган ресурслардан самарали фойдаланишни назарда тутади. Бу эса, барқарорлик асосида иқтисодий-экологик тизимни бир бутун ўрганишни талаб этади.

Интеллектуал ресурслардан фойдаланмай, илғор фан-техника ва технология-лар ва инновацияларни фаол қўлламай туриб, иқтисодиётни мувозанатли ўсишига эришилмайди, ҳамда ҳудудларнинг иқтисодий-экологик тизимларини барқарор ривожлантиришни амалга ошириб бўлмайди.

Иқтисодий-экологик тизимларнинг барқарорлиги бу унинг ташқи таъсир натижасида ички муҳит элементлари орасидаги мувозанатни мустақил таъминлаш имконияти билан изоҳланади[5]. Умумий ҳолда эса, ташқи муҳитнинг салбий таъсирлари шароитида иқтисодий-экологик тизимлар ўз элементларининг

хусусиятлари, сифат ва миқдор хоссаларини ҳамда ўзаро алоқадорлигини сақлай олиши унинг барқарорлигини ифодалайди. Яъни, иқтисодий-экологик тизимлар ноқулай ташқи таъсирда ўз вазифаларини зарурий даражада бажарса барқарор ҳисобланади [10].

Шундай бўлсада, иқтисодий-экологик тизимларнинг барқарорлигини тадқиқ этган олимлар ўз изланишларида ушбу тушунчага турлича таъриф берадилар. Жумладан, иқтисодий-экологик тизимларнинг барқарорлиги – тизим ости элементлари ҳолатини тавсифловчи ўлчамлари мувозанатини ёки тизим ости элементларининг ўзаро алоқаси, уларнинг ташқи ва ички тасирларга бардош бера олиш имконияти ва кучидир[5].

Д.А.Мунро томонидан берилган таърифда, экологик тизимни ҳимоя қилган тарзда яшаб, аҳоли турмуш даражасининг сифати ортиши билан ривожланиб бориш барқарор дея, тавсифланади[9].

О.Л.Макаева фикрича, иқтисодий-экологик тизимлар барқарорлиги бу ҳудудий тизимнинг иқтисодий, технологик, демографик, ижтимоий, миллий, сиёсий ўлчамларининг барқарорлигидан иборатдир[7].

В.Н.Лексин ва А.Н.Швецовлар таърифида, иқтисодий-экологик тизимлар барқарорлиги остида мувозанатлик ва ижтимоий йўналтирилганлик шароитида минтақа салоҳиятини узоқ муддат такрор ишаб чиқариш учун сақланиши [4], деб ўтилган.

Е.В.Корчагина фикрича иқтисодий - экологик тизимлар барқарорлиги бу атроф-муҳитнинг ижтимоий, маданий ва экологик ўлчамларини сақлаган ҳолда бизнес-муҳит ўзгаришлари шароитида тизимнинг иқтисодий мақсадларнинг амалга ошириш даражаси имкониятларидир[3].

Бошқа бир манбада берилишича, ташқи ва ички омиллар таъсирида ўзининг ички алоқалари ҳамда амал қилиш тавсифини узоқ муддат сақлаш имконияти бўлиб, барқарор ривожланиш йўналишида жаҳон ҳамда мамлакат иқтисодиётининг барча ҳаракати иштирокчиси бўлишлиги билан асосланилади [5].

Демак, у ёки бу муаллиф тамонидан амалга оширилган изланишларда, берилган таърифлар марказида иқтисодий-экологик тизимни жамиятнинг иқтисодий ривожлантириш, атроф–муҳитни ўзаро таъсири ҳамда ўзаро боғлиқлиги назарда тутилмоқда. Бунда, асосий эътибор иқтисодий-экологик тизимлар таркиби ҳисобланган иқтисодий ва табиий ресурсларнинг боғлиқлигини ҳамда амал қилишини тавсифлашга қаратилган.

Шу билан бирга, ҳудудий иқтисодий-экологик тизимларга ҳам бир қатор муаллифлар таъриф бериб ўтишган. Жумладан, Т.А.Акимова ва В.В.Хоскин фикрича, чегараланган аниқ ҳудуд, техносферанинг қисми яъни, ижтимоий, табиий ва ишлаб чиқариш таркиби ҳамда энергия ва ахборот оқимлари ўзаро қўллаб-қувватловчи алоқадор жараёндир[1]. Ҳудудий ёки маҳаллий даражада иқтисодий-экологик тизимлар экосферанинг аниқ чегараланган минтақаси бўлиб, табиий-ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидан иборатдир [6].

Бугунги кунда, чекланмаган эҳтиёжларни ўсиб бориши атроф-муҳитга юқори даражада таъсир этиши билан тавсифланади. Шу билан бирга, ҳудуднинг ташқи ва ички ўзгаришлари шароитида иқтисодий-экологик тизимларнинг барқарорлиги

бошқариш самарадорлигига боғлиқдир. Яъни, иқтисодий-экологик тизимларни бошқариш унинг уч жиҳати бўлган иқтисодий, экологик ва ижтимоий элементларни бир вақтда самарали тарзда амал қилишини назорат қилиш ва тартибга солиш жараёнидир.

Иқтисодий-экологик тизимларни барқарор ривожлантиришни бошқариш, бу бошқаришнинг янги концепцияси бўлиб, ижтимоий, иқтисодий ва экологик тавсифдаги муаммоларни ҳал этишга қаратилганлиги билан тавсифланади [2].

Мазкур масала иқтисодий-экологик тизимларни хавфсиз бошқаришнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқишни талаб этади. Ўз навбатида, ушбу жараённинг якуний мақсади барқарор ривожлантириш концепциясига мувофиқ бошқаришнинг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиш ва такомиллаштиришдан иборатдир. Жумладан, иқтисодий-экологик тизимлар ҳудудий нуқтаи-назардан ўзининг маъмурий тузилишига эга ҳисобланади. Бошқа бир томондан эса, барқарор ривожлантириш масаласи ташкилий чора-тадбирларни талаб этади. Мазкур масалалар бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун иқтисодий-экологик тизимларни баҳолаш лозим.

Ҳудудларни иқтисодий-экологик тизимларининг барқарор ривожланишини тадқиқ этишда муаллифлар интеграл ва умумлашган индикаторлардан фойдаланишган. Жумладан, Н.Островский тадқиқотларида қуйидаги умумлашган кўрсаткичлар гуруҳидан фойдаланилган: а) экологик; б) иқтисодий; в) ижтимоий [13]. Шунингдек, О.Хохлова ва М.Будажанаевалар тадқиқотларида ҳам интеграл усулдан фойдаланилган ҳамда иқтисодий, ижтимоий, экологик кўрсаткичлар асосида баҳоланган [12].

Муаллифлар юқоридаги кўрсаткичлар гуруҳи асосида ҳудудий иқтисодиёт ривожланиши сифатининг интеграл кўрсаткичини (I) аниқлашнинг қуйидаги моделини таклиф этишган:

$$I = \sqrt[3]{I_1 I_2 I_3} \qquad (1)$$

Юқоридаги I_1, I_2, I_3 – кўрсаткичлар мос равишда иқтисодий, ижтимоий ва экологик кўрсаткичларни гуруҳлаштириш асосида олинган индекслар бўлиб, уларни аниқлаш учун қуйидаги тенглик таклиф этилган:

$$I_j = \frac{\sum_{i=1}^{n} y_{норм} i}{n} \qquad (2)$$

Бунда: I_j – иқтисодий, ижтимоий ва экологик соҳаларнинг ривожланиш индекси;

$y_{норм}$ – иқтисодий, ижтимоий ва экологик гуруҳларга киритилган ҳар бир кўрсаткичнинг меъёрий даражаси ҳисобланади.

Юқорида амалга оширилган тадқиқотлар асосида ҳудудларни иқтисодий-экологик тизимларнинг барқарор ривожланишини баҳолаш бўйича услубий ёндашув ишлаб чиқилди ((3)-(5) тенгликлар). Бунда, мавжуд статистик кўрсаткичлар базасидан келиб чиқиб, иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик мезонлардан иборат умумлашган кўрсаткичлар гуруҳи ўрганилди.

Ҳудудий иқтисодий-экологик тизимларнинг барқарор ривожланишини баҳолаш учун ҳар бир гуруҳга киритилган кўрсаткичларни қуйидаги тенглик асосида тегишли коэффициенти аниқланади:

$$K^{ij} = \frac{К^{ij}_{real} - К^{i}_{min}}{К^{i}_{max} - К^{i}_{min}} \quad (3)$$

Бу ерда, K^{ij} - j-худуддаги i-кўрсаткичнинг коэффициенти;

$К^{ij}_{real}$ - j-худуддаги i-кўрсаткичнинг миқдори;

$К^{i}_{max}$ – i-кўрсаткичнинг максимал миқдори;

$К^{i}_{min}$ - i-кўрсаткичнинг минимал миқдори.

Аниқланган коэффициентларни ўртача арифметик усул асосида умумлаштирилади. Ушбу усул асосида иқтисодий, ижтимоий ва экологик ҳолатлар бўйича иқтисодий-экологик тизимларнинг барқарор ривожланишини ҳисобланади. Яъни:

$$U^{j} = \frac{\sum_{i=1}^{n} К^{ij}}{n} \quad (4)$$

Бу ерда, U^{j} – j-худуд бўйича иқтисодий, ижтимоий ва экологик мезонлар.

Юқоридаги усул асосида аниқланган ҳар бир мезон бўйича коэффициентлар ҳудудлар бўйича ҳисобланади. Ҳудудларнинг иқтисодий-экологик тизимлар ривожланишини интеграл кўрсаткичлар асосида баҳолаш учун қуйидаги тенгликдан фойдаланилади:

$$U = \frac{U^{j}_{иқт} + U^{j}_{ижт} + U^{j}_{экол}}{3} \quad (5)$$


Бу ерда, U - ҳудудий ИЭТнинг барқарор ривожланишини интеграл кўрсаткичи.

Ўзбекистон худудларида иқтисодий-экологик тизимларнинг барқарор ривожланишини таҳлил қилиш учун 2005-2017 йиллардаги статистик маълумотлардан фойдаланилди. Шунингдек, иқтисодий жиҳатларини ифодалашда тегишли худудларнинг саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда инвестицияларнинг аҳоли жон бошига тўғри келган ҳажми ўрганилган. Ижтимоий мезонлар сифатида иш билан банд бўлганларнинг ўсиш суръати, ишсизлик даражаси ва аҳоли жон бошига даромадлар асосида тадқиқот ишларини амалга оширилди. Экологик кўрсаткичлар замирида эса, ерларнинг шўрланиш даражаси таҳлил этилди.

Юқорида ишлаб чиқилган баҳолаш методикаси асосида ИЭТнинг ривожланиш даражасини республика худудлари кесимида таҳлил қилинди. (1-расм).

Амалга оширилган таҳлил натижаларини ифодалашича, етакчи ўрин Тошкент шаҳри (0,637), Навоий (0,511) ва Қашқадарё (0,421) вилоятларига тегишли бўлса, энг кичик қийматлар Наманган (0,223), Самарқанд (0,24), Хоразм (0,24) ва Жиззах (0,245) вилоятларига тегишли бўлган. Қолган ҳудудлар ҳам 0,25-0,4 коэффициент бирликлари орасида бўлиб, қуйи даражадаги қийматларга яқин ҳолатни акс эттирган.

Ушбу таҳлил натижалари асосида хулоса қилсак, иқтисодий-экологик тизимларнинг барқарорлик индекси бўйича энг юқори кўрсаткичга эга ҳудудларда иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар даражаси юқори ҳолатларни акс эттирган. Иқтисодий-экологик тизимларнинг қуйи даражадаги кўрсаткичлари тегишли бўлган ҳудудларда эса, иқтисодий кўрсаткичлар энг кичик ҳолатларни ифодалаган.



Манба: муаллиф (3)-(5)-тенгликлар асосида ҳисоблаган.

1-расм. Ўзбекистонда ҳудудий иқтисодий-экологик тизимларининг барқарор ривожланиш ҳолати, коэффициент ҳисобида

Демак, республика ҳудудларида иқтисодий-экологик тизимларнинг барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар даражасини ижобийлаштириш учун тегишли ҳудудлардаги табиий-иқлим шароитларидан ҳамда салоҳиятидан максимал фойдаланишга эътиборни кучайтириш керак. Жумладан, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларида хизматлар соҳасини ривожлантириш лозим. Ушбу соҳа биринчи томондан ижтимоий кўрсаткичларни ижобийлашувини таъминласа, иккинчи томондан истеъмол моллари ишлаб чиқариш саноати ривожланишини, озиқ-овқат саноати кенгайишини таъминлайди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги юқори улушга эга ҳудудларда ушбу соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш билан боғлиқ фаолият юритувчи кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ҳамда ушбу соҳа экспортини кенгайтириш лозим. Шу билан бирга, саноат имконияти юқори бўлган, ишлаб чиқариш кучлари концентрацияси катта ҳудудларга инвестициялар киритишни, айниқса, тўғридан-тўғри инвестициялар даражасини кенгайтириш талаб этилади.

Адабиётлар

1. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. Человек – Экономика – Био – среда: Учебник для вузов. -2-е изд., перераб. и доп. ;
2. Евдокимов В.В., Грицишен Д.А. Управление безопасным функционированием социально-эколого-экономической системы предприятия // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. – М.: №25(214), 2013. С. 42-52.
3. Корчагина Е.В. Анализ современных подходов к оценке устойчивого развития на уровне компаний // Проблемы современной экономики. –М.: МГЭ Уб 2008. №4(28).

4. Лексин В.Н. Государство и регионы: теория и практика государственного регулирования территориального развития / В.Н. Лексин, А.Н. Швецов. –М.: Эдиториал УРСС, 1997. С. 19.
5. Малышев А.А., Солодков Н.Н. Факторы, влияющие на устойчивость эколого-экономической системы // –М.: №1(30). 2014. С. 129-135.
6. Малышев А.А. Практика управления эколого-экономической системой в России и пензенском регионе // Общественные науки. –М.: 2013. №4(28). С.215-216.
7. Мокеева О.Л. К проблеме эколого-экономической устойчивости региона / О.Л.Мокеева// ДВГТУ Владивосток: Изд-во ДВГТУ. 2002. №2. С. 85-96.
8. Мунасингхе М., Круз В. Экономическая политика и окружающая среда. Опыт и выводы. Публикации Всемирного банка по проблемам окружающей среды. Вып. 10. Вашингтон, округ Колумбия, 1995.
9. Munro D.A. Caring for the Earth: A Strategy for Sustainable Living / D.A.Munro. – Gland, Switzerland. Retrieved on: 2009-03-29.
10. Резник Г.А., А.А.Малышев Экономические методы и инструменты управления эколого-экономической системой // Социально-экономические проблемы развития предприятий и регионов: сборник статей VII международной научно-практической конференции. – Пенза: Приволжский Дом знаний, 2008. С. 66-72.
11. Троицкий В.А., Гизатуллин Х.Н. Концепция устойчивого развития: новая социально-экономическая парадигма // Общественные науки и современность. 1998. №5. С. 124-130.
12. Хохлова О.А., Будажанаева М.Ц. Статистическая оценка качества развития экономики регионов России / Пространственная экономика. –М.: 2010, №1. С. 133-146.
13. Островский Н.В. Критерии устойчивого развития: региональные аспекты / Н.В. Островский // http://n-t.ru/tp/ns/kur.htm.
14. Преобразование нашего мира: повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года (принята резолюцией 70/1 Генеральной Ассамблеи от 25 сентября 2015 года) // https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N15/291/92/PDF/N1529192.pdf.

АГРАР ТАРМОҚДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Сирожиддинов Камолиддин Икромиддинович

Аннотация. *Мамлакатимизда охирги йилларда модернизациялаш жараёнига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва шу асосда бу жараён иқтисодиётимиз тараққиётининг асосий омили сифатида баҳоланмокда. Мустақиллик йилларида Республикамизда барча тармоқлар қатори қишлоқ хўжалигини модернизациялаш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини босқичма-босқич оширилиши амалга оширилаётган аграр ислоҳотларнинг энг асосий йўналишига айланди.*

Калит сўзлар: *аграр тармоқ, инфратузилма, маркетинг, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, самарадорлик.*

Аннотация. *В последние годы особое внимание уделяется процессу модернизации в нашей стране, и на этой основе он рассматривается как основной фактор экономического развития. В годы независимости, наряду с другими секторами, основным направлением аграрных реформ является постепенное повышение конкурентоспособности продукции, производимой в результате модернизации сельского хозяйства.*

Ключевые слова: *аграрный сектор, инфраструктура, маркетинг, сельскохозяйственная продукция, эффективность.*

Annotation. *In recent years, special attention has been paid to the modernization process in our country, and on this basis it is considered as the main factor in economic development. During the years of independence, along with other sectors, the main direction of agrarian reforms is a gradual increase in the competitiveness of products produced as a result of modernization of agriculture.*

Key words: *agricultural sector, infrastructure, marketing, agricultural products, efficiency.*

Бозор инфратузилмасининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчига етказиб бериш ва сотиш жараёнларини яхшилаш билан биргаликда уларни янада кўпроқ ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни, сақлашни ва қайта ишлашни рағбатлантирмоқда. Бундай жараённинг кетиши натижасида вужудга келаётган бозор шароитига мослашиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишлаб берувчи корхоналарда, хусусан фермер хўжаликлари ва уларнинг кенгашларида маркетинг хизматини йўлга қўйилиши мухим ахамият касб этади.

Модернизациялаш- бу энг аввало тармоқни техник ва технологик эса ишлаб чиқаришни энг илғор замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлаш асосида маънавий жиҳатдан янгилашни тақозо этади. Қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг асосий йўналишлари бўйича белгиланган барча тадбирларни бу соҳада самарали амалга оширилиши қишлоқ хўжалигида, жумладан, асосий хўжалик юритиш шакли ҳисобланган фермер хўжаликларида етиштирилаётган бирламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатдошлигини кескин ошириш асосида ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш имкониятини яратади. Бу ишларни Ҳозирги замон маркетингига таянибгина амалга ошириш мумкин.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ўзига хос мураккаблик касб этади. Бугунги кунда, республикамиз қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда қисман агрофирмалар фаолият юритмоқда. Маълумки, фермер хўжаликлари асосан давлат буюртмасига кўра ҳамда қисман ўз эҳтиёжлари учун (полиз ва боғдорчилик) маҳсулот етиштиради. Бу эса ўз ўрнида маҳсулотларни энг кам харажатлар ҳисобига ишлаб чиқариш, сотиш ва ташиш билан боғлиқ бўлган муаммоларга сабаб бўлади. Бу татқиқотларнинг мақсади қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бозорда олиб бораётган фаолият стратегияси тактитасини аниқлаш ва рақобатчиларга нисбатан кўпроқ омадга ва афзалликка эришишини таъминлашдир.

Маркетингни хизматини ташкил этишда унинг мақсадини ва олдига қўйилиши мумкин бўлган вазифаларини белгилаб олишига тўғри келади.

Мана шуларни эътиборга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида маркетинг хизматининг бош мақсади муайян замонда вужудга келиши мумкин бўлган бозор шароити талаб, таклиф, баҳо, сифат даражаси ва бошқа коньюктура кўрсаткичларидан келиб чиқган ҳолда бор имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлаш дейиш мумкин.

Бу мақсадга эришиш йўлида қуйидаги асосий вазифаларни бажарилиши назарда тутилади:

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари тўғрисида маълумотлар тўплаш талаб ва таклифни ўзгаришларини аниқлаш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни ўз имкониятларидан келиб чиқган ҳолда уларни самарали ишлатишга имкон берадиган, мақсадли фаолият юритишга муносиб бозор сегментини танлаш;

-тадбирларни амалга оширишга керакли маблағлар ва моддий имкониятларни ташкил қилиш, назорат ва натижаларни бахоларни амалга ошириш.

Ҳозирги пайтда фермер хўжаликлари, кенгашлари ва хатто шахсий томорқа хўжаликлари рақобатли бозор шароитида фаолият юритишларига тўғри келади. Уларнинг ўзлари мустақил равишда бозорни ўрганиши ва айниқса махсус маркетинг тадқиқотлари ўтказиш имкониятларига эга эмаслар. Шу сабабдан улар учун махсус ўқув ва илмий муассасаларининг мутахассислари иштирокида семинарлар ва маслаҳатлари ташкил қилиниши, шу куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи корхона ҳамда ташкилотларининг маркетинг маданиятини ошириш улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда маркетинг хизматини ташкил этишда қуйидаги таклифларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

-бозордаги талаб ва эҳтиёжларга ишлаб чиқарувчиларнинг имкониятларини мослаштиришни ташкил этиш ;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини, яъни фермерлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларини иқтисодий билимларини оширишнинг ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда маркетинг хизматини олиб бориш учун масъул ходимни танлаш;

Хулоса қилиб айтилганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда маркетинг хизматини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалигида қўллаш келгусида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларининг маҳсулот сотишдан манфаатдорлигини янада оширади.

Иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш ва таъмин этишнинг ягона мезони рақобатбардошлик ҳисобланади. Рақобатбардошликни ошириш маҳсулот (товар ва хизматлар), корхона, ҳудуд ва яхлит мамлакатга хос бўлиб, иқтисодиётнинг асосий бўғини сифатида муҳим ўрин тутади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик соҳасида фаолият кўрсатувчи агрокорхоналарни муваффақиятга эришиши хўжалик фаолиятини самарали ривожлантиришни пухта режалаштириш ҳамда ўз имкониятлари ва истиқболи ҳақидаги зарур ахборотлар билан қуролланганлигига боғлиқ.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида рақобатни вужудга келишининг муҳим шартларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи фирмаларни тўлиқ иқтисодий (хўжалик) мустақиллиги;
- ишлаб чиқарувчи фаолиятини бозор конъюктурасига тўлиқ боғлиқлиги;
- талаб учун курашда барча бошқа товар ишлаб чиқарувчилар билан юзма-юз келиши.

Ҳозирги кунда “рақобатбардошлик” тушунчасини тадқиқ этишнинг турли йўналишлари мавжуд.

Машҳур австриялик иқтисодчи, иқтисодий ривожланишнинг эволюцион назарияси асосчиси, Й.Шумпетер рақобатни инновация, янгиликни эскилик билан кураши сифатида таърифлаган.

Корхона рақобатбардошлиги – бу рақобатли бозор шароитида самарали хўжалик фаолиятини олиб бориш ва фойда олиш имкониятидир.

Корхона рақобатбардошлиги – бу муайян бозор шароитида маълум давр давомида хўжалик субъектининг рақиб корхонага нисбатан молиявий, иқтисодий, маркетинг, ишлаб чиқариш, технологик, кадрлар салоҳияти ва экология каби кўрсаткичлар бўйича устунлигини акс этувчи тавсифлар мажмуидир. Хўжалик субъектининг инқирозсиз фаолият кўрсатиши ва ўзгарувчан ташқи муҳит шароитига тез мослашиш имкониятидир. Инглиз иқтисодчиси, классик мактабнинг атоқли вакили А.Смит рақобатни ҳулқ-атвор категорияси сифатида изоҳлаган. Алоҳида сотувчи ва ҳаридорлар бозорда мос равишда манфаатли сотиш ва ҳарид учун курашадилар. Рақобат айнан бозордаги “кўринмас қўл” ҳисобланиб, унинг иштирокчилари фаолиятини тартибга солади. Рақобатнинг мақсади бўлиб эса, кўпроқ фойда олиш имкониятини қўлга киритиш ҳисобланади.

А.Смитнинг рақобат назариясининг ривожига қўшган хиссасини Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари: ютуқлар, тажрибалар

ва истиқболли режалар қуйидагиларда акс эттириш мумкин. У биринчилардан бўлиб, рақобатни кураш сифатида таърифлаган. Рақобатнинг бош тамойили – «кўринмас қўллар» тамойилини белгилаб берган. Тармоқлар ўртасида ресурсларни самарали тақсимланишига олиб келувчи, тармоқда фойда меъёрини тенглаштирувчи рақобат механизмини назарий жиҳатдан ишлаб чиқди. Кўплаб миқдордаги сотувчи ва ҳаридорларнинг мавжуд бўлишини тақазо этган ҳолда ҳар бир сотувчини товар бозор нархининг ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатишга имкон бермайдиган самарали рақобатлашишнинг асосий шартларини аниқлаб берди. Рақобатни кучайтириш ва ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш орқали бозор муносабатлари шароитида истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш ва жамият миқёсида ресурслардан янада самаралироқ фойдаланиш мумкинлигини исботлаб берди.

Корхона рақобатбардошлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нархи ва сифати, шунингдек, молиявий маблағларнинг оқимини тартибга солиниши, менежмент даражасини ўз ичига олади. Рақобатбардошлик даражасига у ёки бу бозорда юзага келадиган турли ҳолатлар, яъни инновацияларни жорий этиш, молиявий барқарорлик, персонални илғор усул ва услублар билан мотивлаштириш ва туркумлаш кабилар таъсир кўрсатади.

Агрофирма рақобатбардошлигини оширишда самарали маркетинг фаолиятини олиб бориш муҳим ўрин тутади. Чунки, айнан маркетинг ҳаридорларнинг энг зарур талабларини рўёбга чиқариш, истеъмолчилар дидининг ўзгаришини ҳисобга олиш, рақобатбардошликни оширишнинг самарали ва амалий натижа берадиган усулларини қуришга йўналтирилади.

7-жадвал

Товарнинг рақобатбардошлик кўрсаткичлари

№	Номланиши	Изоҳ	Мисол
1.	Меъёрий	Товарни қонунчилик бўйича ўрнатилган меъёр ва талабларга қанчалик даражада жавоб бериши	Минимал талаблар, ДАСТ ва бошқаларга мослиги
2.	Техник	Сотиб олинадиган ва бевосита маълум эҳтиёжни қондиришга йўналтириладиган товарнинг хусусияти ва тавсифи	Маълум параметрлар бўйича мавжуд тавсифларга мос келиши, фойдаланишдаги қулайликлар, хизмат муддати, хизмат кўрсатишнинг давомийлиги ва бошқалар
3.	Иқтисодий	Истеъмолчининг товарни сотиб олиш ва ундан келгусида фойдаланиш жараёнида қиладиган харажатларининг пулдаги баҳоси	Сотиш нархи, товарни кўрсатмага асосан фойдаланишда унинг ҳолатини таъминлаб туриш учун зарур бўлган материал ва эҳтиёт қисмлар сарфларининг қиймати

Рақобатбардошликнинг муҳим шартларидан бири аҳолиниг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини у ёки бу даражада қондириш қобилиятига эга бўлган, таклиф этиладиган маҳсулотнинг сифати ҳисобланади. Агрофирма рақобатбардошлигини таъминлашда қишлоқ хўжалик маҳсулотининг сифатини бошқариш муҳим ўрин тутади. Маҳсулотнинг рақобатбардошлик кўрсаткичларини моделлаштириш уни лойиҳалаштириш босқичида амалга оширилади. Бозорда рақобатчиларнинг шу турдаги товарларига нисбатан ҳаридорлар талабларини тўлароқ қондириш хусусиятининг мавжудлиги маҳсулотнинг рақобатбардошлигини акс эттиради. Бозорда қишлоқ хўжалик маҳсулоти рақобатбардошлигини таъмин этишнинг асосида маҳсулот сифати, хизмат кўрсатиш даражаси ва нархлар ўртасидаги нисбат ётади. Бундан ташқари турли омиллар: реклама, фирма белгисининг нуфузи ва бошқалар ҳам бевосита таъсир кўрсатиши мумкин. Қуйида келтирилган жадвалда агрофирма рақобатбардошлигини акс этувчи кўрсаткичлар келтирилган.

Агрофирма томонидан сотилган товарларга зарур техник хизматлар кўрсатишни амалга ошириш имкониятининг мавжуд эмаслиги, рақобатда устунликни бой берилишига сабаб бўлади. Шунинг учун маҳсулот рақобатбардошлигини таъмин этишда товарларга улар сотилгандан кейин ҳам хизмат кўрсатишни амалга ошириш зарур ҳисобланади. Агарда бундай таъминот инкор этилса, у ҳолда истеъмолчи рақиблардан ёрдам сўрайди ҳамда уни тўла рақиб томонига ўтиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун рақобатбардошликни ошириш учун корхона техник ёрдамнинг барча имкониятларини ҳисоб-китоб қилган ҳолда хизмат кўрсатиш тизимини аниқ ва равшан режалаштириши лозим. Сотилган товарларга пухта ўйланган хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш қуйидаги натижаларни беради:


- янги бозорларни забт этишнинг истиқболли режаларини тузиш;
- қўшимча фойда олиш;
- рақибларнинг истеъмолчилари билан алоқаларни ўрнатиш;
- ишлаб чиқарувчи-корхонанинг бозорда ижобий обрў қозониши.

Рақобатбардошлик корхонани фойда олишининг асосий шарти ҳисобланади. Ўз навбатида корхона рақобатбардошлигини таъминлаш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар рақобатбардошлигини таъминлаш олиб келади. Шундай қилиб, корхона рақобатбардошлигини самарали ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, бозорнинг мақсадли сегментида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

Иккинчидан, корхона ва унинг бўлимларини мазкур тармоқдаги рақобатбардошлик имкониятларини халқаро ишлаб чиқарувчилар кўлами даражасида ошириш.

Айнан мазкур кўрсаткич корхонани келажакда муваффақиятли фаолият кўрсатиш имкониятларини таъминлайди. Корхона рақобатбардошлигини таъминлаш учун у бир қатор ички рақобат устунликларига эга бўлиши лозим.



1-расм.Корхона фойдасини оширишнинг мантиқий кетма-кетлиги

Корхона рақобатбардошлигига таъсир этувчи омилларни миқдорий баҳолаш қуйидаги кўринишда акс эттириш мумкин:

- маҳсулотнинг рақобатбардошлиги;
- корхонанинг молиявий ҳолати;
- маркетинг фаолиятининг самарадорлиги;
- сотиш рентабеллиги;
- корхона имижи;
- бошқарув самарадорлиги.

Хулоса қилиб айтилганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда маркетинг хизматини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалигида қўллаш келгусида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларининг маҳсулот сотишдан манфаатдорлигини янада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зиядин С.Т. Инновации, их разработка и внедрение // Общество и экономика. – 2013 – № 11-12. – С. 184-9.

2. Котлер Ф. Маркетинг XXI века. Маркетинг от А до Я. Новые маркетинговые технологии. Десять смерт-х грехов маркетинга: пер. с англ./под ред.Т.Р. Тэор. –СПб.: Нева, 2005. – 432 с.

3. Миронов М.Г. Ваша конкурентоспособность. –М:. Альфа, 2004.

4. Портер М.Е. Конкурентное преимущество: как достичь высокого результата и обеспечить его устой-вость / Пер. с англ, Е. Калинина. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2005.–714 с.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Давлятова Гулнора Мухамеджановна,
Фарғона политехника институти,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Аннотация. *Мақолада инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари, хусусан вақт омилини эътиборга олган ҳолда самарадорликни "соф дисконт даромад", "даромадлилик индекси" каби кўрсаткичлар асосида баҳолаш масалалари ёритилган.*

Калит сўзлар: *инвестиция, иқтисодий самарадорлик, фойда,рентабеллик,соф дисконт даромад, даромадлилик индекси.*

Аннотация. *В статье освещены особенности определения экономической эффективности инвестиций, в частности, вопросы использования показателей индекса доходности и чистого дисконтированного дохода с учетом срока, на который были внесены инвестиции при определении эффективности, т. е. фактора времени.*

Ключевые слова: *инвестиция, экономическая эффективность, прибыль, рентабельность, индекса доходности, чистый дисконтированный доход*

Annotation. *The article illuminates peculiar properties of estimation of economic efficiency of the investments; in particular, issues of evaluation profitability (taking into account the data) by using indicators, such as net discounted profit and profitability index.*

Key words: *investments, economic efficiency, profit, profitability, index rate of return, net discounted profit*

Маълумки, жамиятда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишнинг энг муҳим ва бирламчи манбаи инвестициялар бўлиб ҳисобланади. Инвестициялар эвазига ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва бошқа иқтисодий ресурслар фаоллашади. Ўз навбатида инвестициялар ҳам иқтисодий ресурслар ҳисобланиб, уларни молиялаштириш манбалари чекланган. Шунга кўра, инвестицияларнинг миқдори билан бирга, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, инвестицион жараёнлар ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши масалаларини ўрганиш иқтисодий тадқиқотларнинг долзарб муаммоларига айланган. Шу билан бирга, мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш ҳамда Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда инвестициялар муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган турли беқарорлик ҳолатларига қарамасдан, мамлакатимизда эришилаётган барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий бўлишига оқилона амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар, жумладан, фаол инвестиция сиёсатининг олиб борилаётгани муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Иқтисодиётда инвестиция жараёнларининг фаоллашиб бориши билан бевосита иқтисодий муносабатлар ҳам фаоллашиб боради ва ушбу ҳолатнинг

самараси ўлароқ, иқтисодиётда ижобий силжишлар рўй бериб, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг рақобатдошлиги мустаҳкамланади.

Инвестицияларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тутган ўрнини макро ва микроиқтисодий даражада алоҳида кўриб ўтиш мумкин.

Макроиқтисодий даражада уларнинг муҳим аҳамиятли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- миллий иқтисодиётнинг ривожланиш асосини белгилаб беради;
- ижтимоий такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- асосий ишлаб чиқариш қувватларини тизимли равишда янгилаш;
- илмий-техник тараққиётни қўллаб-қувватлаш, миллий ишлаб чиқаришнинг рақобатдошлигини таъминлаш;
- иқтисодиётнинг барча тармоқларини мувозанатли ривожлантириш;
- мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш;
- экспорт тузилмасини яхшилаш ва кенгайтириш;
- ижтимоий масалаларни, жумладан, ишсизлик муаммосини ҳал қилиш;
- иқтисодиётда самарали таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- иқтисодиётда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларини мақсадли жойлаштириш билан кенг тармоқли бозор инфратузилмаларни шакллантиришга имкон яратиш;
- иқтисодиётнинг барча соҳаларини фаоллаштириш орқали мамлакатнинг барқарор ўсиши ва жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини тезлаштириш ва бошқалар.

Микроиқтисодий даражада эса инвестицияларнинг ижобий аҳамияти қуйидаги асосий йўналишларда кўзга ташланади:

- корхоналарнинг фаолият соҳасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;
- асосий воситаларнинг маънавий-моддий эскиришининг олдини олиш;
- маҳсулотлар таннархини пасайтириш;
- янги техника ва технологиялар татбиқ қилиш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг техник таъминот даражасини ошириш;
- рақобатдошликни мустаҳкамлаш ва маҳсулот сифатини ошириш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий таъминотини яхшилаш.

Иқтисодиётнинг инновацион ўсиши ва барқарор амал қилиши ҳар жиҳатдан хўжалик фаолияти субъектларининг эҳтиёжларини молиялаштиришга пул маблағларини жалб қилиш имкониятининг қанчалик қулайлигига боғлиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида, иқтисодиётда инвестицион жараёнларнинг ривожланганлигини ва инвестицион муҳитнинг такомиллашиб боришини тақозо қилади.

Инвестициялар табиий ишлаб чиқариш ва ишчи кучи ресурслари билан биргаликда илғор технологияларни татбиқ этиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини жорий қилиниши учун имконият яратади. Инвесторлар ўз маблағларини корхонани ривожлантириш билан бирга уни техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга йўналтиради. Инвестициялар оқимига талабнинг ортиши ва улардан фойдаланиш самарадорлигининг ўсиши

хўжалик механизмларини доимий такомиллаштириб бориш ва инвесторлар учун қулай инвестицион муҳитни шакллантириш таъсир қилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Самарадорлик муайян натижаларга эришишни англатади. У сарфланган харажатлар ва олинган натижалар нисбати асосида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам ва натижалар қанчалик кўп бўлса, самарадорлик ҳам шунчалик юқори бўлади.

Инвестициялар самарадорлигини баҳолашда бир нечта тамойилларга асосланади ва улар қуйидагилардан иборат:

- бошланғич маълумотларни солиштириш;
- ишончлилик;
- мақсадли йўналтирилганлик;
- тизимлилик;
- кўп ўлчовлилик;
- мувофиқлик;
- ҳисоб-китоб натижаларига таяниш;
- қўлланиладиган мезонларнинг бир хиллиги .

Бошланғич маълумотларнинг солиштирилиши тамойили таҳлил қилинаётган муқобил инвестицион лойиҳаларнинг муддат давомийлиги ва бошланғич капитал харажатлари бир-бирига яқин бўлишини назарда тутади.

Ишончлилик тамойили қараётган маълумотларнинг ишончлиги ва аниқлигини ифодалайди.

Мақсадли йўналтирилган тамойили муқобил инвестицион лойиҳаларнинг муайян мақсадни кўзда тутишини англатса, тизимлилик тамойили лойиҳанинг барча жиҳатлари ва жараёнларнинг бир-бири билан яқин боғлиқликда бўлишини англатади.

Кўп ўлчовлилик тамойили шундай изоҳланадики, муқобил инвестицион лойиҳаларни танлаб амалга оширишда уларнинг кўп жиҳатларига эътибор бериш ва турли усуллар орқали ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқ саналади. Шу билан бирга, мувофиқлик тамойили лойиҳаларнинг энг муносибини амалга оширишни англатса, ҳисоб-китоб натижаларига таяниш лойиҳани қабул қилишнинг муҳим асоси бўлиб ҳисобланади. Мезонларнинг бир хиллиги шундан иборатки, муқобил инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилишда қиёсий олинган мезонлар бир хилликка асосланиши керак.

Фикримизча, ҳозирги даврда инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган услублар қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Инвестицияланган капиталнинг қайтарилишини баҳолашда соф фойда ва амортизация ажратмалари суммасидан шаклланадиган пул оқими кўрсаткичидан фойдаланиш.

2. Инвестицияланган капитал ва пул оқими суммасини жорий қийматга келтиришнинг мажбурийлиги. Чунки инвестиция киритиш жараёни турли босқичларда амалга оширилади. Шу сабабдан биринчи босқичдан ташқари барча

босқичларда жалб этилган маблағлар суммаси ва пул оқимлари суммаси жорий қийматга келтирилиши лозим.

3. Турли инвестицион лойиҳалар учун пул оқимини дисконтлаш жараёнида фоиз ставкаси (дисконт ставкаси) ни тўғри танлаш. Юқорида таъкидланганидек, инвестиция натижасида кўриладиган даромад миқдори қуйидаги тўрт омилни эътиборга олган ҳолда шаклланади: ўртача реал депозит ставкаси, инфляция суръати, таваккалчилик учун тўлов, паст ликвидлик даражаси учун тўлов. Шу сабабдан турли таваккалчилик даражасига эга бўлган инвестиция лойиҳаларини ўзаро солиштирганда турли дисконт коэффициентларидан фойдаланиш зарур (юқори таваккалчилик даражасига эга бўлган лойиҳада нисбатан юқори фоиз ставкалари танланади).

4. Баҳолаш мақсадидан келиб чиқиб дисконтлаш учун қўлланиладиган фоиз ставкаси шаклларининг ўзгарувчанлиги. Инвестициялар самарадорлигининг турли кўрсаткичларини ҳисоблашда фоиз ставкаси сифатида ўртача кредит ставкаси, инвестицияларнинг инфляция даражасини эътиборга олган ҳолдаги индивидуал даромадлилик меъёри, жорий хўжалик фаолияти бўйича даромадлилик меъёри каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Юқоридаги тамойиллардан келиб чиққан ҳолда инвестициялар самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини кўриб чиқамиз. Соф дисконт даромад ва даромадлилик индекси юқоридаги ҳолатни эътиборга олувчи кўрсаткичлар ҳисобланади. [5,7] Инвестицион самарадорликни баҳолашда таклиф этилаётган соф дисконт даромад ва даромадлилик индекси кўрсаткичлари инвестиция муддати давомида йиллар кесимида дисконт ставкасининг ўзгариши ҳисобига олинадиган даромадни ифодалайди.Шу сабабли саноат корхоналари учун инвестиция иқтисодий самарадорлигини баҳолашда ушбу кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Соф дисконт даромад, (СДД) инвестициялаш натижаларининг энг умумлашган тавсифномасини, яъни унинг якуний самарасини абсолют суммада олиш имконини беради. Соф дисконт даромад деганда инвестиция лойиҳасининг амалга ошириш даврида ҳозирги қийматга келтирилган (дисконтлаш йўли билан) пул оқимлари суммаси билан уни амалга оширишга инвестиция қилинувчи маблағлар ўртасидаги фарқ тушунилади. У қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$СДД = \sum_{t=0}^{T} \left(B_t - X_t\right) * K_{dict}$$

Бу ерда:

Bt – ҳисобнинг t-қадамида эришиладиган пул оқими;

Xt – ўша қадам ўзида қилинадиган харажатлар;

T – инвестицион лойиҳанинг амал қилиш даври;

K_{dict} – дисконтлаш коэффициенти бўлиб, қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$K_{dict} = 1/(1+i)t$$

Бу ерда:

i – фоиз ставка миқдори.

“Соф дисконт даромад” кўрсаткичини инвестиция лойиҳаларини солиштирма баҳолашдан ташқари, уларни амалга оширишнинг мақсадга

мувофиқли мезони сифатида ҳам қўллаш мумкин. Соф дисконт даромад кўрсаткичи нолга тенг ёки манфий бўлган инвестиция лойиҳаси рад қилиниши лозим, чунки у киритилган капитал учун инвесторга қўшимча даромад келтирмайди. Соф дисконт даромад кўрсаткичи нолга тенг ёки мусбат бўлган инвестиция лойиҳалари инвесторнинг капиталини кўпайтиришга хизмат қилади.

Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда амалдаги инфляцияни ўсиш суръатини инобатга олган ҳолда қайта тузатишлар амалга оширилиши зарур. Бунинг натижасида пул оқимларининг номинал ва реал қиймати шаклланади. Пул оқимларининг номинал қиймати пулнинг инфляция суръатларини ўзида акс эттирмаган харид қобилиятини ифодалайди. Пул оқимларининг реал қиймати эса инфляцияни ўсиш суръатларини ўзида акс эттирган хақиқий харид қобилиятини ифодалайди. Шунинг учун пул оқимларини реал қийматини баҳолашда инфляция суръатини инобатга олган ҳолда фоиз ставкаларини тузатиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади.

$$СДД = \sum_{t=0}^{T} \left(B_t - X_t\right) * K_{dict} / (1 + T_{i_0 - i_1})$$

Бу ерда – $T_{i_0 - i_1}$ – инфляция суръати

Инвестициядан пул оқимларини реал қийматини бундай тартибда аниқлаш инвестициядан олинадиган даромадларни объективлигини таъминлайди.

Инвестиция лойиҳасининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун даромаддлилик индекси кўрсаткичидан фойдаланиш таклиф қилинади. Юқорида айтиб ўтилганидек даромаддлилик индекси инвестицион маблағлардан қай даражада самарали фойдаланиш ҳолатини, яъни инвестицион маблағларнинг бир сўм пул бирлигига тўғри келувчи даромад даражасини ифодалайди. Даромаддлилик индекси услубий жиҳатдан капитал қўйилмалар самарадорлиги коэффициенти кўрсаткичи билан ўхшаш бўлсада, иқтисодий мазмунига кўра ундан фарқланади. Ушбу кўрсаткични ҳисоблашда инвестициялардан даромад сифатида соф фойда эмас, балки пул оқими майдонга чиқади. Бундан ташқари инвестициядан кутилган даромад баҳолаш жараёнида ҳозирги қийматга келтириб олинади. Даромаддлилик индекси қуйидагича аниқланади:

$$ДИ = \frac{ДД}{ДИС} = \frac{\sum_{t=1}^{T} B(t) \times K_{дuct}}{\sum_{t=1}^{T} K(t) K_{дuct}}$$

Бу ерда:

ДД – дисконт даромад суммаси;

ДИС – дисконтланган инвестициялар суммаси;

B(t) – ҳисобларнинг t-давридаги пул оқими;

K(t) – ҳисобларнинг t-давридаги инвестицион маблағлар;

Кдист – дисконтлаш коэффициенти.

Инвестициялар самарадорлигини аниқлаш услубияти ёрдамида корхона мисолида инвестициялар самарадорлиги ўрганилди.

Тадқиқот объекти сифатида олинган корхонага 4700 минг АҚШ доллари миқдордаги инвестиция маблағи жалб этилган.Инвестиция маблағи жихозларни сотиб олиш учун йўналтирилган. Мазкур жиҳозларда ишлаб чиқарилган маҳсулотининг 90 % ташқи ва 10 % ички бозорларда сотиш учун мўлжалланган.

Корхонанинг инвестициядан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда маҳсулот ҳажмининг ошиши, фойда ва рентабеллик даражасининг, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, қопланиш муддатларининг қисқариши каби умумий кўрсаткичлардан фойдаланилган. (1-жадвал).

1-жадвал

Корхонага жалб этилган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, фоизда*

№	Корхонанинг асосий кўрсаткичлари	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил
1.	Маҳсулот сотиш ҳажмининг ўзгариши	100	103	106	118,7
2.	Меҳнат унумдорлигининг ўзгариши	100	103,5	105	115,2
3.	Соф фойданинг ўзгариши	100	106	111	125
4.	Фонд самарадорлиги	100	103	106	110

*__Манба:__ муаллиф томонидан тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, корхонада хусусан 2-йилдан бошлаб юқори иш унумдорлигига эга бўлган жиҳозлардан фойдаланиш ҳисобига барча кўрсаткичларнинг ўзгариши кузатилди. 4-йил якунларига кўра маҳсулот сотиш ҳажмининг ўзгариши 118,7 % ни ташкил этиб, 3-йилга нисбатан 12 % га ошган. Маҳсулот сотишдан олинган фойда эса база йилига нисбатан 125 % ни ташкил этган.

Инвестициялар самарадорлигини аниқлашда рентабеллик кўрсаткичидан фойдаланилган. Бу кўрсаткич эришилган соф фойдани инвестициялар бўйича тўловлар ҳажмига нисбати кўринишида аниқланган.

Рентабеллик даражаси 3-йилда 33 % ни, 4-йилда эса 40 % ни ташкил этган.Бу усул билан аниқланган рентабеллик даражаси ҳар бир йилнинг номинал кўрсаткичлари асосида ҳисобланган бўлиб, унда кутилаётган даромаднинг ҳозирги қиймати эътиборга олинмаган.

Баҳолаш мақсадида корхона фаолият юритаётган 2 йиллик маълумотлари асос қилиб олинади.

$$СДД = (4750565 - 12687062) * \frac{1}{1+0,05} + (5820632 - 12687062) * \frac{1}{(1+0,05)^2} =$$

$$= 34818588 * 0,9524 + 40519258 * 0,9070 = 331612232 + 367521613 = 69913385 \text{ минг сўм}$$

$$ДИ = \frac{4750565 * \frac{1}{1+0,05} + 5320632 * \frac{1}{(1+0,05)^2}}{12687062 * \frac{1}{1+0,05} + 12687062 * \frac{1}{(1+0,05)^2}} =$$

$$= \frac{45244381 + 48258132}{1208315785 + 115071652} = \frac{93502513}{23590323} = 3,96$$

Даромадлилик индекси 3,96 га тенг, яъни ўтган 2 йил давомида инвестицияларнинг ҳар бир сўми 3,96 сўмлик даромад келтирган. Ушбу ҳисоб-китоблар вақт омилини ҳисобга олган ҳолда бажарилган. Корхона учун инвестициялардан фойдаланишнинг афзалликларидан яна бири бу жалб қилинган инвестиция учун тўловларининг маҳсулот таннархига операцион харажатлар сифатида киритилишидир. Бу эса солиққа тортилувчи фойда суммасини тўловлар миқдорида камайтиради, натижада корхонанинг айланма маблағлари суммаси ошади ва корхонанинг молиявий ҳолати яхшиланади. Бу ерда солиқ самараси юзага келади.

Хулоса қилиш мумкинки, инвестициялар самарадорлигини баҳолашда дисконт усулидан фойдаланиш сарфланган харажатлар билан кутилаётган натижаларни бир даврда солиштириладиган қийматга келтириш асосида таққослаш ва бу жараённи тўғри баҳолаш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Газибеков Д.Г., Собиров О.Ш. Лизинг и его развитие в Узбекистане. – Т.: Молия, 2001. – 131 с.
2.Газман В.Д. Лизинг. Теория, практика, комментарии. – М.: Фонд Правовая культура, 1997. – 416 с.
3. Газман В.Д. Финансовый лизинг. – М.: ГУВШЭ, 2005. – 390 с.
4.Горемыкин В.А. Лизинг. – М.: Экономика, 2000. – 504 с.
5.Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов. – М.: Калита, 2000. – 184 с.
6.Набиев Э.Ғ., Марпатов М.Д. Лизинг ғояси, тарихи, ҳуқуқий асослари ва амалиёти. – Т.: УАЖБНТ маркази, 2004. – 79 б.
7. Царев В.В. «Оценка экономической эффективности инвестиций». –СПб: Питер, 2004 г. - С. 21.

09.00.00 ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ХУСУСИДА
HUMAN DEVELOPMENT AND HUMAN INTERESTS
ЧЕЛОВЕЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ И ИНТЕРЕСЫ ЧЕЛОВЕКА

Саданова Дилноза Алимбаевна,Урганч Давлат университети
“Ўзбекистонда демократик жамиятқуриш назарияси”кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: *Мазкур мақолада жамият тараққиёти билан инсон манфаатлари ўртасидаги боғликлар, шахс ва жамият муносабатларида горизантал ва вертикал алоқаларнинг ўрни, инсон манфаатларининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилади.*

Таянч сўзлар: *инсон, манфаат, жамият, тараққиёт, ижтимоий, иқтисодий, қизиқиш, эҳтиёж, истак, фойда, даромад, ҳуқуқ.*

Annotation: *This article discusses the role of horizontal and vertical relationships in the interpersonal and socital interrelationship between human interests and social development and discloses the features of personal interests.*

Key worlds: *human, interest, society, deveiopment, social and economic interests, need, profit, income, law.*

Ключевые слова: *Человек, интерес, общества, развития, социольный, экономический, заинтересовать, потребность, выгода, прибыл, доход, право.*

Аннотация: *В данном статье освещено своеобразные особенности интересов человека, место горизантальные и веертикальные связи в отношении общества и личности, взаимосвязь среди интересов человека и развития общества.*

Жамият тараққиётини ижтимоий соҳалардаги динамик ўзгаришларга мувофиқ баҳолаш анъанага айланган. Айниқса ижтимоий - иқтисодий соҳадаги ўсишларга мурожаат этишади, лекин инсон манфаатларининг таъсири кўп ҳам эътиборга олинавермайди. Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўсишларни статистик ифодалаш, мезонларга солиш, ҳеч қандай метафизик изоҳларсиз баён қилиш мумкин; ижтимоий – иқтисодий кўрсаткичларни математик, социометрик, алгоритмлик, хронологик, динамик таҳлил қилиб, маълум бир тизимга, схемага солса бўлади, инсон манфаатлари масаласида бундай усуллар кашф этилмаган. Шу боис жамият тараққиёти ва инсон манфаатлари гоҳо эклектик ҳодисалар бўлиб туюлади, аслида тадқиқотчиларнинг умумий мушоҳадалар билан чекланишига табиий ҳол сифатида қараш керак. Шундай бўлса-да, инсон манфаатларини вертикал (шахс-гуруҳ-оила-корпорация-жамоа-давлат-жамият) ва горизантал (қон-қариндошлар-ҳамкасблар-тенгдошлар-ҳамкасблар-жинслар-миллатдошлар-юртдошлар) алоқалар тизимида қараш, таҳлил қилиш мумкин. Бунда, инсон, шахс

манфаатлари ушбу алоқаларнинг негизидатуради; ҳар қандай вертикал ва горизантал алоқалар инсон, шахс манфаатларига таянади, улардан келиб чиқади ва ўсади.

Илмий адабиётларда “манфаат” тушунчасини эҳтиёж, қизиқиш билан айнанлаштирилади, ваҳоланки, манфаат Алишер Навоийнинг асарлари изоҳли луғатида келтиришилича, фойда, даромад маъноларини англатади.[1;227 бет].Фойда, даромад эса ижтимоий-иқтисодий соҳага оид воқеиликдир. Аммо айтиш мумкинки, манфаат соф иқтисодий воқеилик эмас, у фойда, даромаддан кенгдир. Уни ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг шакли сифатида қараш ўринлидир. У бир томонидан, иқтисодиётқонунларига, иккинчи томондан, ижтимоий борлиқ талабларга мувофиқ амал қилади, уларнинг косубстанционал таъсирида шаклланади. Унинг мезони фақат иқтисодий ўсишлар ёки кўрсаткичлар эмас, унда инсон ва жамиятнинг ўз ҳаётидан ижтимоий борлиқдан, сиёсий тизим ва бошқаришдан, моддий таъминланганлик даражаларидан қониқишлари (қониқмаслик) ҳам ўз ифодасини топади. Манфаатларни социометрик ёки социологик (савол-жавоб, интервью,оммавий сўровнома) усулда кузатиш мумкин. Масалан, горизантал алоқаларга таалуқли қон-қариндошлар муносабатини олайлик.Бир қарашда бу муносабатларнинг манфаатларига ҳеч қандай алоқаси йўқ, аслида бундай алоқалар қурилмаган бизнес, тадбиркорлик йўқ. Бу ўринда оилавий тадбиркорликни келтириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси ”Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунида оилавий корхона эр–хотин, болалар, набиралар ва лаёқатли бўлган бошқа қариндошларнинг иштирокида ташкил этилиши мумкинлиги кўрсатилган[2]. Демак, манфаатларнинг шаклланиши ва қондирилишида қон–қариндошлик муносабатлари етакчи ўрин эгаллаши мумкин. Аслида инсон фаолиятининг барча кўринишларидан манфаат изланишларини топса бўлади. Манфаат фойда кўриш, бизнес ва тадбиркорликнинг асосий функциялардан биридир[3;189 -190 б]. Ҳа манфаат, қизиқиш, эҳтиёж кишини фаолликка, ён-атрофдагилар, жамият билан турли муносабатларга киришиб яшашга ундайди.

Кўриниб турибдики, манфаат нафақат ижтимоий-иқтисодий воқеилик, шунингдек, қизиқиш, эҳтиёж каби психологик хусусиятга эга ҳодиса ҳисобланади. Тўғри, инсон фаолиятининг барчаси психологик омилларга бориб тақалади, субъектив кечинмаларсиз хатти–ҳаракат йўқ. Бироқ манфаатда психологик хусусиятлар ёрқин акс этади, мотивацияларнинг манфаат сифатида келиши, намоён бўлиши руҳшуносларга яхши маълум.[4;5] Ички руҳий ҳолат, рефлекция манфаатларнинг хусусиятларни, келиб чиқиши асосларини, ҳатто нималарга етаклашини билишга ёрдам беради.

Инсон манфаатлари негизида шахсий истак, у ёки бу нарсага эга бўлиши, қўлга киритиши, нияти ётади. Демак, манфаатлар истак, ният каби навбатдаги психологик омиллар билан боғлиқ. Инсон ва ниятдан инсон хатти-ҳаракатлари, шу жумладан, манфаатли интилишлари ҳам туртки олади. Ислом фалсафасида “истак ва ният” тушунчалари кенг ёритилган, айниқса тасаввуф фалсафаси инсон истак ва ниятларининг мусаффолигига жиддий эътибор қаратади [6; 92 – 93б]. Истак ва ният соф пок бўлса, манфаат ҳам уларга мувофиқ бўлади. Жамият тараққиёти инсон

манфаатларининг софлигига бевосита боғлиқдир, ёмон, эгоистик манфаат жамият тараққиётини назарда тутмайди, у моҳиятан ижтимоий манфаатларга зиддир. Илмий фалсафа мудом у ёки бу икки шахсий (инсон) манфаати билан ижтимоий (жамият) манфаатларни уйғунлаштириш муаммоларни ўрганиб келади.

Афлотун “бутун” деганда жамиятни, давлатни назарда тутган, “қисм”ни ушбу “бутун”га уйғунлаштириш муаммолари ҳақида бошқатирган [7;207-210 б].Арасту ҳам инсоннинг “ижтимоий мавжудот”лигини асослашга интилган. Шарқ фалсафаси, айниқса Абу Наср Фаробийнинг фозил одамлар шаҳри концепцияси инсон ва жамият уйғунлигини таъминлаш ғоясига қурилган.

Фозил одамлар шахрининг умумий хусусиятлари сифатида Фаробий аслий сабабларни, ҳодисалар, яъни яхлитлик, мурувват, адолат, оқиллик, нуқсон, эътиқод, ирода нима эканлигини билишни, бахт-саодатга эришиш, донишмандона яшаш,ғалқлар, кишилар, хулқ–атворидан хабардор бўлиши, раҳбар(давлат) билан уйғун ишлаш, жаҳолатдан йироқ юриш кабиларни тилга олади.[8; 167-169 б]. Бундай фазилатларсиз жамиятдаги бирликни, иттифоқни таъминлаб бўлмайди.

Бугунги илмий-фалсафий таълимотлар инсон ва жамият ўртасидаги диалектик ҳуқуқ феномени орқали таъминлашга катта эътибор беради. Қонунларнинг умумий мажбурий хусусиятлари инсон хатти–ҳаракатларига, манфаатларига рационаллик, умумий йўналтирилганлик, ижтимоийлик бахш этади. Ҳуқуқий восита ва усулларнинг ижтимоий-регулятив функциясининг ижобий таъсири туфайли Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва унга мувофиқ келадиган бошқариш, хизматлар кўрсатиш институтлари шакллантирилган. Инсон ва жамият манфаатлари ушбу ижтимоий тараққиёт мақсадига ҳамоҳанг бўлиши шарт. Инсон нафақат хатти–ҳаракатларида, шунингдек манфаатларини шакллантиришда ҳам умумижтимоий талаблардан келиб чиқиши лозим. Бу ўринда ҳуқуқ феномени билан бирга ахлоқ, маънавият, тарбия, анъаналар таъсир этиши, инсонда “ижтимоий сифатларни” (Фаробий) шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшиши даркор. Демак, манфаатнингшаклланиши ижтимоий–тарбиявий омиллар маҳсули сифатида намоён бўлди.

Инсон манфаатлари жамият тараққиётини таъминловчи куч сифатида ижтимоий муносабатлар характерини белгилаб келади. Бу муносабатларнинг либерал – демократик, капиталистик ёки социолистик кўриниш касб этиши ана шу инсон манфаатларининг таъсири туфайлидир. Биз бу таъсирни бевосита англаб ололмаслигимиз, бирор кўрсаткичда, мезонда ифода этолмаслигимиз мумкиндир, бироқ хусусий мулк устувор жамиятда тадбиркорлик, бизнес, бозор иқтисодиёти уларнинг шакллари, кўринишлари эканини инкор қилаолмаймаймиз. Тадбиркорлик, бизнес ва бозор иқтисодиёти инсон манфаатларини эркин меҳнат, даромад топиш истаги тарзида ифода этадиган воқеиликлар қаторига киради. Жамият тараққиётини эса бугун уларсиз тасаввур этиш қийин.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1.Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. II-жилд. – Тошкент; Фан. 1983.
1.Ўзбекистон Республикасининг қонуни. ”Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2012 й. 17-сон.

1.Рахмонқулов Х.Р.,Окюлов О.,Тансыкбаева Г.М.,Фиглин Г. М., В.А. Ужен., Законадетельные основы рынка. .Т.3. –Тошкент: ИПК “Шарқ” 1996.
1.Леонтеь А.Н. Проблемы развития психики. 4-е изд.–Москва: Москва. унив-т, 1981,
1.Изард К. Эмоции человека . – Москва: Изд. Москва унив –та,1980.
1.Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввурий ҳаёт.-Тошкент: Мовароуннаҳр. 2004.
1.Плотон. Сочинения в трех томах.Том № 3. Часть 1.–Москва: Мысль. 1971.
1.Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри .–Тошкент:А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аликулов Самар Абдурашидович иқтисод фанлари номзоди
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти
Ижтимоий фанлар кафедраси доценти.

Аннотация:*Мақолада бугунги кунда инновацион жараён ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири, интеллектуал меҳнат бозорида мутахассис – кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, интеллектуал мулк улушини кўпайтириш, мавжуд муаммолар ечимини топиш ва унинг устувор йўналишлари берилган.*

Калит сўзлар: *инновация, моделлар, технология, гоялар, илмий-тадқиқот, ресурс, муқобил, ноу-хау, нанотехнология*

ПРОБЛЕМЫ И ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аликулов Самар Абдурашидович кандидат экономических наук
Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт
Доцент кафедры общественных наук.

Аннотация: *В статье описывается сегодняшний инновационный процесс и его влияние на социально-экономическое развитие, обеспечение конкурентоспособности специалистов на рынке интеллектуальной собственности, увеличение доли интеллектуальной собственности, поиск решений существующих проблем и их приоритетов.*

Ключевые слова: *инновации, модели, технологии, идеи, исследования, ресурс, альтернатива, ноу-хау, нанотехнологии.*

PROBLEMS AND PRIORITY DIRECTIONS OF INNOVATIVE DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

Alikulov Samar Abdurashidovich Candidate of Economic Sciences
Samarkand State Architectural and Construction Institute
Associate Professor of the Department of Social Sciences.

Abstract.: *The article describes today's innovation process and its impact on economic development, ensuring the competitiveness of specialists in the intellectual property market,*

increasing the share of intellectual property, finding solutions to existing problems and their priorities.

***Keywords**: innovation, models, technologies, ideas, research, resource, alternative, know-how, nanotechnology.*

Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганини кўрсатмоқда.

Бугун ривожланишнинг инновацион моделлари ва “ақлли” технологиялар амалга оширилаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади. Ушбу мамлакатларда инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича давлат стратегиясининг ижроси шартли равишда “келажак вазирликлари” деб номланувчи махсус идоралар томонидан амалга оширилади.

Инновацион ривожланиш учун масъул идораларнинг асосий вазифаси инновация ва фан ютуқларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётда интеллектуал мулк улушини кўпайиши ҳисобланади.

Инновацион ғояларни амалиётга жорий қилишдаги тўсиқлар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонида ўтган йиллар ичида мамлакатимизда инновацион ғоялар ва илмий-амалий ишланмаларни қўллашга-қуйидаги тизимли муаммоларнинг мавжудлиги, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун мавжуд имкониятлар ва салоҳиятдан етарлича фойдаланмаслик кўзланган ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишига ҳамда мамлакатларнинг жадал инновацион ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

Биринчидан, давлат дастурларини ишлаб чиқишда замонавий фан ва инновацион технологияларнинг ютуқлари ва ривожланиш тенденцияларини лозим даражада комплекс таҳлил қилиш ва ўрганишнинг мавжуд эмаслиги;

Иккинчидан, фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этишнинг ҳозирги аҳволи инновацион ғоялар ва ишланмаларни тўлиқ рўёбга чиқариш ва амалиётга жорий этиш учун лозим даражадаги шароитларни таъминламаслиги;

Учинчидан, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик прогноз қилиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни таъминловчи ягона органнинг мавжуд эмаслиги, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасаларининг тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатиши фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ интеграциялашишига имкон бермаётганлиги;

Тўртинчидан, юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланма-ларни биринчи навбатда жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш бўйича камчиликлар**;**

Бешинчидан, илмий- тадқиқот ишларини ташкил қилиш ҳамда инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этишдаги камчиликлар;

Олтинчидан, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликни тадбиқ этишдаги камчилик-лар;

Еттинчидан, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш соҳасида юқори тажриба ва салоҳиятга эга бўлган хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик, шунингдек, улардан бутун мамлакат фани, саноати ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда фойдаланишнинг паст даражада сақланиб қилинганлиги.

Мазкур ҳолатлар инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш соҳасида давлат бошқарувининг институтционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаш-тиришни талаб қилади [2]-дейилган:

Инновацион ривожланишнинг асосий устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида" ги Фармонига мувофиқ қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари этиб белгилансин дейилган:

- мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сенарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш;

- давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-тамойилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни, давлат бошқаруви органлари фаолиятиинг самарадорлигини оширшни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шаклларини жорий этиш;

- ҳудудлар ижтимоий - иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигининг юксалиши учун зарур шароитларни таъминлашга қодир бўлган фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

-инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни жалб этиш, уларнинг ривожланишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

-илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, ушбу фаолиятда иқтидорли ёшлар фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратиш;

-мамлакатимиз илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг истиқболли ютуқларини тарғиб қилиш ва жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, шу жумладан илмий-экспериментал ихтисослаш-тирилган лабораториялар, юқори технология марказлари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузилмаларни, хусусан, чет эл инвесторлари иштирокида ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

-табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни, жумладан, муқобил энергия манбаларини, сувни тозалаш ва чучуклаштириш, ундан оқилона фойдаланишнинг замонавий шаклларини кенг қўллаш орқали фаол жорий этиш;

-соғлиқни сақлаш соҳасида касалликларни барвақт аниқлаш ва профилактика қилиш, ўз вақтида ва самарали даволашга имкон берувчи илғор технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, жамиятда соғлом авлодни тарбиялашга ажратилган комплекс тизимни яратиш;

-аграр соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни, шу жумладан ишлаб чиқариш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи қишлоқ экинларининг янги селлекция навларини тарғиб қилиш;

-иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация, саноат ва бошқа инновацион технологияларни жадал жорий этиш;

-инновация фаолияти соҳасида илғор хорижий ташкилотлар билан, шу жумладан уларни ноу-хау, нанотехнологиялар ва юқори технологик товарларни ишлаб чиқаришнинг маҳаллий бозорига жалб қилиш орқали ҳамкорликни кенгайтириш [4] ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2018
2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ- 4947 –сонли фармони.
3.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи., 2018й, 28 декабрь.
4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони. 2017 йил, 29 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТ-ЦИВИЛИЗАЦИЯ СИФАТИДА

Бозар Турдибоев Термиз давлат университети
Фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, ўз тақдирини ўзи белгилаш, адолат тушунчаси, фуқароларнинг кундалик ҳаёти мавжуд моддий, жумладан, хўжалик ва экомаданиятлари, маънавий, сиёсий -ҳуқуқий ва маънавий маданиятлари ривожланиши ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлар ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *адолат, тенглик, тинчлик, мустақиллик, идеал давлат, фуқаро, фуқаролик жамият, демократия.*

УЗБЕКИСТАН КАК НЕЗАВИСИМОЕ ГОСУДАРСТВО-ЦИВИЛИЗАЦИЯ

Базар Турдибоев
Термезский государственный университет
Старший преподаватель кафедры философии

Аннотация: *В статье описываются независимость Узбекистана, самоопределение, понятие справедливости, развитие материальной, экономической и политической, правовой и духовной культуры, в том числе экономики и экосистем повседневной жизни граждан.*

Ключевые слова: *справедливость, равенство, мир, независимость, идеальное государство, гражданин, гражданское общество, демократия.*

UZBEKISTAN AS AN INDEPENDENT STATE-CIVILIZATION

Bazar Turdiboev
Termez State University
Senior Lecturer, Department of Philosophy

Annotation: *The article describes Uzbekistan's independence, self-determination, the notion of justice, the development of material, economic and political, legal and spiritual culture, including the economic and ecosystems of everyday life of citizens.*

Keywords: *justice, equality, peace, independence, ideal state, citizen, civil society, democracy.*

Муҳтарам Президентимиз Ш. М. Мирзиёев тамонидан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидлаганидек, “Инсоннинг бахти саодати аввало унинг эркинлигига ўз тақдирига ўзи белгилашида келажаги учун курашиб яшашида”[1] Мамлакат ҳам шундай. Унинг тараққиёти, тинчлиги, жаҳонда ўз ўрнига эга бўлиши озодлиги, ўз қазилма бойликлари, еру сувини ўзи тасарруф этиши, фуқароларининг эзгу мақсадлари, юксак марралар йўлида ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигига боғлиқ.

Шу маънода, Ўзбекистондаги эркин, обод ҳамда фаровон ҳаётнинг асосий манбаи, халқимизнинг барча ютуқ ва муваффақиятлари, шубҳасиз, Ватанимиз мустақилиги туфайлидир.

Ҳар қандай цивилизация ўз фуқаролари ва давлатига эга алоҳида мамлакат экан, унинг ўзига ҳослиги, энг аввало, кишиларнинг турмуш тарзида намоён бўлади. “Турмуш тарзи ижтимой гуруҳлар, элат, халқ, миллатнинг кундалик ҳаёти»дир[2]. Мамлакат аҳолисининг турмуш тарзи эса тарихан мавжуд маданий борлиқ ва унинг томонларининг характери ва даражалари билан белгиланади. Ўзбекистон аҳолиси, хусусан ўзбек халқи 1991 йил 31 августдан бошлаб тоталитар тузумдан қутулиб, ўз мустақиллигига эришди. Худди шу давр – августнинг охири – сентябрь бошларида собиқ СССР ҳудудидаги бошқа республикалар ҳам суверен мамлакатларга айланди. Лекин ҳар қайси республикаларда асосий туб халқ ва умуман фуқароларнинг кундалик ҳаёти мавжуд моддий, жумладан, хўжалик ва экомаданиятлари, маънавий,

сиёсий - ҳуқуқий ва маънавий маданиятлари турлари негизида ўзига хос ҳолда ривожлана бошлади. Бу ҳолат мамлакатлар ўртасида интеграция юз бермайди, дегани эмас. Аксинча, халқлар ўртасида доимий юз берадиган интеграция жараёнлари мавжуд миллий маданий мавжудлик негизида юз беради. Бу маданий мавжудлик ҳар бир мамлакат асосий халқининг этногенезиси билан боғлиқ маънавий маданияти, жумладан, менталитети, ақлий салоҳияти, табиий бойликлари ва улардан фойдаланиш даражалари, хўжалик маданияти – ишлаб чиқариш имкониятлари, сиёсий ва ҳуқуқий маданий бирликларининг ўзига ҳосликлари билан характерланади.

Эътиборни Ўзбекистоннинг мустақиллигига оид тарихий саналарга қаратайлик. 1989 йилнинг 21 октябрида Республика Олий Кенгаши томонидан «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида» қонунни қабул қилди. Бу қонуннинг қабул қилинишининг ўзиёқ миллий мустақиллик сари ташланган биринчи қадам бўлди. Мустамлакачилик манфаатлари бўйича марказдан юборилаётган «кадрлар тўдаси»га зарба берилди[3]. Мамлакатимиз мустақиллиги сари йирик ташланган қадамлардан навбатдагиси - 1990 йилнинг 20 июнида ЎзССР Олий Совети томонидан қабул қилинган «Мустақиллик Декларацияси» бўлди. Бу тарихий ҳужжатнинг муҳимлиги шундаки, ички ва ташқи сиёсатга оид барча масалалар республика давлати ҳокимияти ихтиёрига берилган эди[4]. 1991 йилда Республика Олий Кенгаши 26 августдан 31 августга қадар энг улкан жаҳоншумул тарихий қадамни босди. «1991 йилнинг 31 август куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнот» Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий йўлини тўла қонунлаштириб берди.1991 йилнинг 31 августида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонун» қабул қилинди ва ана шу қонун доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг бундан кейин Ўзбекистон ССРни Ўзбекистон Республикаси деб аташ, 1- сентябрни Мустақиллик куни деб эълон қилиш, Ўзбекистон Конститутциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, иттифоқнинг ва унинг таркибига кирадиган барча мустақил давлатларнинг олий қонун чиқарувчи идораларига, барча хорижий давлатларга ва жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, уларни республиканинг мустақиллиги эълон қилинган ҳужжатини тан олишга даъват этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Бу бевосита Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки ҳуқуқий пойдевори эди.

Мустақиллик – ўзликни англашдан бошланади. Дарҳақиқат, биз ижтимоий-сиёсий жараёнлар одамлар ҳаётини кескин тарзда бир ўзандан иккинчи ўзанга буриб юборган, ҳаётимиз бутунлай бошқача тус олган ва турмушимиз ўзгача мазмун касб этган мураккаб руҳий-маънавий ҳолатни бошдан кечирдик. Натижада йиллар мобаёнида қотиб қолган тушунчаларимиз ўзгармоқда ва мудраб қолган онгимиз уйғонмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрда бўлиб ўтган VIII сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Маълумки, давлат байроғи юрт – халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагининг рамзи ҳисобланади[5]. 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида биринчи бор халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди. Бу тарихий воқеа Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида ҳалқаро ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби», 10 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонунларни қабул қилди. 1994 йилнинг 2 июлидан бошлаб мустақил мамлакатимизнинг миллий валютаси–сўм муомалага киритилди. Республика Олий Кенгаши 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конститутциясини қабул қилди. [6]. Бу тарихий хужжатлар Ўзбекистон аҳолиси, ҳусусан, ўзбек халқининг ўз-тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини, тенглар ичра тенг бўлиш ҳуқуқини берди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил цивилизация эканлигини даврий жиҳатдан ҳам Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги, ўрта асрлар ва янги давр цивилизациялари – мамлакатлари – Қадимги Хоразм, Бақтрия, Сўғд мамлакатлари, мустамлака цивилизациялар–Аҳамонийлар,Салавкийлар,Грек-Бақтрия мамлакатлари, Парфия, Фарғона (Давань), Кушонлар, Қанғ, Эфталитлар, Турк хоқонлиги–мамлакатлари,мустамлака мамлакат-Араб халифалиги,Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, мустамлака мамлакат–Чиғатой улуси, Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар, Бухоро амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонликлари, мустамлака мамлакатлар–Чор самодержавияси, жумладан, Туркистон генерал-губернаторлиги ва СССР, унинг таркибий қисми – Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан қиёслаш мумкин. Ушбу ҳолат бўйича Ф.Бродель Франция мисолида шундай ёзади: “Агар Францияга унинг энг умумий хронологик рамкасида назар ташласак, у ҳолда у ҳар ҳил ва ўхшаш, галма-гал гоҳо зич, гоҳо кенг, гоҳо бирга, гоҳо бўлинган, гоҳо кўнгилдагидек, гоҳо уқубатли, гоҳо муваффақиятли, гоҳо муваффақиятсиз бир-бирлари билан изчил алмашинадиган бутун кетма-кетликдаги Франция бўлиб гавдаланади” [7]. Демак, ҳар бир диёрда бўлгани каби, Франция ёки бошқа ўлкалар бўлсин, бизнинг юртимизда ҳам кетма-кет цивилизациялар–мамлакатлар мавжуд бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил цивилизация – мустақил мамлакат эканлигини ижтимоий макон рамкасида ҳам собиқ СССР ҳудудида бир вақтда мустақиллика эришган мамлакатлар – Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Украина, Молдавия, Белоруссия, Латвия, Литва, Эстония ва Россия Федератив республикалари билан ҳам қиёслаш мумкин. Уларнинг ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги умумийликлари билан биргаликда ўзига хосликлари ҳам мавжуддир. Мисол сифатида, даврий жиҳатлардан олганда, собиқ Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Республикасининг социал асослари – ўзбек халқи ва Ўзбекистон ҳудудида яшаётган халқлар сон жиҳатидан эмас, сифат жиҳатидан деярли бир хил эди. Аммо моддий - маданий бирликлари, жумладан, хўжаликка оид маданий бирликлари, сиёсий ва ҳуқуқий - маданий бирликлари ўртасида катта фарқлар бор эди. Собиқ Ўзбекистон ССРда моддий маданият, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар Иттифоқ даражасида эди, улар совет халқи манфаатлари даражасида ташкил этилган эди. Мустақил Ўзбекистонда эса моддий маданият ҳам, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар ҳам Ўзбекистон аҳолиси, жумладан, ўзбек халқи

манфаатлари доирасида амал қилади. Собиқ Ўзбекистон ССРда маънавий маданиятда коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган бўлса, ҳозир миллий - маънавий маданиятимиз қадриятли ёндошиш асосида ривожланаётганлиги билан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил цивилизация – мамлакат сифатида ўз табиий заминларига эга. Ўзбекистон ҳудуди 448,97 минг.кв.км, ундаги асосий дарёлари-Сирдарё 2212 км, Амударё 1415 км, Зарафшон 877 км, Норин 578 км, Қашқадарё 378 км, Шероботдарё 177 км, Сурхондарё 175 км. дан иборат. Ўзбекистон иқлими асосан узоқ иссиқ ва қуруқ, қиши эса юмшоқ совуқ. Ўзбекистонда бир йилда қуёшли кунлар 2700 соатдан 3130 соатгача етади. Агар уни 100% деб олсак, Ғарбий Европада қуёшли кунлар 70-80% ташкил этади. Ёзда энг юқори ҳарорат +42ºС даражадан ошади. Шунинг учун Ўзбекистонда иссиқсевар экин ва меваларни етиштириш имкониятлари ҳам мавжуд. Қишда ҳавонинг совуши эса -35ºС – -38ºС даражага ҳам етади. Ёғингарчиликнинг асосий қисми 30% дан 50%гача баҳорга, 25-40% қишга, 10-20% кузга тўғри келади. Июль-сентябрь ойларида деярли ёмғир ёғмайди. Ўзбекистонинг шарқида оқар сувлар манбалари кўп, аммо учдан икки қисмини ташкил этган ғарбий томондаги текисликларда сув манбалари кам. Шунинг учун ҳам қатор сув омборлари қурилган.

Ўзбекистон мис, кумуш, олтин, қўрғошин, рух, вольфрам, табиий газ ва бошқа айрим фойдали қазилмалар заҳиралари бўйича дунёнинг олдинги ўринларидан бирида туради[8].

Жамият ўзаги маданий борлиқ экан, унинг таркибий қисмларидан бири сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлардир. Ўзбекистон Республикаси мустақил мамлакат сифатида ўз маданий борлиғи, жумладан, сиёсий - маданий борлиғи негизида ривожланиб бормоқда. У мустақил цивилизация – мамлакат сифатида 1991 йил 31 августда ўз мустақил давлатчилик йўлини бошлади. Мамлакатимизнинг сиёсий маданий субъектини Ўзбекистон аҳолиси, келиб чиқиш мотивини уларнинг давлатчиликка бўлган эҳтиёжлари ташкил этади. Ушбу эҳтиёжлар асосида мамлакатимизда Президентлик Республикаси ўрнатилган ва давлат бошқарувида ҳокимиятнинг учга бўлиниши тамойили устуворлик қилади. Шунинг учун у миллати тили, дини, ирқи, жинси, ижтимоий келиб чиқишидандан қатъий назар, барчанинг давлатидир. Ўзбекистон Республикасининг мустақил цивилизация–мамлакат сифатида социал асоси – субъектини 34 миллиондан зиёд аҳоли ташкил этади. Уларнинг 80% и ўзбеклар, 5.5% и руслар, 5% и тожиклар, 3% и қозоқлар, 2.5% и қирғизлар, 1.5% и татарлар, 2.5 % и бошқа миллат ва элатлар вакилларидир.

Жамият ўзаги – маданий борлиқнинг томонларидан биринчиси моддий маданиятдир. Моддий маданият хўжалик ва экомаданиятлардан ташкил топган. Қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқариши эса хўжалик маданиятининг асосий томонларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил цивилизация – мамлакат сифатида маънавий–маданий негизлари–ахлоқий, эстетик бирликларига, виждон эркинлигининг кафолатланганлигига, фан, таълим–тарбия ва оммавий ахборот воситалари тизимлари бирликларига ҳам эгадир.

Ушбу социал, моддий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий маданиятларнинг бир-бирлари билан узвий алоқадорликлари, яъни функционал ҳолатларига кўра корреляцион-функционал боғланишлари – бирликлари ўз ижтимоий – тарихий яхлитлиги ва жараёнларига эга мамлакат – Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос йўлдан бораётган цивилизация деб эътироф этишга имкон беради. Ўзбекистон - кўп миллатли мамлакат. Ўзбекистон дунёвий ва умуминсоний қадриятларга содиқ давлатдир. Ўзбекистон индустриал – аграр мамлакат. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланаётган мамлакат. Ўзбекистон айни - вақтда миллий-маънавий қадриятларга эга мамлакат. Демак, мамлакатмиздаги 33 миллиондан зиёд аҳоли қуёшли табиий заминга мувофиқлашган ҳолда, табиатни эъзозлаган ҳолда моддий маданият, энг аввало, хўжалик маданиятларини, жамиятнинг барча соҳалари тақозо қиладиган сиёсий ва ҳуқуқий маданиятларини, жамиятнинг маънавий эҳтиёжлари турларидан келиб чиққан ҳолда умуминсоний қадриятларга мос ҳолда миллий-маънавий маданиятларини такомиллаштириб бораверади. Бу корреляцион-функционал маданий томонларнинг бирлиги Ўзбекистон Республикаси дея аталмиш мамлакат–цивилизациянинг яхлитлигини таъминлаш, мавжудлигини сақлаш учун, ривожланишини таъминлаш учун манба бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон ҳудудидаги бу маданий томонлар аҳоли ва унинг манфаатларидан келиб чиқиб яратилган моддий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий маданиятларнинг корреляцион-функционал бир бутунлиги ўзига хос субстанционал асослари эга бўлиб, улар мамлакатимизнинг яҳлитлиги ва нормал эволюцион ривожланиши учун навбатдаги манба бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида таъкидланганидек: “Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз.

Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад- “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат.

Умумхалқ муҳокамасидан сўнг беш йилга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда биз ўзимизга четдан назар ташлаб салоҳият ва имкониятимизни ҳолис баҳолаш билан бирга хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилдик. Стратегия-бу янгиланиш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир. Бу ҳужжат ҳозирги вақтда ҳаётга изчил жорий этилмоқда”. Ўзбекистон ҳудудидаги бу маданий томонлар туб ижтимоий ислоҳотлар, янгиланишлар аҳоли ва унинг манфаатларидан келиб чиқиб яратилган моддий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий маданиятларнинг корреляцион-функционал бир бутунлиги ўзига хос субстанционал асослари эга бўлиб, улар мамлакатимизнинг яхлитлиги ва нормал эволюцион ривожланиши учун навбатдаги манба бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон аҳолиси

эҳтиёжларини англаш натижаси сифатида ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш йўли ва тараққиётининг ўзбек модели мамлакатимизнинг дахлсизлиги, барқарорлиги ва субстанционал нормал эволюцион маданиятли ривожланишининг ўқ илдизини ташкил этади.

Адабиётлар рўйхати:

1.Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // «Халқ сўзи", 2019 йил 1 сентябрь.
2.Фалсафа:Қомусий луғат.–Т:«Шарқ», 2004.–Б.495.
3.Жўраев Н.ва бошқалар.Ўзбекистон тарихи: миллий истиқлол даври:11-синф ўқувчилари учун дарслик.–Т.:«Шарқ»,1998.–Б.12.
4.Ўзбекистон янги тарихи.2.Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.–Т:«Шарқ», 2000.–Б. 668-670.
5.Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуни.
6.Жўраев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: миллий истиқлол даври: 11-синф ўқувчилари учун дарслик.–Т.: «Шарқ», 1998. – Б.32-38, 62-64.
7.Бродель.Ф. Что такое Франция? Том I. Ч.1. – М: 1995. – С.7.
8.Қаранг: Аҳмедов Э. Ўзбекистон Республикаси: қисқача маълумотнома. –Т.: «Ўзбекистон», 1993. – Б.4-12.

ШАРҚ ҲАЛҚЛАРИ ТАФАККУРИДА ИЛМИЙ БАҲС ФЕНОМЕНИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АҲАМИЯТИ

Турабова Севара Каттақуловна
Термиз давлат университети. катта ўқитувчи
Жўраева Вазира Фархадовна
Ўзбекистон хақаро ислом академияси.талаба

Аннотация. *Ушбу мақолада Шарқ ҳалқлари тафаккури тараққиётида илмий баҳс феноменининг ўзига хос структуравий, фукционал ҳамда эвристик аҳамияти минтақавий хусусиятларидан келиб чиқиб таҳлил этилган. Шунингдек, Ўрта асрлар мусулмон Шарқининг фалсафаси ва илоҳиётшунослиги танқидий-таҳлилий анализдан иборат бўлган жуда кўплаб муҳим илмий, ижодий ишларга бой бўлганлиги ва унинг аҳамият ҳақида фикр юритилади*

Калит сўзлар: *баҳс-мунозара, муқобил фикр, демократия, аргумент, ижтимоий жараён, диалектика, догма, софистика, танқид, анализ, синтез, ҳақиқат.*

СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ФЕНОМЕНА НАУЧНОЙ ДИСКУССИИ В РАЗВИТИИ МЫШЛЕНИЯ НАРОДОВ ВОСТОКА

Турабова Севара Каттақуловна
Термезский государственный университет старший преподаватель
Жураева Вазира Фархадовна
Международная исламская академия Узбекистанастудент

Аннотация. *В этой статье проанализирована структурная, функциональная и эвристическая значимость феномена научных споров с точки зрения региональных особенностей в развитии мышления народов Востока.Также была рассматривается философия и теология средневекового мусульманского Востока которая была наполнены многими важными научными и творческими работами, включая критический анализ и синтез.*

Ключевые слова: *дискуссия, альтернативная мысль, аргумент, социальный процесс, диалектика, догма, софистика, критика, анализ, синтез, истина*

THE SOCIO-POLITICAL SIGNIFICANCE OF THE PHENOMENON SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE DEVELOPMENT OF THINKING OF THE PEOPLES OF THE EAST

Turabova Sevara Kattakulovna
Termez State Universitysenior teacher
Juraeva Vazira Farhodovna
International islamic academy of Uzbekistanstudent

Annotation: *This article discusses the philosophy and theology of the medieval Muslim East, which was filled with many important scientific and creative works, including critical analysis and synthesis. The structural, functional and heuristic significance of the phenomenon of scientific debate in the development of thinking of the peoples of the East from the point of view of regional features was also analyzed.*

Keywords*:discussion, alternative thought, democracy,argument,social process, dialectics, dogma, sophistry, criticism, analysis, synthesis, truth.*

Баҳс қарама-қарши фикрларни исботлашнинг махсус шакли, шунингдек масаланинг энг тўғри ечимини излашнинг мақбул усули сифатида инсоният тарихининг энг қадимги даврларидаёқ муайян ижтимоий ва сиёсий вазият таъсирида юзага кела бошлаган.Баҳс юритиш ҳақидаги тасаввурлар билиш тараққиёти давомида мазмунан бойитилиб, тўлдирилиб борилди. Чунки, баҳс-мунозаралар гносеологик нуқтаи назардан ўз даврида баён этиладиган ғояларнинг мазмун-моҳиятини ва унинг ўрганиш объектини ёритиб бериш масаласида ўзининг энг мақбул вариант эканлигини кўрсатиб бера олди. Хусусан, бу ҳокимиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида ибодатхона ва мактаблар ўртасидаги курашлар (Ҳиндистон, Хитой), ҳалқ сайловлари ва судлардаги чиқишлар (Греция) билан ҳам белгиланади.

Баҳс-мунозарага оид айрим фалсафий ғоялар ва мантиқий парчаларни Қадимги Миср ва Қадимги Бобилнинг адабий ёдгорликларида ҳам топиш мумкин. Ҳусусан, ўша даврнинг ёзма манбалари бўлган «Арфист қўшиғи», «Ҳаётидан ҳафсаласи пир бўлган кишининг ўз жони билан суҳбати» «Хўжайиннинг ўз қули билан ҳаётининг мазмуни ҳақида суҳбати» каби битикларда баҳсга оид бўлган фрагментлар бунга яққол мисол бўла олади. Шунингдек, “аждодларимизнинг энг қадимий маънавий ёдгорликларидан бири, “Ҳаёт йўриқномаси” деб ном олган “Авесто” китобида ҳам қарама-қаршиликлар ўртасидаги кураш борасида асосий тушунча ва тамойиллар ўз ифодасини топган. “Унда ёруғлик ва зулмат, эзгулик ва

қабоҳат кучлари ўртасидаги баҳс ва кураш масалалари ёрқин кўрсатиб берилган" [1. Б.273.]

Аммо бу фалсафий ва мантиқий қарашлар Қадимги дунё илми ва мантиқий тафаккурининг кейинги тараққиётига таъсир кўрсатган бўлса ҳам, тарихий сабабларга кўра яхлит фалсафий мактаблар ташкил этиш, уларда фалсафий, мантиқий масалаларни шу жумладан ҳақиқат, баҳс юритиш муаммолари махсус текшириш объекти сифатида алоҳида муҳокама этиш даражасига кўтарилмаган.

Ўрта асрларда, баҳс-мунозаралар технологияси янада такомиллаштирилди. Илоҳиётшунослик, патристика, апологетика ва калом илми доирасида далиллашнинг турли усуллари ва танқидий услублар ишлаб чиқилиб, баҳс-мунозаранинг янги стратегия ва тактикалари жорий этила бошланди. Шуни эътироф этиш лозимки ҳар бир даврда баҳс-мунозара юритишнинг ўзига хос тарздаги тартиб-коидалари мавжуд бўлган. Хусусан, мисол тариқасида «ҳужум-ҳимоя» кўринишидаги баҳс-мунозара усули яҳудийлар, христианлар ва монийлар ўртасида қадимдан давом этиб келаётган мунозараларнинг энг оммавийси бўлган.

Ўрта асрлар Шарқ фалсафаси ислом динининг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши натижасида теоцентрик хусусият касб этди. Танқидийлик ва баҳс-мунозара қилиш руҳияти ислом оламининг илк босқичларидаёқ марказий ўринни эгаллаб келган. Шунга мувофиқ Қуръонда илм олиш ва фикрлашга оид кўплаб кўрсатмаларга рўпара келиш мумкин. Масалан, муқаддас матн бўлмиш Қуръонда ўзининг таҳлил ва танқид қилиш қобилиятларидан фойдаланмайдиган кимсалар энг ўткир ибораларда қораланган, хусусан:Анфол сурасининг 22 оятида "Аллоҳнинг наздида жонзотларнинг энг ёмони бу ақлни ишлатмайдиган "кар" ва "соқов"лардир" дейилади. Шунингдек, Қуръонда баҳснинг аҳлоқий тамойиллари ҳақидаги маълумотларга ҳам дуч келишимиз мумкин. Масалан: **Анкабут сурасининг 46-чи оятида, «(Эй мўминлар), сизлар аҳли Китоб билан фақат энг чиройли йўсинда мужодала-мунозара қилинглар» [2.-Б.281.]дейилган.**

Наҳл сурасининг 125-чи оятида эса, «..Улар (сиз билан талашиб-тортишадиган кимсалар) билан энг гўзал йўлда мужодала-мунозара қилинг! » [2. Б.402.] дейилган .

Шунингдек, Мухаммад пайғамбаримизнинг таржимаи ҳолига ҳам кўз югуртирганда шунга амин бўлдик-ки, у зотнинг қабул қилган мухим стратегик қарорлари айнан танқидий баҳс-мунозаралар ҳамкорлигида содир бўлган .

Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг ҳаётлик чоғидаги қилган амаллари ва сўзларининг йиғиндисидан ҳосил бўлган илм маълум даражада танқидий-таҳлилий ва инновatсион услубга асосланган. Хусусан, мумтоз ислом цивилизациясининг ўзига хос мухим белгиси бўлиб баҳс-мунозара, далил-исбот, филолого-текстологик ва илмий критицизм ҳисобланганлиги кўплаб олимлар томонидан ҳам доимо кенг эътироф этиб келинган.

Исломда тақдирга ишониш ва ирода эркинлиги масалалари ҳам жиддий баҳсларга сабаб бўлиб келган. Қуръонда ҳар икки ҳолатга ҳам мувофиқ келадиган ва бундай фикрларни мустаҳкамлайдиган оятларни топиш мумкин эди. Ислом динининг илк босқичларида Оллоҳ ўз бандасининг тақдири ва ҳатти-ҳаракатларини олдиндан белгилаб қўйган деган эътиқод расм бўлган эди. Табиийки, бундайин ҳолат

Қуръони Каримда кўрсатилганидек бандaнинг ўз қилмишлари учун жавобгарлиги ва қилган гуноҳ ишлари учун Оллоҳ томонидан жазоланиши ҳақидаги ақидаларга зид келар эди. Аввалига унчалик англанмаган бу каби зиддиятлар, кейинчалик илоҳиётчиларнинг иққат-эътиборини ва фикрини борган сари кўпроқ торта бошлади.

Жабарийлар ва қадарийлар, хаворижлар ва муржийлар, мутакаллимлар ва муътазилийлар оқимларининг пайдо бўлиши ҳам муайян даражада тақдир масаласи бўйича баҳс-мунозаралар натижаси деб олиб қаралиши мумкин.

Шуниси эътиборга лойиқки, муътазилийлар ва мутакаллимлар ўрта асрлардаги зиёлиларнинг энг маълумотли қисмини ташкил этардилар. Улар орасида кўплаб энциклопедик олимлар, файласуфлар бор эди. Улар ичидан Ан-Наззом, Жоҳиз, Ал-Киндий, Замахшарий каби забардаст файласуфлар ва бошқалар чиқдилар.

Уларнинг олдида ислом динига янги халқларнинг кириши орқали юзага келган муаммолар кўндаланг бўла бошлади. Чунки, маданияти юксакроқ бўлган халқларнинг мантиқий саволларига асосли ва қониқарли бўлган жавоб топиш, шунингдек ислом динининг бошқа динлардан афзаллигини кўрсатишда муқаддас китоблар билан кифояланибгина қолмай, шу билан бирга, илгари сурилаётган ғояларни мантиқий жиҳатдан исбот қилиш ҳаёт-мамот масаласига айланганди.

Шу каби омиллар эса ислом динининг фикрловчи доираларида калом баҳсларининг пайдо бўлишига замин тайёрлади.

Шу ўринда Ўрта асрлар Шарқ фалсафасида баҳс-мунозара масаласини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшган файласуф Абу Наср ибн Муҳаммад Форобий ижодига эътибор бермасликнинг иложи йўқ. “Форобий давридаги олимлар орасидаги баҳсларда сафсатабозлик ҳолатлари кўп учрагани боис мутафаккир улар билан курашиш мақсадида илмий баҳс юритиш методологиясини ишлаб чиқди**[3. -Б.18.]**. Форобийнинг ёзишича, диалектика, яъни “Ал-Жадал” атамаси қадимги юнон файласуфлари Сократ ва Платон томонидан қўлланилган бўлиб, маъноси баҳс, суҳбат, мунозара юритиш орқали баҳслашувчининг фикридаги зиддиятларни фош этиб, ҳақиқатга эришиш демакдир. “Инсон,- деб ёзади Форобий,- ҳақиқатга ёки фалсафага фақат диалектик баҳс орқали эришиши мумкин”**[4. -С.405]**. Форобий диалектикани баҳсда ғалаба қозониш учун, инсонни аниқ билимларга асосланган назарий фан билан шуғулланишга тайёрлаш ва кундалик ҳаётда тўғри қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган «машқ санъати» деб ҳисоблайди. Форобий диалектик баҳснинг “биринчи мақсади рад этиш бўлса, исботлаш унинг иккинчи мақсадидир”– деб ёзади”[4.-С.364]. Исботлашнинг диалектик методи, Форобий фикрича, “савол ва жавоб усулидангина иборат бўлмай, балки баҳс-мунозара юритишнинг стратегияси ва тактикаси ҳамдирки, бунинг натижасида мухолиф устидан ғалаба қозонилади ”. [5. Б.104].

Ўрта асрлардаги илмий баҳснинг ёрқин намунаси сифатида ҳисоблаш математикаси соҳасида олимлар ўртасидаги тортишувларни ҳам кўрсатиш мумкин. Математика тарихидан маълумки, Ал-Хоразмий ўз даврида ҳисоблашнинг мавжуд “абак” методига зид бўлган ҳисоблашнинг янги йўналишини яратди. “X-XII асрларда Абак арифметикаси ва ал-Хоразмий номи билан боғлиқ ҳисоблаш арифметикаси

ўртасидаги бу илмий кураш Ғарбий Европада математиканинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди" **[6. -С.58]**. Абак арифметикаси бўлмиш "абакистлар"нинг ёрқин намоёндаси француз олими, кейинчалик Сильвестр номи билан машҳур бўлган Рим папаси Герберт Орийхский эди. Эътиборли томони шундаки, Хоразмий арифметикаси мутахассисларга қулай ва аниқ математик аппаратни тақдим эта олганлиги боис алгоритслар илмий тортишувларда абакистлардан доимо устун келишган. Натижада Абак ўз нуфузини йўқотди. Алгоритслар йўналиш кейинчалик XX асрнинг иккинчи ярмида ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида, шу жумладан, фанда ҳисоблаш математикаси ва техникасининг кенг миқёсда қўлланилишига ва ривожланишига ҳам олиб келди.

Ўрта асрларда Ибн Сино ва Берунийларнинг ёзишма ва савол-жавоблари ҳам илмий баҳс-мунозаранинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Ҳозирда ушбу ёзишмалар бу икки алломанинг илмий-фалсафий қарашларини очиб берувчи муҳим манба ҳисобланади. Бу ёзишма ўз ичига Беруний томонидан Аристотелнинг "Осмон ҳақидаги китоб"ига оид 10 та, "Физика"сига оид эса 8 та саволини ва бу саволларга Ибн Синонинг берган жавобларини қамрайди. Кейинчалик Беруний Ибн Синонинг жавобларига ўзининг раддиясини ёзиб жўнатган, Ибн Синонинг номидан эса раддияга жавобни унинг шогирди ал-Маъсумий берган.

Бу ёзишмаларда фалсафа, физика ва астрономиянинг муҳим масалалари муҳокама қилинган. Ҳусусан, Беруний ўз позициясини ўзи ўтказган тажрибаларига асосланиб, "тажрибага таянган фанни сафсатабозликка қарши қўйиш" тарзда исботлашга уринган. Ибн Сино эса Берунийнинг бошқа дунё ва сайёралар ҳақидаги ғоялари беҳисоб дунёларнинг борлигини тасдиқловчи мантиқий хулосага олиб келади, бу эса сафсатадир, деб баҳолаган. Бунга қарши Берруний Ибн Синога қуйидагича қарши жавоб қайтарган "Агар сафсатачилар деган ном уларга шу сабабдан берилса, унда мен ҳам бу номни олишдан бош тортмайман" **[7. -С.39]**. Бизнингча, Берунийнинг бошқа дунёлар ва сайёраларнинг мавжудлиги тўғрисидаги гипотетик тахмини унинг илмий-фалсафий ютуқларидан бири ҳисобланади.

Шуни эътироф этиш керакки, бу икки алломанинг ёзишмаларида Ибн Синонинг жавобларига эътибор қаратадиган бўлсак, Ибн Сино ёш бўлишига қарамай нафақат мулоҳазаларининг чуқурлигига, балки унинг ўз позициясини дадил ва мустаҳкам туриб ҳимоя қила олганлигига ҳам гувох бўлиш мумкин.

Юқорида зикр этилган Шарқнинг буюк алломаларининг изланишларини муносиб давом эттирган Ўрта Осиёлик олимлардан бири Саъдуддин Маъсуд бинни Умар Тафтазоний ижодига эътибор қаратамиз. Шуниси эътиборлики, Умар Тафтазоний Амир Темур ҳузурида мунтазам ўтказилиб туриладиган илмий баҳсларда фаол иштирок этиб келган. Унинг фикрича, баҳс юритиш тафаккурдаги хатоликлардан ҳалос қиладиган восита бўлиб, шунингдек, баҳс–янги билимлар хосил қилиш замини ҳамдир.

Баҳсга оид ўзининг мулоҳазаларини илмий баён этган Шарқнинг яна бир алломаси Сайиид Шариф Журжонийдир.У баҳс мавзусига бағишланган «Одоб ул-мунозара» («Мунозара олиб боришнинг қоидалари ҳақида рисола») номли асарида баҳснинг мантиқий механизмлари тўғрисида муҳим мулоҳазаларни билдирган. Журжонийнинг XIV аср файласуфи Эзиддин Абдураҳмон ал-Ижий (1300-1356) нинг

“Мавоқиф фи илм ал-калом” (Калом илмидаги манзиллар) асарига шарҳ сифатида ёзган “Шарҳе мавофиқ фи илм ал-калом” (“Калом илмидаги манзилларга шарҳ”)[8] китоби 1018 саҳифадан иборат бўлиб, бу асарда Журжоний мутакаллимларнинг айрим қарашларини танқид остига олган[9.-Б.137].

Хулоса ўрнида шуни эътироф этиш керак-ки, Ўрта асрлар мусулмон Шарқининг фалсафаси ва илоҳиётшунослиги танқидий-таҳлилий анализдан иборат бўлган жуда кўплаб муҳим илмий, ижодий ишларга бой бўлган. Хусусан, жабарийлар ва қадарийлар, хаворижлар ва муржийлар, мутакаллимлар ва муътазилийлар, Хоразмий ва Абак, Ибн Сино ва Беруний, Ғазолий ва Ибн Рушд ўртасидаги каби баҳс-мунозаралар ислом оламида одатий ҳолат ҳисобланган.

Бироқ шуниси қизиқарлики, негадир ҳозирги замон мусулмон дунёсида илмий баҳс-мунозара ва танқидчилик руҳияти деярли сезилмайди, жуда кам миқдордаги баъзи ислоҳотчилик кайфиятидаги олимларни ҳисобга олмасак албатта. Хусусан бу борада профессор Ш.Мадаеванинг “бутун мусулмон олами, хусусан, Марказий Осиё илм-фани XIV-XV аср уйғониш давридан кейин том маънода ўз илмий парадигмал тизимини йўқотиб қўйди”[10.-Б.14]. деган фикри ҳам ўринлидир.

Танқидий фикрлашнинг сўниб қолганлик сабабларини хар хил тушунтириш мумкин. Эҳтимол, бу ҳолатни Шарқ мамлакатларининг улушига узоқ вақт Ғарбнинг мустамлакасига айланиш тақдири ёзилганлиги билан асослаш мумкиндир. Эҳтимол мусулмон дунёсида европа колонизацияси таъсири остида хокимият томонидан фикрлар ҳилма-хиллиги, танқидий фикрлаш кўникмасининг мақсадли тарзда буғилганлиги, сўниш сабаби бўлгандир. Мусулмон цивилизациясида танқидийлик руҳиятининг пасайиши ёки йўқ бўлиб кетиш сабаблари ҳақидаги бу каби тушунтиришлар тўлиқсиз ва мавҳумлигича қолмоқда. Бироқ, бизнингча бугунги кунда мусулмон цивилизациясидаги танқидий фикрлашнинг сўниш сабабларини тадқиқ қилишдан ҳам кўра унинг оқибатлариини қандайдир тарзда ўзгартириш кераклиги долзарброқ бўлиб турибди. Танқидий руҳнинг етишмаслиги, янги ва оригинал ғояларнинг туғилиш йўлларини тўсиб қўйилганлиги, ортодоксал қарашлар билан баҳс-мунозара қила оладиган файласуф ва диншунослар, ёзувчи ва сиёсатчиларнинг танқислиги мусулмон жамиятларида экстремизм ва терроризм каби иллатларнинг эркин илдиз отишига хам замин яратмоқда.

Адабиётлар:

[1]Назаров Қ. Билиш фалсафаси.-Т:“Университет”, 2005-Б.273.

[2]Қуръони Карим.// Маъноларининг таржима ва тафсири// Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети; таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур.-Т:2012.

[3]Тўлаганова М. Абу Наср Форобийнинг диалектикаиси ҳақидаги таълимоти замонавий аргументлаш назарияси талқинида:фал.фан.доктори(PhD) номз. дис.автореф–Тошкент, 2017.

[4] Аль-Фараби. Диалектика. Историко-философские трактаты.-Алма-Ата:Наука, 1985.

[5]Файзиҳўжаева Д. Абу Наср ал-Форобий ва Абу Али Ибн Сино мантикий исботлаш хакида/.-Тошкент:Нишон-Ношир,2013.

[6]Файзуллаев А.Ф. Возникновение и развитие понятия “алгоритм”В кн: Классическая наука в Средней Азии и современная мировая цивилизация. – Ташкент, “Фан”, 2000.
[7]Шарипов А.Малоизвестные страницы переписки между Беруни и Ибн Синой. «Общественые науки в Узбекистане» журнали, 1965, 11-сон
[8]Журжоний. Шарҳе мавофиқ фи илм ал-калом.–Стамбул: «Дор улматбатул Омера» босмаҳонаси. 1267 ҳ.й.
[9]Хайруллаев М., Алиқулов Х.Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар.. Т.:Ўзбекистон, 1995.
[10] Мадаева Ш. Ориентализм Шарқ ва Ғарб диалоги тадқиқининг методи сифатида //Фалсафий маданиятлар мулоқоти(илмий мақолалар тўплам) Т.:НИШОН-НОШИР.2014.

THE CONCEPT OF MODERNISM IN MODERN NATIONAL LITERATURE AND ITS SUBJECTIVE DISCOURSE

Kattaeva Feruza Shakirovna
Termez State University Termezteacher
Khudoynazarov Bakhriddin Bakhramovich
Master Termez State University Termez, UzbekistanMaster

Abstract: *In the article, the authors writes about modern national literature, modernism as widely understood to a method of purely formative research. There are many examples of such a simple and easy interpretation of a modern aesthetic phenomenon as modernism. Such diversity in the system of approaches can be understood. as the artistic taste of humanity improves, the creative process becomes more and more divers*

Keywords: modernism; formative research; artistic taste; creative.

УЛУҒБЕК ҲАМДАМНИНГ “МУВОЗАНАТ” АСАРИНИНГ УНИВЕРСИТЕТ ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИГА ТАЪСИРИ

Каттаева Феруза Шакировна
Термиз давлат университетиЎқитувчиси,
Худойназаров Бахриддин Бахромович
Термиз давлат университетимагистранти

Аннотация: *Маколада муаллифлар замонавий миллий адабиётдаги модеринзм тушунчасини шакллантирувчи соф тадкикот усуллари билан таништирадилар. Замонавий эстетик ходисани модернизм каби содда ва осон талкин килишнинг куплаб мисоллари мавжуд. Ёндашувлар тизимидаги бундай хилма-хилликни тушуниш мумкин. Инсониятнинг бадиий диди узгарган сайин, ижодий жараён тобора хилма хиллашиб боради.*

Калит сўзлар: *модеринзм; тадкикот усуллари; бадиий дид; ижодий жараён.*

ВЛИЯНИЕ РОМАНА УЛУГБЕКА ХАМДАМА"РАВНОВЕСИЕ" НА ДУХОВНУЮ КОМПЕТЕНТНОСТЬ СТУДЕНТОВ УНИВЕРСИТЕТА

Каттаева Феруза Шакировна
Термизский государственный университет преподаватель
Худойназаров Бахриддин Бахромович
Термизский государственный университетмагистрант

Аннотация: *В статье авторы пишут о чистые методы исследования, которые формируют понятие модеринизма в современной национальной литературе. Есть много примеров простой и легкой интерпретации современного эстетического феномена, такого как модернизм. Такое разнообразие в системе подходов можно понять. По мере того как меняется художественный вкус человечества, меняется и творческий процесс*

Ключевые слова: *модеринизм; методы исследования; художественный вкус; творческий процесс.*

According to the theoretical typology of sunset countries, the history of the development of fiction is conventionally a) pre-classical; b) the classical literature stage; c) the stage of the classical literature; d) The postclassical literature phase. Modernism, however, was a system of scientific and aesthetic views that resulted from the rejection and denial of these classical views. Originally modernism presented itself as the latest artistic and aesthetic route, but time is not right, with all the approaches to literary and artistic approaches so far. showed that there was a completely different post-classic stage.

It is of great scientific, theoretical and practical significance to determine what are the leading symbols of the modern trend, which is a reflection of the classical philosophical and artistic way of thinking that has replaced the classical course of action for many years. In modernist theoretical systems and artistic practices, classical arts, such as boredom, depression, fear are not only the events of the universe and the purpose of human activity. Spiritual concepts and situations, which are beyond its reach, have also risen to the status of artistic images. Philosophical fiction, artistic melancholy, escalation of music, exterior resemblance to form and harmony in art, and absurd, indecisive and abominable substitutes for literary, dramatic, and literal reality virus has been given priority status. At the same time, high art samples were created, which became a peculiar classic of the 20th century aesthetic thinking.

Because each modern work is based on carefully thought out rules and regulations. Even in the works that were born out of the rejection of all ancient forms and traditions, there was a certain internal artistic and aesthetic discipline.

Modernism is a term that summarizes the system of classical notions in philosophy, art and literature. Modernism, originated in the last quarter of the 19th century in the Sunshine countries, which means French "new", "modern", is the only true aesthetic and philosophical orientation of the present and future, and the philosophical and artistic perception of the world. , which denies the traditional approaches to interpretation and description. Modernism is a multidisciplinary philosophical aesthetic phenomenon that seeks to be unique in explaining and describing the phenomena of the world and the individual, and to reject the classical approach**. [1]**

Modernism refuses to look at classical art as a reflection of reality and limits the artist to a greater degree of creativity when he is out of reality. He looks like a lady. Realist theory considers that the only object of art is the existence of reality. Art considers itself independent, not a copy of existence. In the works of modernist literature and art in all directions, the traditional methods and techniques used in the past are either completely ignored or used in a way that is unrecognizable.

It is well-known that in the classical system of art and literature, the rationality of artistic creativity, the observance of artistic forms formed in the course of creative experience, interconnected images and elements. The existence of harmony, the clear, easy and uniform understanding of artistic expression, the composition in accordance with the formal human logic, the fact that any artistic work has a certain approximate schematic model in terms of real life; requirements were to be polished in a manner different from the spoken speech.

Modernism emerged as a result of rebellion to such classical approaches to subjecting artistic creativity to a set of complex philosophical and aesthetic views of various forms. conditions are particularly strong. Because the sharp shakes in a person's social life can balance his or her feelings, change the way they react and express it, and change their way of thinking. These changes renew a person's artistic taste.

The currents of modernism such as, symbolism, futurism,surrealism, expressionism, fascism, poetry, supremacy, and absurd are emerging trends in various literary and spiritual revolutions and are reflected in fiction. It should be noted that, previously, this kind of social and moral shaking was a regular occurrence for humanity, but now it is becoming more and more constant. Life is always chaotic and according to the modernist emotional-intellectual approach, the inadequate and indifferent nature of human existence makes a person lonely and ineffective. It means the conflict that the solution to a person's life is never to be found. Such moods give rise to the hopelessness of contemporary artists that art has a positive impact on life and does not bring order and meaning. This is why the call for art is the main motto of all modernist literary trends. As long as art is unable to transform and regulate social existence, it has been considered meaningless to reflect life and its problems. Therefore, modernism focuses more on the expressive aspects of artistic creativity, rather than on portraying the events of the objective world and the images that participate in it, reflecting the subjective impressions of the objective world, the game of impulses. is more important. This approach allows us to look at art and literature as a socio-aesthetic phenomenon, which is indispensable to anyone and nothing.

Modernism relies on F. Nietzsche as a scientific and theoretical basis, and relies on Z. Freud's psychoanalytic efforts to understand and interpret the essence of art. According to F. Nietzsche's philosophy, society is always opposed to the individual, the individual and its interests are always humiliated by society, and ethics and law are often socially and ethically fabricated for chaining the individual's will. Thus, the existence of a society is in itself an individual's will, and it seeks to limit its thoughts, feelings and actions. However, a person should not control his desires for any reason. This is what humanity requires, that is humanism. The level of humanity is measured by the amount of freedom that is given to an individual.**[2]**

Freud, who has studied the processes of variation in the human psyche, does not depend on the consciousness of most of the intellectual and psychological reactions that occur in a person. They are far away and tend to retain as much flavor as possible. He believes that most human behavior is caused by the tendencies of consciousness, and that their essence is based on fear, hunger and the desire to satisfy lust. In this way, Freud explains the phenomena of social life with a tendency to ignore the importance of social factors in the formation of human behavior and mentality.**[1]**

The creators, who have been hoping for scientific and technical progress for thousands of years, and hope that scientific and technological development will improve human life and improve the interpersonal relationships, are the exact opposite of what they expected. He was completely disappointed when he gave it. The devastation caused by World War I contributed to the rise of modernist sentiments in philosophy and art to the level of independent orientation. The emergence of a new way of thinking and a system of attitudes in the wake of the Cold War caused the tendency of many philosophers and artists to renew philosophy and art. After all, philosophies and art doctrines did not correspond to the current mental and spiritual conditions of mankind.

Modernist art is driven by the interconnectedness of the creators and the inferiority of the common social foundations because of World War II. This is because the world, which is so often understood and completely explained to creators, has become completely confused by this time. It was as if an unknown force had thrown the creator into the brink of a series of bloodthirsty incomprehensible events.

Modernists have abandoned the classical artistic aesthetic traditions, which relied on rationalism and harmony to create a completely new art and literature that corresponded to the modern aesthetic taste of the era. Contrary to traditional art and literature, the artistic image is not a livelihood, but an individual aesthetic value that each artist sees individually.

Because many modernist artists believe that it is impossible to be true to everyone and to everyone. In other words, they denied the objectivity of the truth. Modernists believed that each individual's reality was different. That is why the image of consciousness and their relationship to consciousness has become a favorite and constant topic of modernity. The modernists have paid special attention to showing the life and inner world of very simple, eloquent people, who were totally inferior to the creators in the early stages of literary development. They began to be described from detail to the smallest detail. The lives and moods of the characters have been turned upside down to the ugly and shameful portrayals of the image.

Modern writers have been reluctant to experiment with forms, means, methods, and styles to give a new look to the artistic image, and to create a unique image of the soul of the dissenting people. But they were close to each other in portraying the protagonist as a person who was confronted with the public or had a superficial or apparent protest against him. Lonely and defenseless in the face of brutal existence, it has become increasingly common to portray the alienation of society as a result of its inability to withstand the pressures of the reality surrounding it.

Unlike all other literary trends, modernism has focused on portraying the inner world of the common man. Modernist creators either did not depict the realities and social

environments that surround the person, or they could change it to suit their artistic intentions. In this case, anachronism was a common occurrence, not adhering to precision.**[3]**

Many literatures consider modern literature an artistic event that evokes feelings of sadness, despair and darkness. In fact, these illusory writings are often the result of the moods of authors who want to fully understand the essence of life and who are dissatisfied with world order because they do not. The originality of modern literature is reflected primarily in the refusal of the author and the reader to attempt to fit in the artistic image, as was required in earlier literary traditions. In modern poetry, if a poetic system and the existing expressive arsenals are free, if the literary image of the classical literary stage, and the causal links between reality and interpersonal relationships, are rejected by modern writers was rejected by poetic form and diversity of expression. Modern writers have abandoned previous artistic values and tried to use sophisticated and novel forms and methods that would force readers to think deeply and to some extent. Modern writers have also distorted the chronological order of the development of events in fiction. Most modern works reflect a stream of unimaginable thoughts and confusions, rather than events of order. The image of feelings and thoughts, as in the past, was presented not as an internal discipline, but as a stream of consciousness that was chaotic.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1.Boboyev T."Adabiyotshunoslik asoslari."–Toshkent:O'zbekiston:2002..— №4.2.—119 b.
2.Mirqosimova M. " O‘zbek tilida o‘zlashma so‘zlar:me’yor va milliylik."–Toshkent: Milliy kutubxona nashriyoti,2010.— №4.2.— 149 b .
3.Mahmudov N." Badiiy tafakkur tadriji."–Toshkent: O‘zbek tili va adabiyoti. 2010. -№ 6

ПРАГМАТИЗМ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МУАММОСИ
ПРОБЛЕМЫ ЧЕЛОВЕКА В ФИЛОСОФИИ ПРАГМАТИЗМА
THE MATTER OF HUMAN IN PRAGMATISM

Баҳодирова Феруза Баҳодир қизи
Урганч давлат университети тадқиқотчиси,

Аннотация: *Мақолада прагматизм фалсафасининг айрим назарий-илмий масалалари, инсон ва унинг ижтимоий борлиқдаги ўрни, эмпиризм, рационализм ва субъективизм билан боғлиқ жиҳатлари очиб берилади. Прагматизм фалсафасини шакллантирган Ч.С.Пирс, У.Жеймс, Ж.Дьюининг илмий антропологик қарашлари ҳақида тўхталинади.*

Таянч сўзлар: *прагматизм, инсон, ишчанлик, фаоллик, ҳаётий мақсад, тажриба, иш амаллар, мақсадли ҳаракат, антропологик ёндашув,илмий метод, индивидуализм.*

Аннотация: *В статье рассматриваются некоторые теоретические и научные вопросы философии прагматизма и его роли в человеческом существовании, а также аспекты эмпиризма , связанные с рационализмом и субъективизмом. Основное внимание уделяется научным антропологическим взглядам Ч.С.Пирса, У.Джеймса и Дж. Дьюи, которые сформулировали философию прагматизма.*

Ключевые слова: *прагматизм, человек, деловитость , активность, цел жизни, опыт, деятельность, целенаправленное действие, антропологический подход, научный метод, индивидуализм.*

Annotation: *This article depicts theoretical scientific matters of pragmatism philosophy in the role of humanity, its importance in the social life and its relationship with empiricism, rationalism and subjectivism. Besides in this article are given antropological ideas by Ch.Pierce , U. James. and J.Dewey who formed the concept of pragmatism.*

Key words: *pragmatism, human,efficiency,activeness, life goal, practice , duty,international attempt, antropological approach , scientific method, individualism*

XX асрда кенг тарқалган илмий-назарий ,фалсафий таълимотлардан бири прагматизмдир. Унинг генезиси Д.Юм, И.Кант, Ж.Беркли меросига бориб тақалсада , прагматизм фалсафий таълимот ва идеология сифатида Америкада ,Ч.С.Пирс, У.Жеймс, Н.С-Ж.Грин, Ч.Райт, Ж.Мид, Ж.Дьюи илмий изланишлари таъсирида шаклланган. Адабиётлар мазкур файласуфлар “Метафизик клуб” ташкил этишгани, бу клубда фалсафий, ижтимоий муаммолар муҳокама этиб борилгани, асарлар чоп этилгани ҳақида айрим маълумотлар учрайди. Бироқ прагматистларнинг фаолият дастури, мақсади, нашрлари, йиғилишлари ҳақида маълумотлар, ҳисоботлар ниҳоятда кам.Ж.Дьюи асарларида инсон муаммосига оид мавзулар тилга олинади, унинг “фалсафани реконструкция қилиш” ғояси негизида инсон муаммоларига юз тутиш кузатилади.Шундай бўлсада,ишчанлик, фойда кўриш, пул топиш, яъни инсон фаолиятини тор утилитар талқин қилиш прагматизм фалсафасидаги инсон муаммосини илғашга ҳалақит беради. Бу борада илк изланишни Ю.К.Мельвиль амалга оширган. Унинг “Pragmatic philosophy of Man”(“Прагматическая философия человека”) мақоласи ягона иш бўлиб қолмоқда.

“Буржуазия фалсафасининг кўпчилик оқимлари ичида,-деб ёзади Ю.К.Мельвель,-фақат прагматизм файласуфларнинг тор касбий муаммоларидан кенг инсон муаммолари томон ўгирилди, ўз диққати марказига инсон ҳаётини , қизиқиши ва иккиланишларини , кишилар эҳтироси ва курашларини , уларни ўзини англашга бўлган азалий интилишларини , ҳаётини яхшилаш, уни онглироқ ва инсонийроқ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўйди”[1;с104].

Инсон муаммосини кун тартибига қўймаган , уни муҳокама қилмаган фалсафий оқим ҳам, файласуф ҳам йўқ.

Инсон, унинг борлиққа муносабати, онги ва тасаввурлари , ҳаётий мақсади, ўзлигини англаши, сенситив кечинмалари ва рефлектив тажрибалари мудом мунозара, баҳс тортишув предметлари бўлиб келган.Эпиктет ёзади:“Кишининг туғилгани ва ўлгани, ёки пулидан , уйи ва мулкидан айрилгани аянчли эмас, улар кишига,абадий берилмаган, энг аянчлиси киши ўзининг чин мулки-инсоний қадр-қимматини йўқотганидир ”[2;с119].Буюк бобомиз Ибн Сино ёзган: “Мен кўп жойларни кездим ва олам аҳволига қарадим: унда ҳайронлик кафтини иягига тировчидан ёки пушаймонлик бармоғини тишлаб турувчидан бошқан кўрмадим”[3; 215 б]. Ҳа, алломалар инсон ҳақида турли, гоҳо афсусли, пессимистик иқрорларни билдиришган, аммо уларнинг барчасида инсон ақлу идрокига ишонч бор. Айнан

ушбу ишонч уларда инсон эзгу ишларга , яратувчи амалларга қодир. Агар прагматизмни шу омил нуқтаи назаридан талқин қилсак,у, онтологик ва гносеологик моҳиятига мувофиқ , инсоннинг барча онгли ҳаёти, яратиш фаолияти билан мудом боғлиқ келганини англаймиз. Аммо бу боғлиқлик маълум бир таълимот, фалсафий оқим сифатида XIX аср охирлари XX аср бошларида Америкада шаклланди. Бу қитъа учун мураккаб давр эди, фалсафада эса турли ёндашувлар, оқимлар тўқнашуви “фалсафа зарурми?” “фалсафа кимга,нима учун керак? ” деган кескин саволларни кун тартибига олиб чиққан тарихий босқич эди. Бундай шароитда, прагматизм фалсафасининг асосчиларидан бири Ж.Дьюи айтганидек, “Замонавий фалсафанинг бурчи ўзини яратишга кўмаклашиши ”[4; с 148]дир. Прагматизм фалсафаси ўзини Янги Дунё кишиларининг тадбиркорлиги, аниқ мақсадга интилиб яшаши, пул топишга, мулк орттиришга , давлати орқали обрўга эришишга бўлган интилишларини иродачиси сифатида ўзини яратди.

Прагматизм фалсафасининг антропоморфологик хусусияти илк бор Ч.С.Пирс(1839-1914)нинг “Ғояларимизни қандай аниқ қилишимиз мумкин”(“What do us the idea for clear”), “Ишончни мустаҳкамлаш”(“Fasten the believe”) деб аталган мақолаларида ифода этилади. Биринчи мақолада Ч.С.Пирс тушунчалар, ҳақиқат, борлиқ ишонч тўғрисида фикр юритиб, уларнинг гносеологик нуқтаи назаридан, инсоннинг билишга бўлган эҳтиёжларининг кўриниши сифатида талқин этади. Инсон биладими, нималарни ва қандай билади, бу билимлар пировард натижада нималарга олиб келади, деган саволларга жавобни Ч.С.Пирс “ишониш” деган категорияя орқали жавоб беришга интилади. Инсон билади, лекин унинг мазкур билими ишониш орқалидир. *Belief* сўзини нафақат ишониш, ишонч, шунингдек эътиқод ,маслак маъносида ҳам келтириш мумкин. Файласуф фикрича, шундай ишонч ҳақиқатни топишга , бу “ҳақиқат эса келгусида фойдалилиги билан мақсадимизга етаклайди”[5; p 981].

Ч.С.Пирс инсонни билиш имконини қайд этганида уни тадқиқоти марказига қўймайди, унинг мақсади билимни, ғояни аниқ мақсадли, амалий қилиш. Бу ўринда аниқ (clear), мақсадли(aim), амалий(practically)қилиш деган талқинлар антропоморфизмга мойил , бироқ улар интеллектнинг хизмат функцияси доирасидадир. Инсоннинг билиш жараёнига , усулларига муносабати масаласи очиқ қолади.

Ч.С.Пирснинг 8 жилдлик асарлари чоп этилган, улардан айримларигина кенг аудиторияга маълум. Прагматизм фалсафаси борасида энг муҳим ғоя шундаки, экзистенциал борлиқ ўткинчи, улар энг қимматли нарса, инсон ушбу ҳаётини, умрини зарур ишларга, шахсий мақсадларига, келажагини яратиб яшашдек амалларга бағишлаши даркор[6].Тўғри, файласуф асарларида прагматизм илмий-назарий концепция, таълимот сифатида эмас, балки бошқа социологик ва антропологик мавзулар доирасида тилга олинади. Илмий методга таяниш унинг асарларида устунлик қилгани учун ҳам уни “прагматизмнинг рационал англаш”ни бошлаб берган файласуф деб билишади. У прагматизм назариясининг “рационал билим билан рационал мақсадга бевосита алоқадор”[7; p 12] эканини очиб берди. Индивид қизиқишлари билан эса жамият ўртасида англанган тартиб, муносабат

бўлиши зарур, бу аслида социоантропологик ёндашувдир. Ч.С.Пирс ўзи англамаган тарзда , ҳатто ғарб индивидуализмига зид хулосага келади.

У.Жеймс (1842-1910) фалсафаси ва психологияси эса индивид эркига, шахс фаолиятини фаоллигини қўллаб қувватлашга қаратилган. Уни инсон фалсафаси ва психологияси намоёндаси деб аташади. У ижтимоий фалсафий масалаларни ҳам , диний-трансцендентал қарашларни ҳам антропологик ҳал этишга интилади. Унинг "Психология тамойиллари", "Буюк шахслар ва уларнинг атроф-муҳити"("The great man and their encircleiment"), "Аҳлоқий ҳаёт ва файласуф"("The moral live and philosoph"), "Прагматизм баъзи эски фикрлаш усулларининг янги номланиши"("Pragmatizm – a new name of something thinking") асарларида прагматизм ва индивидуализм, дунёвийлик ва динийлик, рационализм ва иррационализм, эмпиризм ва априоризм масалалари эски қитъа(Европа) анъаналаридан фарқли тарзда таҳлил қилинади. Асли касби биолог бўлган У.Жеймс психологик муаммоларни, демак, инсон муаммосини ҳам ўрганмай, уларни ҳал этмай ўтолмасди. Ч.С.Пирснинг социоантропологизми У. Жеймсда салбий муносабат уйғотган бўлса ажаб эмас, шу боис у шахс қизиқишлари, фаоллиги, рефлексив кечинмалари билан америкаликларнинг пул топиш, фойда олиш, мулк йиғишга бўлган интилишларини уйғунлаштиришга эътибор беради. У ўз прагматизм фалсафасини универсал метод даражасига кўтаришга интилганида ана шу ёндашувдан келиб чиққан[8;р 15-17].У ўзининг психология тамойилларини ҳам инсон ҳатти-ҳаракатлари, фаоллиги, манфаатларига мувофиқ мақсадли амалларини таҳлил этишдан келиб чиқиб яратади. Фаол шахс У.Жеймс фалсафаси ва психологиясининг альфа ва омегасини ташкил этади. Инсон аввало у ким бўлишидан қатъий назар, амалли мавжудот, руҳ унга бу дунёга мослашиш воситаси сифатида берилган [8;р 117.9;с.22].Бу ўринда У.Жеймснинг Аристотелнинг "инсон ижтимоий мавжудот" деган шиорига тақлид қилгани кўзга ташланади, аммо Аристотель инсонни ижтимоий-сиёсий жараёнлардан, давлат ва бошқарувдан алоҳида қарамаган.

У.Жеймс прагматизмни "ҳаракатлар фалсафаси" даражасига кўтарди. Шунинг учун ҳам у ўзининг таълимотини "ҳаракатлар назарияси" сифатида талқин қилишга интилади. У ўқувчи ёшларда ҳаракатчанликни шакллантириш зарур деб билади. Аммо прагматизм фалсафаси, "билимга эмас, балки ишончга асосланиши зарур, чунки билим прагматистлар томонидан ҳақиқий-объектив борлиқнинг инъикоси сифатида мумкин ва зарур эмас. Прагматизмнинг мазкур фундаментал талаби прагматистларнинг реаллик , ҳақиқат, билим, текширув,моҳият каби гносеологик тушунчаларни ишлатишига ҳалақит бермайди, аммо ушбу тушунчаларда асло бршқача концептуал тизим ифодаланади. Бу шундай тизимки, унда ҳатти-ҳаракат, мақсадга эришув , муваффақият, фойдалилик, уларга ўхшаш анологик тушунчалар асосий ва кейинги таҳлил ва талқинга муҳтож бўлмаган воқеликлар сифатида қабул қилинади"[1;с.109].Ҳа на Ч.С.Пирс на У.Жеймс на бошқа прагматистлар фойдали, мақсадли фаолликни апостреорисифатида қабул қилишга қарши эмас, балки улар учун шахс қизиқиш ва эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳатти ҳаракатлар энг қимматли, илмий методни лойиқ нарсалардир. Бу илмий метод тажрибани ёқлашга қаратилган. Ж.Дьюи фикрига кўра эса "қаерда тажриба бўлса

шу ерда тирик мавжудот мавжуд”[10; p.24]. “Прагматизм,-деб ёзади У.Жеймс,-эмпиризмнинг энг радикал кўриниши, ўтмишга эса камроқ танқидий ёндашади. Профессионал файласуфларга мурожаат қила туриб прагматистлар абстракциялар, оғзаки қарорлар , априор даъволар, соҳта тамойиллар, тор тизимлар ёлғон абсолютлардан қочишади. Улар фактлар, иш ҳаракатлар, кучлар аниқлиги ва адекватлигини исташади. Бу эмпиризмнинг рационализмдан, эрк ва имкониятларнинг охирги ҳақиқатга догматик даъводан устунлигини англатади. Прагматизм қандайдир муҳим натижа изламайди, у фақат методдир ”[11; с.211]. Яъни кишидаги ҳаракатга, фойда олишга, мақсадга эришишга қаратилган шахсий эҳтиёжларни қондирувчи методдир. У инсонга ушбу эҳтиёж субъекти сифатида қарайди.

Ж.Дьюи (1859-1952) америка демократияси идеалини прагматизм орқали асослашга интилган, XX аср тафаккурида сезиларли из қолдирган файласуф ҳисобланади. Унинг “Фалсафада реконструкция”(Reconstruction in philosophy), “Инсон муаммолари”(“Problems of man”), “Мактаб ва жамият”(“The school and the society”), “Биз қандай фикрлаймиз”(“What are we to think”), “Баҳолаш назарияси”(“The theory of estimate”) каби кўплаб асарлари бор.

Файласуфнинг диққати инсон ва унинг тажрибаси тадқиқ этишга қаратилган, шу билан у прагматизм фалсафасида ўзига хос ўрин эгаллайди. Унинг фикрича, тажриба ён атроф, жамият, таълим, демократия, бошқариш каби воқеликлар билан жонли алоқаларининг ифодаси .Бу алоқалар инсоннинг пассив ҳаракатларидан эмас, балки ташқи борлиқни, ижтимоий ҳаётни онгли ўзгартириш мақсадидан келиб чиқади. Инсон учун, ҳаракат, муваффақият, омадсизлик, олий мақсад, тўсиқлар, умид ва хавф хатар, қўрқув, келажакни кўзлаш ҳаётий нарсалар, у дунёни ушбу воқеликлар орқали идрок этади. У орттирадиган тажриба субъектив истак эмас, реал борлиқ талабларидан, яшаш, нималаргадир эришиш истаклари маҳсулидир[10;1.27]. Файласуф инсон ҳарактери, унинг социум билан алоқалари, бу алоқаларнинг рефлексив таъсири ҳақида фикр юритар экан, у инсоннинг шаклланишига ташқи омиллар таъсир этишини тасдиқлайди. “Инсон табиати ҳақиқатан ҳам ўзгарувчандир”[4; с.267].Аммо бу ўзгаришни файласуф ишонч(belief) ва ҳаракат(act) , билан боғлайди. Рациоцал методга таянувчи онг учун улар эклектика бўлиб кўринади, бироқ прагматистлар ғоясида субъективизм сезиларли ўрин эгаллашини унутиб бўлмайди. Уларнинг инсон ва борлиқ, ҳаёт ва космос ҳақидаги метафизик мушоҳадалар билан банд эмаслиги керак деб ҳисоблайди. Унинг таърифига кўра “инсон эмпирик оламда яшовчи эмпирик мавжудот, у ўзининг бевосида тажрибасидан ташқарига чиқолмайди. Унинг барча эҳтиёжлари кун кўриш билан боғлиқ, у ўзи яшайдиган ва қисман ўзгартирмоқчи бўлган муҳитга мослашишга ,унда яшашга мажбур”[1;с.115]. Бундай ёндашишни Ж.Дьюи “англанган метод” деб билади.

Ж.Дьюи ижтимоий борлиқни ўзгартириш мумкинлигини тан олганида индивидни жамиятга қарши қўймайди, у жамиятни революцион ўзгартириш ғоясини илгари сурмайди. Инсонни фаол мавжудот деб билганида шахс билан жамият ўртасидаги объектив зарурият-эволюцион тараққиёт нуқтаи назаридан келиб чиқиб мулоҳаза юритади. Прагматизм фалсафасида инсон муаммоси

анъанавий азалий мавзулар сифатида эмас, балки замонавий тадбиркорлик, ишбилармонлик, ижтимоий борлиқни фаол ҳатти ҳаракатлар билан ўзгартириш нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши билан фарқ қилади. Унда инсон фаол, эмпирик мавжудотдир.

Адабиётлар

1.Мельвиль Ю.К. Прагматическая философия человека.// Буржуазная философская атропология XX века.-Москва:Наука, 1986.
2.Афоризмы/Сост.Т.Г.Ничипорович,-Минск: Современный литератор, 1999.
1.Абу Али Ибн Сино. “Мен англаган дунё”-Тошкент :Шарқ,2015
1.Дьюи Дж. Реконструкция в философии. Проблемы человека.-Москва: Республика, 2003.
1.Values in a universe of chance: Selected writings of Charles Sanders Peirce,-N.Y. 1958.
1.Pierce Ch.S. Collected papers.- Cambridge(Mass).
1.Pierce Ch.S. Collected papers.Vol.5- Cambridge , 1959.
1.James W. Principles of psychology.-London, 1981.
1.Джемс У. Беседы с учителямио психологии-Москва : К* и К*изд.1910.
1.Dewey J. On experience , nature and freedom-N.Y.1960.
1.Новейший философский словарь.-А.А.Грицанов.-Минск:Изд. В.М.Скакун,1998.

МУНИС ХОРАЗМИЙНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Сапаев Ғуломжон Бахтиярович
Урганч давлат университети мустақил изланувчиси

Аннотация: *Ушбу мақола шоир Мунис Хоразмийнинг таълим-тарбия ва маърифатпарварлик қарашларига бағишланган бўлиб, илм ва маърифатнинг жамият ҳамда мамлакат тараққиётидаги аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Мунисниг саводли ва билимли бўлишга даъват этувчи гоялари, у яшаган даврдаги олим, муаллим ва шоирларга нисбатан ижтимоий адолатсизли ҳақидаги фикрлари баён этилган.*

Калит сўзлар: *Мунис, маънавий мерос, маърифатпарварлик, таълим, илм-фан, ижтимоий-маърифий қарашлар, “Саводи таълим”, “Мунис ул-ушшоқ”, устоз, ёзув ва хуснихат, жамият, бахтли ва бахтсиз кишилар, ижтимоий адолатсизлик.*

УЧЕБНО-ВОСПИТАТЕЛЬНЫЕ И ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИЕ ВЗГЛЯДЫ МУНИСА ХОРЕЗМИ

Сапаев Гулямжон Бахтиярович
Соискатель Ургенчского государственного университета

Аннотация: *Данная статья посвящена просветительскому мировоззрению поэта Муниса Хорезми, где особое внимание уделяется его духовно-нравственным взглядам. Также проанализирована роль науки в обществе и стране как феномен его развития. А также, изложены идеи Муниса, призывающие к грамотности, социальной несправедливости об его отношении к ученым, педагогам и поэтам своего времени.*

Ключевые слова: *Мунис, духовное наследие, просветительство, образования, наука и знания, социально-просветительские взгляды, "Саводи таълим", "Мунис ул-ушшоқ", учитель, письменность и каллиграфия, общество, счастливые и несчастливые люди, социальное несправедливости.*

EDUCATIONAL, ETHICAL AND MORAL VIEWS OF MUNIS KHOREZMI

Sapaev Gulomjon
Researcher of Urgench State University

Annotation: *This article covers the educational and enlightenment views of the poet Munis Khorezmi and shows the importance of science and education in the development of society and the country. It also includes Munis`s ideas to encourage reading and writing skills of students, literacy and knowledge, as well as his thoughts about social injustice against the scientist, teachers and poets of his day.*

Keyword:. *Munis spiritual inheritance, enlightenment, education, science, socio-ethical views, "Savodi ta'lim", "Munis ul-ushshoq", teacher, handwriting and calligraphy, society, happy and unhappy people, social injustice.*

Тарихдан маълумки, барча замонларда ҳам жамиятда илм-фан ва маърифат аҳли қадрланиб, зиёлилар ва касб-ҳунар эгалари эъзозланиб келинган. Чунки давлат ва жамият тараққиёти ёш авлоднинг яхши таълим-тарбияси ва илм-фан чўққиларини эгаллашларига боғлиқдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Бир ҳақиқат барчамизга яхши маълум: илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди"[1].

Ушбу ҳақиқат нафақат бугунги кун учун долзарб аҳамиятга эга, балки ўтмишда ҳам маърифатга, таълим-тарбия ишларига катта эътибор берилган, ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш уларга касб ва илм сирларини ўргатиш ўша даврда яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларимиз ижодининг диққат марказида бўлган. Марказий Осиё мутафаккирлари ўз асарларида таълим-тарбия, илм-фан ва касб-ҳунарга оид илғор ғояларни илгари суриб, қашшоқлик ва жаҳолат ботқоғидан қутилиш, фаровонликда яшаши учун фарзандларни ёшликдан ўқишга, илм ўрганишга, жамиятга муайян касб эгаллашга даъват этишган.

Ўз асарлари ва ижодида ана шундай маърифий ғояларни илгари сурган мутафаккир олимлардан бири бу XVIII-XIX асарларда Хоразмда яшаб ижод этган Мунис Хоразмийдир (1778-1829). У ўз даврининг йирик маърифатпарвар шоирларидан бири бўлиб, унинг ижодида таълим-тарбия, ўқиш ва ёзиш, илм ўрганиш ва касб-ҳунар масалаларига катта эътибор берилган. Шоир ўз асарларида таълим-тарбиянинг долзарб масалаларини кўтариб чиқди ва жамиятда саводлиликнинг аҳамиятини кўрсатиб берди.

Шоир ўз асарларида шундай маърифий қарашларни илгари сурдики, ўз даври ва ундан кейинги адабий муҳитга, маърифатчилик харакатларига ижобий таъсирини кўрсатди. У ўз ижодий мероси ва шеъриятида халқни қашшоқликдан қутқариш, жаҳолатдан узоқ тутишга ва нодонлар билан ҳамсуҳбат бўлмасликга

чақириб, бунинг ягона йўли сифатида кишиларнинг илм ўрганишга, билимли бўлишга, ёшларнинг таълим олишга даъват этади:

Аҳли дониш бирла ҳар дам айлангиз базм китоб,
Жамъи нодонлар била изҳори улфат қилмангиз.[2]

Мунис таълим олиш ва илм ўрганиш ҳар бир кишининг ҳаётдаги энг муҳим қуроли деб билиб, унинг назарида билим олишнинг энг қулай фурсати бу ёшлик давридир. Бу тўғрида тадқиқотчи олим С.Ҳасанов шундай ёзади; "Илм-ҳунарда камол топишнинг энг муҳим фурсати "фасли шабоб" – ёшлик давридирким, Мунис илм ўрганишда бу ғанимат фурсатни қўлдан бермасликни таъкидлайди:"[3]

Камол касбида, Мунис, шитоб қилки, эрур,
Ҳаёт фурсатиким бедаранг фасли шароб.[4]

Дарҳақиқат, Мунис илм-маърифатнинг жамият тараққиёти ва инсон ҳаётидаги тутган ўрнини, турмуш фаровонлигини таъминлашдаги ролини ўз даврининг зиёли вакилларига қараганда эртароқ ва яхшироқ англаган эди. Зеро, Мунис ёшлигиданоқ мунтазам мактаб ва мадрасаларга бориб, таълим олган, шу даврнинг кўплаб олим ва шоирлар билан доимо мулоқотда бўлиб, илм ўрганишга ҳаракат қилган:

Гоҳи мактаб ичра кириб шодком,
Мадраса сори айлаб хиром,
Қаю ерда аҳбоб базм айласа,
Тараб иртикобига азм айласа,
Ўзимни алар ичра солур эрдим,
Кўнгил қонгунча баҳра олур эрдим. [5]

Мунис халқнинг маърифатли ва саводли бўлиши нафақат жамият ёки инсонларнинг ўзи учун, балки мамлакатнинг келажак истиқболи, тараққиёти айнан илм-фан ривожига боғлиқ деб ҳисоблайди.

Мунис ўз асарларида ёшларнинг илм ўрганиши, сифатли таълим-тарбия олишига оид қимматли ғояларни илгари суриб, халқни саводли қилиш, ёшларнинг ўқиш ва ёзишни билишларининг аҳамиятини кўрсатиб беради. Шоирнинг таълимга оид қарашларини кўплаб асарларида учратиш мумкин. Улар ичида илк асарларидан бўлмиш "Саводи таълим" номли рисоласи диққатга сазовор бўлиб, бу асар ўша давр учун ёшларнинг таълим-тарбияси, халқнинг саводли ва илм ўрганишга бўлган қизиқишини кучайтиришда, ўқишни, ёзув ва хусниҳатни ўрганишда муҳим услубий манба сифатида аҳамиятга эга бўлган. Зеро, тадқиқотчи олим Ҳ.Ҳасанов таъкидлаганидек, "Мунис ўз даврининг педагог олими сифатида, ... болаларнинг хат-савод чиқаришларини, илм ўрганишларини бир қадар осонлаштириш мақсадида "Саводи таълим" асари(1803)ни яратди."[6]

Бу рисола ўқиш, ёзувни тез ва осон ўрганиш, чиройли хат ёзишни ўзлаштириш ва ҳуснихат масалаларига бағишланган бўлиб, тил, ёзув ва ҳуснихатнинг жамият ҳаётидаги, айниқса маънавий бойликни келажак авлодга етказишдаги аҳамияти кўрсатиб берилган. Мунис фикрича, агар ёзув, хат бўлмаса кишилик жамиятидаги эришилган муваффақиятлар, маънавий ютуқ ва илмий бойликлар келажак авлодга етказилмаган бўлар эди:

Ҳар сўзки, кўнгулдин ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса, бўлгай эрди нобуд...

Хат айлар ўз аҳлини мукаррам,
Ҳаттиға чекиб улусни ҳар дам. [7]

Шу билан бирга мазкур асарда ўша даврдаги ўқитиш услубини танқид қилган, алифбо ва ёзувдаги камчиликларини кўрсатиб ўз тавсияларини бериб ўтган. Масалан, тадқиқотчи олим Ю.Юсупов(Аёмий) ушбу асар ҳақида шундай дейди: “Мунис рисоланинг назарий қисмида бу асарни ёзишдан кўзда тутган мақсади, тил, хат(ёзув) ва ҳуснихатнинг жамият олдидаги социал функцияси ҳақида муфассал маълумот берди. Хусусан, ёзувнинг кишилик тарихини яратишда зўр аҳамиятга молик эканини қайта-қайта уқтириб ўтди. У ёзув ана шундай нодир ижтимоий қурол экан, бунинг учун даставвал савод чиқариш керак, савод чиқариш учун эса мавжуд араб алифбосини енгиллаштириш, соддалаштириш шарт, деган хулосага келди.”[8] Чунки, мутафаккир ўша даврдаги эскича таълим бериш, араб алифбоси ва ёзувни ўргатиш услубини талабга жавоб бермаслигини таъкидлаб, амалдаги алифбони ўрганиш ва ўзлаштириш жуда қийин деб ҳисоблайди. Мунисниng фикрича, болалар мадрасаларга бориб ўқиётган бўлсада, аслида кўп вақтини беҳуда қироатхонлик билан ўтказардилар, улар ўзлари тушунмаган арабча сўзларни ўқиб, Қуръон сураларини кўр-кўрона ёдлар эдилар.

Шу ўринда айтиш жоизки, Мунис ўзининг таълимга оид қарашлари билан бир қаторда, таълим-тарбия берувчи, ёзиш ва ўқишни ўргатувчи, илм берувчи устоз ва мударрисларни жуда ҳам эъзозлаган, асарларида зиё тарқатувчи кишиларни доим қадрлашлари ва эъзозлашларини тарғиб қилган.

Бундай қарашларини ўз устозларига нисбатан айтган илиқ фикрлари ва муносабатида ҳам кўрса бўлади. Айниқса, биринчи бўлиб ёзишни ва ўқишни ўргатган устозини жуда эъзозлаб, у ҳақда жуда яхши фикрларни айтади. Мунис, устозидаги фазилатларини санаб, билимини Ибн Ҳожибга ўхшатади:

Илм ичра адили Ибн Ҳожиб,
Илм аҳлиға эҳтироми вожиб.
Хаттидин ўлуб хужаста таълим,
Таълим фани хатиға таслим. [9]

Мунисниng устоз ва муаллимларни эъзозлаши, бу касб эгаларини жуда қадрлаши ва улар ҳақидаги қарашлари, Навоийнинг устоз ва муаллимлар ҳақидаги ғояларига ўхшайди. Зеро, шоир Навоийни ўзига устоз деб билган.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.[10]

Афсуски, Мунис яшаган давр, ижтимоий-сиёсий вазият ва муҳит таълим, илм-маърифат ривожига тўсқинлик қилган, шароит ва муносабат сабаб зиёлилар, маърифатпарвар олимлар хорлик кун кечирган. Шоҳ ва амалдорлар илм аҳлини, зиё тарқатувчи мударрис ва олимларни, ҳунарли кишиларни қадрлашмаган, адолатсизлик ва жаҳолат устун бўлиб, зиёлилар ва шоирлар аҳволи ачинарли ҳолда бўлган. Шу сабабдан маърифат ва маънавият вакиллари билан нодон амалдор ва жаҳолат вакиллари ўрдасидаги зиддият Мунис ижтимоий-маънавий қарашларининг эътибор марказида бўлган бўлса ажабмас. Хусусан, Мунис шундай ёзади:

Ютубон бу замонда қон шуаро,

Назм этар гавҳари фиғон шуаро...
Давлат асроридан эрур ғофил,
Ҳар неча эрса нуктадон шуаро...
Дардманду жафокош элга қилур
Назм ила дардини баён шуаро. [11]

Мунис ўз асарларида нафақат илм-маърифатли, балки касб-ҳунар эгалари ва яратувчи меҳнаткаш кишиларга ҳам юксак инсоний фазилатлар сифатида юқори баҳо беради. Инсон илми ва ҳунари билан буюк бўлиб, жамиятдаги фаовонлик, мамлакат ривожи шуларнинг меҳнати билан боғлиқ деб таъкидлайди. Лекин у яшаган даврда уларнинг ҳам меҳнати ва касби, бойлик ва бадавлат кишилар олдида қадр топмаганидан, жамиятда зиё тарқатувчи маърифатли кишилар хор-зорлик билан яшаётганидан нолийди:

Бу даврон ичрадур баским ҳунар айб,
Ҳунар аҳли киби йўқ элда маъюб,
Улуска эйки голиблик тиларсен,
Бурунроқ айла ўз нафсингни маглуб. [12]

Шу сабабдан ҳам Мунис ўз жамиятидаги инсонларни бахтли ва бахтсизларга ажратиб, бахтсиз кишилар замон тақозоси сабаб эзилган ва хўрланган, азоб-уқубатда яшаётган илм-маърифат аҳли бўлса, бахтли кишилар эса нодон ва жоҳил бой ва амалдорлардир. Шоир айтганидек:

Бу замон ичра азиз эл не ажаб хор бўлуб,
Уламою фузало бўлса сазовори алам. [13]

Бу билан Мунис ўзи яшаган даврда ижодкор, ҳунарли ва илм-маърифатли кишиларнинг қанчалик хору-зорликда яшаганлигини, подшо ва амалдорнинг уларга бўлган салбий муносабатини кўрсатишга ҳаракат қилган. Мунис ғазалиётини ўрганган олим Н.Жумаев айтганидек, “Маориф ва маданият намоёндалари билан жаҳолат аҳли қарама-қаршилиги Мунис ғазаллари драматизмининг марказида туради.” [14]

Умуман, шоир ўз асарларида шеърий мисралар орқали гўзаллик, муҳаббат туйғуларини куйлаган бўлса-да, унинг ижодида ёшларнинг таълим олиши ва тўғри тарбияланиши, илм-фанни ўрганиш, жамиятда инсон қадри ва нуфузи унинг билими ҳамда касб-ҳунари билан белгиланиши каби маърифий қарашлари муҳим ўринни эгаллаган. Мунисниng бундай ғоялари у яшаган даврда, яъни аксарият халқ саводсиз, таълим олиши ва ўрганиш имкониятлари чекланган, илмли кишилар кам ва маънавий қашшоқлик авж олаётган замонда, катта маърифий аҳамиятга эга эди.

Шундай экан, биз бугунги ёшлар таълим-тарбиясида, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом қилиб вояга етказишда ўтмишда ижод қилган маърифатпарвар олимларимиз меъросидан маънавий қурол сифатида фойдаланишим лозим. Айниқса, баркамол инсон тарбиясида, илм-фан чўққиларини ва касб-ҳунарни эгаллашга интилиш, ёшлар қалбида яхшилик ва эзгулик, Ватанга меҳр қўйиш сифатларини шакллантиришда Мунис каби маърифатпарвар олимлар ғоялари аҳамияти каттадир.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 9 декабрда Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги «Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир» номли нутқи. “Халқ сўзи” газетаси 2017 й. 10 декабрь 248-сон.

1.Мунис. “Мунис ул–ушшоқ” (мукаммл девон).ЎзФА ШИ Қўлёзмалар фонди, инв. №940, 100б-101а-варақлар.

1.С.Ҳасанов. «Хоразм мутафаккирлари таълим тарбия тўғрисида» Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1985 йил 28-б.

1.В.А.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1980 йил 235-б.

1.Мунис. “Мунис ул–ушшоқ”, 1875. Хива тошбосмаси, 6-бет.

1.С.Ҳасанов. «Хоразм мутафаккирлари таълим тарбия тўғрисида» Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1985 йил 29-б.

1. Мунис. Сайланма. Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 334-бет.

1.Аёмий. Ўт чақанаган сатрлар.Т.:Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 58-бет.

1.Мунис. Сайланма. Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 332-бет.

1.Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т:Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 29-бет.

1.Мунис. Сайланма. Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 12-бет.

1.Қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи. IV-том. Т:“Фан”,1978. 400-бет.

1.Мунис. Сайланма. Т:Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 21-бет.

1.Қаранг: Н.Жумаев. Мунис ғазалиёти.Т.:Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 36-бет.

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДА МУМТОЗ АДАБИЁТ ВА РАҲНАМОНИНГ ЎРНИ

Хўжамов Хайитбой Худойбердиевич

Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти

Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотаци:я *Мақолада бугунги кунда мумтоз адабиёт ва раҳнамолар ижод фаолиятидан ёшларимизнинг баҳраманд бўлишлари, уларнинг маънавиятларини янада бойитиши ҳисобига ўз фаолиятларидаги айрим муаммоларни бартараф этиш имконига эга бўлиш масалалари баён қилинган.*

Калит сўзлар: *мумтоз, раҳнамо, Ҳақ, имон, мураббий, пир, мурид, муршид, тасаввуф, эътиқод, шариат, маърифат, ҳақиқат, муруввват, футуввват.*

РОЛЬ НАСТАВНИКА И КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ В ДУХОВНОМ ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ

Хужамов Хайитбой Худойбердиевич

Самаркандский государственный институт архитектуры и строительства

Преподаватель письма с кафедры общественных наук

Аннотация: *В статье рассказывается о том, как классическая литература и творческое деятельность великих наставников и их способности решать проблемы связанные с духовном воспитанием молодежи.*

Ключевые слова: *классика, духовный наставник, вера, подопечный, старейшина, суфий, суфизм, религия, закон, просвещение, милосердие, сила, мурид, муршид, футуввat.*

THE ROLE OF MENTOR AND CLASSICAL LITERATURE IN THE SPIRITUAL EDUCATION OF YOUTH

Khujamov Khaitboy
Samarkand State Institute of Architecture and Construction
Teacher of the letter from the Department of Social Sciences

Annotation: *The article tells about how classical literature and the creative activity of great mentors and their ability to solve problems associated with the spiritual education of youth.*

Keywords: *classic, spiritual mentor, faith, ward, elder, Sufi, Sufism, religion, law, enlightenment, mercy, strength, murid, murshid, futuvvat.*

Инсон тафаккурининг маҳсули ва безаги, маънавий тараққиётидаги мўъжиза-китобнинг ўрни, инсоният тарихи ҳамда тақдиридаги аҳамиятини қанчалик юқори баҳоламайлик, қиёс ва ўлчовларнинг юксаклиги нисбийлигича қолаверади. Инсоният тафаккури имкониятларининг китоблардаги ифодаси гарчи “рационал”, “иррационал” деб аталмасин, бу икки атаманинг моҳияти бир-бирини тақозо этиш ҳамда тўлдиришдан иборат ва шундай бўлиб келмоқда.

Тарихдан маълумки, собиқ иттифоқнинг сиёсий қарашлари сабабли бизнинг маънавий бойлигимиз ҳисобланган нодир асарларимизнинг маълум қисми “дин руҳидаги иррационал қарашлар” дейилган важ ҳамда бўҳтонлар оқибатида йўқ қилинди. Оғир таъқиқларга қарамасдан, ҳалқимиз кўплаб нодир асарларни сақлаб қолганлиги, уларнинг илмга-китобга бўлган муҳаббати туфайлидир.

Инсон фарзанди туғилганидан то умрининг оҳирига қадар раҳнамога муҳтожлик билан яна ҳам содда қилиб айтганда, қалб ва иймон поклигига интилиб яшаркан, худди мана шу эзгулик йўлида китобга, раҳнамо йўриқларига эҳтиёж сезади. Бу йўлдаги барча амалларни тўғри бажарганлар ўз ҳаётлари давомида комилликнинг маьлум даражаларига эришадилар ва улар ҳам, халқ раҳнамолари сифатида эьзозланадилар. Халқимиз ўз тарихида қанчалик юксакликка эришган бўлса, билим орқали раҳнамоларнинг йўриғи билан эришган, жаҳолатга юз тутган даврга–илмсизлик, донишмандларга, раҳнамоларга эътиборсизлик, уларни тингламаслик оқибати сабаб бўлган ва бунга тарихда мисоллар кўп.

Буюк давлат асосчиси ҳамда арбоби Амир Темурнинг устозларига, пирларига кўрсатган эътибори-ю эҳтироми, ўз даврининг комилларига нисбатан бўлган содиқлик ҳамда садоқати, инсониятга ибрат даражасида бўлганлиги бежизга эмас. Авлодларга намуна сифатида сўнгги манзилда ҳам абадий қароргоҳларни пиру комилларнинг ҳоки-пойида бўлиши кераклигини васият қилди ва буни абадиятга муҳрлади.Худди шу тарихий воқеликнинг ўзи энг буюк фалсафа-ҳаётнинг сабоғи эканлиги ва бу сабоқни кейинги авлодларнинг теран англай олишаётганлари,

даҳолар ҳеч қачон маънан ўлмасликларининг исботидир. Чунки уларнинг ибратли ҳаёти ўзларидан кейин ҳам ўз авлодларига комиллик сабоғини беришда давом этадилар. Улар бизларга қолдириб кетган бебаҳо хазина - ёзма маънавий манбаларнинг улуғворлиги фахр туйғуси билан бирга юксак ва шарафли масъулият юклайди.

“Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин. Ҳусусан, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас”[5:14].

Талаба ёшларнинг маънавий мукаммаллик даражасини ошириб боришларида юқорида қайд этилган манбаларнинг ўрни беқиёс. Уларнинг ичида тасаввуфга доир манбаларнинг қайта тайёрланиб нашр эттирилаётганлигини улуғ иш деб биламиз. Жалолиддин Румийнинг “Ичиндаги ичингдадур”, Муҳаммад ал-Ғазолийнинг, “Иҳёу улумиддин”, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Амир Темурнинг “Темур тузлуклари” каби китоблардан ёшларимизнинг баҳраманд бўлишлари учун маънавий мукаммалликка эришиш воситаларининг энг сара асосларидир.

Улуғ адиб, тасаввуф илмини ўрганишимизда улкан ҳиссасини қўшган олим Нажмиддин Комилов ўзининг “Тасаввуф” номли биринчи китобида, ўқувчига тасаввуф оламидаги раҳнамоларнинг таълимотлари ҳақида баён этаркан, Заҳириддин Бобурнинг қаламига мансуб бир жумлани келтириб ўтган.

Йўлини топганму киши, то раҳнамо кўрсатмагай [2:23].

Ушбу жумла тасаввуф илми, унинг моҳиятини англамоқлик учун сарлавҳа бўларлик даражада топиб келтирилган лутфдир.

Мумтоз адабиётнинг инсон ҳаётида не чоғлик ўрин эгаллаши мумкин эканлигига, улуғ алломаларимизнинг ҳаётларида ёрқин мисоллар кўп. Қайд этиш жоизки, оила ҳар доимо инсон умрининг мазмуни учун жавҳар бўлиб келган. Оиладаги муҳит, илмга ва илмли кишига бўлган юксак эҳтиромни ҳис этиб улғая бошлаган ёш Алишер, ўн уч ёшидаёқ Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут тайр” дастонини ёд олгач, асар унинг ҳаётида қанчалик ўзгариш ясаганлигини алломанинг ўзи қуйидагича таъриф этган.

“Бу пайтда менинг қизиқувчан таъбим Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут тайр” достонига кўнгил қўйган эди. Мен бу асарни такрор-такрор ўқир ёш кўнглим ундан баҳра топмоқда эди. Таъб унда ёзилган сўзларга ошно бўлгач, бошқа асарларни ўқишга майл кўрсатмади. Ундаги ажойиб ҳикояларга ўрганиб қолди, қуш тилидан айтилган ҳикоя ва мажозий фикрлар менга ошно бўлиб қолди. У ердаги бирон фикрга зеҳним қизиқиб, унинг нима мақсадда айтилганини билишга ҳаракат этар эдим”[3:444]. Ёш Алишернинг қалбида асар тафсилоти сабаб яралган илоҳий ишқ уни то умрининг оҳирига қадар тарк этмади. Фаридиддин Атторни ўзининг раҳнамоларидан бири деб билди, унинг китобидан олган таълимот моҳиятини

беқиёс билиб, ўзида Шайх руҳи олдидаги маънан қарздорлик ҳиссини туйди. Буларнинг барчаси учун жавоб-ҳаққа нисбатан интилиш деб билди. Бу улуғ туйғу Аллоҳга нисбатан чексиз муҳаббат, устоз, пир раҳнамога садоқат тимсоли сифатида "Лисонут тайр" (Қуш тили) достонини ёзиб тугатди ва маҳзун кўнгли озгина бўлсада таскин топгандек бўлди.

"Умидим шуки, ҳар ким бу китобга кўз солиб ўқиса ва ундаги сўзлардан кўнглига ҳарорат етса, уни Шайх нафасидан деб йўйсин ва бу асардан файз топиб, ўз муроди мақсадига эришсин. Бунда бизни ҳам у билан бир қаторда кўриб, кўнгли иккилик сари майл қилмасин."[3:444].

Ҳазрат Навоийнинг юқоридаги жумласи раҳнамоларига садоқатигина эмас, балки инсонийликнинг улуғ фазилатларидан камтаринлик, жўмардлик тимсоли ҳамдир.

Мамлакатимизнинг биринчи президенти Ислом Каримов томонидан "Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак шоирларнинг султони"[1:47], деб айтиган таърифила келиб чиқиб, Навоийни ўрганмоқлик ва англамоқлик , тасаввуфни ўрганмоқ деб айтсак муболаға эмас. Ҳазрат Навоийнинг таъбири билан айтганда, ёшларимиз ўқиб ва ундаги сўзлардан кўнгиллари ҳарорат сезиб, файз топиб муроди сари етакловчи ассарлардан яна бири Жалолиддин Румийнинг "Ичиндаги ичиндадур" асари деб биламан.

"Мавлоно Румий ҳазратларини гоҳ Кант, гоҳ Спиноза, гоҳ Гегел каби файласуфлар билан қиёсладилар. Аммо Мавлоно Румий ҳеч кимга ўҳшамайди, муаззам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалидирким, унда тасаввуф тараққиёти ҳам, олий кўринишда намоён бўлади"[2:22] -деб таърифлайди Нажмидди Комилов. Ушбу асар учун ёзган сўз бошисида.

Юқорида номи қайд этилган асардаги, олтмишдан зиёд фасл, байт шеър ва ривоятлар орқали баён этилган воқеликларнинг ҳар бири, ўқувчини чуқур тафаккурга етаклаб, гўзал мантиқли хулосалар билан тугайди.

Бир сўз билан айтганда, тасаввуф оламида кўнгил ҳарорат ёзиб файз топади. "Мажнун Лайли юртига бормоқ истаганидан ҳуши жойида бўлган пайтлар туясини у томонга ҳайдар эди, аммо хаёли Лайлига кетганида ўзи ва туяни унутарди. Шунда туя қишлоқдаги бўталоғини эслаб, орқага қайрилади. Қишлоққа келишлари билан Мажнун ҳам ўзига келади ва биладики, икки кунлик йўли беҳуда кетибди. Шу тарзда уч ой давомида йўлда қолади. Ниҳоят, "Бу туя бошимнинг балоси" деб ундан иниб, пиёда йўлга тушади"[4:5]. Ишқ ва аллоҳ ўртасида қандай воситачи бўлиши мумкин. Жалолиддин Румий бу ҳикоя билан, Ҳақ жамолига эришмоқлик учун, у сари интилаётган ишқ ўртасида ҳар қандай унсур ортиқча эканлигини баён этади. Акс ҳолда туя каби уни чалғитади. Чунки туянинг мақсади бўталоғига етмоқлик, унга ишқ мутлақо бегона. Ҳақ жамолига эришмоқлик йўлидаги азоб - уқубат ҳам ишқ туфайли роҳатбахшдир, унинг жамоли сари поғонадир. Ҳадиси шарифда "Аллоҳга яқинлашмоқчи бўлган зот тасаввуф аҳли билан бирга ўтиради" [4:154]дейилади.

Тасаввуф аҳлидан илм ўрганмоқликнинг баёни, таълим олмоқлик ҳамда таълим бермоқлик ҳақида "Ҳужжатул-ислом" Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг

таълимоти эътиборга молик. Дастлаб 2003-йилда 2000 нусхада, 2014-йилда 8000 нусҳада мукаммаллаштирилиб, Тошкент Ислом университети жамоаси томнидан “Эҳёу улмиддин” (“Илм”) китобининг қайта нашр эттирилганлиги таҳсинга лойиқ. Бу улуғ амал нафақат ёшларимизга, балки кенг китобҳонлар оммаси учун, тасаввуф илми ва оламдан баҳраманд бўлиш имконини берди. Мазкур манбада, ҳақиқатга-ҳаққа эришмоқлик учун фақат илм ўрганмоқ кераклиги, илм олувчи илм ўрганмоқлиги учун қандай вазифа ҳамда амалларни бажармоқлиги айтилиб, ўз навбатида таълим берувчининг амал ва вазифалари алоҳида-алоҳида кўрсатиб ўтилган. Асардаги яққоллик ўқувчининг диққат эътиборини тортиши билан бирга чуқур фикр юритишга ундайди.

Ўқувчи билим олмоқлик учун нималар қилмоқлик кераклигини англаса, ўз навбатида таълим берувчи ўз вазифаларининг нозик жиҳатларини англаб етади. Жумладан, таълим олувчига қўйилган биринчи вазифа: “Талаба аввало қалбини жирканч хулқлардан, мазмум-ёмон сифатлардан покланиб олиши керак. Чунки илм -қалб ибодати ва Аллоҳга яқинликдир”[6:119]–дейилади ва талабани галдаги вазифани ўрганиб чиқишга чорлайди. Ўқувчи бу вазифани мажбуриятдан эмас, балки ички иштиёқ билан қабул қилади. Чунки белгиланган вазифалар талабанинг руҳиятига ҳам, фаолиятига ҳам яқин ва ойдинлиги билан ўзига жалб қилди. Вазифалар талаблар эмас, гуё Ҳазрат Навоийда келтирилган “Орланиб сўрамаган ўзига золим” ёки ҳадис шарифдаги “Билмаслик уят эмас, билимга интилмаслик уят”, - деб беозорлик билан айтилган сўзлар орқали бевосита илм олишга чорлайди. Жоиз бўлса, “Оҳанграболи” сўзлар каби баён этилишдан мақсад, қалбни улғайтиришдир.Ўқувчи тасаввуф ҳақидаги билимларини бойитиб бориш жараёнида устоз-мураббийнинг бевосита кўмагига ва йўриқларига эҳтиёж сезади, ўз навбатида бундай йўриқ ўқувчига албатта кўрсатилиб борилиш керак. Чунки тасаввуф илмида раҳнамонинг йўриқлари ўрнини бошқа бирор манба боса олмаслиги мумкин. Мисол тариқасида: Шариат – имон покланиш илми; тариқат–ахлоқни покланиш илми; маьрифат–фикрни поклаш илми; ҳақиқат–ўзликни англаш илми эканлигини моҳиятан англашларида устознинг–раҳнамонинг амалий ибрати ҳамда бевосита йўриқларисиз таълим олувчининг фикри мукаммаллик даражасида бўлмаслиги мумкин. Бу маъсулиятни қай даражада ҳис этмоқ ва бажармоқ ўқитувчи зиммасида экан, бу шараф, тасаввуф таълимотида ҳам замон талабаларида ҳам ҳамоҳанглик касб этади.

Жумладан, таълим берувчига қўйилган талаб - вазифа мазкур манбада қуйидагича мисралар билан бошланган.

У ёнувчи пиликдирки, атрофга нур таратур,

Кимлар ундан нур олур, у ёниб адо бўлур.

Ушбу мисралардан маълумки, илм олувчининг камолоти, устоз – раҳнамонинг машаққати эвазига ҳосил бўлади.

Биринчи вазифа: “Муаллим таълим олувчига нисбатан шафқатли бўлиши ва уларга ўз болалари каби муомала қилиши керак” [6:119] . Биринчи вазифанинг ўзидаёқ, таълим берувчи аввало, таълим олувчига нисбатан меҳрли бўлмоқлик кераклигини, унга нисбатан шафқатли бўлиши, қалбига озор етказмаслик лозимлиги ўқтирилмоқда.

Раҳнамо ўз шогирдлари қалбини эзгулик нури билан тўлдириб, бу нур Ҳақ томон олиб борувчи йўлни ёритмоғи кераклигини айтади ва қалб ҳақида шундай дейди: “Қалб ҳам бир уй-фаришталар қўнадиган макон. Ғазаб, шаҳват, гина, ҳасад, кибр, манмансираш ва шунга ўхшаш разил сифатлар қопоғон итга ўхшайди. Фаришталар қандай қилиб, энди кўппаклар орасига киради?! Ҳолбуки Аллоҳ илм нурини қалбга фақат фаришталар воситаси ила юборади”[4:44].

Ҳаётда, пирингиз ким–деган сўзни кўб бор эшитганмиз ва бу сўзнинг жавоби ҳаммани ҳам қониқтирмаган бўлиши мумкин. Яқин ўтмишда ота-боболаримиз Пир-раҳнамо йўриқларидан юзлари ёруғ, қаддилари тик бўлишган, ҳаёт сўқмоқларидаги оғир вазиятларда, уларнинг ҳузурларига бориб маслаҳатларини-йўриқларини олишдан тап тортишмаган. Бу муносабатлар ҳақида Н.Комилов шундай ёзади; “Пир муриднинг шодлигини ҳам, ғамини ҳам баҳам кўрган, уни насиҳат, танбеҳ ва илҳомбахш сўзлари, ҳаракатлари билан руҳлантириб, қуйидан-юқорига қараб тарбиялаб борган. Муриднинг қобилиятига қараб вазифаларни ҳам мураккаблаштириб бораверган. Пир ҳеч қачон муриднинг молига кўз олайтиришмаган, бирон- бир йўсинда таъмага ишора қилмаган, аксинча мурид қошида бирон мушкул
туғилганида дарров ёрдам бериш, мушкулини ҳал қилиши керак бўлган. Муриднинг фақат моддий қийинчилиги эмас, балки маънавий муаммолар юз берган ҳолларда ҳам, энг яхши раҳнамоси бўлган””[4:9].

Ёшларимизнинг мумтоз адабиётни, тасаввуф моҳиятини ўрганишлари маънавий баркамол инсон бўлиб камол топишларида, ўзликни англашларидаги асосий омиллардан биридир. Бу илмдан баҳраманд бўлишимиз учун бугун яратилаётган имкониятларнинг етарли эканлигидан қувонсак арзийди. Ўз навбатида бундай имконият, устоз - раҳнамолар йўриқлари, мумтоз адабиётдан баҳрамандлик асосида самарали амалий фаолият олиб боришимиздек шарафли маъсулятни юклайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.Юксак маънавият –енгилмас куч -Т:Маънавият, 2008.
2. Комилов Н.Тасаввуф.-Т:Ёзувчи, 1996.
3. Навоий. Лисонут тайр.-Т:Ғафур Ғулом, 1991.
4. Румий. Ичимдаги-ичиндадур.-Т:Янги аср авлоди, 2013.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси -Т:Ўзбекистон, 2018.
6. Ғаззолий. Эҳёу улумиддин.-Т.:Мовароуннаҳр, 2013.

АВЕСТА ЛИНГВИСТИКАСИНИНГ ДИАЛЕКТ ВА ДИАЛЕКТИКАСИ

Маҳмудова Гули Тилабовна Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа фанлари доктори, профессор в.б.

Аннотация: *Ушбу мақолада XX аср охирида Ғарб ва Шарқ олимларининг авестология йўналишидаги йирик илмий ютуқлари таҳлил этилган. Шунингдек, сақланиб қолган Авеста қисмларини зент ва пахлавий тилига таржима қилишда таниқли ва тўпланган асосий ютуқлар таҳлил этилади. Ушбу тадқиқотлар орқали муаллиф ёдгорликларни тарихий, лингвистик ва фалсафий тадқиқ этиш ва таҳлил этишнинг анъанавий усулларини очиб беради.*

Калит сўзлар: *Авесто, Гата, диалектика, Бактрия, Сугдиёна, Харазмия, армигей саклари, этник гуруҳлар, Зардўшт, зардуштийлик, зенд тили, пахлавий тили.*

ДИАЛЕКТИ ДИАЛЕКТИКА АВЕСТИЙСКОЙ ЛИНГВИСТИКИ

Махмудова Гули Тилабовна доктор философских наук, профессор, Национальный университет Узбекистана

Аннотация: *В данной статье подвергнуты анализу крупные научные достижения ученых Запада и Востока в области авестологии конца XX века, а также анализируется крупные достижения известных и накопленных из сохранившихся частей Авесты в переводе с зендского языка и с языка пехлеви, через эти исследования автор раскрывает утвердившиеся традиции и методику исторического, лингвистического и философского исследования и анализа этого памятника.*

Ключевые слова: *Авеста, Гаты, диалектика, Бактрия, Согдиана, Харезмия, армигийские саки, этнические группы, Зороастр, зороастризм, зендский язык, язык пехлеви.*

DIALECT AND DIALECTICS OF AVESTIAN LINGUISTICS

Mahmudova Guli Tilabovna Doctor of Philosophy, Professor, National University of Uzbekistan

Annotation: *This article analyzes the major scientific achievements of scientists of the West and East in the field of Avestology of the end of the 20thcentury, and also accumulated parts of the Avesta in translation from the Zend language and from the Pahlavi language. Through these studies, the established traditions are revealed and methods of historical, linguistic and philosophical research and analysis of this monument.*

Key-words:*the Avesta, Gathas, dialectics, Bactria, Sogdiana, Kharezmiya, Armigian Saks, ethnic groups, Zoroaster, Zoroastrianism, Zend language, Pahlavi language.*

Зардуштийлик ва Авестатили ҳақидаги асрлар мобайнида давом этиб келаётган мунозаралар XX аср ўрталаригача асосан Юнон тарихчилари асарлари ва сўнгги форс адабиётларига таянди. Дж. Дармстетер замонавий Авестақалбаки, чунки у кейинроқ, форсларда (Парфия даври)тузилган, деган фикрда туриб олади. Шунингдек, Лагранж ҳам Авестанинг кейинроқ яратилганлиги, чунки у селевкидлар давридаги эллинизмга нисбатан форс реакциясининг натижаси эканлигини

таъкидлайди. Унинг фикрича, Гаталар оммага тарғибот қилинаётган янгиланган, ислоҳ қилинган ва чуқурлаштирилган диний ақидалардир; улар гўёки афсонавий донишманд Зардушт томонидан ҳимояланган миллатчилик руҳидаги афсунгарлар томонидан тўқилган. Авестада акс эттирилган диний онг, фалсафий мулоҳазалар ва ижтимоий ғоялар билиш, инсонлар эҳтиёжига мослашиш жараёнида мустаҳкамланиб боради. Шунинг учун китобда зардуштийлик вакилларининг йиғим-теримдан ер хўжалигига ўтиш эволюциясини кўрсатувчи инсонлар ҳаётидаги ижтимоий шароитлар ўзгариши белгиларини кўриш мумкин.

Б.А.Тўраев фикрича, Авестада ёдга олинган урф-одатлар, анъаналар, диний-фалсафий ғоялар жуда узоқ даврлар ва зардуштийлик вакиллари ҳаётининг ибтидоий шароитларини тасаввур қилиш имконини беради. Масалан, Авеста тили - деб ҳисоблайди Б.А.Тўраев, - Аҳамоний шоҳларининг битикларига яқин бўлиб, қадимги форс тилининг шарқий диалекти бўлиши мумкин. Аҳамонийларнинг кейинги ёзувларида эса саводсизлик аломатларини кузатиш мумкин, бу қадимги тилнинг йўқолиб боришидан далолат беради, худди шундай ҳолат Авеста диалектида ҳам юз берган бўлиши эҳтимол. Дарҳақиқат, Авестада, айниқса, Гаталарда жуда кўп тушунарли бўлмаган ва хато жойлар учрайди, бу эса матнларнинг ўша даврда умум қабул қилинмаган, одамларнинг жонли муомала тили ҳисобланмаган тилда ёзилганлигидан далолат беради. Юнон тарихчилари, шунингдек, Эронда сақланиб қолган Аҳамоний ёзувлари маълумотларига асосланиб, Б.А.Тўраев ҳам “Авеста” Эронда юзага келган бўлиши эҳтимол, деган фикрга келади[1,144-145].

Зардуштийликнинг одамларнинг ўзига хос дунёқараши сифатида юзага келган жой билан Қадимги Эроннинг диний ва ахлоқий-ҳуқуқий кодексига айланган зардуштийликнинг муқаддас китоби ўртасида катта тафовут мавжуд. Шу сабабли бизгача етиб келган Авестанинг паҳлавий матнида тузилган сўнгги нусҳаси Авестанинг аввалги оғзаки ва ёзма қайдларининг нотўлиқ, қисқартирилган, қандайдир даражада ўзгартирилган вариантидир. Б.А.Тўраев бу ўринда ҳақ. Авестанинг паҳлавийга асосланган нусхаси йўқотилган қадимги қисмларга қанчалик яқинлиги бизга номаълум. Қадимги Авеста бизга фақатгина кейинчалик кўчирилган нусхалардан маълум ва у қайта ишланган кўринишда бўлиши ҳам эҳтимол.

Зардуштийликни тадқиқ этган бошқа бир олим В.В.Струве ўзининг «Этюды по истории Северного Причерноморья Кавказа и Средней Азии» “Кавказнинг шимолий олд қора денгиз ва Ўрта осиё тарихига доир этюдлар” асарида форс подшоҳи Ксеркс истагига биноан қилинган ёзув таржимасини келтиради. Бу ёзув 1937 йилда нашр этилган бўлиб, “Надпись о девах” – “Девлар ҳақида ёзувлар” номи билан маълум бўлди. Унда ёзилишича: «Ксеркс айтади: Аҳура Мазда амрига биноан, Эрондан ташқари мен подшоҳ бўлган мамлакатларда, мен ҳукмрон эдим, улар менга солиқ олиб келишар эди…»[2, 119].Мазкур ёзув қуйидагилардан дарак беради: биринчидан, бошқа мамлакатларда кенг тарқалган Аҳура Мазда таълимоти Эронга олиб келинган; илгари Эрондан бошқа барча мамлакатлар ва вилоятлар Аҳура Маздани ҳурмат қилганлар. Иккинчидан, унда Аҳура Мазда қонунлари кенг тарқалган ва бажарилган Бақтрия, Сўғдиёна, Хоразмия каби мамлакатлар ҳамда армигий саклари, ўткир учли қалпоқли саклар каби этник гуруҳлар эслатилади.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, худо Аҳура Мазда ҳақидаги тасаввурлар Эронда эмас, бошқа мамлакатларда шаклланган; зардуштийлик Эронда фақатгина Аҳамонийлар даврига келиб тарқалган; бинобарин зардуштийлик ва Авестанинг ватани Ўрта Осиёдир. Бундан ташқари тарихий, географик ва этнографик маълумотлар мазкур мамлакатлар Бақтрия, Сўғдиёна ва Хоразм эканлигини тасдиқлайди. Бир неча асрлар давомида зардуштийлик ва Авестанинг ватани Эрон эканлиги ҳақидаги Европа олимларининг фаразларини инкор этувчи етарлича маълумотлар тўпланган.

Француз тадқиқотчиси А.Меилет фикрича, қадимдан Яқин ва Ўрта Шарқ одамларида осмонни, ерни, олов ва сувни яратган Аҳура Мазда шахсига сиғиниш мавжуд бўлган. Бироқ бунда Аҳура Мазда шахсига сиғиниш на Зардушт, на Эрон, Дарий подшоҳлари, на Ксеркс билан боғлиқ бўлмаган. Бошқа бир томондан археологик ва этнографик тадқиқотларнинг кўрсатишича, Аҳамонийлар даврида форсларда дафн этиш удумлари зардуштийлик удумларидан фарқ қилган. Геродотнинг фикрига кўра, Аҳамонийлар сулоласи даврида подшоҳларнинг жасади зардуштийларда одат бўлган ўликларни очиқ ҳавода қолдирилиб ҳайвонлар ва қушларга ем қилинмаган, балки тобутларда дафн этилган. Геродотнинг айтишича, форслар ўлик танани мум билан ёпиб, кейин ерга дафн этганлар. Мазкур ҳолат зардуштийлик ва Авестанинг ватани Эронэмаслиги ҳақидаги фикр фойдаси учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Яна бир тарихий анъанага кўра, барча диний, тарихий ва фалсафий асарларда тарихий шахслар ва ҳукмдорлар номи бевосита ёки билвосита акс эттирилган. Мазкур ҳолатда Авестанинг барча сақланиб қолган қисмларида Аҳамонийлар сулоласи вакиллари ёки уларнинг издошларидан бирортасини ҳам номи учрамайди. «Агар, Авестанинг Гаталар каби баъзи қисмлари Аҳамонийларгача тузилган бўлганда эди, шубҳасиз, Аҳамонийлар даври ҳамда биринчи навбатда Аҳура Мазда дини учун жуда кўп ишлар қилган Доро ва Ксеркс исмлари Гаталарда жуда бўлмаганда сўнгги тўлдиришлар йўли билан бўлса ҳам акс эттирилиши керак эди»[2.119].

Авестада Доро ва унинг ўғли Ксеркс исмининг йўқлиги нафақат коҳинлар–Аҳура Мазданинг рашкчи ихлосмандлари ва Авеста тузувчиларини Аҳамоний ҳукмдорларига нисбатан душманлик муносабатларини акс эттиради, балки Авестанинг бошқа мамлакатда юзага келганлиги ва бу ҳодисанинг тарихан узоқ эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, В.В.Струвенинг қуйидаги фикрига қўшилиб бўлмайди: «Аҳамонийлар дини ва Зардушт дини битта умумий манбадан келиб чиққан. Бундай манбани қадимги Арманистон ва Озарбайжондан излаш керак, у ерларда эрамиздан аввалги VIII асрлардаёқ Ассирия подшоҳи Саргон II ёзувлари гувоҳлик беришича, Бага Мазда илоҳи қадрланган» [2, 135].

Мазкур тахмин ҳеч қандай ёзма, археологик ва этнографик маълумотлар билан тасдиқланмаган. Биринчидан, халқлар ва давлатлар диний тасаввурларининг умумийлиги ҳамда айнанлиги ҳақида уларда мавжуд бўлган одатлар, маросимлар, анъаналарни тасдиқловчи объектив манбаларга эга бўлмасдан туриб хулоса қилиб бўлмайди. Иккинчидан, турли халқлардаги худи шунга ўхшаш баъзи удумлар ва маросимларнинг мавжуд бўлиш қонуниятларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Турли халқлар ва давлатлар эътиқодлари, удумлари ёки ахлоқий нормаларидаги баъзи ўхшашликлар уларнинг диний онги ёки фалсафий таълимотидаги айнанлик кўрсаткичи бўлолмайди. Маълум этник гуруҳ ёки давлатнинг табиат, инсон ва жамиятга нисбатан у ёки бу диний, фалсафий ва ахлоқий-эстетик муносабатлари моҳияти ҳақидаги тасаввурларни фақатгина энг қадимги халқлар онги, билиш жараёнлари ва фаолиятларининг турли-туманлиги ҳамда қарама-қаршилигини қамраб олган ҳолда кўриш мумкин. Зардуштийлик динига бундай ёндашувдан келиб чиқиб, Б.Ғ.Ғофуров шундай ёзади: «Авеста фақатгина қадимги эрон тили ва адабиёти, фалсафаси ва дини ёдгорлиги эмас, балки Ўрта Осиёнинг энг қадимги тарихи бўйича жуда муҳим манбадир. Шуни назарда тутиш жоизки, мазкур ёдгорлик бир хил эмас, балки турли ҳудудларда узоқ вақт мобайнида яратилган кўп қатламлидир»[3, 137].

Авеста матнларини тадқиқ этишдаги қийинчиликлар шундаки, уларни муддатлаштириш ва бўлимларга бўлиш учун аниқ маълумотлар йўқ. Б.Ғ.Ғофуровнинг таъкидлашича: «Зардушт ўлимидан сўнг, юз йиллар мобайнида қадимги даврнинг энг муҳим динларидан бири–зардуштийлик шаклланади»[3, 173].

Дарҳақиқат, тахмин қилиш мумкинки, зардуштийлик диний эътиқод сифатида жуда қадим даврларда шаклланган. Агар юнонлар «зороастризм» терминини ўйлаб топмаганларида, у бошқача номланиши мумкин ҳам эди. Балки Зардушт ҳам дастлаб бошқача номланган бўлиши мумкин. У зардуштийлик эътиқодини қабул қилиб, мазкур эътиқодни ягона тизимга келтиришда ўз даврининг ижтимоий-тарихий шароитларига мос равишда ислоҳ қилган.

Б.Ғ.Ғофуров шундай фаразни илгари сурадики, унга кўра, Зардушт вафотидан сўнг, зардуштийлик юз йиллар мобайнида ривожланишда давом этган. Б.Ғ.Ғофуровнинг таъкидлашича, зардуштийлик вакиллари учун энг муқаддас матнлар, аввалambор, Гаталар деб аталмиш матнлар эди,уларда шогирдлари хотирасида сақланиб қолган дин асосчиси Зардуштнинг тарғиботлари баён этилган эди[3, 174].

Гаталар узоқ асрлар мобайнида яратилган бўлиши мумкин. Унда бу ҳолатда қандай қилиб дин асосчисининг ҳаёт муддатларини аниқлаш мумкин? Ким катта зардуштийликка асос солган, Зардуштми ёки унгача юзага келган Гаталарми?!

Агар «Гаталар» ва «Яштлар» эрамиздан аввалги I минг йиллик ўрталарига мансуб бўлса, Авеста матнлари баён қилиниш стилистикасига, диалектига кўра Зардушт фаолияти давридан анча қадимги даврга хосдир; Видевдот ҳам стилистик ва мазмун жиҳатидан турли-туман кўринишга эга; Авестанинг ҳозирги матни бирламчи нусхасига нисбатан аҳамиятли даражада ўзгартирилган ва ҳ.к.–буларнинг барчаси зардуштийликнинг Аҳомонийлар даврига нисбатан янада чуқурроқ илдизларга эга эканлиги ҳақидаги фаразнинг ишончли эканлигидан дарак бермайдими? Зардуштийлик ватани ва унинг ҳукм суриш даврини аниқлашда унинг тарихий тақдиридаги диффузион ва дифференциациялашган жараёнларнинг мураккаб эволюциясини ҳам эътиборга олиш зарур. Булар зардуштийлик диний таълимотидаги анимистик онгнинг кўпгина қолдиқларининг сақланиб қолиши билан тасдиқланади.

Шундай қилиб, қайд этиш мумкинки, зардуштийлик–узоқ тарихий даврлар маҳсули бўлиб, унда Ўрта Осиё ва Эрон халқлари ижтимоий-фалсафий ва диний онги шаклланиши ҳамда ривожланишидаги мураккаб йўлни ифодаловчи турли ғоялар ва эътиқодлар ўз аксини топган. Шунга қарамай, В.В.Струве, Е.Э.Бертельс, И.Алиев, Б.Г.Гафуров, Э.А.Грантовский, Х.Нюберг, Г.Виденгрен, Р.Фрай, Е.А.Дорошенко ва бошқа олимлар, Авестага баъзи вилоятлар ва ҳудудларнинг киритилиши асосида зардуштийлик ватани Эроннинг шимоли-шарқида ёки Ўрта Осиё ва Афғонистоннинг қўшни вилоятларида қўним топган, кейинчалик Эрон ғарбига тарқалган эрон қабилалари яшаган туманлар, деб ҳисоблайдилар[4, 11-12].

Авестада Аҳамоний ҳукмдорлари билан боғлиқ исмлар, шунингдек Ғарбий Эрон, Эрон, Юнонистон, Миср, Сирия, Мессопотамия, Кичик Осиё вилоятлари номларининг йўқлиги Гаталар Авестанинг энг қадимги қисми сифатида эрамиздан аввалги VI асрда юзага келган, ихлосмандлари томонидан авлоддан авлодга оғзаки узатилган ва анча кейин Доро ҳукмронлиги даврида Авестанинг бошқа қисмлари билан бир қаторда кўчирилган, деган тахминни илгари суриш имконини беради. Ана шунга асосланган ҳолда И.М.Дьяконов Гаталар ё эрамиздан аввалги IX аср охирлари, VII аср бошларида Шарқий Мидияда, ёки, эҳтимол, эрамиздан аввалги VI асрда, эрамиздан аввалги 550 йилларда Ўрта Осиёда – Хоразм ерларида, Бақтрияда юзага келган, деб тахмин қилади[5.390].

И.М.Дьяконов ўз нуқтаи назарини Авестада Аҳамонийлар давлатидаги ҳодисалар ва унинг подшоҳлари акс эттирилмаганлиги билан изоҳлайди; унга кирган эътиқод ва афсоналар Аҳамонийлар давридан анча олдин юзага келган. «Эҳтимол, замонавий давр Авеста тузувчилари томонидан онгли равишда акс эттирилмагандир»[5, 47-48].

Бу ерда биз учун И.М.Дьяконовнинг Авеста «тузувчилари»га оид фикрлари муҳимдир.Муқаддас китобда тасдиқланишича, эътиқод Зардушт томонидан тарғиб қилинади, шунинг учун деярли барча тадқиқотчилар уни Авестанинг муаллифи деб ҳисоблайдилар. Бироқ И.М.Дьяконов Авестани тузувчилар бир нечта исми номаълум муаллифлар ҳам бўлиши мумкин, деганда мутлақо ҳақ. У ҳолда Зардушт мавжуд матн муаллифларидан бири, ёки уни тузувчи ёхуд зардуштийликни ўзига хос қонунга айлантирган ислоҳотчи бўлиши мумкин.

Агар тарихий хроникада Александр Македонский томонидан Авестанинг катта қисми йўқ қилинганлиги ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олсак, у Александр Македонский давридан 100-200 йил аввал ёки ундан сўнг ёзилган ёки тўпланган бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун И.М.Дьяконовнинг: «Эрамизгача IVасрдан сўнг қандайдир олим шундай қадимий тил–Авестатили кабиўлик грамматик флексия,унинг фонетик хусусиятларини қайтадан қурган бўлиши амри маҳол. Фақатгина бу даврга келиб Авеста адабий тили анъаналари мавжудлиги ўрнатилган, кейинчалик мазкур ўлик тилда Видевдотнинг биринчи ва шунга ўхшаш Авестанинг нисбатан кейинги бўлимларини ёзиш мумкин эди. Шунинг учун жуда кўп авестошунослар эътироф этган Авестанинг биринчи қисмлари эрамиздан аввалги VI асрларда ёзилган деган қарашлар шубҳалидир»[5, 47-48].

Авеста бизгача қисмларга бўлиниб етиб келгани сабабли унинг яратилиш вақтини аниқлаш жуда қийин. Айни пайтда, биз Авестанинг парфян даврида ёки

Сосонийлар сулоласи бошланишида қайта ишланган қўлёзмаларига эгамиз. Авестанинг дастлабки тили бу даврда ўлик ҳисобланган ва у оғзаки анъана тарзида мавжудлигига қарамай, коҳинлар жуда кўп сўзларни тушунмаган бўлишлари мумкин, шунинг учун кўп сўзларни ўзгартирган ёки мавжуд ёзма кўринишлар асосида уларни нотўғри талқин этган бўлишлари эҳтимол.

Ҳар бир янги тарихий даврда Авестаянги ва янада янги қисмлар билан тўлдирилган ҳолда кўчириб ёзилган. Мана шу ўзгартиришлар натижасида у зардуштийлик тарафдорларининг ягона дунёқарашини акс эттирувчи мажмуага айланди. Бироқ Авеста тилини таҳлил қилиш унинг юзага келиш вилояти эҳтимолига доир саволга ҳали-ҳануз тўлиқ ва ягона жавобни бермаяпти.

«Қадимги ва ўрта Эрон тилларининг энг яхши замонавий билимдонларидан бири В.Б.Хеннинг эътироф этишича, - деб ёзади И.М.Дьяконов,- Гатлар тили «ғарбий эрон» ва «шарқий эрон» тиллари ўртасидаги оралиқ тил ҳисобланади, унинг тахминича, АвестаАҳамонийлар давригача бўлган Қадимги Хоразм давлатига бўйсунган вилоятларда, Теджен ва Мавруд водийларида яратилган. Шунингдек, у кейинги хоразм тилини Авестатили билан яқин алоқада эканлигига ишора қилади»[5.52].

Авеста ва унинг алоҳида қисмларининг яратилиш жойи ҳамда даврини аниқлашдаги қийинчиликлар яна шундан иборатки, Авестада кейинчалик қайд қилинган жуда кўп тушунчалар умумэронийдир.Бунга мурожаат қила туриб, И.М.Дьяконов Авестанинг барча диний терминологияси, диний- фалсафий тушунчаларнинг бутун доираси ҳам умумэроний эканлигини, улар скифларга ҳам, хоразмийларга ҳам, сўғдиёналиклар, бақтрияликлар ҳамда форсларга ҳам бирдекмаълумлигини эътироф этади. Бироқ улар эламитлар, хурритлар, Шимолий Кавказ халқлари, яъни атрофида эрон бўлмаган Мидия Антропатенлар аҳолисига мансуб этник элементлар учун мутлақо ёт.

И.М.Дьяконов тадқиқотларида эътиборга молик яна бир фикр бор. Аҳура Маздава Анхра Майнью ўртасидаги курашга тўхталиб, у Аҳура Мазданинг душманларига нисбатан нотўғри хулосага келади. Унинг талқинида одамлар учун фойдали ва қадрли бўлган олов, сув, ер ва ҳавони яратган Аҳура Мазда ёмонлик рамзи бўлган кўчманчилар ўзга ерликларни йўқ қилиш зарур деб ҳисоблайди. Бу ёмонлар «умуман кўчманчилар, барча ўзга ерликлар «тўронликлар» (кейинги зардуштийлик анъаналарида Ўрта Осиёда яшовчилар, айниқса туркий тили халқлар деб талқин этилганлар), шунингдек, ер хўжалиги учун фойдасиз ва зарарли бўлган ҳайвонлар ҳисобланган»[5, 55].

Зардуштийлик ва Авеста шаклланишини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг кўрсатишича, мазкур ҳодисаларнинг аниқ илдизигача етиб боришнинг деярли иложи йўқ, фақатгина қандайдир даражада тарихнинг қоронғи бурчакларини ёритиши мумкин бўлган археологик материаллар, этномаданий анъаналар ва урф-одатлар, лингвистик тадқиқотларга таянган ҳолда қадимги халқлар ижтимоий-фалсафий онги ва маданияти ҳақида тасаввурларга эга бўлиш мумкин.Зардуштийликнинг вужудга келиши инсон цивилизацияси ривожланиши жараёнидаги узоқ вақтни эгаллайди, Авеста эса Марказий Осиё халқларининг ҳаёти, турмуш тарзи ва эътиқодлари ҳақидаги кўп қиррали ахборотни беради, деган

фикр шу билан исботланадики, Авестанинг турли қисмларида диний онг шаклланиши ва ривожланишининг турли даврлари, шунингдек, ижтимоий тузилманинг турли ижтимоий-тарихийпойдевориакс этан.

Авеста матнини чуқур ўрганган В.Лившиц қуйидагича ёзади: «Авестада жамият фақатгина бронза эмас, балки темирдан ясалган меҳнат ва уруш қуроллари ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлмаган»[6, 74].Бироқ кейинчалик кодлаштирилган Кичик Авестада жамият учта ижтимоий гуруҳларга бўлинади: коҳинлар, жангчилар, ер ҳайдовчилар. Бошқа бир томондан, Авестада шаҳарларнинг мавжудлиги, пуллар ҳақида маълумотлар йўқ. Фақатгина «Видевдат»да турли ҳунарлар ёдга олинган жойлар бор. Буларнинг ҳаммаси шундан дарак берадики, зардуштийлик турли даврларда, турли ижтимоий шароитларда, турли коҳинлар томонидан тузилганлигини ва кодлаштирилган Авеста билан аралаштириб юбормаслик керак.

Авестанинг 2700 йиллигига бағишланган Халқаро конференцияда В.Лившиц Авестанинг бизгача етиб келган матнлари масаласи мунозарали эканлигини таъкидлаб, учта ёндашувга таянишни таклиф этди:а) Авеста матнларининг лингвистик таҳлили, аввалambор, уларни Ведалар анъаналари билан солиштириш; б) Авестада келтирилган реал географик маълумотларни қўллаш; в) Кичик Авеста матнлари бўйича қайта ишланган ижтимоий муносабатлар ва жамият иқтисодиётини ифодаловчи маълумотларни эрамиздан аввалги II асрдан то I минг йиллик ўрталаригача бўлган даврдаги Марказий Осиё ва Шарқий Эрон бўйича археологик материаллар билан таққослаш («Гата»ларда бундай маълумотлар йўқ)[6, 71].

Зардуштийлик ва Авеста ватани ҳақида бир-бирига қарама-қарши бўлган турли фикрлар мавжудлигига қарамай, қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда тўғри хулосага келиш мумкин: Авеста дарҳол тузилмаган ва у бирор бир кишининг қаламига мансуб эмас. У бир неча юз йилликлар мобайнида яратилган; Авестада турли даврларда яратилган фақат диний эмас, балки халқ афсоналари, оддий одат тусини олган аҳлоқий нормалар, қўшиқлар ва афсонавий образлар тўпланган. Фақат мана шундай методологик ёндашув қадимги муқаддас қўлёзма – Авеставарақларида қайд этилган кўпгина ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий-эстетик масалаларни ёритиш имконини беради. Бундай нуқтаи назарга асосланган ҳолда Авестанинг турли қисмли қатламларининг келиб чиқиши, мазмуни ва хусусиятларини янада батафсилроқ ҳамда илмий жиҳатдан кузатиш мумкин. Фақатгина шундай пирамидал ҳамда мажмуавий тадқиқот усули билан баён этилган қайдларни тарихий ҳақиқат ҳамда инсон цивилизацияси ривожланишининг бориши билан аниқлаб ва англаган ҳолда Авестанинг тагига етиш, яъни бу ажойиб ҳодисанинг манбаларини топиш ва асосий пойдеворини шарҳлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Тураев Б.А. История Древнего Востока.-Л., 1936.-Б.144-145.
2.Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья Кавказа и Средней Азии.- М., 1968.-Б. 119.
3.Гафуров Б.Г.История Таджикской ССР. Т.I.-М., 1955.-Б. 137.

4.Дорошенко Е.А. Зороастрийцы в Иране.-М., 1982.-Б. 11-12.
5.Дьяконов И.М. История Мидии с древнейших времен до конца IY в. до н.э.- М.-Л., 1956.-Б.390.
6.Лившиц В. Авесто–исторический источник // «Авесто» и его роль в истории развития человечества.- Ташкент-Ургенч, 2001.- Б. 74.

UDK: 574:17(575.1)

INTEGRATION OF ENVIRONMENTAL EDUCATION AND MORAL EDUCATION.

Zarina Amirovna Abduazimova Basic doctoral student and teacher
National University of Uzbekistan, Department of Ethics and aesthetics.

Annotation. *The article discusses the rationale for the integrated education of environmental and moral perception. The formation of a new, integrating, meaningful line in education is a long process, requiring the natural maturation of its sociocultural and psychological-pedagogical prerequisites. However, given the uncertainty of the reserve of time allotted by global environmental processes to achieve the results of education for sustainable development, the feasibility of switching to a conscious, advanced and purposeful design of integration processes in education, to managing these processes based on the formation of a new moral worldview is substantiated. The integration of these processes will expand the range of initial development of environmental education and the formation of a spiritual and moral direction. According to one version, there are currently two theories of world development - the theory of globalization of information, or the theory of the golden billion, and the theory of globalization of the economy, or the concept of sustainable development. Each of these theories has its supporters and opponents. Adherents of the theory of the golden billion argue that the uneven distribution of resources has developed historically and it is impossible to change anything - all resources. There is not enough land for the rest of the population to live as well as the golden billion. Supporters of the concept of sustainable development are talking about the development in each person of a spiritual and intellectual beginning while satisfying reasonable material needs. There are also various views of a justified post-industrial society.*

Key words: *integration, education, society, socialization transition, globalization, nature, ecology, morality. Post-industrial society, environmental culture.*

EKOLOGIK TALIM VA AXLOQIY TARBIYA INTEGRASIYASI.

Annotasiya. *Maqolada atrof-muhit va axloqiy idrokni integratsiyalash jarayonida ta'lim asoslarini muhokama qiladi. Ta'limda yangi, integratsiyalashgan, mazmunli tizimni shakllantirish uzoq vaqt davom etadigan jarayon bo'lib, uning ijtimoiy-madaniy va psixologik-pedagogik shart-sharoitlarini tabiiy ravishda kamolotga erishishni talab qiladi. Shu bilan birga, global ekologik jarayonlar tomonidan barqaror rivojlanish manfaatlariga muvofiq ta'lim natijalariga ega bolish uchun ajratilgan vaqt zaxirasining noaniqligi hisobga olinsa, ta'lim jarayonida ushbu jarayonlarni yangi axloqiy dunyoqarashni shakllantirish asosida boshqarish uchun integratsiyalashgan tizimni ongli, ilg'or va maqsadli andozaga o'tishning yangi asoslari shakilanadi. Ushbu jarayonlarning integratsiyasi ekologik ta'limning boshlang'ich rivojlanish doirasini va ma'naviy-axloqiy yo'nalishni shakllantirishni kengaytiradi. Bitta turga ko'ra, hozirgi vaqtda dunyo taraqqiyotining*

ikkita nazariyasi mavjud - axborotning globallashuvi nazariyasi yoki oltin milliard nazariyasi va iqtisodiyotni globallashtirish nazariyasi yoki barqaror rivojlanish kontseptsiyasi. Ushbu nazariyalarning har biri o'z tarafdorlari va muxoliflariga ega. Oltin milliardlar nazariyasi tarafdorlari manbalarning notekis taqsimlanishi tarixan rivojlangan va hech narsani o'zgartirish mumkin emas degan fikrni egasidir. Aholining qolgan qismi oltin milliard tarafdorlaridir ularning fikrlaricha bu tizimni joriy etish uchun yerninh zahirasi yetarli emas. Barqaror rivojlanish kontseptsiyasining tarafdorlari har bir insonda ma'naviy va intellektual printsipning rivojlanishi, asosida o'rtacha moddiy ehtiyojlarni qondirish manbalari negizidagi qarashlarning sof holatini rivojlantirish zarurdir. Shuningdek, sog'lom postindustriyali jamiyat to'g'risidagi turli xil qarashlar ham mavjudir.

***Kalit so'zlar**: integratsiya, ta'lim, jamiyat, sotsializatsiyaga o'tish, globallashuv, tabiat, ekologiya, axloq. Postindustriya jamiyati, ekologik madaniyat.*

ИНТЕГРАЦИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ И НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ

***Аннотация.** В статье рассматривается обоснование комплексного воспитания экологического и нравственного восприятия. Формирование новой, интегрирующей, осмысленной линии в образовании - длительный процесс, требующий естественного созревания его социокультурных и психолого-педагогических предпосылок. Однако, учитывая неопределенность резерва времени, выделенного глобальными экологическими процессами для достижения результатов образования в интересах устойчивого развития, целесообразность перехода к сознательному, продвинутому и целенаправленному проектированию интеграционных процессов в образовании для управления этими процессами на основе обосновано формирование нового нравственного мировоззрения. Интеграция этих процессов позволит расширить спектр начального развития экологического образования и формирования духовно-нравственного направления. Согласно одной из версий, в настоящее время существует две теории мирового развития - теория глобализации информации, или теория золотого миллиарда, и теория глобализации экономики, или концепция устойчивого развития. У каждой из этих теорий есть свои сторонники и противники. Сторонники теории золотого миллиарда утверждают, что неравномерное распределение ресурсов сложилось исторически и невозможно что-либо изменить. Земли для жизни остального населения и золотого миллиарда думают иначе. Сторонники концепции устойчивого развития говорят о развитии в каждом человеке духовного и интеллектуального начала при одновременном удовлетворении разумных материальных потребностей. Существуют также различные взгляды на обоснованное постиндустриальное общество.*

***Ключевые слова:** интеграция, образование, общество, переход социализации, глобализация, природа, экология, мораль. Постиндустриальное общество, экологическая культура.*

Post-industrial society can be interpreted as the beginning of the transition to a new type of civilizational development. Its formation is connected not only with the technological revolution, but also with the reformation, criticism and revision of a number of former

basic values of anthropogenic culture: the ideals of a consumer society, its attitude to nature, cult and strength as the basis of transformative activity. A measure of environmental culture is environmental ethics, the priority of which is concern for the natural conditions of the future human being, harmonization of the interaction of Man and Nature as a biosphere unity. A unity in which a rational and moral Man cares for Nature, not only as a condition for increasing the comfort of his personal living space, but also as a condition for his o Various aspects of the problem of the formation of environmental culture (philosophical, economic, legal, ethical, scientific, technical, cultural, historical, psychological and pedagogical, etc.) are reflected in the works of domestic researchers [1] (N.G. Vasiliev, Yu. Yu. Galkin, N. A. Gate, F.I. Girenok, E.V Girusov, S.N. Glazachev, A.A. Gorelov, G.R. Dallakyan, V.I. Danilov-Danilyan, M.D. Zverev, D.N. Kavtaradze, V.P. Kalenskaya, A.A. Kalmykov, R.S. Karpinskaya, O.N. Kozlova, A.N. Kochergin, I.V. Kristia, D.S. Likhachev, N.M. Mamedov , E.S. Markaryan, Yu.G. Markov, B.A. Nikitin, E.V. Nikonor ova, Yu.P. Ozhegov, N.F. Reimers, I.P. Safronov, M.Yu. Soldatkina, I.T. Suravegin, A.A. Tikhonov, A.D. Ursul, A.N. Chumakov, A.V. Yablokov, E.V. Yakovleva, etc.). At the same time, we have to admit not only the lack of a common understanding of the content, structure of ecological culture, but, despite the recognition of the systematic approach as a priority, the absence of a concept of a system-forming factor in studies on this issue survival on Earth.

The development of a holistic worldview, understanding of the world as a unity of man and nature becomes one of the main tasks, the solution of which, in our opinion, is impossible without revising the content of education and its integration. Most researchers of the problem of the formation of ecological culture consider the integration of the content of education as one of the leading principles of environmental education and upbringing [2](S.V. Alekseev, A.V. Astafurov, L.N. Bakhareva, A.G. Busygin, A.A. Verbitsky , N.F. Vinokurova, S.N. Glaza-chev, V.I. Danilchuk, A.N. Zakhlebny, I.D. Zverev, T.B. Nevzorov, V.V. Nikolina, V.A. Panova , A.P. Saleeva, I.P. Safronov, V.A. Slastenin, E.S. Slastenina, R.V. Stepanets, I.T. Suravegin, V.E. Tamarin, V.V. Chervonetsky, etc.).

The processes of integration of the content of education, with the goal of establishing a holistic picture, the image of the world in a person, the formation of his ecological culture, are justified not only by the interdisciplinary nature of ecology as a science, but also by the very logic of the development of a scientific picture of the world. In these conditions, the issue of preparing a teacher for the formation of an ecological culture of schoolchildren on the basis of an integrative approach is relevant. The culture-forming nature of the ecological paradigm is based on the ecologization of morality, the adoption of the ecological imperative as the dominant ethical ideal of mankind, based on environmental values and norms, which, in turn, form the responsibility of man to preserve life on the planet. Environmental responsibility as a culture-forming characteristic is manifested in the orientation towards positive, environmentally appropriate, competent activities in the system "man - society - nature", the purpose of which is self-preservation and self-realization of a person, as well as achieving a strategic orientation towards strong co-evolution of human development processes and the Earth's biosphere. It is environmental education and upbringing based on the new environmental

ethics, taking into account the requirements of humanization, forecasting, globalization, continuity, integrativity and self-organization, that are able to form a multifaceted personality with a scientifically based, rational and highly moral attitude to nature. Therefore, “environmental culture and environmental responsibility, together with environmental education and upbringing, form the basis of rational interaction between man and nature. As a result, environmental awareness acquires efficiency, consistency, integrity and versatility.”

The condition for the preservation of society from this time is the contradictory unity of opposing moments of change and preservation of the natural environment. The inalienable attention to any of its varieties is the most important paradigm of the modern state of social development. It can be defined with one "concept -" greening "- which means a more diverse, more systematic than before approach to the objective world and a true awareness of the role of nature in human life." At all times, the main means of preserving society was active production activity, during which people transformed the environment, creating their "second nature" - an artificial environment for living and activity. Since such a means of preservation ensured success, it entered the consciousness of people so tightly that it acquired a peculiar form of ideology, which implies a constant struggle with nature, confrontation with it and the desire for victories over its hostile elemental forces. This ideology has affected the entire human culture, both spiritual and material.

The integration of environmental and moral education will make it possible to determine the level of significance of economic impact on the level of development of society, for example: Extensive economic activity of mankind in the last two centuries was carried out without taking into account global environmental interests, and is characterized by an uncontrollable growth in production and consumption, wasteful expenditure of natural resources and energy. Only the United States consumes annually 25% of world oil production, more than 40% of the global amount of gasoline, 30% of fuel. And in order to quench its oil and gas appetites, the United States, under various pretexts, is expanding its interests around the world. Russia's oil reserves make up 12% of the world’s and to live by American standards, Russia would have to buy the same amount every year, but there are no such resources in free world circulation. Those countries that do not even have the resources for an elementary “survival” suffer from these changes, but their natural resources are also being destroyed. The consumer attitude of the developed countries of the world community to nature has put it on the brink of survival. Dominant patterns of production and consumption lead to environmental devastation, an increasing risk to human life and health due to lower environmental quality. The psychological prerequisite for the global ecological crisis has become the dominant in the human mind - a feeling of superiority over nature and, as a result, an irresponsible attitude towards it. In the public mind, the consumer stereotype of behavior still prevails.The whole complex of global problems of mankind can be grouped around three systems:"man -nature","man-technology", "man-culture".There are contradictions in each of these systems. The antagonism of the "man-nature" system has developed as a natural result of the development of the production method. Throughout the course of historical development,

man developed an attitude towards nature as an environment that opposes man, but without which his vital activity is impossible.

The integration of environmental education has the development of environmental fundamentals of environmental management. Given this fact, you must be aware that ecology is a natural science (in no case a humanitarian one). The ecologization of nature management and the process of education (upbringing) of future users is by no means a synonym for humanity despite the erroneous, in our opinion, statement of a number of authors. The humanities are, by definition, anthropocentric, as they place the human individual or society in the spotlight. Ecology is ecocentric. The object of ecology are ecosystems, even if a person is not their component. Therefore, the greening of consciousness, in contrast to its humanization, is the assimilation of eccentric principles.

We list the main ecocentric principles:

1.The conservation of the biosphere is the basis for the existence and development of human society;

2.The reduction of ecological diversity as a result of ill-conceived human activities is one of the most important causes of the environmental crisis, which threatens to develop into an environmental catastrophe;

3.Further population growth and attempts to increase the well-being of people are incompatible;

4.Orientation to immediate benefits without taking into account further (possibly very distant) environmental consequences is deadly;

5.The interaction of man with nature should be aimed at meeting the needs of both man and nature.

Environmental education ceases to be an element of support, a “background component” of the existing educational scheme and becomes dominant in all sections of educational standards and teaching technologies. A new educational goal, in accordance with the need to form an ecocentric worldview, can be formulated as “from education about the environment to education for the environment”.

Environmental education is the main element of the integration of moral perception and culture. Environmental education is part of environmental education (except for education and development), because “educating does not mean talking. To educate is to teach to do. All environmental issues are collective. Environmental protection is an indirect relation to each other. Environmental consciousness is formed only in the process of activity.” [3] It is necessary to teach young people to understand what is happening around, to set environmental tasks and solve them, to be able to critically and soberly assess the state of the environment. The young man must learn to understand the problems of the city or village in which he lives (local ecosystem), the purpose of creating reserves, get acquainted with the global problems of the ecosystem and the specific nature of a particular area, learn to imagine what will happen in a particular city or other village in a few decades.At present, it is customary to single out seven main environmental problems, namely: the food problem; energy issue; resource issue;demographic issue; gene pool problem; biosphere problem; human health problem. In elementary school, the teacher forms a careful attitude of children to nature, personally interpreting such concepts as beauty, significance, role, value. In high school, it is important to consider the following problems:

painting and nature; music and nature; image of nature in various historical periods; anthropogenic factor (types of human actions, changes in the environment and their consequences-this is all our health).A high school graduate should be aware of environmental contradictions on a global scale that affect the foundations of civilization; causes of exacerbation of environmental problems; ways to solve environmental problems in different countries of the world, as well as ways to establish harmony between society and nature. Harmonization is possible due to the planned organization of production, the observance of humanistic ideals, the preservation of human health, the conservation of the resources of our planet, the peaceful development of outer space, the introduction of resource-saving and non-waste technologies into the industry, waste management, the strengthening of state control over the environment and pollution sources, the restructuring of the population's psychology regarding environment. [4]

This knowledge is the basis for the education of the ecological culture of students. In higher education institutions, students should understand that a person, first of all, must heal himself, and then heal nature. That is why, today the ecological paradigm is steadily acquiring the features of worldview and moral value, and the ecologization of morality and the formation of the ecological imperative play the role of powerful factors in regulating and harmonizing human relations with the environment. The principles of nurturing the environmental culture of students in extracurricular activities are also integrated in the formation of ecological culture, namely: axiologization, which provides for the priority of values in professional activity, in particular the values of nature, and emphasizing the value aspect in the future professional activity of students; individualization, which involves taking into account the personal interests of students when choosing the content and forms of extracurricular eco-cultural activities;[5] humanization, based on the human right to live in an environmentally friendly environment and directing people to environmentally sound activities and the prevention of environmental disasters; the unity of universal, national, and local history aspects in the formation of the eco-cultural upbringing of students in extracurricular activities; the relationship of the educational process and extracurricular activities in the process of education of environmental culture; voluntary participation in extracurricular activities; inter-subjectivity in the upbringing of ecological culture, that is, the maximum use of the means of all educational disciplines and independent work; optimization - compliance with the appropriateness of the content and the optimal amount of time extracurricular activities; predictability as the ability to anticipate the possible paths for the development of eco-cultural activities in subsequent professional activities. Thus, environmental education is aimed at the formation of environmental knowledge and skills, their introduction into the productive process, the rational use of resources in subsequent professional activities. The conceptual aspects of educating the students' ecological culture in extracurricular activities provide for the activation of extracurricular activities and the corresponding set of specific tasks, in the implementation of which a number of principles are implemented, in particular, axiologization, individualization, humanization, inter-subjectivity, optimization and ecological cultural education of students. We also consider it important to study the possibilities of the educational impact of public pedagogy in the

environmental education of youth, which is supposed to be the object of our further research.

Bibliography:

1.Integration of social, natural and technical sciences.The main problems and trends. Scientific analyst.review / B.G.Yudin, scientific ed.Yu.V.Galkin.-M., 1987.-43 p. The integrating function of ecology in modern science / Sat. scientific tr USSR Academy of Sciences, Institute of Philosophy, resp.ed.N.P.Depenchuk, N.N. Kselev.-Kiev: Science. Dumka, 1987.-125 p intellectualistic values, global thinking and modern education. (Peacekeeping aspects of the content of science education).-SPb., 1992. -79 p.
2.Veresov N.N. Psychological analysis of the conditions for the formation of the foundations of environmental consciousness (based on the material of an experimental curriculum on the basics of ecology for children of 6 years old), Dis.kand.psychol. M., 1991.Vernadsky V.I. About science. T.1. Scientific knowledge. Scientific creativity. Scientific thought.-Dubna: "Phoenix", 1997-576 p.Vernadsky V.I. Naturalist Reflection: Scientific Thought as a Planetary Phenomenon.- M., 1977. Vladimir Vernadsky: Biography. Selected Works. Memoirs of contemporaries. Judgments of posterity / Comp. G.P. Aksenov.-M.:Sovremennik, 1993.-688 p. Kagan M.S. The philosophy of culture.-SPb.:LLP TC "Petropolis",1996.-411.A V V • Kalennikova T.G. Intersubject communications as a factor in environmental education and parenting.-Minsk, 1991. Kalmykov A.A. Introduction to environmental psychology. Lecture course. -M.:Publishing House of MNEPU, 1999.-128s. Kantardjyan K.G. On the development of synesthetic perception in children. // Synthesis of art in the era of scientific research.Kazan, 1987.-S. 113-114.
3.Reimers N. F.Nature management: Dictionary-reference book / N. F. Reimers .- M: Thought, 1990.–637 p.
4.Kukushkin V. S. General principles of pedagogy: A manual for students of pedagogical universities. M.: Rostov n / a: Publishing center "Mart", 2006.- 224 p.
5.Kukushkin V. S. General principles of pedagogy: A manual for students of pedagogical universities. M.: Rostov n / a: Publishing center "Mart", 2006. - 224 p.
6.Varholik GV Integration as a means of forming the ecological culture of student youth // Young scientist. - 2015.- No.3. - S. 737-740.- URL https://moluch.ru/archive/83/15336/ (accessed: 08/30/2019).

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСНИ ЎРГАНИШНИНГ БАЪЗИ КОНЦЕПТУАЛ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Карабаева Рохатхон Отабековна,
Фарғона давлат университетифалсафа фанлари номзоди

Аннотация: *Мақолада тарихий-фалсафий меросни ўрганиш, уни тиклашдаги илмий холислик, фалсафий жараён ривожланишининг тўғри назарий-услубий асосда ёритилиши, унинг асил мазмун-моҳиятини ҳаққоний тадқиқ ва таҳлил қилиш ҳақида сўз юритилади.*

Калит сўзлар: *тарихий-фалсафий мерос, фалсафий тафаккур, тарихийлик, мантиқийлик, илмий холислик, онтологик, гносеологик, диалектик услуб, ижтимоий-фалсафий фикр.*

НЕКОТОРЫЕ КОНЦЕПТУАЛЬНО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИКО-ФИЛОСОФСКОГО НАСЛЕДИЯ

Карабаева Рохатхон Отабековна,
Ферганский государственный университет кандидат философских наук

Аннотаци: *В статье рассказывается об изучении историко-философского наследия, о научной объективности в его восстановлении, о правильном теоретико-методическом освещении развития философского процесса, подлинном исследовании и анализе его сущности и сущности.*

Ключевые слова: *историко-философское наследие, философское мышление, историчность, логика, научная объективность, онтологический, гносеологический, диалектический стиль, социально-философское мышление .*

SOME CONCEPTUAL AND METHODOLOGICAL PROBLEMS OF STUDYING THE HISTORICAL AND PHILOSOPHICAL HERITAGE

Karabaeva Robathan Atabekova,
Ferghana state Universitycandidate of philosophy

Abstract . *The article describes the study of historical and philosophical heritage, scientific objectivity in its restoration, the correct theoretical and methodological coverage of the development of the philosophical process, a genuine study and analysis of its essence and essence.*

Key words: *historical and philosophical heritage, philosophical thinking, historicity, logic, scientific objectivity, ontological, epistemological, dialectical style, social and philosophical thinking*

Халқимизнинг бой маънавий меросини илмий холислик асосида чуқурроқ ва ҳаққоний ўрганиш миллий ғуруримизни янада юксалтириш, ёшларни ватанпарвар, баркамол шахс этиб тарбиялашнинг асосий омилидир. Ўтмишда бир томонлама, нохолисона ўрганилган фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий қадриятларимиз миллий ғоя туфайли ҳар томонлама ва холис тарзда тадқиқ ва таҳлил этила бошланди. Фалсафий меросимизнинг нафақат назарий манбалари, шу билан бирга, тарихий ҳақиқатнинг тикланиш жараёнларига ёндашишда илмий холислик услублари татбиқ этила бошланди.

Тарихий-фалсафий ҳақиқатни тиклашда илмий холислик, мантиқийлик услубларига риоя қилиш муҳим назарий-методологик аҳамиятга эгадир. Зеро, фалсафа тарихининг турли муаммоларини, ўтмишдаги фалсафий оқимлар, таълимотлар, мазҳаб ва диний ирфоний сулукларни, мураккаб фалсафий баҳсларни тўғри ва тушунарли талқин қилмасдан туриб, тарихий-фалсафий ҳақиқатни тиклаб бўлмайди. О.Файзуллаев ёзганидек, “бизнинг тарихий-фалсафий меросимиз ниҳоятда катта, ундан фойдаланишимиз керак. Ҳозирги замон жаҳон фалсафаси ютуқларидан баҳраманд бўлмоғимиз шарт. Бу иккала ютуқ бир-бири билан узвий боғлиқдир, уларни кўплаб файласуфлар авлоди яратган”[2, 13].

Маълумки, қадимдан то бизнинг даврimizгача фалсафий фикр ва тушунчалар, онтологик ва гносеологик қарашлар тўғридан-тўғри тараққий этмасдан, балки қарама-қаршиликлар, зиддиятларга учраб ривожланиб келган.

Борлиқ, олам, одам, билиш тўғрисидаги тасаввурлар вақт ва замон ўтиши билан ўзгариб борган, турли хил қарашлар миқдор ва сифат, қарама-қаршиликлар ва инкорни инкор, ворисийлик, изчиллик қонунлари асосида ривожланиб такомиллаша борган.

Фалсафий меросни ўрганишда тарихийлик ва мантиқийлик тамойиллари муҳим аҳамиятга эга. Улар фалсафий тушунчалар бўлиб, тарихий-фалсафий тараққиёт жараёнларининг муҳим хусусиятлари, воқеа, ҳодиса ва фикрларнинг мантиқий изчиллигини очиб беришга қаратилгандир. Тарихийлик фалсафий фикрларни таҳлил қилганда муайян даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий шароитни ҳисобга олишни, шу даврнинг муҳим хусусиятларини, олдинги даврлардаги фалсафий тафаккурга нисбатан фарқли жиҳатларини назарда тутишни тақозо этади. Тарихийлик ва мантиқийлик усуллари бир-бири билан боғлиқ ва ўхшаш бўлиши билан бирга, уларнинг фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд: “Тарихий тадқиқотнинг вазифаси у ёки бошқа ҳодисаларнинг конкрет шарт-шароитлари ва асосларини, уларнинг бир хил тарихий зарурий босқичлардан иккинчи хил тарихий зарурий босқичларга ўтишларининг тарихий изчиллигини очиб беришдан иборат. Мантиқий тадқиқотнинг вазифаси – системанинг алоҳида элементларининг ривожланган яхлитлик таркибида ўйнайдиган ролини очиб беришдан иборат[3, 471]. Хуллас, диалектик, тарихийлик ва мантиқийлик усуллари тарихий-фалсафий жараёнларни холисона ва тарихий ҳақиқатни ўтмишда қандай бўлса, шундай очиб беришга ёрдам беради.

Ижтимоий-фалсафий фикр тарихи билан танишиш шундан далолат берадики, турли фалсафий ғоялар бир-бирини инкор қилган, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтишда олдинги даврлардаги ижобий ғоялар кейингисига ўтган ва фалсафий фикрни шу тарзда бойитиб, ривожлантириб борган. Лекин бир даврдан иккинчи даврга фақат ижобий фалсафий қарашлар ўтган, дейиш ҳам тўғри бўлмайди, албатта, баъзи салбий ижтимоий фикрлар ҳам ўтиб келган. Улар тарихий-фалсафий фикр тараққиётига тўсқинлик қилган. Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва бошқалар “Авесто” китобидаги фалсафий ғоялар, қадимги юнон фалсафий фикрини танқидий ўрганиб, ўзгартирган, улар асосида ўз фалсафий таълимотларини яратганлар.

Тарихий-фалсафий ҳақиқатни тиклашда анализ ва синтез услуби ҳам муҳим рол ўйнайди. Анализ ва синтез бутунни қисмларга ажратиш ва бутунни қисмлардан бирлаштириш, деган маънони беради. Ушбу услуб муайян тарихий-фалсафий даврлардаги ижтимоий ҳодисалар ва турли фалсафий фикрларни туркумларга ажратишга, турли қарашларнинг орасидан муҳимини ажратиб олишга, бир-бирига қарама-қарши бўлган фалсафий ғоялар ва улар ўртасидаги алоқаларнинг қонуниятларини билишга кўмаклашади. Синтез фалсафа тарихидаги хилма-хил ғояларнинг муштарак томонларини бирлаштиради ва муайян хулосалар қилишга имкон беради. Хуллас, анализ бутуннинг унсурларини ва улар ўртасидаги алоқадорликни билишга қаратилган бўлса, синтез умумийлик ва айримлик, бирлик ва хилма-хилликни бир бутунга бирлаштиради.

Энди қиёслаш услубига келсак, у ижтимоий-фалсафий мероснинг турли муаммоларини холисона тадқиқ қилишда, мутафаккирларнинг ижтимоий-

фалсафий, сиёсий ва ахлоқий қарашларини қимматли, илғор ва ўз даври учун аҳамиятли томонларини очишга ёрдам беради. Қиёсий-тарихий услуб фалсафа тарихида муайян даврдаги фалсафий, социологик, ижтимоий-ахлоқий таълимотлар, қарашлар ва ғояларни бир-бирига солиштириш натижасида уларнинг бир-биридан фарқли ва муштарак жиҳатларини кўрсатиб беради. Буюк аллома Абу Райҳон Беруний ўз асарларида қиёсий услубни кенг қўллаган. У "Ҳиндистон" ва бошқа асарларида турли динларга ўз муносабатини билдирган, ҳиндлар ва мусулмонларнинг урф-одати, маросимлари, расм-русумларини фарқли ва ўхшашлик жиҳатларини кўрсатган ҳолда, зарарлиларини танқид қилган, кастачиликни қоралаган [4, 98-108].

Тарихийлик фалсафий генезис ва жараёнлар, уларнинг турли даврлардаги ўрнини белгилашда, воқеа ва ҳодисалар, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ҳамда уларнинг ворисийлиги, кетма-кетлиги, туб сабаблари ва оқибати қандай бўлишини тўғри англашда назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилади. Бу услуб муайян даврдаги ҳукмдорларнинг сиёсий фаолияти, мамлакатни бошқариши, халқнинг аҳволи, турмуш тарзи, урф-одати ва уларнинг фалсафий таълимотлари, ғоя ва фикрларининг мутафаккирлар дунёқарашига таъсиридаги ўзига хос хусусиятларини, жамият қонунларини билишга ўргатади. Тарихийлик қадимдан то бизнинг давримизгача фалсафий фикрларга яхлит ҳолда қарашни, фалсафий тараққиётнинг онтологик, гносеологик жиҳатлари, ривожланиш анъаналари, тарихда, ҳозирги ва кейинги замондаги аҳамияти ҳақида холисона мулоҳаза ва таҳлил қилишни тақозо этади. Тарихийлик, юқоридагилардан ташқари, яна муайян даврдаги фалсафий таълимотларга конкрет ёндашишни, турли қарама-қарши фикрларни, зиддиятли жараёнларни ҳисобга олишни назарда тутади. У мутафаккирлар дунёқарашини тадқиқ қилганда, уларнинг ҳамма асарларини ўрганиб, асосланган хулосалар чиқаришни, фалсафа ривожига қўшган ҳиссасини аниқ кўрсатишни талаб қилади.

Бу жиҳатдан Ўрта Осиё халқлари фалсафий меросини ўрганишда уни жаҳон фалсафаси билан ўзаро боғлиқликда, бир-бирига таъсир қилган ҳолда тараққий этганлигини ҳисобга олиш муҳимдир. Энг аввало,шуни таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиё маданияти ва фалсафий фикри араб, Эрон,Шимолий Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг маданий ҳаёти билан чатишиб кетган. Уларнинг ижтимоий ва фалсафий тафаккурида ўхшаш ва муштарак ғоялар кўп.Бунинг сабаби уларнинг турмуш тарзи, дини, урф-одат ва маросимлари, расм-русумлари, умуман, тақдири бир-бирига яқинлигидадир.

Шуни таъкидлаш лозимки, илк ўрта асрларда Ўрта Осиё юнон фалсафасидан баҳраманд бўлди. Юнон мутафаккирлари Птолемей, Аристотель, Платон, Эпикур ва бошқаларнинг табиий-илмий ва фалсафий асарлари юнончадан араб тилига таржима қилинди.Абу Наср Форобий,Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино уларни мутолаа қилиб шарҳлар битдилар, шу асосда ўзлари фалсафий таълимот ва илмий мактаблар яратдилар.Ҳатто янги даврда Ўрта Осиё мутафаккирларининг табиий-илмий ва фалсафий таълимотлари Оврупага кенг тарқалди, уларнинг асарлари инглиз, француз ва немис тилларига таржима қилинди, оқибат натижада Оврупа фалсафасининг ривожига кучли таъсир кўрсатди. Хуллас, Уйғониш даври

деб аталган бу даврда қадимги юнон маданияти, фалсафаси Ўрта Осиё мутафаккирлари дунёқарашининг шаклланишида, шубҳасиз, ғоявий манба бўлиб хизмат қилди ва ворисийлик вазифасини ўтади, аммо, Ўрта Осиё ижтимоий-фалсафий фикрининг қўшни Шарқ мамлакатлари ҳамда араб фалсафаси билан муштараклиги ва ғоявий яқинлиги бу минтақа фалсафасининг ўзига хослиги бошқалардан фарқ қилувчи жиҳатлари мавжудлигини асло инкор қилмайди.

Ўрта аср Шарқ Уйғониш даврининг яна бир муҳим хусусиятини бу даврда маънавий-ахлоқий қадриятларга бўлган эътиборнинг кучайишида кўриш мумкин. Бу даврда яратилган асарларда инсон ва унинг энг яхши хислатлари тасвирланади, унинг яшашдан мақсади, пировард орзуси бахт-саодатга эришувдир, деб талқин қилинади.

Ўрта аср Ўрта Осиё фалсафасининг яна бир муҳим хусусияти, бизнингча, унинг ислом фалсафасининг вужудга келиши ва кенг тарқалиши билан боғлиқ ҳолда ривожланишида кўзга ташланади. Ўша давр мутафаккирлари фалсафий, ижтимоий, сиёсий ва ахлоқий масалаларга рационалистик нуқтаи назардан ёндашиш билан бирга уларга исломий қадриятлар ва шариат қонун-қоидалари асосида ёндашадилар.

Машҳур адиб Чингиз Айтматов таъкидлаганидек, айрим олимлар ўзларига маъқул келиб қолган баъзи тарихий ҳодиса ва воқеаларни осмонга кўтариб, маъқул келмаганларини пастга уриб юбордилар. “Яхшими-ёмонми, ҳар бир халқнинг ўз тарихи, ўтмиши бор. Шу боис инсониятдан ёмон томонларни яшириб, фақат яхши томонларини кўз-кўзлаб, ўз тарихини ҳар хил бўёқ-безаклар билан жимжимадор қилиб, уни бир-бирига мос келмайдиган матоҳлар билан ямаб-ясаб ўтириш кечириб бўлмайдиган ҳолдир”[5, 36].

Бу фикрлар фалсафа тарихига ҳам бевосита тааллуқлидир. Ўтмишдаги фалсафий фикр ва ғояларнинг фақат ижобий томонлари ҳақида сўз юритиб, унинг салбий жиҳатларини четлаб ўтиш фалсафий фикрларни бир ёқлама талқин қилишга, тарихийлик тамойилининг қўпол бузилишига олиб келади. Шундай қилиб, биринчидан тарихий-фалсафий жараёнларнинг моҳият-мазмунини ҳаққоний тавсифлаш, уларга илмий-методологик жиҳатдан тўғри ёндашиш биринчидан, фалсафий меросни бутун мураккаблиги билан холисона ва тўла илмий асосда тасаввур қилишга ёрдам беради.

Иккинчидан, ўтмишдаги салбий ва реакцион фикр ва ғояларни ўрганиш ва ҳисобга олиш бугунги кунда уларни такрорламасликка, улардан чуқур ва асосланган хулосалар чиқаришга даъват этади. Айниқса, ўтмишдаги вайронкорлик ва бузғунчилик ғоялари, сиёсий парокандалик ҳақидаги фикрлардан сабоқ олиш, маънавий-маърифий ва таълим-тарбия ишларида улардан танқидий фойдаланиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга моликдир.

Учинчидан, тарихий-фалсафий ҳақиқат жараёнлари кишилик тарихий тараққиётининг умумий ва хусусий қонуниятларини уйғунлаштириб, ижтимоий борлиқ ҳақида яхлит хулоса чиқаришига хизмат қилади.

Тўртинчидан, шахснинг маънавий ривожланишида миллий омиллар, умумбашарий тамойилларнинг ўзаро тарбиявий таъсирини кучайтиради.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, салафларнинг бой фалсафий қарашларини, уларнинг замонлар оша бизгача етиб келган қимматли фикрларини ҳаққоний таҳлил қилмасдан туриб, тарихий-фалсафий ҳақиқатни ва тарихий хотирани тиклаб бўлмайди, буларсиз ёш авлод онгини ўстириш ва ўтмишга нисбатан миллий ғурурини ошириш мумкин эмас. Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев алоҳида таъкидлаганидек, "Ўзбек халқининг неча минг йиллик тарихида қандай мураккаб даврлар, оғир синовлар бўлганини барчамиз яхши биламиз. Биз аждодларимизнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлаб, қалбимизда, юрагимизда абадий сақлаймиз"[1, 5].Бу эса халқимизнинг бой маънавий меросини илмий холислик асосида, чуқур ва ҳаққоний тадқиқ этиш зарурлигини тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. - Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2000.
3. Философия луғати. –Тошкент: Ўзбекистон, 1976.
4. Ашрафян К.З. Беруни о кастах Индии //Беруни и гуманитарные науки. - Ташкент: Фан ,1972.
5. Чингиз Айтматов, Мухтор Шохонов. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори. - Тошкент: Шарқ, 1998.

ОБЛИК НАУЧНОЙ ШКОЛЫ: ПРОШЛОЕ И НАСТОЯЩЕЕ

Туленова Карима Жандаровна, Ташкентский государственный педагогический университет им. Низами, доктор философских наук
к.ф.н., доц. Расулев Э.Х., ТХТИ

Аннотация. *В статье рассмотрен характер развития и проблемы современной науки, роль научной школы в формировании профессиональной культуры ученого, ее значение становлении ученого и как индивидуальности, и как члена научного сообщества на конкретных примерах.*

Ключевые слова: *история науки, индивидуальность, научное сообщество, научная школа, руководитель, профессиональная культура, стиль мышления.*

ИЛМИЙ МАКТАБНИНГ ҚИЁФАСИ:ЎТМИШИ ВА ҲОЗИРИ

Туленова Карима Жондаровна, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, фалсафа фанлари доктори,
Расулев Эркин, Тошкент кимё-технологиялар институти, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Аннотация. *Мақолада замонавий илм-фаннинг ривожланиши ва муаммолари, олимнинг касбий маданиятини шакллантиришдаги илмий мактабнинг роли, олим сифатида шахс сифатида ҳам, илмий жамоанинг аъзоси сифатида ҳам аниқ мисоллар келтирилган.*

Калит сўзлар: *фан тарихи, индивидуаллик, илмий жамият, илмий мактаб, этакчи, касбий маданият, фикрлаш услуби.*

APPEARANCE OF A SCIENTIFIC SCHOOL: PAST AND PRESENT

Annotation: *the article discusses the nature of development and problems of modern science, the role of a scientific school in the formation of a professional culture of a scientist, its importance in becoming a scientist both as an individual and as a member of the scientific community with specific examples.*

Key words: *history of science, individuality, scientific school, leader, professional culture, style of thinking.*

Лицо современной науки представляют не только отдельные ученые-личности, но в большей степени крупные научные школы, возглавляемые очень часто этими личностями. Современная наука в значительной степени определяется крупным коллективом, использованием сложной техники и мощной экспериментальной базы. Кроме этого в любой отрасли знания перед учеными всегда стоит весьма широкий спектр выбора научных проблем. Поэтому всегда стоит задача выбора наиболее перспективного направления исследования, то есть приходится решать, какому из исследовательских направлений отдать предпочтение, какую из научных проблем выбрать как наиболее приемлемую, исходя из имеющихся знаний, методов и материальных ресурсов. В таких условиях развитие академической, да и вузовской науки во многом определяется укреплением материально-технической базы науки и всесторонней поддержкой академиков [1; 2]. Опрос исследователей в подобных случаях не дает возможности сделать однозначный выбор. Каждый ученый, исследователь имеет свои пристрастия, свою оценку стоящих перед наукой проблем.

Исследования в науки, организация этих исследований определение дальнейших перспектив науки сегодня является объектом интереса не столько той или иной конкретной личности как ученого, сколько - научного сообщества и наиболее оптимальной формой является научная школа. Так, в недавнем прошлом в Узбекистане были на слуху такие школы как школа функционального анализа академика Т.А. Сарымсакова или школа в области теории вероятности и математической статистики академика С.Х.Сиражиддинова.

В области физики всем известны такие школы как школа ядерной физики высоких энергий и физики космических лучей академика С.А. Азимова, школа эмиссионной электроники академика У.А. Арифова. В области химической науки веем известны успехи достигнутые по исследованию алкалоидов научными школами академиков А.С.Садыкова и С.Ю.Юнусова. Область развития социальных наук, в первую очередь, связано с именами таких ученых и руководителей научной школы как академика И.М. Муминова в области исследования богатого философского наследия и школа академика Я.Г.Гулямова внесшая неоценимый вклад в развитие исторической науки, в частности археологии.

Процесс поиска эффективного оптимального пути становления начинающего ученого заставляет многих специалистов по-новому отнестись к проблеме «научная школа». Известно, что продуктивность ученого во многом зависит от места, где он работает. Другими словами ясно, что для успешной научной деятельности любому человеку необходимо чувствовать себя ученым, ориентироваться в научных ценностях и нормах, следовать неким научным традициям. Анализ возможностей ученого в условиях научного коллектива, в котором чаще всего он работает, становится существенной частью проблемы научного творчества современной большой науки. Но научная школа остается пока наиболее надежной и продуктивной основой научной традиции как начального этапа становления ученого –личности.

Самосознание ученого является важной составляющей его активности, что существенно влияет на его научную деятельность. Частичное изменение самосознания ученого в связи с установлением в современной науке новых социальных условностей вызвало столкновение научной и технологической систем ценностей. Это привело к спаду научной активности, усилению конформизма и ориентации на краткосрочные исследования, где значение традиций уходит на второй план, и они рассматриваются как нечто устаревшее и ненужное. Так, мы можем сказать о столкновении двух традиций в науке: научно-профессиональной и технологической. И роль научной школы в связи с этим значительно увеличилась.

Можно сказать, что современная теория о научной школе отстает от жизни[3; 4]. То есть, если мы можем смело утверждать о наличии различных научных школах, направлениях, соответствующим им стилях, программах, парадигмах, то очень мало мы можем отметить о самих этих школах в науке, их происхождении, назначении, отличии друг от друга, и главное, их роли в развитии современной научной мысли, формировании исследователя, ученого, руководителя.

История науки это не только история смены поколений ученых, научных стилей, научных школ, научных проблем, объектов исследования, но и история научных школ. Итак, что представляет собой такое явление науки как школа?

Если взять древний Восток, то там существовали такие школы как багдадская «Байт ал-Хикма» - «Дом мудрости». Это своего рода первая Академия Востока. Далее следует отметить такие древние школы науки и образования Востока как «Академия Мамуна», «Академия Улугбека». Так, если остановиться на школе Улугбека как наиболее известной и изученной, то она была открыта в 1420 году под покровительством Улугбека и руководством ар-Руми, ал-Каши и ал-Кушчи в Самарканде. В начале перед школой стояли задачи перевода и комментарий математико-астрономических работ выдающихся ученых древней Греции, Индии, Китая и Средней Азии как Евклида, Архимеда, Птолмея, Ибн-Сины, ал-Беруни, Омара Хайяма, ас-Саджаванди, ас-Самарканди, ат Туси и др. В последующем были написаны ряд научных работ в области математики и астрономии. Но особенно Самаркандскую научную школу прославила ее обсерватория. Наблюдения и вычисления, проводимые в этой обсерватории, отличались гораздо большей точностью, чем все работы ученых того времени.

Школа Улугбека просуществовала около 30 лет. За это время учеными Самарканда был получен ряд фундаментальных результатов в области математики и астрономии, были написаны ряд фундаментальных трудов. «В деятельности Самаркандской научной школы сочетались теоретическая разработка проблем и эспериментально-наблюдательский метод. Поэтому Самаркандская научная школа стала основной базой развития математико-астрономических наук и образования на Среднем и Ближнем Востоке в XV – XVIII веках» [5], - отмечал академик Т.Кары-Ниязов. В числе ученых Самаркандской научной школы следует выделить таких самобытных ученых как Улугбек, Кази-заде ар-Руми, Гиясэддин ал-Каши и Али ал-Кашчи.

Современная наука перешагнула ту черту, когда ее самопознание могло осуществляться только на уровне и благодаря энтузиазму отдельных выдающихся ученых, способных систематизировать целостный образ своей дисциплины и через это создававших свои школы и целые направления науки. Но с другой стороны актуальность современной научной школы приобретает новое звучание и смысл.

Так все большее преобладание «коллективного сектора» науки над «частным» (индивидуальным) делает особенно острой проблему психологии ученого как руководителя. Иногда даже небольших изменений, которые вносятся руководителями в организацию научной деятельности, оказывается достаточным, чтобы при тех же людских и материальных ресурсах улучшить или ухудшить показатели научных групп.

Так, по отношению к молодым ученым научная школа способствует развитию профессиональных знаний, развитию продуктивности своего труда, его отдачи, формированию деловых качеств. Научная школа выступает как некий образец профессионала и организатора в одном лице. Школа способствует развитию у молодых ученых организационных навыков, умения работать с людьми, организовывать коллектив на достижение цели.

Научная школа это коллектив, где каждый занимает подобающее ему место и роль, то есть каждый член школы вносит свой вклад, проявляет свою индивидуальность. Поэтому научная школа небольшой коллектив, где в основе лежит тематический тип структурной организации деятельности.

Научная школа формируется по целевому принципу и каждый член этой школы должен соблюдать принятые в ней нормы, усвоить необходимые знания и навыки, нужные ему как члену школы, формируются личные качества в соответствии со средой в этой школе.

Увеличение интенсивности научных изысканий, вовлечение все новых и новых специалистов разных профилей по одному направлению науки ставит задачи сознательного, целенаправленного формирования научных работников. В решении этой задачи свой существенный вклад вносит и наличие научной школы. Известно, что научный талант, как и талант художественный, воспитаем. Научная школа, направленно воздействуя на молодых людей, посвятивших себя науке, развивает их духовные возможности и запросы, усиливает способности творчески подходить к научным проблемам. Это имеет исключительно важное значение для настоящего и будущего науки Узбекистана, для правильной оценки роли и значения старшего

поколения ученых. Сейчас в нашей национальной науке молодежь составляет половину всех научных работников.

Особенное значение в формировании начинающих ученых имеют научные школы, т.е. такие лаборатории, научно-исследовательские группы, которые объединяют людей вокруг оригинальных концепций, новых направлений в науке и имеют качество незримого колледжа. Вовлекая начинающих исследователей в совместную творческую деятельность, научная школа под руководством опытных, маститых ученых – авторитетов науки Узбекистана освобождает их сознание от многих технологических мелочей.

Исследовательская работа требует образно говоря некоторой минимальной критической скорости, некоторого количества «критической массы». Эффективность в научной работе не всегда пропорциональна затраченным усилиям. Ученый постоянно испытывает нехватку времени, но если он набрал достаточную скорость, «критическую массу», он быстро окажется на неизведанной территории. И одним из лучших способов получить мощный импульс для научного исследования–работать в творческой группе. Коллективное мастерство, опыт и помощь – вот то главное, что дает научная школа начинающему ученому. Эта основа в дальнейшем и дает толчок для полноценного и быстрого формирования индивидуальности в ученого. Таким образом, школы являются тем катализатором, который ощутимо ускоряет становление ученого и как личности, и как коллеги в науке. Научные школы активно способствуют основательному и глубокому усвоению творческого опыта поколений, того опыта, который подобен компасу, помогающему провести корабль любознательности через рифы и подводные камни к новым идеям, к новым обобщениям.

Известный ученый прошлого Гельмгольц любил повторять такую мысль-уже одно общение с великим человеком изменяет духовный мир ученика навсегда. «Кто раз столкнулся с одним или несколькими из передовых людей, у него на всю жизнь изменяется умственный масштаб. Вместе с тем это столкновение составляет самое интересное, что может представить жизнь» [6].

Одной из особенностей современных научных исследований состоит в том, что им постоянно приходится сталкиваться с новыми проблемами и задачами, которые требуют усилий и участия в контексте их решения постоянно действующих исследовательских школ. Все это предполагает основательную подготовку, опору на жесткие и установившиеся традиции, владение необходимым арсеналом методологических знаний и навыков, обеспечивающих конкретную ориентировку в условиях научного поиска.

Перечисленные качества, представляемые как единое целое, образуют содержание профессионального менталитета, профессиональной культуры представителя той или иной научной школы. Эти качества приобретаются и совершенствуются исследователями в процессе повышения профессионального уровня, совместной повседневной научной деятельности ученых вокруг конкретной научной школы. Так это, в частности, можно выразить таким известным понятием как стиль мышления той или иной школы ученых, специалистов.

Как показывают современные исследования, каждая научная школа характеризуется, подчас, совершенно различными подходами к организации творческого процесса, воспитанию научных кадров, к выбору направлений научной работы, но при этом остается неизменным одно решающая роль руководителя научной школы в ее организации и деятельности.

Итак, рассмотрение научной школы как необходимой составляющей современной большой науки требует к себе более пристального внимания и определения ее места.

Список литературы

1.Мирзиёев Ш.М. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя.–Ташкент, 2017.-С.95-96.
2.Мирзиёев Ш. М. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису.–Ташкент, 2018.-С.12.
3.Sharipov Sh.S. Ilm-fan taraqqiyoti va ilmiy maktablar // Pedagogika. –Ташкент, 2015. № -С.11-19.
4.Туленова К.Ж., Алиева К., Махкамова Ю. К вопросу о сущности научной школы // Педагогическое сотрудничество в системе непрерывного образования: материалы международной конференции.– Ташкент, 2014. - С.310-312.
5.Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека. – Ташкент, 1950. С.36.
6.Гельмгольц Г. Об академической свободе германских университетов.–Москва, 1979. -С.20-21.

МЕҲНАТ ШАХС ВА ЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИНИ УЙҒУНЛАШТИРУВЧИ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТ

Холмирзаев Нодиржон Низомжонович, Фарғона политехника институти,
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада меҳнат фаолияти ва меҳнат анъаналари воситасида инсонларнинг меҳнатга ижобий муносабатини шаклллантириш хамда меҳнат анъаналарининг халқимиз маънавий камолоти йўлида тутган ўрни хақида сўз юритилади.*

Калит сўзлар: *Меҳнат, меҳнат анъаналари, меҳнат муносабатлари, меҳнат турлари, меҳнат анъаналарининг гурухлари, меҳнат фаолияти.*

ТРУД ТВОРЧЕСКАЯ СПОСОБНОСТЬ ИНТЕГРАЦИИ ИНТЕРЕСОВ ЛИЧНОСТИ И ОБЩЕСТВА

Холмирзаев Нодиржон Низомжонович, преподаватель кафедры «Общественные науки», Ферганский политехнический институт

Аннотация: *В статье рассматривается с помощью трудовой деятельности и трудовым традициям формирование позитивного отношения к людям и роль трудовых традиций духовное развитие нашего народа.*

Ключевые слова: *Труд, трудовые традиции, трудовые отношения, виды труда, группы трудовых традиций, трудовая деятельность.*

LABOR CREATIVE ABILITY OF INTEGRATION OF INTERESTS OF PERSONALITY AND SOCIETY

Kholmirzaev Nodirjon Nizomjonovich teacher of department “Social science”, Ferghana Polytecnical Institute

Annotation: *In the article with the help of labor activity and labor traditions, examines the formation of a positive attitude towards people and the role of labor traditions in the spiritual development of our people.*

Key words: *Labor, labor traditions, labor relations, types of labor, groups of labor traditions, labor activity.*

Фаолиятнинг меҳнатга муносабатда етакчилиги унинг асосий функциялари билан боғлиқ. Инсон онгли ва мақсадга қаратилган меҳнат фаолияти билан жамиятнинг турли ҳаётий эҳтиёжларини қондириб, қатор муҳим ижтимоий, маънавий ва тарбиявий функцияларни бажаради. Меҳнат фаолиятининг ўзи эса инсонда бирдан-бир табиий эҳтиёж ва яшаш учун ижтимоий заруриятдир. Инсон фаолияти натижасида меҳнатнинг табиий хусусияти ва моҳияти ўзгаради, у табиат билан ўзи ўртасидаги ўзаро муносабатни тартибга солади, назорат қилади ва ўсиб борувчи ҳаётий эҳтиёжларига кўра муносабат шаклларини кенгайтиради. Бу жараёнда фаолиятнинг етакчи роли яна шунда кўринадики, у ўзининг доимий ўсиб борувчи турли ҳаётий эҳтиёжларини қондириш йўлида, баъзан табиатнинг объектив ривожланиш қонуниятларига қарши фаолият олиб боради. Агар инсон тафаккури фақат меҳнатгагина боғлиқ бўлганида, у табиат қонунларини бузишга жазм қила олмас эди.

Инсониятнинг XXI асрга келиб, табиатга онгли равишда нотўғри муносабатда бўлиши оқибатида кучли экологик ҳалокатлар ёқасига келиб қолганлиги тафаккур соҳиби хазрати инсон ҳамиша ва ҳар доим ҳам ўз фаолиятини ақлга мувофиқ тўғри ташкил қилишга ожизлигини яққол кўрсатиб турибди. Жамиятда инсон меҳнат ёрдамида фақат ижобий хусусиятларга эга бўлиб, онг эса унга мувофиқ тарзда шаклланиб борганда, ақлнинг меҳнатга нисбатан бирламчилик роли ва мустақиллиги ҳақида сўз юритишга хожат бўлмас эди.

Инсоннинг онгли мақсадга қаратилган кучи меҳнатни табиий ишлаб чиқариш моҳиятида намоён бўлади. Инсон ва меҳнат ўртасидаги бу муносабат объектив характер касб этади. У кишилик жамиятининг яшаш усулидан қатъий назар умумий ҳарактерга эга. Чунки ер юзининг барча нуқталарида яшаётган миллат ёки элатлар ўзининг жисмоний, ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун табиий предметларни онгли ва мақсадли қайта ишлаб чиқариш функциясини ўзига хос тарзда бажаради.

Инсоннинг меҳнатга муносабатида ақлнинг етакчи роли меҳнатнинг социал функциясида яққол намоён бўлади. Меҳнатнинг социал функцияси моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнида кишиларни биргаликда фаолият кўрсатиш эҳтиёжидан шаклланади. Бу биргалик ва ҳамкорликдаги фаолият

ижтимоий муносабатларнинг шаклланишига асос бўлади. Одамлар ўзаро ҳамкорликка стихияли тарзда эмас, балки яшаш жойида мавжуд табиий шарт-шароит, меҳнатнинг ҳарактер ва мазмуни, ўзаро қон-қариндошлик яқин алоқалари, шахсий қобилияти, лаёқати ва қизиқишидан келиб чиқиб, муайян аниқ мақсадни кўзлаб онгли равишда уюшадилар. Ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиш усули жамиятдаги асосий социал бирликлар бўлган: оила, уруғ, элат, миллат, социал гуруҳ ва синфларнинг шаклланишига олиб келган. Демак, кишиларнинг тарихий ижтимоий бирликларининг таркиб топиши асосида меҳнат анъаналари омили туради.

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида дунёда юз берган ўзликни англаш жараёнларининг кучайиши муносабати билан миллий анъаналар масаласи, унинг етакчи асосий мотиви-меҳнат анъаналари шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини тадқиқ этиш тараққиётнинг муҳим омилига айланди. Зеро, ўзбек ҳалқининг тарихий шаклланган меҳнат анъаналари ўзининг бой ва серқирра имкониятлари билан ўзига хос хусусият касб этган ва тараққиёт асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Собиқ шўролар даврида, миллий анъаналаримизга хос меҳнат анъаналарига беписандалик билан "эскилик сарқити" сифатида бир томонлама ёндошиб ҳар томонлама таъқиб қилиниши оқибатида унинг беқиёс яратувчилик ва ижодкорлик ролига жиддий путур етди. Инсон ва унинг меҳнатга муносабатига сиёсий тус берилиши ва баҳолашга технократик ёндошувлар унинг бой мазмунига жиддий салбий таъсир етказди. Сиёсий-маъмурий ташкилотларга хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланувчилар устидан қаттиқ назорат ўрнатиш ҳуқуқи берилди. Натижада, минг йиллар давомида оилавий тадбиркорлик фаолияти асоси бўлиб келган кўплаб анъанавий машғулот турлари билан эркин шуғулланиш таъқиқланиб, "қонунбузарлар" жиноий жавобгарликка тортилди ва жазоланди. Меҳнатни ташкил этишнинг объектив ривожланиш қонуниятларини бу усулда қўпол равишда бузилиши ҳалқимизда тарихан шаклланиб келаётган меҳнат анъаналари хусусиятларини замонавийлашишига жиддий салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши ўзбек халқининг тарихан шаклланиб келаётган меҳнат анъаналарини сиёсий ва мафкуравий занжирлардан халос бўлиш ва юксак тараққиёт омилига айланиши учун қулай шароит яратди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев алоҳида таъкидлаб айтганидек, "Сизларга яхши аён, юртимиз қадим-қадимдан бунёдкорлик анъаналари билан дунёга донг таратиб келган"[1].

Мустақиллик шарофати билан оддий меҳнаткаш халқ ўз тақдирини меҳнати билан эркин ташкил этиш ва бошқариш имкониятига эга бўлди. Жумладан, меҳнат кишисига эркинлик бериш, уни ўз меҳнати натижаларига эгалик қилиш, тассаруф этиш асосида ўзида табиий салоҳиятини тўлиқ юзага чиқаришга қулай шарт-шароитлар вужудга келди. Қолаверса, меҳнат анъаналаримиз асрлар оша шаклланган алоҳида хусусиятларини намоён этиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашда бош омил бўлмоқда.

Ҳалқимизда меҳнат тушунчасининг қадр-қиммати баланд. У тўғрисида жуда кўп яхши мақол, афоризм ва тушунчалар мавжудки, улар меҳнатни ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тушунишга яқиндан ёрдам беради. Масалан, “меҳнатсиз ош қайда, ташвишсиз бош қайда”; “меҳнатдан дўст ортар, ғийбатдан душман”; “меҳнатнинг кўзини топган бойликнинг ўзини топар” ва бошқалар. Меҳнатнинг инсон ҳаётидаги буюк социал роли ҳақида ҳам жуда кўп ибратли ҳикматлар бор. Биринчиси ва энг муҳими меҳнат инсонни учта буюк ташвишдан: зерикиш, ёмон ҳис-туйғулар ва эҳтиёжларини нотўғри қондиришдан озод этади. Меҳнат кундалик ҳаётий эҳтиёжларимиз ва жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, маънавий-ахлоқий юксалишида бош мезон ҳисобланади. Инсон туғилиб ўзини танибдики, меҳнат қилишга интилади, ўзини меҳнат ила бахтиёр ва фаровон ҳаёт кечираётгандан шукроналар айтади.

“Меҳнат” сўзи – араб тилидан олинган бўлиб, мазмунига кўра азоб-уқубат, жафо чекиш, қийналиш каби маъноларни англатади. Аммо, бу тушунча ва изоҳлар меҳнатнинг барча қирраларини ўзида тўлиқ ифодалай олмайди. Инсон меҳнат қилиш жараёнида нафақат азобланади, балки шу билан бирга ундан ҳузурланади, ақлий ва жисмоний камол топади, шахсий ва оилавий ҳаётини тўғри йўлга қўяди, жамиятдаги ўзининг тўлақонли ўрнига эга бўлади. Шу боис “меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат” дейилади.

Меҳнат тушунчаси фаолият тури ва мазмунини ҳам белгилайди. Меҳнатни-фаолият, функция, бажариш, иш, тадбир, ишлаш, машғулот, ҳаракат каби иборалар билан ифодалаш мумкин. Масалан, меҳнат фаолияти дейилганда – инсонни аниқ фойдали мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракати тушунилади. Илмий манбаларда “меҳнат” га хилма-хил таърифлар берилган. Масалан, Россиялик иқтисодчи олим Б.М. Генкин фикрича, “меҳнат табиат ресурсларини моддий, интеллектуал ва маънавий неъматларга айлантириш жараёни бўлиб, инсон бу жараённи ёки маъмурий (иқтисодий), ёки ички ундов, ёхуд униси ҳам, буниси ҳам туфайли амалга оширади ва бошқаради”[2]. Ўзбек олими академик К.Абдурахмонов фикрига кўра: “меҳнат – инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондира оладиган ва ўзига керак бўладиган моддий ёки маънавий неъматларни ишлаб чиқариш (яратиш) бўйича онгли, мақсадли ва тақиқланмаган фаолиятидир”[3] . Меҳнатга хилма-хил ва турлича ёндошиш ва таъриф бериш мумкин. Меҳнат – шахсий ва ижтимоий характерга эга бўлиб, ҳар бир инсон фаолиятида бу иккиёқлама характер намоён бўлади. Меҳнат – бу бизни ишбилармонлик ва тадбиркорлик, фаолият ва қарашларимизни доимо янгилик (модернизация) сари интилтирувчи ва пировард натижада шахс ва жамиятни фаровон ҳаётга элтувчи мақсадли хатти-ҳаракатдир. Шуни унутмаслик зарурки, меҳнатнинг зарурий элементлари – ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларидир. Меҳнат характер ва мазмунига кўра бир қанча турларга ажратилади.

Туркий халқлар, хусусан ўзбекларнинг меҳнат анъаналари ўзининг бой ва сермазмун тарихий фалсафасига эга. Халқимизнинг дастлабки даврлардаги меҳнат анъаналари тўғрисидаги қимматли маълумотлар «Авесто» китобида ҳам батафсил баён этилган. Унда таъкидланишича, Мовароуннаҳр иқлимининг нисбатан мўътадиллиги, жуғрофий икки катта қитъа ўртасида жойлашганлиги туфайли, бу

ердаги суғоришга асосланган деҳқончиликнинг эртароқ вужудга келишига сабаб бўлган. Деҳқончилик билан бир қаторда боғдорчилик ҳам тараққий этган. Айни бир пайтда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, овчилик ҳам яхши ривожланган. Бу худудда йилқичиликнинг ривожланиши, айниқса Фарғона водийсида қорабайир отларини боқиш кенг кўлам олиши ижтимоий ҳаётда катта роль ўйнаган. Шунингдек, мис ва қўрғошин конларига бой бўлган Олтойнинг яқинлиги худудимизда темирчилик, мисгарлик ривожига асос солди.

Ўлкамизда савдо-сотиқ ишлари қадимдан яхши йўлга қўйилган бўлиб, бунга чорвачилик, деҳқончилик ва боғдорчилик соҳаларининг устивор ривожланиши кучли таъсир кўрсатган. Савдо-сотиқнинг ривожланиши янги-янги меҳнат турларини вужудга келишига, саёҳат ва тижоратни йўлга қўйилишига олиб келган. Одатда савдо карвонлари билан бирга олимлар, мусиқачилар, актёрлар, рассомлар, усталар ва саёҳат ишқибозлари бирга юрганлар.

Халқимиз меҳнат анъаналарида қурилиш ва ҳунармандчилик билан боғлиқ касб-ҳунарлар алоҳида тарихий аҳамият касб этади. Қадимги авлодларимиз ўтроқ яшашга ўрганганларидан сўнг шаҳарлар барпо этишга киришганлар. Шаҳар қурилишида қалъа деворлари барпо этиш, сув қувурлари ўтказиш, ҳовузлар қазиш ва турар жой бинолари қурилиши яхши йўлга қўйилган. Шаҳристонда яъни шаҳар ичидаги шаҳарда ишлаб чиқариш корхоналари, савдо дўконлари ва ҳунармандчилик устахоналари барпо этилган. Қурилишда одамлар пишиқ ғиштдан уйларнинг пойдеворларини тиклаш, пол қилиш ва озиқ - овқат сақлаш учун махсус омборхоналар барпо этишда кенг фойдаланганлар. Характерли томони шундаки, миллий анъаналаримизга хос икки муҳим жиҳат: ахлат ва чиқиндиларни уйдан кўчага олиб чиқмаслик учун ҳовлида махсус чуқурлар қазиш ҳамда қурилиш қилишда кўча ҳисобига уйни кенгайтириш мумкин эмаслиги қадимдан бизда одат ва қоида ҳисобланганлигига кўҳна тарих гувоҳлик беради.

Буюк мутафаккирлар илм билан бирга инсон меҳнат фаолиятининг ташкил этилиши ва бошқарилиши, меҳнатнинг инсон шаклланишидаги ўрни ва роли, меҳнат тақсимоти, меҳнатнинг характер ва мазмуни каби муҳим масалаларни ўрганишга ҳаракат қилдилар. Масалан: Беруний ўзининг «Минералогия» номли асарида меҳнатнинг турлари, меҳнатга ҳақ тўлаш принциплари тўғрисида кенг фикр юритади. У меҳнатнинг характер ва мазмунига қараб бир қатор гуруҳларга ажратади. Оғир жисмоний меҳнат турларига: тоғ-кончилик, ер остида гавҳар қидириш, деҳқончилик каби соҳаларни киритади. У илм-фан билан машғул бўладиган кишилар меҳнатининг мураккаблигини ҳам алоҳида таъкидлайди. Беруний ўз даврида гуркираб ривожланган кончилик ва металлургия соҳалари тўғрисида маълумот берар экан, асосий эътиборни уларда фойдаланилаётган махсус асбоб- ускуналарга қаратади. Кончилик, ер остида олиб бориладиган ишларда меҳнатни енгиллаштириш учун кўплаб ихтиролар қилинганлигини кўрсатиб ўтади. Жумладан, қазилган рудани ер остидан юқорига олиб чиқишда фойдаланилган саҳғалтак, тоштарошликда асосий асбоб ҳисобланган. Унинг замондошлари тешага сув юритиш йўли билан тош кесиш сирларини билишган. Ишчилар ер остида ишлаш вақтида қазилган тунелларни мустаҳкамлаб бориш, сизот сувларини ташқарига чиқариш ва

иш жойларнинг ҳавосини алмаштириб туришга алоҳида эътибор берганликларини батафсил ёритади.

Беруний меҳнат анъаналаримизда аёлларга хос анъанавий ривожланиб келаётган тўқимачилик касби тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Бухоро шаҳрининг атрофларида бундай корхоналар кўплаб қурилганлиги, уларда асосан аёллар меҳнат қилганлиги, улар пахта ва ипакдан қиммат баҳо газламалар тўқишга ниҳоятда уста бўлганликлари ҳақида маълумот қолдирган.

Беруний ўз даврида кенг ривожланган ҳунармандчилик билан боғлиқ касб турлари тўғрисида батафсил маълумот бериш орқали халқимизнинг анъанавий бу меҳнат турларига бўлган алоҳида қобилияти ва лаёқатини кўрсатиб ўтади. Тош тарашлаш, зеб-зийнат безаклари ва уй-рўзғор буюмлари ясаш санъати кишидан алоҳида лаёқат ва қобилят талаб қилади. У илмий тажриба билан мунтазам шуғулланувчи, фаолиятида аниқликка интилувчи ҳар бир киши ўз касбининг устасига айланишини, барчага ибрат бўла олишини ва эл ичида шуҳрат қозонишини таъкидлайди. Хулоса қилиб айтганда, Беруний ўз давридаги меҳнат жараёни ҳақида кенг маълумот бериш билан бирга, меҳнатнинг инсон ва жамият ҳаётидаги юксак ролини кўрсатар экан, меҳнатнинг характер ва мазмунини ифодалаб, уни ташкил этиш ва бошқаришда давлатнинг ролини алоҳида кўрсатишга ҳаракат қилади. Айниқса унинг, давлат бошлиғи деҳқонлар меҳнати тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиши керак, деган фикри бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир. Демак, меҳнат анъаналаримизнинг тарихий илдизлари ниҳоятда чуқур, кўлами кенг, мазмун ва моҳияти бой бўлиб, улар бугунги кунда биз учун ҳар томонлама маънавий потенциал бўлиб ҳизмат қилиши мумкин. Меҳнатнинг айнан шу хусусиятларини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов шундай ёзади. «Бизнинг минтақамизда азал-азалдан ҳунармандчилик ривожланган. Тўқимачилик, миллий пойабзал тикиш, кулолчилик, амалий санъат, ганчкорлик, темирчилик, ўймакорлик билан шуғулланадиган кичик-кичик устахона дўконлар кўп бўлган.

Аҳолининг асосий қисми шу касб-ҳунарлар билан банд бўлиб, уларнинг маҳорати авлоддан-авлодга ўтиб келган. Биз буни ёддан чиқармаслигимиз, бугунги дунё тараққиётидан келиб чиққан ҳолда уларни янги техник асосда қайта тиклашимиз лозим»[4].

Меҳнат анъаналаримизда энг оғир давр шўролар ҳукмронлиги бўлди. Фикримизча, тарихий хужжатлар ва илмий манбаларга асосланган ҳолда, меҳнат анъаналаримизга хос бўлган меҳнат турларини умумлаштириб, қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга – аҳоли ўртасида қадимдан кенг тарқалган ва асосий фаолият турига айланиб улгурган деҳқончилик ва чорвачиликни киритиш мумкин. Деҳқончиликда пахтачилик меҳнат маданияти асосий ўринда туради.

Иккинчи гуруҳга – кончилик, металлургия ва ҳунармандчилик соҳасидаги касб-ҳунарларни кўрсатиш мумкин.

Учунчи гуруҳга – қурувчилик, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ машғулот турлари киради.

Тўртинчи гуруҳга эса – бошқарув, таълим-тарбия, табобат, маданият соҳалари билан боғлиқ фаолият турларини қўшиш мумкин.

Меҳнат анъаналаримизга хос бу касб-ҳунарлар турли тарихий даврлар силсиласида гоҳ яширин, гоҳида ошкора равнақ топиб, бизгача етиб келди ва мустақиллик шарофати билан янги мазмунда қайта тикланмоқда.

Меҳнат шахс ва жамият манфаатларини уйгунлаштирувчи ижодий қобилиятлар ифодасидир. Меҳнат фаолиятига хос эстетик жиҳатлар шахснинг эркинлик меъёри билан белгиланади, унинг жисмоний ҳамда интеллектуал қобилиятларида ўзига хос намоён бўлади. Фаолият онгли хатти-ҳаракатда моддийлашади, инсоннинг муайян маҳоратга эришишини таъминлайди.

Меҳнат фаолияти туфайли инсон ўз ижодий куч ва қобилиятларини намоён этади ва ривожлантиради, бунда инсон, биринчидан, муайян объектив шарт-шароитлар таъсирида, иккинчидан, субъектив-шахсий фазилатлар уйғунлигида фаолият кўрсатади. Булар орасида меҳнат кечадиган шарт-шароит, унинг ташкилий ҳолати, ижтимоий мавқеи ва инсоний қадрланиш даражаси муҳим роль ўйнайди.

Хулоса шуки, инсон фақат меҳнат қобилияти билан тарихни яратган, табиатни мақсадга мувофиқ ўзгартирган, гўзалликни тушунган ва янгидан-янги қадриятларни вужудга келтирган. Инсон умр кечирмоғи ва ривож топмоғи учун моддий эҳтиёжларни қондирувчи неъматларга эга бўлиши, уларни етиштириши лозим. Шу маънода инсон, бир нафас ўз эҳтиёжларини қондириш, моддий неъматларни яратишдан толмаган, бу жараён чексиз-чегарасиз давом этган. Шу ўринда меҳнат ва меҳнат анъаналари инсонларнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжлари ва жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, маънавий-ахлоқий юксалишида бош мезонга айланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-том. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 436.
2. Генкир Б.М. Экономика и социология труда. 7-е изд., доп. - М.: Норма, 2007. — 448 с.
3. Абдурахмонов К. Меҳнат иқтисодиёти. - Тошкент: MEHNAT, 2004. –Б. 45.
4. Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т .10. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2002. – Б. 213.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

ВЛИЯНИЕ САТИРЫ Н.ГОГОЛЯ НА ХУДОЖЕСТВЕННУЮ СИСТЕМУ М.БУЛГАКОВА

Чжен Елена Витальевна
Султанова Дилноза Тохир кизи (НамГУ)

Аннотация: *Смеховая культура в творчестве М.Булгакова, несомненно, опирается на творчество Н.В.Гоголя. Она основывается на том, что мы неожиданно обнаруживаем в произведениях Булгакова то, что характерно и гоголевским произведениям: мнимость соответствия формы и содержания в описании явлений, что разрывает образ, разоблачает его внутреннюю неполноценность. Многочисленными упоминаниями, портретными характеристиками и деталями сатира Булгакова указывает на литературные ассоциации, «отсыл» к произведениям великого русского сатирика – Николая Васильевича Гоголя.*

Ключевые слова: *Сатира, структурно-содержательные компоненты, смеховая культура, традиции, жанровое своеобразие.*

Творчество М.А.Булгакова заставляет вспоминать гоголевскую формулу: «Человек такое дивное существо, что никогда не может исчислить вдруг всех его достоинств, и чем более всматриваешься, тем более является новых особенностей, и описание их было бы бесконечно» [1].

Анализ общности структурно-содержательных компонентов сатирического начала в творчестве М. Булгакова и Н.В. Гоголя по-прежнему остается в сфере изучения и определяет актуальность данного исследования. Внимание литературоведения к этой проблематике особенно актуально в свете культурологических задач, определённых нашим Президентом Ш.М. Мирзиеевым - «литература и искусство являются эффективным средством влияния на сознание людей, приобщения их к богатым культурно-историческим и духовно-нравственным ценностям народа, сокровищам мировой цивилизации» [2].

Изучение сатиры Булгакова как многоаспектной, многослойной, динамически развивающейся художественной системы мы рассматриваем в контексте преемственности и влияния на его творчество гоголевской сатиры

Творчество Н.В.Гоголя являлось для М.А.Булгакова «идеальным образцом», ориентиром в определении генезиса комического, определившего образный характер сатирического отрицания, отличающий сатиру, как художественное явление.Мы поставили перед собой цель:выявить черты гоголевской сатиры в произведениях М.А. Булгакова.

Перед собой мы выдвинули ряд задач:

-изучить историю вопроса становления жанра сатиры;

-выявить формы влияния Гоголя на поэтику булгаковской сатиры;

-исследовать специфику воплощения сатирического начала в творчестве М.А. Булгакова;

-выделить сатирические мотивы в творчестве Гоголя и Булгакова;

-провести сравнительный анализ сатирических произведений Н.В.Гоголя и М.А.Булгакова.

Методологическую основу нашего исследования составляют труды известных литературоведов М. Б. Храпченко, Н. Л.Степанова, В.В.Ермилова,М.С.Гуса, А. Гуковского, С. И. Машинского, А. А. Елистратовой, Ю. В. Манна в монографических исследованиях, которых обстоятельно анализируется идейно-творческий путь Гоголя; рассматриваются проблемы творческого метода писателя, связи его творчества с действительностью, художественного своеобразия созданного им мира. В эти же годы были опубликованы статьи Г. И. Поспелова, К. Д. Вишневского, Л., М. Мышковской, Н. Л. Нестеренко, М. М. Радецкой, специально посвященные характеру гоголевского смеха, принципах сатирического изображения действительности и выявления художественных особенностей.

К важным работам о сатире Булгакова можно отнести монографию Степанова Н. С. «Сатира Михаила Булгакова в контексте русской сатиры XIX—I половины XX века, в которой анализируются сатирические произведения писателя. В своем исследовании Степанов рассматривает сатиру Булгакова как многоаспектную, многослойную, динамически развивающуюся художественно-эстетическую систему, раскрывает ее важнейшие структурообразующие элементы. Интересно, что творчество М. Булгакова исследуется в широком историко-литературном контексте. Очевидная приверженность художника идее сохранения «старой» культуры, а также склонность к диалоговому общению с писателями-современниками вызвали к жизни множество работ, посвященных интертекстуальности в его произведениях. В работах Е.Сидорова и Б.Соколова рассматриваются вопросы преемственности, созвучия сатирической традиции традициям от классиков русской сатиры до произведений Аверченко и Зощенко. Работы интересны тем, что автор стремится обозначить место Булгакова в контексте русской сатирической литературы XIX—XX веков.

В сатирических произведениях писатель зачастую стремится к нарушению жизненных пропорций, к подчеркнутому преувеличению, к гротескной форме, резко нарушающей реальный облик явления. Простейшим примером может служить жанр карикатуры, в которой изображается реальное и известное лицо и вместе с тем настолько преувеличивает ту или иную его черту, что делает его смешным и нелепым. При этом преувеличение, характерное для карикатуры,— это преувеличение особого рода, оно связано именно с подчеркиванием смешного и нелепого в изображаемом явлении, со стремлением обнаружить его внутреннюю неполноценность, нарушить жизненные пропорции так, чтобы они обнаружили неприемлемость для нас изображаемого явления. Понятно, что такого рода изображение предполагает соотнесение данного явления с какой-то нормой, несоответствием которой и делает его для нас неприемлемым, смешным, нелепым, в наиболее острой форме - вызывающим негодование. «Для того чтоб сатира была действительно сатирою и достигала своей цели, надобно, во-первых,— говорил Щедрин,- чтоб она давала, почувствовать писателю тот идеал, из которого отправляется творец ее, и, во-вторых, чтоб она вполне ясно сознавала тот предмет, против которого направлено ее жало» [3]. Эта подчеркнутая соотнесенность с

идеалом и вместе с тем резкое отступление от реальных жизненных пропорций, присущих явлению, придает данному типу образного отражения действительности совершенно особый характер.

Мы зачастую сталкиваемся в жизни с явлениями, которые сами по себе представляются нам нелепыми, смешными, комическими, нарушающими жизненные закономерности. Образы, в которых художник ставит себе задачей отразить то, что является в жизни комическим, смешным, вызывает у нас смех, в их строении имеется ряд своеобразных особенностей, заставляющих выделить их в особую группу.

Комическое в жизни-это явления внутренне противоречивые, в которых мы отмечаем обесценивающее их несоответствие тому, на что они претендуют. Большинство определений комического,принадлежащих теоретикам, занимающим самые различные позиции, все же сходно в том, что подчеркивает именно этот основной его признак. Основное свойство комического состоит в том, что оно основано на ощущаемой нами внутренней противоречивости явления, на скрытой в нем, но улавливаемой нами его внутренней неполноценности, на несоответствии его внешних данных и внутренних возможностей, и наоборот.

Всматриваясь в сатирические образы, приходишь к выводу, что они непременно определенным образом эмоционально окрашены. Эмоциональная оценка в сатире—всегда отрицание изображаемого смехом над ним.

Юмор намного реже предполагает отрицание; смех, рождаемый юмористическим отношением, по своей тональности отличается от сатирического смеха.

Великий сатирик начал свой творческий путь с описания быта, нравов и обычаев милой его сердцу Украины, постепенно переходя к описанию всей огромной Руси. Ничего не ускользнуло от внимательного глаза художника: ни пошлость и тунеядство помещиков, ни подлость и ничтожество обывателей. "Миргород", "Арабески", "Ревизор", "Женитьба", "Нос", "Мертвые души" - едкая сатира на существующую действительность. Гоголь стал первым из русских писателей, в творчестве которых получили ярчайшее отражение отрицательные явления жизни.

Смеховая культура в творчестве М.Булгакова, несомненно, опирается на творчество Н.В.Гоголя. Она основывается на том, что мы неожиданно обнаруживаем в произведениях Булгакова то, что характерно и гоголевским произведениям: мнимость соответствия формы и содержания в описании явлений, что разрывает образ, разоблачает его внутреннюю неполноценность. Многочисленными упоминаниями, портретными характеристиками и деталями сатира Булгакова указывает на литературные ассоциации, «отсыл» к произведениям великого русского сатирика – Николая Васильевича Гоголя.

Литература

1. Гоголь Н.В. Полн.соб.соч.в 14т. М.Академия наук, 1964 Т.14,С.77

2. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по повышению эффективности государственной молодёжной политики и поддержке деятельности Союза молодёжи Узбекистана». - Ташкент, 5 июля 2017 г.,С.24.

3. Салтыков-Щедрин М.Е. Письма. М.1987,С.75

ҲУСАЙНИЙ ДЕВОНИНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ХУСУСИДА

Джураева Хуснигул Буриевна
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. *Мақолада шоҳ ва шоир Ҳусайний девонининг Ўзбекистон қўлёзма фондларида сақланаётган қўлёзма нусхалари хусусида мулоҳаза билдирилган. Девон қўлёзмаларининг тавсифи берилиб, улар таркибидаги фарқ ва тафовутлар, нуқсонлар кўрсатилган.*

Калит сўзлар: *девон, манба, котиб, баёз, мажмуа, анъана, нусха.*

О РУКОПИСЬЯХ ДИВАНА ХУСЕЙНИ

Хуснигул Жураева Буриевна

Аннотация *В статье приводятся мнения о рукописьях экземплярах поэта и правителья средневековья Хусейна Бойкары сохраненных в рукописных фондах Узбекистана. Даётся описание рукописей дивана, указывается разницы, отличия и недостатки встречающихся в рукописьях дивана.*

Ключевые слова: *диван, источник, писарь, баяз (сборник), антология, традиция, копия.*

ABOUT THE MANUSCRIPTS OF HUSSEINI'S SOFA

Djuraeva Khusnigul Buriyevna

Annotation. *Different kind of manuscript's of the divan by shah and poet, Xusayniy which kept in the funds of Uzbekistan, depicting of the classification and differences, shortcomings in his verse are also analyzes and referred in the current article.*

Key words: *divan, resources, calligrapher, bayaz, collection, tradition, copy.*

Ўн бешинчи аср Хуросон адабий, маданий муҳитининг етакчиси, ёш истеъдодларнинг ҳомийси, буюк ҳукмдор ва давлат арбоби Ҳусайн Бойқаро яқин қирқ йил давомида давлатни тадбиркорлик ва қаттиққўллик билан бошқарган, юрт ободончилигига алоҳида эътибор берган, бошқа ўлкалар билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйган. Айни пайтда, Ҳусайн Бойқаро "Ҳусайний" тахаллуси билан баракали ижод қилган санъаткор ҳамдир. Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида Ҳусайн Бойқаро ижодий меросининг ўзига хослиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтган: "Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон... ўз шариф табъ ва латиф зеҳнларидин дағи, агарчи ҳам форсий демакка қодир ва ҳам туркча айтмоққа моҳир эрди, аммо аслий табъ иқтизоси ва шоеъ такаллум муносабати адоси била туркий девон тадвинига майл қилдилар ва дилпазир абёт ва беназир ғазалиёт тартиб бердилар" [1, 54] . Ҳусайний асарлари ҳаётлик вақтидаёқ халқ орасида кенг

тарқалган, Султон Али Машҳадий, Султон Муҳаммад Хандон томонидан гўзал кўчирилган. “Девони Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро”да шеърлар араб алифбосига мувофиқ ҳарфлар тартиби билан мунтазамликда жойлаштирилган.

Дунё қўлёзма фондларида Ҳусайний девонининг кўплаб дастхат нусхалари сақланади. Биргина Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Абу Райҳон Беруний номидаги қўлёзмалари фондида девонининг қўлёзмалари, ғазаллари киритилган баёз ҳамда мажмуаларнинг 20 дан ортиғи мавжуд. Мазкур қўлёзмалар турли даврда, ҳар хил савиядаги котиблар томонидан кўчирилганлиги сабабли уларнинг таркиби, тузилиши, шеърларнинг миқдори, байт ва мисралар сирасида жиддий фарқлар, ноаниқликлар учрайди. Шу боис қуйида Ҳусайний девонининг энг мукаммал ҳисобланган нусхаларини қиёслаб, улар ўртасидаги тафовутларни аниқлаб, муайян бир хулосага келишга ҳаракат қилдик. Таянч нусха қилиб, 1117-рақамли қўлёзма танлаб олинди.

1. Ҳусайний девони қўлёзмалари – ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 1117, 6967, 7709, 1942-рақамли Ҳусайн Бойқаро девони қўлёзмалари сақланади. Қўлёзмалар турли даврда ҳар хил савиядаги котиблар томонидан кўчирилганлиги боис, Ҳусайний шеърларининг миқдори ва матнларида муайян фарқлар, ноаниқликлар кузатилади.

2. Ҳусайний шеърлари киритилган баёзлар–ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 1161, 2515, 5736, 7011, 3326, 2037-рақамли баёзлар Ҳусайн Бойқаро шеърлари киритилган баёзлар ҳисобланади.

3. Ҳусайний шеърлари киритилган мажмуалар – ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 1154-рақамли мажмуанинг 590б-591а саҳифаларида Ҳусайн Бойқаронинг “Эй ажал, озод қил ҳижрон балосидин мени” деб бошланувчи ғазалига Шоҳий томонидан боғланган мухаммас келтирилган. Академик Воҳид Абдуллаев “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида “Ҳусайн Бойқаро девонида 4 та рубоий, 2 та тугалланмаган ғазал, 6 та фард бор” [2, 33], – деб ёзади ва ҳавола манба тарзида 11444-рақамли мажмуани кўрсатган. Аммо мажмуанинг 1а-580б саҳифасигача Навоий шеърлари жойлашган. Кейин эса турли шоирларнинг Навоий ғазалларига мухаммаслари ҳамда Навоийнинг Лутфий, Хуросоний, Султон сингари шоирларнинг ғазалларига битган мухаммаслари ўрин олган. Мажмуа охирида Алишер Навоийнинг “Соқийнома” ва “Маҳбуб ул-қулуб” асари берилган. Бизнингча, устоз Воҳид Абдуллаев қўлёзма рақамида янглишган ёки китоб нашри жараёнида техник сабабларга кўра рақам хато кўчирилган.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланаётан Ҳусайн Бойқаро девони қўлёзмаларининг илмий тавсифини келтирамиз:

1. 1117-рақамли қўлёзма. Чарм муқовали. Оддий Қўқон қоғозига чиройли настаълиқда битилган. Котиби Мулла Муҳаммад Юсуф Ғафурали бўлиб, ҳижрий 1231 йилда кўчирилган. Андозаси 15х35. Қўлёзмадан Лутфий ғазаллари, Нишотий девони ҳамда Ҳусайн Бойқаронинг 151 та ғазали, 1 та рубоийси, 2 та мухаммаси ўрин олган. Ҳусайний шеърлари 35 варақдан иборат. Улар 65б–99б варақларда берилган.

2. 6967-рақамли қўлёзма. Муқоваси чарм, Самарқанд қоғозига настаълиқ хатида битилган. Кўчирилган йили ва котиби номаълум. Навоий, Ҳусайний, Вафоий

ва бошқа шоирларнинг шеърлари билан бирга муқоваланган. Андозаси 15х20,5. Матн кўндаланг тарзда ёзилиб, байтлар қўшалоқ ҳошияга олинган. Ўртадаги рамкага 4 байт, икки чеккасидагига 2 байтдан ғазал жойлаштирилган. Айрим ҳошиялар пушти рангда. Ижодкорлар номи қизил сиёҳда ёзилган. Ора-сира бўш варақлар ҳам учрайди. Қўлёзма бежирим сақланган. Китобатнинг 117б-141б саҳифаларида Ҳусайнийнинг 51 та ғазали, 1 та рубоий, 1 та фард, 2 та мухаммаси ва Алишер Навоийнинг Ҳусайний ғазалига мухаммаси берилган. Мавжуд 51та ғазал матни ҳамда жойлашишига кўра, 1117-рақамли қўлёзмадан деярли фарқ қилмайди. Фақат ғазаллар миқдори ундан 102 тага кам Шуниси аҳамиятлики, Ҳусайнийнинг қўлёзмада берилган бир форсий фарди бошқа қўлёзмалар ҳамда нашрий нусхаларда учрамайди.

3. 7709-рақамли қўлёзма. Муқоваси чарм, рус фабрика қоғозига настаълиқ хатида битилган. Котиби ва кўчирилган йили номаълум. Девон Ҳузурий деган шоирнинг форсий шеърлари билан бирга муқоваланган. Андозаси 16,5х20,5. Ҳусайн Бойқаронинг 145 та ғазали, 3 та мухаммаси ва бир рубоийси 1б-51б саҳифаларда жойлашган. Қўлёзма 1117-рақамли дастхат билан шеърларнинг жойлашишига кўра бир хил.

4. 1942-рақамли қўлёзма. Муқоваси чармдан. Қўқон қоғозига настаълиқ хатида битилган. Ҳижрий 1347 (милодий 1928) йилда кўчирилган. Котиби номаълум. Насрий муқаддимадан сўнг маснавий берилган. 1б-55а саҳифаларда Ҳусайнийнинг 126 та ғазали, 3 та мухаммаси мавжуд. 56а-126а саҳифагача Умиди Марғинонийнинг асарлари кўчирилган. Андозаси 13х20,5.

Қўлёзма матн ҳамда шеърларнинг тартибига кўра бошқа манбалардан фарқ қилади.

XIX асрда тузилган баёзларнинг бир қанчасида Ҳусайнийнинг шеърлари киритилган.

1. Инв №2515. بياظ Муқоваси картон, қоғози оддий. Жами 196 варақдан иборат. Вола, Феруз, Амир, Огаҳий, Фазлий, Жунуний, Мажнун, Ҳамдамий, Мунис каби шоирларнинг ғазаллари билан бирга 144а-144б саҳифаларда Ҳусайнийнинг икки ғазали ҳам кўчирилган. Биринчи шеър “Келдиму?” радифли ғазал бўлиб, 7 байтдан иборат. Иккинчиси эса, 7 байтли “Устина” ғазалидир.

2. Инв №1161. بياظ Қоғози оддий. Тахминан XIX асрнинг ўрталарида кўчирилган. Котиби номаълум. Жами 200 варақ. Ғиёсий, Мавзун, Амир, Фазлий, Абдуллоҳ, Жомий, Ҳофиз, Фирдавсий, Низомий, Ҳозиқ, Хокий, Бисмил, Носир, Маҳвий сингари 30 дан зиёд шоирларнинг форсий ва туркий тилдаги шеърлари жамланган. Матн қора сиёҳда, шоирлар ва шеърларнинг сарлавҳаси қизил сиёҳда битилган. Ҳусайнийнинг “Нозиктар” радифли 5 байтли форсий ғазали 27б-28а саҳифаларда кўчирилган. Мазкур ғазал Ҳусайний девони қўлёзмаларининг биронтасига ҳам киритилмаган.

3. Инв №5736. بياظ Муқоваси картон, қоғози оддий. Мухр ва тамғаси йўқ. Настаълиқда кўчирилган. Жами 232 варақдан иборат бўлиб, қўлёзмадаги бир қанча 52а-52б; 133б-134а-134б-135а-135б-136а-136б;168а-168б-169а-169б-178а-178б бетлар бўш қолган. Баёзда Дилафкор, Хожа Исмат, Назирий, Мавлоно, Аҳлий, Сайидо, Фузулий, Ғанимат, Афғон, Мирза Ҳайдар, Осафий, Сарафроз, Бақо, Қонеъ, Рофеъ,

Шопур, Жомий, Ҳозиқ, Содиқ, Адо, Сойиб, Шавкат, Муғанний, Фурқат, Ғиёсий, Ошиқ, Домулло Сайид Акмал, Носирали, Тажаллий Ҳиндий, Камий сингари шоирларнинг форсий ва туркий тиллардаги шеърлари жамланган. 41а саҳифада Ҳусайнийнинг “Нозиктар” радифли форсий ғазали берилган бўлиб, 2515-рақамли баёздаги ғазал билан бир хил.

4. Инв №7011. بیاظ Муқовасиқаттиқ қоғоздан. Самарқанд ипак қоғозига кўчирилган. Жами 185 варақдан иборат. Дастлабки икки саҳифада арслон ва от сурати туширилган бўлиб, айрим варақларда гумбазсимон нақшлар ҳам мавжуд. Муаллифларнинг номи қора сиёҳда ёзилган. Ғазаллар ҳошияга олинган ҳолда, баъзи саҳифалар пушти рангга бўялган. Котиб Муҳаммад Ризо Огаҳий. Кўчирилган йили номаълум. Баёзда Бедил, Фузулий, Маҳзун, Навоий, Огаҳий, Камий, Рожий, Мунис, Дилафкор, Диловар, Роқим, Равнақ, Рофеъ сингари шоирларнинг ғазал ва мухаммаслари билан бирга 130а-131б саҳифаларда Ҳусайнийнинг “Келдиму?” ва “Устина” радифли ғазаллари берилган.

5. Инв №3326. بیاظ Муқоваси чарм, Самарқанд ипак қоғозига чиройли настаълиқ хатида ҳижрий 1298 йили кўчирилган. Котиби номаълум. Жами 100 варақ. Ғазаллар икки устунга жойлаштирилган. Муаллифларнинг номи кўп ҳолларда қизил, айрим ўринларда қора сиёҳда қайд этилган. Баъзи саҳифа ҳошияларида тушиб қолган сўзлар, байтлар илова тарзида ёзилган. Баёз Ғиёсий ғазали билан бошланиб, Саноий рубоийлари билан тугайди. 57а-57б саҳифаларда Ҳусайнийнинг “Монда” радифли бир форсий ғазали берилган. Бу ғазал бошқа қўлёзмаларда учрамайди.

6. Инв №2037. بیاظ Картон муқовада, устига қора тери қопланган. Ҳафт ранг қоғозга битилган. Ҳижрий 1321 йилда Муҳаммад Шариф Девон ибн Оллоберган Девон томонидан Хоразмда кўчирилган. Жами 207 варақдан иборат ушбу баёзда Жомий, Навоий, Лутфий, Ҳусайний, Нишотий сингари шоирларнинг асарлари жамланган. Ҳар бир ғазалнинг устига шоирларнинг номи ва шеър тартиб рақами қизил сиёҳ билан қайд этилган. 121а-181а саҳифаларда Ҳусайнийнинг 151 та ғазали ўрин олган.

7. Инв №1154**.** بیاظ Муқоваси чарм, оддий Самарқанд қоғозига ҳижрий 1317 йилда кўчирилган. Котиби номаълум. Биринчи бетида “Соҳиби ин китоб Сайид Муҳаммад Носиржон” деб ёзиб қўйилган. Жами 339 варақдан иборат. Унда Киромий, Роқим, Фузулий, Муҳаййир, Феруз, Холис, Рожий, Амир, Навоий, Ҳусайний каби шоирлар ижодидан намуналар берилган. Баёздаги барча шеърлар рамкага олинган. 10а-11а ва 330б-334б бетларда Ҳусайнийнинг мухаммаслари келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида ҳам Ҳусайн Бойқаро шеърлари ўрин олган 401, 263, 662, 289, 38-рақамли қўлёзмалар, баёзлар сақланади.

1. 401-рақамли қўлёзма. 55а, 68б, 208б-209а варақларида Ҳусайнийнинг учта шеъри берилган. 55а варақда “Машқи Султон Ҳусайн Мирзо” деган сўзлар ёзилган ва шоирнинг бир байтли форсий шеъри келтирилган. Қўлёзманинг 68б варағида қизил сиёҳ билан “Ҳусайний” деб ёзилиб форсий ғазали берилган. 208б-209а бетларда Ҳусайн Бойқаронинг “Эй ажал, озод қил ҳижрон балосидин мени”

ғазалига Мирий томонидан боғланган мухаммас ўрин олган. Мухаммаснинг тепасига “Ғазали Султон Ҳусайн Мирзо мухаммаси Мирий” сўзлари ёзиб қўйилган.

2. 263-рақамли қўлёзма. Настаълиқ хатида “Ҳусайн Бойқаро ва унинг уч канизи” номли ҳикоят кўчирилган. Мазкур ҳикоят фонддаги халқ китоблари таркибида ҳам учрайди. Барчасида мазмун бир хил.

3. 289-рақамли баёз. Унда Ҳофиз, Саққо, Нозим, Ғиёсий, Рамзий, Ҳажрий, Ҳозиқ, Фаридун, Қассоб, Мажруҳ, Андалиб, Нозилий, Амирий, Мирзо Мурассаъ, Хожа Хусрав, Осаф, Абдий, Мирзо Ҳасрат, Фузулий, Лутфий, Навоий, Ҳақир, Шаҳидий каби шоирларнинг туркий ва форсий тилдаги ғазал, мустаҳзод, рубоий жанридаги шеърлари ўрин олган. 26а варақда қора туш билан “Султон Ҳусайн” сарлавҳаси остида Ҳусайнийнинг бир форсий рубоийси кўчирилган.

4. 38-рақамли қўлёзма. Китобнинг 78а варағида қизил сиёҳда “Султон Ҳусайн фармонид” сарлавҳаси билан Ҳусайнийнинг форсча байти келтирилган.

Дар чаман оташи рухсораи гул даргирифт,
Сўхт чандонки, булбул ранги хокистаргириф.

Кўринадики, ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди ҳамда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида сақланаётган Ҳусайний девони қўлёзмалари шоир адабий меросининг илмий-танқидий матнини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар рўйхати

1.Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 14-том.– Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 1967.

2.Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб.– Тошкент:Ўқитувчи, 1980.

3. Девони Султон Ҳусайн Бойқаро. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди қўлёзмаси. Инв № 1117, № 6769, № 7709, № 1942, № 11444.

4. Баёз. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди қўлёзмаси. Инв № 1161, № 5736, № 7011, № 2515, № 2037, № 2037, № 1154. 401.

ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР СИНТАГМАТИКАСИ ВА УЛАРНИНГ ПАЙТ ВАЛЕНТЛИГИ

Ш.А.Ганиева
Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси

Аннотаци: *Мақолада ўзбек тилидаги фразеологизмларнинг темпорал валентлигини юзага чиқарувчи воситалар ҳақида фикр юритилади.*

Калит сўзлар: *феъл фразеологизм, фразеологизмлар синтагматикаси, темпорал валентлик, предикат позицияси, облигатор, факультатив.*

СИНТАГМАТИКА ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ И ИХ ТЕМПОРАЛЬНАЯ ВАЛЕНТНОСТЬ

Ш.А.Ганиева
старший преподаватель Ферганского государственного университета

Аннотация. *В статье рассматриваются средства выражающие темпоральную валентность фразеологизмов узбекского языка.*

Ключевые слова: *глагольный фразеологизм, синтагматика фразеологизмов, темпоральная валентность, предикатная позиция, облигатор, факультативный.*

SYNTAGMATICS OF PHRASEOLOGISMS AND THEIR TIME VALENCY

Sh.A.Ganieva
Senior teacher of Ferghana State University

Annotation. *In the article means of expressing temporal valency of phraseologisms of the Uzbek language are discussed.*

Key words: *verbal phraseologisms, syntagmatics of phraseologisms, temporal valency, position of predicate, obligatory, optional.*

Ўзбек фразеологиясининг назарий масалаларига эътиборнинг кучайиши билан фразеологизмларнинг парадигматик хусусиятлари, айни вақтда, уларнинг синтагматикаси ҳам тадқиқотчилар эътиборини торта бошлади. Бу борада профессор Ш.Раҳматуллаевнинг феъл фраземаларнинг боғлашувига [1], шунингдек, Қ.Ҳакимовнинг фразеологик бирликларнинг бирикувчанлиги масаласига [2] қаратилган махсус тадқиқотлари алоҳида қимматга эга. Лексемаларнинг пайт валентлиги ҳам қатор тадқиқотларда кўзга ташлана бошланди. Жумладан, устоз профессор М.Миртожиевнинг кўрсатиб ўтишича, “Пайт валентлиги намоён бўлган актант деярли пайт равишларида ёки вақт билдирувчи отларда ифода топади” [3; 45].

Бизга маълумки, ўзбек тилидаги феъл фраземалар предикат бўлганда доимо замон категориясига эга бўлади. Шунинг учун улар темпорал (пайт) валентлигига эга бўлади. Кўп ҳолларда ўзбек тилида бу валентлик лексик воситалар билан тўлдирилмаслиги мумкин, бунинг асосий сабаби кесимнинг замон қўшимчалари

билан тусланишидир. Феъл фраземаларнинг пайт валентлиги турли воситалар ёрдамида тўлдирилади, уларни шунга кўра гуруҳлаш мумкин.

Фразеологизмларнинг пайт валентлигини лексик воситалар ёрдамида тўлдирилиши энг кўп тарқалган ҳолатдир. Пайт валентлиги қуйидаги лексик воситалар ёрдамида тўлдирилиши мумкин:

Равишлар ёрдамида: Масалан, қуйидаги мисолда "ўтган замон" семали равиш ўтган замон шаклидаги ФБнинг темпорал валентлигини тўлдириб келмоқда: *Олдин келгиндилар* ***зўр келди,*** *биз чекиниб юрдик* (П.Қодиров).

Бу парчада *зўр келмоқ* фраземаси иштирок этган бўлиб, унинг маънолари таркибида "ҳаракат", "кучаймоқ", айни вақтда, "пайт" семалари мавжуд. Бу гапда *олдин* равиши фразеологизмнинг темпорал валентлигини тўлдириш учун хизмат қилмоқда. Гап предикати позициясидаги иборанинг ўтган замон шаклида қўлланилиши эса унинг актанти, хусусан, темпорал валентлигини тўлдириб келаётган актантнинг ўтган замонга тегишли бўлишини талаб этмоқда.

Шунингдек:*Ҳозир яна* ***ғаши кела бошлади*** *(Ў.Ҳошимов).*Гапда қатнашган *ғаши келмоқ* ФБ ҳозирги келаси замон шаклида келмоқда ва унга мос равишда *ҳозир* лексемаси ФБнинг пайт валентлигини тўлдиряпти.

Ҳали сениям ***кунингни кўрсатаман****, бола*! (Т.Малик) Ушбу парчада *кунини кўрсатмоқ* фраземаси иштирок этган бўлиб, унинг маънолари доирасида "ҳаракат", "мақсад", "жазолаш", "ўч олиш" ва "пайт" семалари мавжуд. Бу ерда предикат функциясидаги фразеологизмнинг келаси замон кўрсаткичи билан ифодаланиши унга боғланиб келаётган актантларнинг мутаносиб ҳолда келаси замон маъносини талаб қилади. Шунга кўра, бу гапда фразеологизмнинг темпорал валентлигини тўлдиришга хизмат қилган пайт равиши "келаси замон" семасига ҳам эга бўлмоқда: *ҳали кунингни кўрсатаман* тарзида.

Темпорал валентлик айрим ўринларда равишларнинг такрор қўлланилиши орқали ҳам тўлдирилиши мумкин: *У кунни эсласам, ҳали-ҳали* ***жоним ачийди*** (Т.Тўла). Ушбу гапда *жони ачимоқ* фразеологизмининг темпорал валентлиги *ҳали-ҳали* такрорий равиши ёрдамида тўлдирилмоқда. Равишнинг такрор ишлатилиши натижасида "пайт" семаси билан бирга "давомийлик" семаси ҳам юзага чиқмоқда.

Равиш ўрнида қўлланувчи олмошлар ёрдамида: *Ўтган иш ўтди-ку!... Қачон* ***юзингизга солдик?*** (С.Аҳмад) Бу гапда иштирок этган *юзига солмоқ* фразеологизмининг маънолари таркибида "ҳаракат", "эслатмоқ", "пичинг", "пайт" сингари семалар мавжуд бўлиб, бу ерда равиш ўрнида қўлланилган *қачон* олмоши фразеологизмнинг темпорал валентлигини тўлдиришга хизмат қилмоқда.

Айрим ҳолларда фразеологик бирликларнинг варианти қўлланилганда ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин: *Фақат "бу аҳмоққа қачон* ***ақл битаркин****?" деб ўйлаяпман, холос.* (Т.Малик) Ушбу гапда қўлланилган *ақл битмоқ* ифодаси *ақл кирди* фраземасининг варианти бўлиб, бу фразеологизмга *қачон* сўроқ олмоши боғланиб, унинг темпорал валентлигини тўлдириш учун хизмат қилмоқда.

Равиш ўрнида қўлланувчи сўроқ олмоши ФБ қайси замон шаклида бўлишидан қатъи назар, унинг пайт валентлигини тўлдира олади.

Фразеологик бирликлар ёрдамида: *Нормурод полвоннинг кўзи очиқ туриб, унинг эли* ***ерга қарайди****ми*? (Т.Мурод) Бу гапда *кўзи очиқ туриб* ва *ерга қарамоқ*

фразеологизмлари иштирок этган. Предикат позициясида келган *ерга қарамоқ* фразеологизмининг маънолари таркибида “руҳий ҳолат”, “номус”, “пайт” каби семалар бўлиб, унинг темпорал валентлиги *кўзи очиқ туриб* фразеологик бирлиги орқали тўлдирилмоқда.

Синтактик бирикмалар ёрдамида: Бунда феъл шаклли ФБнинг темпорал валентлиги бир эмас, бир неча лексик бирликлар орқали тўлдирилади.

Қоронгида ҳеч нарса кўринмайди, фақат яшин чақнаганда Ганганинг қиргоқларига тошиб чиққан оқиш тўлқинлари таҳдидли ярқираб ***кўзга ташланади*** **(**П.Қодиров). Ушбу парчада *кўзга ташланмоқ* фразеологизми иштирок этган бўлиб, унинг маънолари таркибида “ҳолат”, “кўринмоқ” ҳамда “пайт” семалари мавжуд. Гапда *кўзга ташланмоқ* фразеологизми предикат позициясида келмоқда, унинг актантлари бўлиб келаётган *яшин чақнаганда* бирикмаси темпорал валентлигини, *Ганганинг қиргоқларига тошиб чиққан оқиш тўлқинлари* бирикмаси субъект валентлигини, *таҳдидли* сўзи ҳолат валентлигини тўлдирмоқда.

-*Мажлис ўтқазгунимча* ***эна сутим оғзимга келди*** (Т.Малик). Берилган гапда *она сути оғзига келмоқ* фраземаси иштирок этган, унинг маънолари таркибида “ҳаракат”, “қийналиш”, “натижа”, шунингдек, “пайт” семалари мавжуд. Бу ўринда фразеологизмнинг пайт валентлиги *мажлис ўтқазгунимча* ифодаси воситасида тўлдирилмоқда.

Мухбир ука, шу топгача менинг ***гапимни биров икки қилмаган****-а!* (Т.Малик). Ушбу гапда *гапини икки қилмоқ* фразеологизми иштирок этмоқда, унинг маънолари таркибида “ҳаракат”, “нутқ”, “ҳурмат” семалари мавжуд бўлиб, гапда иштирок этаётган ибора таркибидаги *–ган* аффикси пайт ифодаловчи бўлакни талаб қилиши натижасида темпорал валентликка эга бўлмоқда. Унинг темпорал валентлиги пайт ҳоли позициясидаги *шу топгача* бирикмаси орқали тўлдирилмоқда. Гапдаги *гапимни биров икки қилмаган* фразеологизми ўтган замон кўрсаткичида бўлганлиги сабабли унга мос ҳолда *шу топгача* бирикмаси иштирок этмоқда.

Демак, ФБнинг темпорал валентлиги асосан пайт маъносини ифодаловчи лексик бирликлар ёрдамида тўлдирилиши билан бирга, баъзи ҳолларда ФБ билан ифодаланган ҳаракат пайтини билдиришда синтактик бирликларнинг ҳам аҳамияти катта. ФБ кесим вазифасида келганда унинг темпорал валентлиги лексик-синтактик бирликлар ёрдамида тўлдирилмаса, юқорида таъкидланганидек, грамматик воситалар (замон категорияси) ёрдамида доимо пайт маъноси англашилади.

Фразеологик бирликларда темпорал валентлик облигатор (мажбурий) ёки факультатив бўлиши мумкин. Бу фраземаларнинг мазмуний мундарижаси билан узвий боғланади. Жумладан, *кўнглига чироқ ёқмоқ* ФБи “субъект” семали ФБ бўлиб, унда агенс валентлиги облигатор ҳисобланади. Энди қуйидаги гапга эътибор қиламиз: *Уни кўриши ҳамон Собиталининг қоронги* ***кўнглига чироқ ёқилгандай бўлди*** (Т.Малик). Бу гапда иштирок этган фраземанинг агенс (облигатор) валентлиги аниқловчи позициясида келган *Собиталининг* сўзи воситасида тўлдирилмоқда. Шунингдек, пайт ҳоли позициясида келган *уни кўриши ҳамон* бирикмаси фразеологик бирликнинг темпорал валентлигини тўлдириш учун қўлланилмоқда.

Айтиш мумкинки, *уни кўриши ҳамон* ифодаси пайт мазмуни билан бирга сабаб маъносини ҳам ифодалашга қаратилган, яъни:

уни кўрган пайтда кўнглига чироқ ёқилгандай бўлди

уни кўрганлиги сабабли кўнглига чироқ ёқилгандай бўлди.

Хуллас, ўзбек тилидаги фразеологизмларнинг пайт валентлиги лексемалар, барқарор ва эркин бирикмалар воситасида тўлдирилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. Тошкент: Университет, 1992.
2. Ҳакимов Қ.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанликлари: Филол. фанл. номз....дисс. автореф. Тошкент, 1994.
3. Миртожиев М. М., Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида сўз валентликлари. Тошкент, 2011.

МАЗМУНИЙ МАЙДОНДА КЎПМАЪНОЛИЛИК МАСАЛАСИ

Ш.М.Искандарова, ФарДУ профессори

Аннотаци: *Ушбу мақолада кўп маъноли сўзларнинг умумий ва хусусий маънолари, уларнинг семантик ўзгарувчанлиги ва мазмуний майдон билан муносабати тўғрисида сўз юритилади.*

Калит сўзлар: *мазмуний майдон, полисемик сўз, семантик эталон, инвариант, умумий маъно, хусусий маъно, импликацион алоқа, классификацион алоқа, мазмуний парадигма*

ВОПРОСЫ ПОЛИСЕМИИ В СЕМАНТИЧЕСКОМ ПОЛЕ

Ш.М.Искандарова, профессор ФерГУ

Аннотация*. В данной статье рассмотрены вопросы общых и индивидуальных значений многозначных слов, их семантическая изменчимость и отношение с семантическом полем.*

Калит сўзлар: *семантическое поле, полисемическое слово, семантический эталон, инвариант, общее значение, индивидуальное значение, импликационная связь, классификационная связь, семантическая парадигма.*

THE ISSUE OF POLYSEMANTICS IN THE SEMANTIC FIELD

Sh.M.Iskandarova, professor of FerSU

Abstract. *This article is about general and specific meanings of polysemantic words, their semantic changeability and relationship with semantic field.*

Key words: *semantic field, polysemantic word, semantic model, invariant, general meaning, specific meaning, implicational relation, classific relation, semantic paradigm.*

Мазмуний майдонларда полисемантик сўз маъноларининг муносабатлари ўзига хос ўрин тутади. Манбаларда кўп маъноли сўз маънолари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилувчи микросистемани ташкил этиши, кўп маъноли сўз доирасида семантик омонимия, яъни умумий семантик қисм бўлмаган маънолар ҳам бўлиши мумкинлиги кўрсатилади. Ф.А.Литвин полисемантик сўзлар маънолари орасида қуйидаги уч тур муносабатлари бўлиши мумкинлигини таъкидлайди: кесишиш; қўшилиш; семантик омонимия[1].

Эътиборга олиш керакки, маъноларни бир семантик майдонга фақат кесишиш ва қўшилиш муносабатлари бирлаштиради. Семантик омонимия эса турли майдонларга ажратади. Шунга кўра, майдоннинг мазмуний қурилиши, "тушунчалар қамрови" сифатида ўрганиш учун кўп маъноли сўзлар доирасида кесишиш ва қўшилиш муносабатлари муҳим рол ўйнайди. Кўп маъноли сўзларнинг маъноларини ўрганувчи қўшилиш муносабатлари уларнинг кетмакетлигига асосланади. Кўп маъноли сўзларнинг мазмуний тузилишида кўпроқ бир вақтнинг ўзида маъноларнинг кўшилиш ва кесишиш муносабатлари кўринади.

Ҳар қандай сўзнинг полисемиклик хусусияти кўп ҳолларда унинг асосий маъноси орқали аниқланади, чунки кўп маъноли сўз маъноларининг кесишишида ҳам, қўшилишида ҳам улар ҳосил қилган мазмуний майдон марказида доимо асосий маъно ётади ва унга қолган ҳамма маънолар бевосита ёки билвосита “бўйсунади”.Мазмуний майдон (ёки парадигма) сифатидаги кўп маъноли сўзнинг умумий (инвариант) мазмунини асосий маънога келтириш мумкинлиги, бу майдонларнинг доминантлари қандайлиги, уларнинг семантик ўзгарувчанлигининг юзага чиқиши билан боғлиқ масалалар илмий манбаларда турлича ёритилади. Баъзи олимлар (К.С.Аксаков, Н.П.Некрасов, Р.О.Якобсон, В.А.Звегинцев ва бошқалар) кўп маъноли сўзнинг алоҳида маъносини умумий маънода, бошқача айтганда, тил инвариантини нутқий вариантлар сифатида қарашни таклиф этадилар. А.М.Пешковский "сўзнинг семантик бирлиги унда одатда изоҳли луғатларда ажратиладиган хусусий маъноларни ўзига бўйсундирувчи муайян" умумий маънонинг "мавжудлиги билан эмас, балки алоҳида мустақил маъноларнинг бир-бирлари билан маълум муносабатлари ва уларнинг битта белгига боғланиши билан асосланади",–деб таъкидлаганди[2,77-бет].

Гарчи кейинги вақтда умумий маъноларга берилган изоҳлар орасида кўп маъноли сўзнинг мазмуний инварианти сифатида унинг асосий маъносини олиш таклифи аксар олимлар томонидан киритилаётган бўлса-да, у сўзнинг лексик-семантик вариантларидан фақат биттаси бўлиб, нутқда ишлатилиши бошқа вариантларни рад этади. Кўринадики, асосий маънолар кўп ишлатилишига қарамай, инвариант бўла олмайди.

И.В.Сентенберг бу масалага маълум аниқликларни киритди. Унингча, полисемантик сўзнинг умумий маъноси сифатида асосий маънонинг объектив мазмунини, яъни сўз маъноси ва унинг информацион (мазмуний) потенциалини тушуниш керак. Маънонинг объектив мазмуни муайян тилдан фойдаланувчиларга хос бўлган ифодаланаётган предмет хусусидаги барча билимлар йиғиндисидир. Улар нутқий, ақлий фаолиятда "фаол" нутқий маънолар тарзида у ёки бу "синкретик" (тил) маънолари билан бир бутун ёки қисмларга бўлиниб намоён қилинади.

Бу ўринда мазкур концепцияга хос асосий муаммо умумий маънони аниқлашнинг умумий маъно мазмунини тил бирлигига, асосий маънонинг информацион потенциали эса тилдан ташқари билимлар соҳасига мансублигида кўринади. Шундай қилиб, кўп маъноли сўзларнинг асосий ва бошқа маънолари ўртасидаги муносабатлар хусусидаги масала тил ва нутқий мазмунлар ўзаро таъсири муаммоларига боғлаб ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Феъл лексикасини таҳлил қилиш асосида Э.В.Кузнецова кўп маъноли сўзнинг инварианти, "семантик эталони" сифатида оддий умумий маънони эмас, унинг алоҳида модификациясини олиш зарур деб ҳисоблайди, уни "умумлашган маъно" деб номлашни таклиф қилади.Умумлашган маъно асосий (дастлабки) аниқ маънолар бўлиб, улар маълум вазиятда мазмунларининг ривожланиши асосида вужудга келади. Умумлашган маъно асосий маънодан алоҳида лексик-семантик вариант сифатида семалар таркиби ва матн тури юзасидан фарқ қилади.

Умумий маъно муаммоси анча мунозарали масала сифатида гавдаланади. Шунга қарамай, кўп маъноли сўз мазмуний структурасини қисмлари турлича боғланган семантик парадигма сифатида ўрганиш мумкин. Бу алоқаларнинг характери хусусида фикр юритиб, М.В.Никитин импликацион ва классификацион алоқа турларини кўрсатади. Импликацион алоқаларнинг энг ёрқин мисоли кучли сабаб-моҳиятли муносабатлар бўлса-да, бунга кучсизроқ бўлган муносабатлар, яъни фазо ва замон муносабатлари ҳам киради[2,79-бет].

Метонимия М.В.Никитин томонидан импликацион алоқаларнинг хусусий кўриниши сифатида қаралади. Маъноларнинг импликацион алоқалари кўп маъноли сўзларнинг семантик структурасида атрофлича кўзга ташланади.

Импликацион алоқалардан фарқли равишда, классификацион алоқалар маъноларнинг маълум умумийликлари асосида ўрнатилади. Классификацион алоқалар икки хил бўлади:1) гипо -гиперонимик алоқалар (тур- жинс); 2) симилятив алоқалар

Гипо-гиперонимик алоқалар турли даражадаги умумлашган сўз маънолари ўртасида юзага чиқади. Алоқанинг йўналишига кўра, яъни кўп маъноли сўзнинг қайси маъноси муҳимлигига кўра улар ажратилиши мумкин. Симилятив таснифий алоқада умумий қисм бирор концентнинг мазмунини тўла қамрай олмаганда ҳосил бўлади: умумий белгилардан ташқари барча концептлар ўзига хос, фарқланиб турувчи белгиларга эга бўлади.

Симилятив алоқа воситасида, жумладан, ***дунё*** сўзини шундай изоҳлаш мумкин: биринчидан, дунё- "олам, коинот, мавжудот" саналади, шунингдек, "коинотнинг муайян бўлаги" сифатида юлдузлар дунёси, ҳайвонот дунёси; "киши қарашлари, кечинмалари" сифатида ***болалар дунёси, катталар дунёси*** каби ифодалар ҳам ишлатилади. Я.Зулфиев ва Д.Юлдашевалар бу сингари ифодаланишни гиперболик кўплик ҳисоблаб, "сифат жиҳатдан фарқли", "бир неча ноаниқ" семалари билан бошқа тип кўпликлардан фарқланишини кўрсатадилар.

"Ўзбек тили кўпликнинг мазкур типини ифодалаш воситаларига бой тиллардан биридир. Муболаға маъносидаги кўплик ўзбек тилида бошқа тиллардаги сингари ҳажми жиҳатдан ўта катта, чегараси бепоён бўлган предмет-ҳодисаларни

ифодаловчи сўзларни кўчма маънода қўллаш орқали реаллашади. Масалан: ***фан олами, олимлар армияси, ҳиссиёт дунёси, тоғлар силсиласи***"[3,44-бет].

Э.В.Кузнецова кўп маъноли сўзнинг мазмуний вариантлари сўз ички парадигмаси доирасида муайян усулда уюшганлигини, бу парадигманинг ядроси, ўзига хос маркази мавжуд бўлиб, атрофида асосий бўлмаган (чегара - Ш.И.) ёки иккиламчи деб номланган барча маънолар уюшувчи асосий ёки бирламчи маъно ётишини таъкидлайди. Унингча, бирламчи ва иккиламчи маънолар сўз вариантлари ривожланишидаги даврий кетма-кетлик натижаси эмас, улар сўзнинг асосий ва иккиламчи вазифаларига хос муносабатларни акс эттиради, шунга кўра, асосий ва асосий бўлмаган маъно атамалари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Кўп маъноли сўзнинг маънолари ҳосил қилувчи семантик майдонларнинг ўзига хослиги шундаки, улар ифода плани бирлиги сифатидаги битта сўз билан муносабатда бўладилар. Аммо ифода плани воситалари билан кўп маъноли сўзнинг алоҳида маънолари ҳам дифференциация қилиниши керак. Бу фарқланишнинг асосий воситаси матндир.

Маълумки, матн турлари ҳам хилма-хилдир: лексик, синтактик, услубий, ситуатив, ижтимоий, экстралингвистик, коммуникатив, махсус ва ҳоказо. Кўп маъноли сўзларнинг лексик-семантик вариантларини ажратишда мавзуий, иборавий тарздаги матнлар муҳим роль ўйнайди.

Кўп маъноли сўзнинг маъноси фақат бир эмас, балки бир неча синтактик қурилмалар, яъни синтактик парадигмалар билан берилиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Семантик вариантнинг юзага чиқиш шарти сўзлар синфига хос мазмуний ва шаклий белгилари билангина эмас, балки иборавий матн билан ҳам берилиши мумкин. Чунки кўп маъноли сўзнинг маъноси ушбу белгилар мавжуд бўлган ҳар қандай лексема билан юзага келиши кутилади.

Матн тил коммуникациясининг табиий ҳолати бўлиб, унда мазмунан ҳам, ифодада ҳам субстанционал бирликлар муайян кетма-кетлиги ва босқичли алоқаларга киради, натижада объектив нарса ва ҳодисаларнинг реал алоқаларини етказади[4,стр.125].

Доимий полисемияни систематик ўрганиш лексиканинг систем тузилиш тамойилларига, янги маънолар ҳосил қилиш қурилмасига, мазмуний парадигмалар ички тузилиши ва уларнинг ўзаро алоқасига таъсир этиб, уларни янгича ифодалаш учун имкон беради. Таъкидлаш керакки, кўп маъноли сўзлар тузилишидаги яқинлик ва ўхшашлик муайян ассоциацияларга асосланган алоқалар ҳисобланади: масалан: ***ҳаракат-унинг ўрни, қисм - бутун, предмет - инсон*** ва ҳоказо.

Ўзбек тилшунослигида қилинган тадқиқотларда полисемия ҳодисасининг юзага келиши, унга ёндош айрим ҳодисалар, кўп маъноли сўзларнинг тасниф асослари борасида фикр юритилган[5]. Шунингдек, тил ва нутқ диалектикаси асосида бу ҳодисага ёндашилганини ифодаловчи муайян қарашлар пайдо бўлди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Литвин Ф.А. Многозначность слова в языке и речь. М.: ВШ, 1984.
2. Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол.фанл.док.....дисс.. Тошкент,1999.

3. Зулфиев Я., Юлдашева Д. Гиперболик маънодаги кўпликнинг моҳияти ва унинг ўзбек тилида ифодаланиш усул-воситалари// Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – Андижон, 1996.- Б.43-44.
4. Колшанский Г.В. Контекстная семантика. М.: Наука, 1980.
5. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. Тошкент: Фан, 1975.

“БОБУРНОМА”ДАГИ ИЗОФИЙ БИРИКМАЛАРНИНГ АСЛИЯТ БИЛАН МУТАНОСИБЛИГИ

Амонов Мухторжон Умарович
Фарғона давлат университети

Аннотация: *Мақолада Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги изофий бирикмаларнинг аслият билан мутаносиблиги масаласи таҳлил қилинган. Изофий бирикмалар таркибидаги ўзлашма сўзлар лексик-семантик таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *“Бобурнома”, изофий бирикма, аслият, қўлланиш даражаси чекланган, истеъмолдан чиққан*

СООТВЕТСТВИЯ С ОРИГИНАЛОМ ИЗАФЕТНЫХ СОЧЕТАНИЙ В “БАБУРНАМЕ”

Амонов Мухторжон Умарович
Ферганский госсударственный университет

Аннотация: *В статье проанализированы вопросы сопоставления изафетных сочетаний в «Бабурнаме» с оригиналом. Лексическо-семантическо проанализированы заимствованные слова в составе изафетных сочетаний.*

Ключевые слова: *“Бабурнама”, изафетные сочетания, оригинал, ограничена степень использовании , вышедшие из употребления.*

ACCORDANCE WITH THE ORIGINAL OF ISAFETIC COMBINATIONS IN “BABURNAMA”

Amonov Mukhtorjon Umarovich
Ferghana State University

Annotation: *The article analyzes the issues of comparing isafetic combinations with the original in “Baburnama”. The lexical-semantically analyzed borrowed words in the composition of isafet combinations*

Keywords: *“Baburnama”, isafet combinations, original, limited degree of use, obsolete*

Ўзбек тилшунослигида тожикча изофали бирикмалар нисбатан чуқурроқ ўрганилган[1]. Арабча изофали бирикмалар эса нисбатан кам ўрганилган. Тадқиқотчи М. Юсупов ўзининг “Типы изафетных конструкций в прозаических произведениях Алишера Наваи” мавзусидаги номзодлик иши 3-бобини арабча изофа тадқиқига бағишлаган[2].

Юсуповгача профессор Ф. Абдуллаев, профессор Э. Бегматовлар бу масалага қисман тўхталганлар[3]. Тилшунос Д.Ҳакимов “Ўзбек тили лексикасида изофий бирикмалар тизими” номли мақоласида ҳозирги ўзбек адабий тилидаги арабча изофалар ва уларнинг имлосига эътиборни қаратади[4].

Биз ушбу мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги изофий бирикмаларнинг аслият билан мутносиблиги масаласини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Асардаги жой номини билдирувчи аксарият форсий изофий бирикмалар бугунги кунгача аслиятдаги каби маънога эга ва ҳозирда ҳам маъноси ўзгармаган ҳолда ҳар икки тилда: форс-тожик ва ўзбек тилларида кенг қўлланилади: *Боғи Биҳишт, Боғи Бўлду, Боғи Вафо, Боғи Дилкушо, Боғи Жаҳонаро, Боғи Зоғон, Боғи Зубайда, Боғи Калон, Боғи Бинафша, Боғи Сафо, Боғи Ҳилват, Боғи Юрунчқа, Боғи Майдон, Боғи Нурафшон, Боғи Наврузий* каби. Бироқ, асарда қўлланилган, таркиби арабча, арабча+форсча сўзлардан иборат бўлган кўплаб изофий бирикмалар аслият билан мутаносиблиги таҳлил қилинганда, қуйидаги хулосага келинди:

Биринчидан, бирикма таркибидаги сўзлардан бири ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилмайди, истеъмолдан чиқиб кетган, иккинчиси қўлланилади, бироқ, қўланилиш даражаси чекланган: *балдаи маҳфуза*[5.43] форсий изофий бирикмаси таркибидаги ҳар икки сўз арабчадир. *Шаҳар, мамлакат* маъносини англатувчи *балда* сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамайди, бироқ, бирикма таркибида аниқловчи вазифасида келган, *ҳимоя қилинган, мустаҳкам* маъноларини англатувчи *маҳфуза* сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида атоқли от сифатида қўлланилади, яъни ушбу сўз аслиятдаги каби сифатловчи-аниқловчи бўлиб келмайди.

Шунингдек, *воқеаи ҳоила* [5.282] форсий изофий бирикмаси таркибидаги ҳар иккала сўз арабча бўлиб, асарда *қўрқинчли, даҳшатли* маъноларини англатиб келган ва ҳозирги ўзбек адабий тилида бутунлай истеъмолдан чиққан. Ҳозирги араб тилида ушбу сўз *қўрқинчли, даҳшатли* маъноларидан ташқари *гоят катта, улкан* маъноларини ҳам англатади. Бирикма таркибидаги иккинчи сўз *воқеа* ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол қўлланилади: *факт, ҳодиса* маъноларини англатади. Ушбу сўзнинг аслиятдаги, яъни араб тилидаги маънолари жуда кенг ва ранг баранг бўлиб, *воқеа, факт, ҳодиса* маъноларидан ташқари, *можаро, жанг, уруш, баённома ҳужжат* маъноларини ҳам англатади. Шунингдек, мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони каримда ушбу сўз *қайта тирилиш, қиёмат куни* маъноларини англатиб келган.

Иккинчидан, бирикма таркибидаги сўзлардан бири ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилади, иккинчиси қўлланилмайди ёки қўланилиш даражаси чекланган ёки ушбу сўзнинг ўзакдоши қўлланилади: *дафъи тавақҳум*[5.181]. Мазкур бирикмадаги *дафъ* сўзи асарда *енгмоқ, қайтармоқ, даф қилмоқ* маъноларида қўлланилган, ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам ушбу маъноларни англатади. Араб тилида эса *дафъ* сўзи жуда кенг маънода қўлланилади: *туртмоқ, итармоқ, ташланмоқ, қайтармоқ, даф қилмоқ, нарига сурмоқ, узоқлаштирмоқ, ундамоқ, мажбур қилмоқ, ҳимоя қилмоқ, тўламоқ(нақд пул тўламоқ), олиб бормоқ, етказмоқ* маъноларини англатади. Бирикмадаги иккинчи сўз *тавақҳум* ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилмайди, фақат тарихий асарларда учрайди, бироқ, ушбу сўзнинг

ўзакдоши бўлган *ваҳима* сўзи фаол қўлланилади. Асарда *дафъи тавақҳум* изофий бирикмаси *қўрқувни енгиш* маъносини англатиб келган.

Шунингдек, асардаги *узоқ муддат* маъносини англатувчи *муддати мадид* [5.31] сўз бирикмасидаги *муддат* сўзи ўзбек тилида фаол қўлланилади, бироқ, *мадид* сўзининг маъносини билиш учун луғатга мурожаат қилиш лозим бўлади:

Хўжанд ҳам муддати мадид эдиким, Умаршайх мирзо девонига тааллуқ эди, бу фатаратга ул саркорда футур бўлгон учун Султон Аҳмад мирзога боқиб эрди.

аиммаи ислом [5.43] – *ислом имомлари; аиммаи калом*[5.44] – *калом имомлари.* Мазкур бирикмалардаги *аимма* сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол истеъмолда бўлган *имом* сўзининг синиқ кўплик формасидир.

Дохили мамолики махсура форсий изофий занжирли бирикмасидаги *дохил* сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида *кирмоқ, бир нарсанинг ичига кирган бўлмоқ; кирим ҳисобига ўтмоқ, ёзилмоқ, келмоқ; дахлдор, тегишли бўлмоқ* маъноларини англатади. *мамолики махсура*-*қуршаб олинган мамлакатлар* маъносини англатувчи бирикмадаги *махсура* сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилмайди, маъноси китобхонга тушунарли эмас, араб тилида эса "Бобурнома"да ифодалаб келган маъно—*қуршаб олинган* маъносини англатади. *Мамолик* сўзи ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилмайди, бироқ, мазкур сўзнинг ўзакдоши *мамлакат* сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол истеъмолда.

Учинчидан, асарда қўлланилган айрим форсий изофий бирикмалар таркибидаги ҳар иккала сўз ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилади, бироқ бирикма англатган маъно ҳозирги ўзбек тилида учрамайди. Масалан, *кофири неъмат* [5.63] сўз бирикмасидаги *кофир* сўзи ҳозирги ўзбек тилида араб тилидаги каби *худосиз* маъносини англатади, *неъмат* сўзи эса *табиат инъом этган егулик нарсалар, ноз-неъматлар* маъносини англатади. Араб тилида كافر بالنعمة *кафир бинниъмати* бирикмаси ношукур маъносини англатади ва асардаги *кофири неъмат* форсий изофий бирикмаси англатган маънога тўлиқ мос келади:

Ушбу йил, Хисравшоҳ Балх устига черик борур хаёли била Бойсунгур мирзони тилаб, Кундузга келтуруб, Балх устига отланди. Уёқча етган чогда Хисравшоҳ бадбахт кофири неъмат салтанат дағдағаси билаким, салтанат андоғ нокас, беҳунарларга не навъ етгай[5.63].

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *кофири неъмат* сўз бирикмаси истеъмолдан чиқиб кетган ва *ношукур* маъносида қўлланилмайди.

Тўртинчидан, бирикма таркибидаги сўзлардан бири ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилмайди, истеъмолдан чиқиб кетган, иккинчиси фаол қўлланилади, "Бобурнома"даги *ҳиддати табъ* (**حدت طبع**) изофий бирикмаси *сезгир, зийрак, таъби нозик, қизиққон* маъноларини англатиб келган. *Таъб* сўзи ўзбек тилининг изоҳли луғатида *кишининг характерида, унинг кишиларга, нарсаларга муносабатида намоён бўладиган ички табиати, мижози; хоҳиш, хуш, рағбат, ихтиёр* маъноларини англатади деб кўрсатилиб ўтилган. Ушбу сўз ҳозирги ўзбек адабий тилида аслиятдагига тўла мос келади. Бироқ, бирикма таркибидаги *ҳиддат* сўзи истеъмолдан чиқиб кетган ва ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилмайди:

Ва Шайх Зайн садрким, Зайниддин Хавофийни набираси эрди, ҳиддати табъи бор эрди, назм ва иншодин салиқалиғ ва Ҳумоюн подшоҳ замонида умаролиғ ҳам топиб эрди[5.357]

Асардаги *ҳакими ҳозиқ* форсий изофий бирикмаси *энг тажрибали, маҳоратли, моҳир табиб* маъносида қўлланилган.

Ҳаким сўзининг ўзбек тилидаги биринчи маъноси табиб бўлса, иккинчи маъноси донишманд, файласуф ва араб тилидаги маъноларига тўла мос келади. Фақат араб тилида табиб маъноси, донишманд, файласуф маъноларидан кейинги ўринда туради. *Тажрибали, маҳоратли, моҳир* маъноларини англатувчи *ҳозиқ* сўзи эса ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилмайди, бироқ, ушбу сўзни тарихий асарларда жуда кўп учраши, эски ўзбек тилида фаол истеъмолда бўлганлигидан далолат беради. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам ушбу сўзнинг маънолари изоҳлаб берилган ва бир нечта тарихий асарлардан мисоллар келтирилган. Арабча-ўзбекча луғатларда *ҳозиқ* сўзи биринчидан, *моҳир, чаққон, билимдон, юқори малакали* маъноларини англатиши, иккинчидан, *нордон, тузли, аччиқ* маъноларини англатиши кўрсатиб ўтилган бўлиб, ўзбек тилига биринчи маъноси ўзлашган ва аслиятдагига тўла мос келади.

Деҳлига келтуруб, Деҳлидин кемага солиб келтирсунларким, ҳакими ҳозиқлар кўруб, дардига даво қилсунлар.[5.355]

Асарда қўлланилган арабий изофий бирикмалар ва уларнинг таркибидаги сўзларни аслият билан мутаносиблигини таҳлил қилганимизда деярли юқоридаги ҳолат кузатилди.

Биринчидан, “Бобурнома”даги Алишер Навоий асарлари ва бошқа шоирларнинг асарлари номини билдирувчи аксарият арабий изофий бирикмалар бугунги кунгача аслиятдаги каби маънога эга ва ҳозирда ҳам маъноси ўзгармаган ҳолда ҳар икки тилда: араб ва ўзбек тилларида кенг қўлланилади: *“Бадойиус-санойи”, “Бадойиул –васат”, “Мантиқут-тайр”, “Махзанул-асрор”, “Мизонул-авзон”, “Наводируш-шабоб”, “Лисонут-тайр”, “Фавоидул-кибар”* каби.

Иккинчидан, асардаги арабий изофий бирикма таркибидаги сўзлардан бири ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилади, иккинчиси қўлланилмайди ёки қўланилиш даражаси чекланган ёки ушбу сўзнинг ўзакдоши ёки бирлик формаси қўлланилади: *доимул-авқот* [5.357] – *ҳамма вақт, доимо.* Ушбу бирикмадаги *авқот* сўзи араб тилидан ўзлашган ва ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол истеъмолда бўлган *вақт* сўзининг кўплик шакли бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида *авқот* бутунлай истеъмолдан чиқиб кетган ва тарихий асарлардагина учрайди. Ҳозирги араб адабий тилида ушбу сўз фаол истеъмолдадир.

Шунингдек, асардаги *халифалик уйи, пойтахт* маъноларини англатувчи *дорулхилофа* [5.352] арабча изофий бирикмаси нафақат ҳозирги ўзбек адабий тилида, балки араб тилида ҳам истеъмолдан чиқиб кетган, ваҳоланки, ҳозирги араб адабий тилида таркибида *дор* сўзи иштирок этган кўплаб изофий бирикмалар қўлланилади: دار الآثار *дорул асор-музей,* دار البريد *дорул барид- почта,* دار التمثيل *дорут тамсил - театр* каби. Бирикма таркибидаги *халифалик* мазмунини ангалатувчи *хилофа* сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида умуман қўлланилмайди, ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам ушбу сўз мавжуд эмас. Бироқ, ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган турли хил

экстремистик гуруҳлар нутқида мазкур сўз *хилофа, хилофат, халифалик* вариантлари билан кенг қўлланилади. Бирикма таркибидаги دار *дор* сўзи ҳозирги ўзбек тилида *“дорулбақо”, “дорулфано”, “дорулфунун”* каби арабий изофий бирикмалар таркибида учрайди.

Учинчидан, асарда қўлланилган айрим арабий изофий бирикмалар таркибидаги ҳар иккала сўз ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилади, бироқ бирикма англатган маъно ҳозирги ўзбек тилида учрамайди. Масалан, асарда таркибида *уй, сарой* маъносини англатувчи دار *дор* сўзи мавжуд бўлган бир қатор изофий бирикмалар учрайдики, бирикма таркибидаги ҳар иккала сўз ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилади: *дорулҳарб(250-бет)-кофирлар юрти, мамлакати; дорул-ислом*[5.250]*-ислом мамлакати; азимуш-шаън* [5.287] – *буюк; каримут-тарафайн*[5.146]- *икки томонлама улуғ, икки томонлама улуғланган; муддатул-умр* [5.174] – *умр бўйи* каби бирикмалар таркибидаги сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилида мустақил равишда қўлланилади, бироқ, бирикма ҳолида учрамайди.

Тўртинчидан, арабий изофий бирикма таркибидаги сўзлардан бири ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилмайди, истеъмолдан чиқиб кетган, иккинчиси семантик ўзгаришга учраган, маъноси торайган ҳолатда қўлланилади: Бобур асарда ейиладиган, гўшти еса бўладиган маъносини ангалатувчи *маъкулул-лаҳм* [5.256] арабча изофий бирикмасини қўллаган. Ейишли, еса бўладиган маъноларини англатувчи *маъкул* сўзи ҳозирги ўзбек тилида қўлланилмайди, ҳозирги араб тилида фаол истеъмолдаги сўз, *гўшт* маъносини англатиб келган сўз ҳозирги араб тилида ҳам *гўшт* маъносини англатади, бироқ, ҳозирги ўзбек адабий тилида маъноси торайиб суяксиз маъносини англатади: *лаҳм гўшт* каби. Муаллиф *лўча* номли қушга таъриф бериб дейди: *Бошидин қуйругугача беш-олти мухталиф ранги бор, кабутарнинг бўйнидек барроқдур. Улуқлуги кабки дарийча бўлгай, голибо Ҳиндустон кабки дарийсидур...Ул ажаб нима ривоят қилдилар: қиш бўлгоч, тоғ доманаларига тушар, агар учурсаларким, узум боғидин ўтса, яна асло учолмас, тутарлар. Маъкулул-лаҳмдур, бисёр лазиз эти бордур*.[5.256]

Шунингдек, асардаги *мамлакатнинг таянчи, бошлиги* маъноларини англатиб келган *умдатулмулк* [5.329] арабий изофий бирикмаси ҳозирги араб тилида эркин изофий бирикма сифатида ҳам, фразеологик бирлик сифатида ҳам қўлланилади, ўзбек тилида эса истеъмолдан чиқиб кетган. Бирикма таркибидаги *умда* сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида истеъмолдан бутунлай чиқиб кетган, изоҳли луғатларда ҳам маъноси кўрсатилмаган, бирикма таркибидаги *мулк* сўзининг эса маъноси торайган ва ҳозирги ўзбек тилида *мол-мулк* маъносида қўлланилади. Эски ўзбек тилида ушбу сўз мамлакат маъносида кенг қўлланилган.

Хулоса қилиб айтганда, “Бобурнома”даги кўплаб изофий бирикмалар ёки уларнинг компонентларидан бири аслият билан тўла мос келмайди. Бошқа тарихий асарларда ҳам мазкур ҳолатни кузатиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев. Ф. Сўзлар ўзаро қандай боғланади. Т.: Фан, 1974, Абдуллаев. Ф, Эшондадаев. Д. Ўзбек тилида тожикча изофали бирикмалар// Ўзбек тили ва адабиёти. Т.: 1973, 1-сон, 40-45 бетлар.

2. Юсупов. М. Типы изафетных конструкций в прозаических произведениях Алишера Наваи. АКД.Т.:1984;
3. Бегматов. Э. Ономастик сўз ясаш масалаларига доир// Ўзбек тили ва адабиёти. Т. 1965, 3-сон , 53-54 бетлар;Абдуллаев. Ф. Киши отларини қисқартириш усуллари// Ўзбек тили ва адабиёти. Т:1960, 3-сон, 34-39 бетлар;Жўраев. Б. Ж., Бегматов. Э.А. Атоқли отларни ўрганишга доир баъзи мулоҳазалар// Ўзбек тили ва адабиёти. Т.: 1966, 2-сон;
4. Ҳакимов. Д. Ўзбек тили лексикасида изофий бирикмалар тизими. Ўзбек тили ва адабиёти. Т.:2004, 4-сон, 63-67 бетлар
5. Бобур .М.З.Бобурнома. Т.:1989

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ОМОНИМЛАРНИНГ ДЕФИНИЦИЯСИ ВА ЭТИМОЛОГИЯСИ

Худжаева Раънохон Муталибжановна
Андижон давлат университети Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: *Ушбу мақолада ўзбек ва инглиз тилларидаги омонимларнинг дифиницияси ва этимологияси тадқиқи билан боғлиқ жараёнлар ёритилган. Бундан ташқари икки тилдаги омонимиянинг юзага келиши турлича омиллар билан тушунтирилган бўлиб мавзу кўламига кўра омонимия ҳодисасининг юзага келишида лисоний ва нолисоний омилларнинг ўзига хослиги очиб берилган.*

Калит сўзлар*:Омонимия, лисоний, нолисоний, лексик,семантик, структура, маъно , термин.*

ЭТИМОЛОГИИ И ДЕФИНИЦИИ ОМОНИМЫ НА УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ

Худжаева Раънохон Муталибжановна
Андижанский государственный университетДоктор философических наук по филологии (PhD)

Аннотация: *В данной статье описываются процессы, связанные с изучением дефиниции и этимологии омонимы на узбекском и английском языках. Кроме того, возникновение омонимов в разных языках объясняется различными факторами, и в соответствии с темой объясняется специфика лингвистических и внелингвистических факторов в возникновении омонимии.*

Ключевые слова: *Омонимии, лингвистический, внелингвистический, лексический, семантический, структура, значение, термин.*

ETHYMOLOGY AND DEFINITIONS HOMONY IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

Khudjaeva Ranokhon Mutalibjanovna
Andijan State University
Doctor of philosophy in philology (PhD)

Annotation: *This article describes the processes associated with the study of the definition and etymology of homonyms in Uzbek and English. In addition, the emergence of homonyms in different languages is explained by various factors, and in accordance with the topic, the specificity of linguistic and non-linguistic factors in the occurrence of homonymy is explained.*

Key words: *Homonyms, linguistic, non-linguistic, lexical, semantic, structure, meaning, term.*

Омонимия ҳодисасининг назарий тавсифини ўрганиш турли тиллардаги омонимларни янада чуқурроқ ўрганишда ва тадқиқ этилмаган қирраларини очишда фойдали. Тилнинг ривожланиши мобайнида тилшунос олимларимиз ўртасида турли қарашлар, ёндашувлар вужудга келмоқда. Бу муаммога оз бўлса-да хисса қўшиш мақсадида тадқиқотимиз объекти бўлган омонимларга назарий таъриф беришга ҳаракат қилдик. Бу борада ўзбек олимларимиз М.Миртожиев, М.Жўрабоева, Г.Исмаилов, Ш.Раҳматуллаев, А.Абдуазизов, Ў.Юсупов, О.Мўминов, А.Ирисқулов ва чет эл олимлари В.Абаев, А.Калинин, Н.Шанский, Д.Шмелёв ва бошқа олимларнинг назарий қарашлари бизга метадологик манба сифатида хизмат қилди[2].

Чет эл олимларининг омонимия ходисасига турлича ёндошишган. Жумладан, С.Ульманнинг фикрича, ҳеч қайси тилшунослик соҳаси XX асрда омонимия каби кенг қамровда тадқиқ этилмаган. Омонимияга бағишланган тадқиқотларнинг кўплиги, унга доир кутилмаган натижалар мавжудлиги, қўлланилган методларнинг ўзига хослиги каби бир қатор сабаблар тилшуносликда омонимика деб аталган соҳанинг юзага келишига асос бўлмоқда. С.Улманнинг ушбу сўзлари шуни тасдиқламоқдаки, омонимия муаммосига жуда кўплаб тадқиқотчиларнинг қизиқиши ортиб бормоқда.

Ж.Лайонз абсолют ва қисман омонимларни фарқлайди. Олимнинг фикрича, абсолют омонимлар қуйидаги уч белгига эга бўлади:

- улар маъноларига кўра боғланмаган бўлиши керак;
- уларнинг барча шакллари айнан бир хил бўлиши керак;
- идентик шакллар грамматик эквивалент бўлиши керак.

Қисман омонимлар эса шаклий бир хиллик кўрсатилган талабларнинг фақат биттасига ёки иккитасига амал қилади.

Вальтер Скит омонимларни графиги ва товуши асосида тасниф қилган. Бунга кўра омонимлар 3 гуруҳга бўлинган:

- абсолют омонимлар – умумий товуш ва график қобиққа эга бўлган сўзлар. Масалан: school[1.400] - мактаб, school[5.844]- балиқлар тўдаси;
- омограф–график (ёзилиш) жиҳатдан бир хил бўлган сўзлар. Масалан: bow1 - таъзим, bow2- ёй, камон;
- омофонлар–талаффузига кўра бир хил, лекин ёзилиши ҳар хил бўлган сўзлар. Масалан: night - тун, knight - рицарь.

Омонимия замонавий лексикология, семасиология, прагмалингвистиканинг муаммоли соҳаларидан бири бўлиб, у серқирра ва кўп аспектли ҳодисадир. Омонимия сўзининг семантик структурасидаги тарихий ва эволюцион

ўзгаришлари асосида лингвистик (тилнинг ўз ички тараққиёти билан боғлиқ бўлган) ва экстралингвистик (тарих, маданият кабилар билан шартланган) омиллар ётади. Тилда омонимиянинг юзага келиши турлича омиллар билан тушунтириш мумкин:

1. Ўзлашган сўзларнинг реципиент (қабул қилувчи) тилдаги сўзларнинг ёзилиши ва талаффузидаги формал (шаклий) мослиги натижасида. Масалан, инглиз тилида ***lead***$_1$ – *қўрғошин;* ***lead***$_2$ – *бошқарув;* ***rose***$_1$ *атиргул,* ***rose***$_2$ – *to rise феълининг ўтган замон шакли;* ўзбек тилида ***ток***$_1$ – *узум,* ***ток***$_2$ – *электр.*

2. Турли тиллардан кириб келган сўзларнинг ўзаро шаклий мувофиқ келиб қолиши натижасида, бундай омонимияни юзага чиқувчи барча бирликлар бошқа тилларга мансуб бўлади. Масалан, инглиз тилида ***reef***$_1$ *(Dutch) – 1. a narrow ridje of rocks, sand, or coral at or the surfase of the water, 2. a vein or lode in minnig;* ***reef***$_2$ *(C.Teut) – a part of assail that can be rolled or folded up to reduce the area exposed to the wind. 2. The size a sail is reduced to by reefing. 3a. the act of reefing. b. a method of reefing;* ўзбек тилида ***Бас***$_1$ *(форс-тожик)1. Бас қилмоқ, 2. демак, шундай экан;* ***Бас***$_2$ *(итал. тили)1. энг паст (йўғон) товуш, 2. мусиқа асбоби.*

1. Бир тилдан ўзлашган сўзларнинг ўз ичида омонимияни ҳосил қилиш натижасида. Масалан, инглиз тилидаги ***roe***$_1$ омоними инглиз тилидан ўзлашган бўлиб, *1. Fish eggs, especially when contained in the ovarian membrane of the female fish. 2. the eggs or spawn of various crustaceans,* ***roe***$_2$*. a small, agile deer of Europe and Asia, with forked antlers.* Ўзбек тилида эса лотин тилидан ўзлашган ***нота***$_1$ сўзини олсак бўлади. *1. мусиқий товуш,* ***нота***$_2$ **-** *2.Давлатнинг бошқа бир давлатга дипломатик мурожаати.* Бунда бошқа тилдан ўзлашган сўз қабул қилувчи тилга омоним ҳолда ўзлашади.

2. Бир тил доирасида қўшимчаларга боғлиқ ҳолда, шунингдек, урғу асосида омонимларнинг юзага келиши ҳам кузатилади. Масалан, инглиз тилида ***present***$_1$ – *совға,* ***present***$_2$ – *бор бўлмоқ;* ўзбек тилида эса ***боғлар***$_1$ = от (кўплик қўшимчаси), ***боғлар***$_2$ = феъл = *боғла* + *р*.

3. Фонетик ва морфологик ўзгаришлар натижасида бир тил доирасидаги сўзларнинг ўзаро омонимик қатор ҳосил қилиш ҳам кузатилади. Масалан, инглиз тилида ***blackboard***$_1$ – *доска,* ***black board***$_2$ – *қора ёғоч;* ўзбек тилида эса ***ўт***$_1$ – *олов* ва ***ўт***$_2$– *тана аъзоси* омонимларда *“ў”* унлисининг турлича талаффуз этилиши сабабли маънолар фарқланади. ***Ҳозир***$_1$ *–пайт (now),* ***ҳозир***$_2$ – *тайёр (ready)* сўзларида *“о”* ва *“и”* унлисининг кучли ёки кучсиз талаффуз этилиши асосида омонимик қатор юзага келмоқда.

3. Кўп маъноли сўзларнинг семантик структурасининг ўзгариши натижасида ҳам тилда омонимлар ҳосил бўлади. Бу узоқ тарихий жараёнларни тақазо этади. Полисемия орасидаги ички алоқадорлик ва семантик мотивациясининг йўқолиши натижасида омонимлар юзага келади. Масалан, аслида полисемантик сўз ҳисобланган ўзбек тилидаги ***ёз*** сўзи полисемиянинг парчаланиши натижасида омонимик қаторни вужудга келтирган. Тилнинг тарихий тараққиёти натижасида ва полисемантик сўз алоқадорлигининг йўқолиши асосида омоним сўзга айланган. Масалан, ***ёз***$_1$ – *1. ёз фасли;* ***ёз***$_2$ *- 1. қаламда ёз;* ***ёз***$_3$ *- 1. дастурхонни ёз.* Бу сўзнинг этимони *“ёй”* бўлган, фонетик эволюция таъсирида *“й”* → *“з”* альтернацияси юз берган. Мана шу этимон *“ёз”* сўзининг семалари мотивациясини ойдинлаштиришга имкон беради. *“ёз”* сўзининг барча семалари *“ёйилмоқ”* семаси билан узвий боғлиқдир.

Яъни ёз фаслида табиат *“ёйилади”*; *“қаламда ёзмоқ”* бирикмасида қаламнинг, ёзувнинг дафтар устида *“ёйилиши”* юз беради; *“дастурхонни ёз”* бирикмасида эса унинг сирт, юзада *“ёйилиши”* маъноси мавжуд. Кўриниб турибдики, *“ёз”* сўзининг ҳар учала семаси учун *“ёймоқ”* феъли маъноси интеграл сема саналади ва унинг полисемантик сўз бўлганлигини диахрон нуқтаи назаридан тасдиқлайди.

Полисемиядан омонимияга ўтиш жараёни (трансформацияси) тилнинг ўз ички қонуниятларига боғлиқдир, шунинг учун мазкур ҳолатни омонимия юзага келишининг лингвистик омили сифатида баҳолаш мумкин.

Омонимия ҳодисасининг юзага келишида лисоний ва нолисоний омилларнинг ҳам ролини таъкидлаш жоиз. Жумладан, **лисоний омил**ларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Бир тил доирасидаги қўшимчаларга ва урғуга боғлиқ ҳолда омонимларнинг ҳосил бўлиши.
2. Бу омилларнинг тилнинг ички тараққиёт механизмлари ва тадрижий тараққиёти билан узвий боғлиқлиги.
3.Фонетик ва морфологик ўзгаришлар натижасида омонимларнинг юзага келиши.
4.Полисемантик сўзларнинг семантик структурасидаги ўзгариш ва ички алоқадорлиги (мотивация) нинг йўқолиши натижасида омонимларнинг ҳосил бўлиши.
5.Генетик боғланмаган лексик омонимлар инглиз ва ўзбек тили лексиконининг таркибий қисми ҳисобланиши, улар лексик микросистема сифатида омонимлар макросистемасини ташкил этиши.

Бунда генетик боғланмаган лексик омонимлар кўпинча экстралингвистик омиллар билан узвий боғлиқлигини таъкидлаган ҳолда айтиш мумкинки, инглиз ва ўзбек тили лексиконига ассимиляциялашиб кетган, “ўзлашма лексик бирлик” эканлиги сезилмас ҳолга келган генетик боғланмаган лексик омонимларнинг интралингвистик асослари хусусида фикр юритиш мумкин.

Қуйидагиларни эса **нолисоний омил**ларга киритиш мумкин:

1. Бир тилдаги сўзнинг бошқа тилдан ўзлашган сўз билан шаклан мос келиши натижасида омонимларнинг ҳосил бўлиши.
2. Келиб чиқиши турли тилларга мансуб бўлган сўзларнинг шаклий мос келиши натижасида омонимларнинг юзага келиши.
3. Келиб чиқиши бошқа бир тилга мансуб бўлган турли хил маъно англатувчи сўзларнинг шаклий мос келиши натижасида омонимларнинг юзага чиқиши.

Демак, генетик боғланган омонимлар ҳам, генетик боғланмаган омонимлар ҳам лисоний ва нолисоний омиллар асосида ҳосил бўлади. Бунда тилнинг ўз ички тараққиёт механизмлари лисоний омил, тилнинг жамият билан муносабати, тарихий ва маданий алоқаси, тил сиёсати, маълум бир тарихий вазиятдаги ҳолат (мустамлакачилик) каби ташқи омиллар нолисоний омилларнинг юзага келиши учун асос бўлади.

Генетик боғланмаган лексик омонимларнинг лексик маъно тараққиёти, денотатив ва коннотатив маънолари, терминологик маънолари, маъно кўчиши ва троплар ҳосил қилишдаги иштироки, архаизм ва историзмга бўлган муносабати, стилистик имкониятлари, услубий жиҳатдан нейтраллиги, услубий хосланганлиги

(сўзлашув, бадиий, илмий, расмий, публицистик услубларда ишлатилиш даражаси), эмоционал экспрессивликка бўлган муносабати (ижобий ва салбий бўёқдорликка эга бўлган генетик боғланмаган лексик омонимлар), объектив ва субъектив баҳо ифодалаш хусусияти кабилар генетик боғланмаган лексик омонимларнинг семантик самарадорлигига таъсир этувчи лисоний омиллар сифатида баҳоланиши мумкин.

Замонавий инглиз тилининг шаклланиш даврида тил тизимида *"синонимлар кураши"* ёки *"омонимлар конфликти"* номи билан аталган жараён муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, генетик боғланмаган лексик омонимларнинг инглиз тилида юзага келишининг лингвистик асосларини тушунтиришда бу каби ҳолатлар самаралидир. Инглиз ва ўзбек тилларига кириб келаётган ўзлашмалар ўзининг ҳақиқий моҳиятидан йироқлашиши мумкин. Бунинг натижасида икки сўзнинг семантик структурасида ёки стилистик имкониятларида ўзгариш юз беради. Бундай жараён, айниқса, ўрта инглиз тили даврида фаол юз берган.

Ўзлашма сўзлар таъсирида инглиз ва ўзбек тилида мавжуд бўлган ўз қатламга мансуб бўлган лексик бирликнинг нутқда ишлатилиши камаяди, аста-секин у кундалик истеъмолдан чиқиб кетиши ёки қўлланилиш даражаси чекланиб қолиб, нофаол қатламга айланиши мумкин. Яъни ўзлашма сўз ўз қатламга оид сўзни тарихий тараққиёт жараёнида сиқиб чиқариши мумкин. Бу эса генетик боғланмаган лексик омонимларнинг юзага келишида муҳим лисоний (интралингвистик) омил бўлиб ҳисобланади. Масалан, ***school***$_1$ нинг 4-маъноси (figurative meaning) *"a group of people holding the same beliefs or opinions" "маслак ва эътиқодлари бир хил бўлган одамлар жамоаси"* тарзида изоҳланган. Айни шу кўчма узоқ тараққиёт натижасида ***school***$_2$ омониминиг юзага келиши учун лисоний омил бўлиб хизмат қилган. ***School***$_2$ *– "a large group of the same kind of fish or water animalss swimming togather" (тўда-тўда бўлиб сузиб юрувчи балиқлар гуруҳи ёки сув ҳайвонлари)* маъносини ифодалайди. ***School***$_1$ ва ***school***$_2$ омонимларининг семалари орасида *"гуруҳ-гуруҳ бўлиш", "жамоа"* семаси интеграл сема бўлган, бошқа семаларига кўра улар фарқланган. Яъни бу ўринда *"одамлар жамоаси"* ва *"ҳайвонлар тўдаси"* дифференциал семаларнинг бўрттирилиши натижасида генетик боғланмаган лексик омонимлар қатори ҳосил бўлган.

Ўзбек тилида ҳам семантик ўзгаришга учраган сўзлар талайгина. Жумладан, ***кўр***$_1$ омоними, биринчидан, *"кўрмоқ"* феълининг буйруқ майли шакли маъносида, иккинчидан, бунга тескари бўлган ***кўр***$_2$ омоними эса *"кўзи ожиз"* деган маъноларни ҳам ифодалайди. Ёки *хотин*$_1$ *(хатун, жотун)* сўзлари қадимги туркий тилда фақат *"малика", "подшоҳнинг аёли"* маъносида ишлатилган, ҳозир эса бу сўз иккинчи маъносига эга бўлиб, ***хотин***$_2$ *- "умуман ҳар қандай ижтимоий қатлам вакили бўлган эрнинг аёли"* маъносида ишлатилади.

Якоб Гримм бу ҳолатни шундай баҳолаган эди: "Тиллар табиатнинг абадий ва ўзгармас қонуни паноҳида ривожланмади, балки улар халқларнинг гуллаб-яшнаши билан бирга гоҳ тез ривожланди, гоҳ ўша халқларнинг ваҳшийлиги натижасида ривожланишни секинлаштирди ва, шундай қилиб, улар тараққиётнинг севинчга тўла ва турғунликнинг зерикарли онларини бошдан кечирди"[3.63].

Инсоният тарихидаги ҳар қандай ижтимоий-сиёсий воқеа, албатта, тилга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Илмий адабиётларда тил тараққиётида муҳим ўрин тутувчи факторлардан бири сифатида экстралингвистик омиллар ҳам кўрсатилади. А.Ҳожиевнинг "Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати" да бунга шундай таъриф берилади: *"Экстралингвистик факторлар (лот. extra – ташқи+фран.linguistigue – тилга хос). Тил тараққиётида таъсир кўрсатувчи объектив воқеликка доир шарт-шароитлар. Тилнинг ривожланишидаги бундай экстралингвистик шарт-шароитларга биринчи навбатда ижтимоий-сиёсий факторлар киради"*[4.165].

Дарҳақиқат, тилшуносликнинг этник, ижтимоий-тарихий, географик ва бошқа факторларни тилнинг тараққиёти ва функцияси билан боғлиқ ҳодисалар сифатида ўрганувчи соҳаси бўлган экстралингвистика мунтазам ривожлантириб боришни талаб этувчи соҳалардандир. Бинобарин, жамиятда юз берган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар бевосита тилга таъсир қилади. Тилдаги айрим лексик ва грамматик бирликларнинг ўзгаришига ёки юзага келишига сабаб бўлади. Жумладан, тарихий, ижтимоий-сиёсий воқеалар: араб истилочилари, сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, мўғуллар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар ва бошқа сулолаларнинг ҳокимият тепасига келиши билан боғлиқ ҳолда, уларнинг эски ўзбек тилида қолдирган изларини кузатишимиз мумкин. Айниқса, тилимизнинг лексикасига, грамматикасига ўзгаришлар юз беришига турли уруғ ва қабилалар вакилларининг (қарлуқ, ўғуз, манғит, қўнғирот, барлос, кенегес, қатағон, минг каби уруғлар) ҳокимият тепасига келиши ҳам таъсир қилгани бизга тарихдан маълум.

АДАБИЁТЛАР:

1. Лайонз Дж . Лингвистическая семантика. Монография (электронная книга) 2003. – С. 400

2. Худжаева Р. Инглиз ва ўзбек тилларидаги генетик боғланмаган лексик омонимларнинг самарадорлиги ва уларнинг лексикографик талқини. дисс.филол.фан.фалса.док. Тошкент 2017 йил.

3. Якоб Гримм. Опроисхождении языка // Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков /составитель Звегенцов В.А./- М., 1956.–с.63.

4. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. Т., Фан, 2010. – Б. 165.

5. Walter William Skeat An Etymological Dictionary of the English Language. Clarendon Press. 1893. – p. 844

СИНТАКТИК САТҲ БИРЛИКЛАРИНИНГ КОНТРАСТИВ ТАҲЛИЛИ

Зокирова Соҳиба Мухторалиевна
Фарғона давлат университетиФилология фанлари бўйича PhD

Аннотация: *Мақолада контрастив лингвистика доирасида тиллардаги синтактик сатҳ бирликларининг қиёслаш тамойилларига тўхталинган. Асос сифатида сўз бирикмаси, содда гап ва қўшма гапларнинг структур схемалари олинган. Шунингдек, монопредикатив ва полипредикатив структураларни семантик эталон сифатида ажратишга ҳам алоҳида эътибор берилган.*

Калит сўзлар*: контрастив лингвистика, сўз бирикмаси, гап структураси, матн, актуал бўлиниш, монопредикативлик, полипредикативлик.*

КОНТРАСТИВНЫЙ АНАЛИЗ ЕДИНИЦ СИНТАКСИЧЕСКОГО СЛОЯ

Зокирова Сохиба Мухторалиевна
Ферганский государственный университетPhD по филологическам наукам

Аннотация: *В статье рассматриваются принципы сравнения синтаксических единиц языков в контексте контрастивной лингвистики. В качестве основы взяты структурные схемы словарного запаса, простые и сложные предложения. Также особое внимание уделено разделению монопредикативных и полипредикативных структур как семантических стандартов.*

Ключевые слова: *контрастивная лингвистика, словосочетания, структура предложения, текст, актуальное членение, монопредикативность, полипредикативность.*

CONTRAST ANALYSIS OF SYNTACTIC LAYER UNITS

Zokirova Sohiba Mukhtoraliyevna
Fergana State UniversityPhD in philology’s

Annotation: *The article discusses the principles of comparing the syntactic units of languages in the context of contrastive linguistics. Structural schemes of vocabulary, simple sentences and joint sentences are taken as a basis. Special attention is also paid to the separation of monopredicative and polypredicative structures as semantic standards.*

Keywords*: contrastive linguistics, combination of words, supply structure, text, thematic unit, monopredicatability, polypredicativity.*

Тилларнинг контраст тасвирида синтактик сатҳ алоҳида ўрин эгаллайди. Бу фақат тилнинг энг муҳим комуникатив бирлиги саналган гап синтактик сатҳнинг асосий бирлиги эканлиги билан белгиланмайди. Балки шаклий структур жиҳат билан боғлиқ тиллараро фарқларни ўрнатиш мураккаблигида ҳам кўринади.

Шубҳасиз, сўз бирикмаси ва гап структураси у ёки бу тилнинг грамматик тузилишидаги муҳим жиҳатини ўзида касб этади. Тилларнинг контрастив таҳлилида мазкур синтактик бирликлар тузилишининг турли моделлари синтактик тизимларни контраст ўрганилиши асосини ташкил қилади.

Ўзбек тилшунослигида синтаксис соҳасида контрастив изланишлар бошланғич нуқтада турибди. Синтактик сатҳда чоғиштириш учун эталон юзада жойлашган эмас. Нутқий жараёнда фикрни шакллантирадиган мураккаб ва кўп миқдордаги сўз шакллари кетма-кетлигининг юзага келиши натижасида уларни таржима эквиваленти билан тўғридан-тўғри чоғиштириш қийин кечади. Бунда ҳар бир тушунча ўзининг махсус таржима эквивалентига эга эканлигини инобатга олиш керак. Шунинг учун уларни чоғиштириш ниҳоятда кенгайиб боради.

Бир оилага мансуб тилларда синтактик сатҳ бирликлари асосан бир моделда, бир қолипда эканлиги боис, мазкур сатҳда фарқли жиҳатлар жуда кам учрайди. «Қариндош тилларда сўзларнинг бирикиши, гап типларида асосан ўхшаш томонлар бўлиши билан бирга, қисман ноўхшаш томонлар ҳам бўлиши мумкин. Аммо қардош бўлмаган тил оиласига мансуб тилларда синтактик сатҳда, асосан, ноўхшаш томонлар кўп учрайди [1, 46]».

Контрастив синтаксисни яратишдаги энг катта муаммо шундаки, «гап қиёслашнинг етарлича аниқ ва қатъий бирлиги бўла олмайди. Турли структурага эга бўлган тилларда гапнинг ҳатто асосий хусусиятлари ҳамда субъект ва предикат муносабатларининг грамматик ифодаси типи ҳам сезиларли даражада фарқли бўлиши мумкин [2, 89]». Дунё олимлар тилларни контрастив жиҳатдан ўрганишнинг эталони бўлиши мумкин бўлган синтактик асосни узоқ вақт излашди. Ҳозирги пайтга келиб бу асос топилди, дейиш мумкин. Бу – сўз бирикмаси, содда гап ва қўшма гапнинг структур схемаси ёки модели.

Тобе алоқа ёрдамида ҳосил бўлган икки таркибли бирикма уларнинг ўзаро алоқасидан келиб чиқиб, қуйидагича шарҳланиши мумкин: 1) синтактик муносабат-лар характерига кўра: атрибутив муносабат [аниқловчи+аниқланмиш], объектив муносабат [тўлдирувчи+тўлдирилмиш], релятив муносабат [ҳол+ҳолланмиш], оппозитив муносабат [изоҳловчи+изоҳланмиш]; 2)синтактик муносабатнинг ифодаланиш усулига кўра: мослашув, бошқарув, битишув; 3) бош сўзга нисбаттан тобе сўзнинг жойлашиш ўрнига кўра: препозиция ва постпозицияда.

Мазкур мезонларнинг тизим сифатида олинган мувофиқлиги «эталон сифатида олинган сўз бирикмаси тури» таърифи асосига қўйиш мумкин бўлган мустаҳкам белгилар мажмуини ташкил қилади.

Сўз бирикмалари структурасини морфологик категориялар ва тил луғат таркибининг лексик–грамматик таснифига асосланиб таҳлил қилиш мумкин бўлади [2, 89].

[N + N] бирикувидан тузилган сўз бирикмалари муайян предметнинг қандай материалдан ясалганлиги (*олтин қалам, тахта кўприк*); бир предметнинг бошқасига қарашлилиги (*болалар боғчаси, Шодиянинг китоби*); бутун-бўлак муносабати (*кўйлакнинг тугмаси, китобнинг муқоваси*); сабаб-натижа муносабати (*эътиборсизлик натижаси, жаҳлнинг оқибати*); тур-жинс муносабати (*шернинг ургочиси, туяқушнинг модаси*); шахс ёки нарса-буюмнинг сифати, хусусияти (*Мубинанинг меҳнатсеварлиги, уйнинг тозалиги*) каби ўндан ортиқ маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Бундай бирикувли сўз бирикмалари рус тилида [именительный падеж + родительный падеж] қолипида тузилган бирикмаларга тўғри келади: *книга брата, карандаш*

Махмуда каби. Демак, рус тилида отга от эргашганда тобе от иккинчи ўринда родительный падеж шаклида келади.

Бироқ структур схеманинг санаб чиқилиши, фикрдан уларни ажратиб олиш методикаси, сўзларнинг лексик мазмунидан узоқлашиш даражаси ва бошқалар ҳали-ҳануз мавҳум. Шунинг учун ҳозирги кунда контрастив синтаксисда изланиш олиб боришнинг асоси эталонлар топиш ва принципиал назарий масалаларни ҳал этишга қаратилган бўлиши керак. Бундай ёндашув М.И.Черемисина ва Т.А.Колосованинг изланишларида кузатилади. Муаллифлар чоғиштирилаётган тилларда фикр ифодасининг структур асосига нисбатан монопредикатив ва полипредикатив структураларни семантик эталон сифатида ажратишади [4].

Бу ёндашувни аниқ бир мисол билан кўрсатиб ўтамиз. В.Ю.Копров инглиз ва рус тилларидаги субъектнинг объектга аниқ жисмоний таъсир ўтказишини билдирган конструкцияларни ўрганган [3]. Натижада бу каби структуралар рус тилида олтита, инглиз тилида эса учта эканлиги аниқ бўлди.

Конструкция тури \ Тиллар		Рус тили	Инглиз тили	Ўзбек тили
Шахсий фаоллик ва нофаолликка кўра	Шахсий фаоллик	Мальчик сломал игрушку	The boy broke the toy	Бола ўйинчоқни бузди
	Икки таркибли шахсий нофаоллик	Игрушка сломана	The toy was broken	Ўйинчоқ бузуқ
	Уч таркибли шахсий нофаоллик	Игрушка сломана мальчиком	The toy was broken by the boy	Ўйинчоқ бола томонидан бузилди
Шахс ноаниқлигига кўра	Шахси ноаниқлик	Игрушку сломали	X	Ўйинчоқни бузишди
	Икки таркибли шахси ноаниқлик	Улицу затопило	X	X
	Уч таркибли шахси ноаниқлик	Ветром сломало дерево	X	Дарахт шамолда синди

Кўринадики, кейинги учта структура инглиз тилида мавжуд эмас, бу эса мазкур тилда шахси номаълум ва шахссиз гапларни ўрганишда бир қанча қийинчиликларга олиб келади. Рус тилида ишлатиладиган охирги икки структур схема фақатгина табиат ҳодисаларининг объектга таъсирини кўрсатиши мумкин. Табиат ҳодисаларининг номи эса таркибдан осонгина тушиб қолади. Чунки

ҳаракатни билдираётган кесим ўзининг семемаси таркибида табиат ҳодисаси билан боғлиқлик семасига эга: (шамол) синдирди, (сув) чўктирди, (қуёш) куйдирди ва шу кабилар.

Бизнингча, бундай ёндашувлар контрастив синтаксис шаклланишида яхши натижа беради, бироқ уни тўлиқ қамраб олиш учун синтактик семантика соҳасида қилиниши керак бўлган ишлар жуда кўп. Бу йўналишда ўзига хос синтактик эталонларни топиш зарур. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, турли тилларда бериладиган сўз бирикмаси, содда гап ва қўшма гап мазмуни структур схемалар билан бериладиган семантик универсалияларни аниқлаш керак бўлади.

Ҳар қандай тилнинг синтаксисида сўз тартиби алоҳида ўринни эгаллайди. Сўз тартиби гап тузилишининг энг асосий жиҳатларидан биридир. Кўп ҳолларда у бошқа тил воситаларини тўлдириб келади, лекин ифода мазмунининг шундай томонлари борки, улар биринчи ўринда сўз тартиби билан ифодаланади. Ўзбек ва инглиз тилларида сўз тартиби қуйидаги вазифаларни бажаради:

Структур-грамматик функция: сўзларнинг ўрни уларнинг гапдаги вазифасини белгилайди, ўрин гапдаги сўзларнинг синтактик алоқалари кўрсаткичи сифатида намоён бўлади. Масалан, ўзбек тилида сифат атрибутив аниқловчи ёки кесим вазифасида келганлигини ўрни белгилайди (*оқ девор – девор оқ*). Инглиз тилида гапдаги сўз тартиби вазифаси анча кенг. У қуйидаги грамматик ифода воситаси сифатида қўлланилади:

1) гап бўлаги. Эга ва воситасиз тўлдирувчини фақат сўз тартиби белгилайди. Pit see Maykl;

2) қўшма гап қисмлари ўртасидаги алоқа. Боғловчисиз гапда инверсия тобеликни ифодаловчи восита сифатида хизмат қилиши мумкин. Эртароқ келганида биз кинога борардик. If he came ealy, we shoud go to the cinema;

3) гапнинг турли комуникатив типларини (сўроқ, ундов гапларда инверсия)

Ўзбек тилида гапда сўз тартиби эркин бўлган ҳолда инглиз тилида қатъий. Инглиз тилида эга, кесим, воситасиз тўлдирувчининг гапдаги ўрни қатъий бўлганлиги сабабли назарий учраши мумкин бўлган уч таркибли гапдаги сўзлар тартиби қуйидагича амалга ошади.

Модель	Ўзбек тилида	Инглиз тилида
SVO	*Аҳмад ўқияпти китобни*	*Ahmad is reading the book*
VSO	*Ўқияпти Аҳмад китобни*	-
OSV	*Китобни Аҳмад ўқияпти*	-
SOV	*Аҳмад китобни ўқияпти*	-
VOS	*Ўқияпти китобни Аҳмад*	-
OVS	*Китобни ўқияпти Аҳмад*	-

Бўлишсиз гаплар таркибида ҳам бўлишсизликнинг ифодаланиши турлича бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида бир жумла таркибида бир неча бўлишсизлик қатнашган бир пайтда инглиз тилида фақатгина бир бўлишсизлик ифодаланиши мумкин.

Бир нечта бўлишсизлик	Битта бўлишсизлик
Мен *ҳеч қачон* Лондонда бўл*ма*ганман.	I have *never* been to London.
Мен *ҳеч ким*ни бил*ма*йман.	I know *nobody*.

Мен *ҳеч қачон ҳеч ким*га айт*ма*йман. I will *never* tell anybody.

От кесимли гаплар ифодаланишида аксарият ҳинд-европа тил оиласига кирувчи тилларда боғлама мавжуд. Бунга инглиз ва форс тилини мисол сифатида олишимиз мумкин, бироқ ўзбек тилида боғлама йўқ.

Мен – изланувчи. I *am* a senior researcher.
Бугун ҳаво яхши. The weather *is* a good today.
Биз – ўқитувчилар. We *are* teachers

Матнни контрастив жиҳатдан ўрганиш имкониятлари, матн боғланганлиги, актуал бўлинишни ифодалаш воситалари, матн бирликларининг олдиндан мавжудлиги ёки пайдо бўлмаганлиги ёки ноаниқлиги ва яна бошқа категорияларини кўриб чиқиш масалалари ҳам майдонга келади. Бундан ташқари, матн категориясининг семантикаси, матн типлари ва уларнинг прагматик имкониятлари каби бундан-да мураккаброқ масалалар ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Бугунги кунда контрастив йўналишдаги изланишлар давом этмоқда, соҳанинг назарий асослари ишлаб чиқилмоқда. Бундай тадқиқотлар ҳатто тилнинг ҳар бир сатҳида амалга оширилаётганлигини кўришимиз мумкин. Аммо таъкидлаш жоизки, барча сатҳларда ҳам тадқиқотларнинг олиб борилиши бир хил эмас. Масалан, лексик-фразеологик сатҳ чуқур ўрганилган бўлса, контрастив фонетика ва просодиялар бўйича ҳам муайян натижаларга эришилди. Сўз ясалиши, морфология, синтаксис тармоқларида, шунингдек, матнни контрастив ўрганиш бўйича эса эришилган натижаларни қониқарли деб бўлмайди. Уларни тўлиқ, кенг қамраб олиш хоҳ хусусий лингвистика соҳаси бўлсин, хоҳ умумий лингвистика бўлсин, соҳасининг келгусидаги муваффақиятлар сари йўл очади.

Адабиётлар рўйхати

1. Абдураҳмонов Ғ. Рустамов А. Қадимги туркий тил.–Тошкент, 1982.
2. Бушуй Т.А., Сафаров Ш.С. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси – Тошкент: Фан, 2007
3. Копров В.Ю. Выражение субъектно-объектных отношений в современном русском языке. Методическая разработка. – Воронеж, 1982.
4. Черемисина М.И., Колосова Т.А. Очерки по теории сложного предложения.– М.: URSS, 2010.

O'ZBEK TILIDA EVFEMIZMLAR MUROJAAT VOSITASI SIFATIDA

Turdimurodov Sirojiddin Eshqobilovich
Termiz davlat universiteti o'qituvchisi

Аннотация:*Мақолада эвфемизмлар ва уларнинг асосида ўзбек нутқида шаклланувчи мурожаат воситалари борасида қарашлар баён этилган. Хусусан, табу ва эвфемизмнинг ўзаро алоқадор жиҳатлари, нутқ маданияти нуқтайи назаридан эвфемизмлардан ўринли фойдаланиш борасидаги фикрлар баён этилади.*

Калит сўзлар: *табу, эвфемизмлар, эвфемизмлар ўзбек нутқ маданиятида мурожаат воситаси сифатида.*

ЭВФЕМИЗМЫ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ КАК СРЕДСТВА РЕЧЕВОГО ОБРАЩЕНИЯ

Турдимуродов Сирожиддин Эшкобилович
Преподаватель Термезского государственного университета

Аннотация: *В статье дается обзор эвфемизмов и средств общения, сформированных в узбекской речи. В частности, выражены взаимосвязанные аспекты табу и эвфемизмов, а также рациональное использование эвфемизмов с точки зрения культуры речи.*

Ключевые слова: *табу, эвфемизмы, эвфемизмы как средства обращения в узбекской речевой культуре.*

EUPHEMISMS AND THE MEANS OF COMMUNICATION FORMED IN UZBEK SPEECH

Turdimurodov Sirojiddin Eshqobilovich
Teacher of Termez state university

Annotation:*The article gives an overview of euphemisms and the means of communication formed in Uzbek speech. Specifically, the interrelated aspects of taboos and euphemisms are expressed, as well as the rational use of euphemisms in terms of speech culture.*

Keywords: *taboo, euphemisms, euphemisms as a means of circulation in the Uzbek speech culture.*

KIRISH

Ma'lumki, insonning nutq faoliyati asosan, axloqiy normalarga asoslanadi. Axloqiy va madaniy jihatdan qo'llanilishi ta'qiqlangan so'zlar o'rniga boshqa so'z va iboralarning qo'llanishi **evfemizmlar** (grekcha *euphemeo*– "yaxshi, yumshoq gapiraman" ma'nosida) deb ataladi.

Evfemizmlar narsa-hodisaning ancha yumshoq shakldagi ifodasi sifatida tilning tasviriy imkoniyatlarining boyishi uchun xizmat qiladi. Shuningdek, ijtimoiy-stilistik farqlanishlar (differensiatsiya) evfemizm turlari va ularning ifodalanish usullarida aks etadi.

Tushunchalarning evfemizatsiyalashuvi masalalariga bag‘ishlangan turli tillardagi ishlarni o‘rganish bu hodisa yuzasidan bildirilgan nazariy qarashlarni uchta asosiy guruhga bo‘lish imkonini beradi.

Birinchi guruh vakillarining fikrlariga ko’ra “evfemizmlar ibtidoiy dunyoqarash (tabu) ta’sirida paydo bo‘lib, jamiyatning madaniy bosqichida yo‘q bo‘lib boradi” [1].

Ikkinchi guruh olimlari “evfemizmlar til fakti, passiv leksik qatlam sifatida mavjud” [2] degan qarashni ilgari suradi.

Uchinchi guruhning mazkur masalaga munosabati N. Ismatullaevning “Эвфемизмы в современном узбекском языке”[3] nomli nomzodlik dissertatsiyasida o‘z aksini topgan. Uningcha, evfemizmlar ayni zamonda, nutqiy vosita, uslub uchun ham xizmat qiladi.

ASOSIY QISM

Kishilik jamiyati taraqqiyotining turli bosqichlarida, ayniqsa, kishilik jamiyatining ibtidoiy bosqichlarida ba’zi bir narsalar, harakatlar man etilgan. Ana shunday man qilish hodisasi *tabu* deb ataladi. *Tabu* so‘zi polineziya tilidan (Tinch okeandagi orollarda yashovchi ko‘chmanchi elatlar tili) olingan bo‘lib, shaxsiy va diniy (totemistik) odatlar jihatdan biror narsani man etish, jumladan, ma’lum hayvonni ov qilish yoki o‘simlikni sindirishni man etish bilan bog‘liqdir.

8. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. –Тошкент, 1993, 100-б.
9. Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент, Фан, 1981. 203-бет.
10. Совр.русский язык. Лексикология. Новиков Л.А. ва бошқалар. –М., Русский язык, 1987.
11. Ўзбек тили лексикологияси, 209-бет.
12. Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Док.дисс. –Т., 1993. 178-б.
13. Галькина-Федорук. Слово и понятие. –М., 1956. ст.48.
Арнольд И.в. Лексикология современного английского языка. –М., 1959. ст. 58.
Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия: - 70-б.
14. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. –Т.: Ўқитувчи, 1993, 103-бет.
15. Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи.-Тошкент, Фан, 2013. 40-бет.

СУҒУРТАНИНГ ИНГЛИЗЧА-ЎЗБЕКЧА ТЕРМИНЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛ ЭТИШ

Хайдаров Илхом Тўхтаевич
Тошкент Молия институти ўқитувчи

***Аннотация**: Ушбу мақолада сугурта атамаларининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг қатор гуруҳларга бўлинган холда ўрганиш, сугурта фаолиятида унинг ўзига хос атамалари билан бирга бошқа фан ва иқтисодиёт соҳаларидан кириб келган атамалар гурухларни ўрганиш орқали фарқлашни очиб беришга ҳаракат қилинган.*

Калит сўзлар: Байналминал, сугурта, сугурта фонди, халқаро сугурта, лингвистик, лексик-семантик, қиёсий-типология

COMPARATIVE TYPOLOGICAL ANALYSIS OF INSURANCE TERMS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

Xaydarov Ilhom Tukhtayevich
Tashkent Institute of Finance teacher

Annotation: *This article describes differentiation of features of insurance terminology and its division into a series of groups, differentiation of terms in the field of insurance, as well as the terms used in other branches of science and economics.*

Keywords: *International, insurance, fond of insurance, international insurance, comparative typology.*

СРАВНИТЕЛЬНО- ТИПОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ТЕРМИНОВ СТРАХОВАНИЯ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Хайдаров Илхом Тўхтаевич
Ташкентский Финансовый институт, преподаватель

Аннотация: *В этой статье описана дифференциация признаков страховой терминологии и её деление на ряд групп, дифференциация терминов в области страхования, а также терминов, используемых в других отраслях науки и экономики.*

Ключевые слова: *Международный, страхования, фонд страхования, международный страхования, лексический- семантический, сравнительно-типологический*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзосига айланиши натижасида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида турли хорижий атамаларнинг кириб келиши бевосита уларни қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганишни тақоза этади.

Шу нуқтаи назардан ҳам терминларни тартибга солиш, жумладан, хорижий байналмилал илмий-техник, ижтимой-иқтисодий, сиёсий-маърифий терминлар луғатларини яратиш эҳтиёжи юзага келмоқда.

Бунинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий ва ижтимоий-иқтисодий терминларни ишлаб чиқиш ва улардан оммавий ахборот воситаларида, дарсликлар ҳамда қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш масалаларини тартибга солиш тўғрисида» ги қарори қабул қилиниб ўнга кўра жамиятнинг, хусусан, таълимнинг барча бўғинларида чиқарилаётган дастур, дарслик ва методик қўлланмалар, тарқатма материаллар ҳамда турли луғатларда қўлланган терминларнинг уйғунлигига эришиш масаласи қўйилиб, қатор амалий натижаларга эришилди.

Мустақиллик йилларида миллий суғурта қонунчилигимизнинг яратилганлиги, янгидан-янги қонунчилик актлари ва хужжатлари, янги таҳрирдаги мукаммал суғурта жараёнларини тартибга солувчи қатор қонунларнинг қабул қилинганлиги натижасида суғурта соҳаларида миллий атамалардан фойдаланиш доираси кенгайиб, хорижий терминларнинг амалиётга кириб келишини таъминлади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида суғурта жараёнларини амалга ошириш ва

такомиллаштириш, аксарият жиҳатдан хорижий мамлакатлар билан суғурта ҳамкорлигини ривожлантириш ва уларнинг илғор амалий тажрибаларидан фойдаланишда, биринчи навбатда халқаро суғурта атамаларини ўрганиш ва уларнинг мазмуни билан яқиндан танишишга боғлиқ.

Суғурта муносабатларида уларнинг асосини ташкил этадиган атамалар ва терминларнинг сони кун сайин ички ва ташқи омиллар ҳисобига кенгайиб, кўпайиб бормоқда. Лекин, суғурта соҳасида қўлланилаётган атамалар ва терминларнинг аксарияти, ўзбек тилида ўз эквивалентига эга эмас. Суғуртада мужассамлашадиган кўп қиррали муносабатлар мазмуни сўз ва атамалар орқали ифодаланади. Жумладан, суғурта фаолиятида унинг ўзига хос атамалари билан бирга бошқа фан ва иқтисодиёт соҳаларидан кириб келган атамалардан иборат. Суғурта атамаларининг ўзига хос хусусиятлари унинг қатор гуруҳларга бўлинганлигида ўз ифодасини топади.

Биринчи гуруҳ - суғуртанинг энг умумий-ташкилий қирралари ва шартларини ифодаловчи атамалар.

Иккинчи гуруҳ - суғурта фондини шакллантириш билан боғлиқ атамалар.

Учинчи гуруҳ - суғурта фондини сарфланиши билан боғлиқ атамалар.

Тўртинчи гуруҳ - халқаро суғурта атамалари.

Суғурта атамалари ва терминларини инглиз ва ўзбек тилидаги тушунчаларида уларнинг мазмунига кўра бир-бирини тўлиқ акс эттирмаслик холатларининг мавжуд бўлиши аввалambор, унинг иккинчи даражали икки қиррали категория эканлигидадир. Чунки, бугунги кунда суғурта атамалари ва терминлари молия ва кредит муносабатлари билан боғланган бўлиб, аралаш ораликдаги иккиламчи категориядир ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан ҳам суғурта атамаларини молия ёки кредит муносабатларида қўлланилишидан келиб чиққан ҳолда инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишда эътибор қаратиш зарур. Яъни, ушбу жараёнларнинг мантиқан ва тизимли равишда амалга ошишини таъминлашда қиёсиё-типологик таҳлилларни амалга ошириш бугунги кунда нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам зарурдир.

Ҳозирги ривожланган кенг қамровли суғурта бозори иштирокчилари фаолиятини самарадорлиги ички ва ташқи суғурта бозорида ҳам муносабатларнинг йўлга қўйилиши бевосита термин ва атамаларнинг тўғри ҳамда суғурта жараёнларининг барча бўғинларига тўлиқ мос келиши ва уларни акс эттиришига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам суғурта жараёнларида унинг терминларини «жаҳон тили» атамаси билан эътироф этилаётган инглиз тилидан миллий тилимизга таржима қилишда бир қатор лингвистик, лексик-семантик қирраларга эътибор қаратиш, махсус икки тилли (инглизча - ўзбекча) луғати ва суғурта терминлари луғатининг сифатини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда инглиз тили суғурта терминлари лексик яруси [1] асосан ўзлашган, яъни лотин ва герман тилларидан кириб келган лексемалар ҳисобланади. Терминологияда ўз ечимини топмаган, яъни таржимада соф ўзбек терминлари билан аталмаган терминлар мавжуд бўлиб, бугунги кунда бу масала ўз ечимини кутмоқда.

Шу нуқтаи назардан ҳам инглиз тилида мавжуд бўлган суғурта терминларини ва атамаларини ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида лексик - семантик хусусиятларни очиб бериш ва уларни тартибга солиш тамойилларини аниқлаш ҳамда қиёсиё-типологик таҳлил этишни амалга ошириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоғи лозим [2]:

- инглиз тили суғурта терминологик фондини-генофондини ўрганиш, терминлар таржимасида уларнинг семантик гуруҳларини белгилаш;

- амалиётда фаол ва кўп қўлланадиган суғурта терминларини аниқлаш;

- инглиз тили суғурта терминларини ўзбек тилига таржима қилишда тарихий - генетик илдизларини ўрганиш ва уларни эквивалентларини топиш;

- суғурта терминлари ҳисобига миллий тилимизнинг ички ва ташқи имкониятлар ҳисобига бойиш йўлларини асослаш;

- жаҳондаги илғор самарали фаолият кўрсатаётган суғурта бозорини амалий тажрибаларни ўрганиш асосида суғурта амалиёти учун зарур бўлган икки тилли (инглизча – ўзбекча- русча) умумий махсус изоҳли ва соҳанинг йўналишлари учун ҳам алоҳида терминлар луғатини яратиш ва уларни мунтазам равишда янгилаб бориш.

Ушбу жараёнларнинг амалга оширилиши суғурта соҳаси амалиётида синалган тамойил ва ёндошувларни назарий асосда умумлаштириш, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш, етук, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, соҳа амалиётида қўлланувчи терминларни таржимасида бир хилликка эришиш, суғурта йўналишида хизмат ќилаётган ходимлар ва шу йўналишда таҳсил олаётган талабаларда, мазкур соҳа билан қизиқувчиларда хорижий тиллар, хусусан, инглиз тилига қизиқиш уйғотиш, қаторида таржима қила олиш имконини беради ва пировардида суғурта соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Чернов Р.В. Основы синхронного перевода. – М.: 1907.-281 с.
2. Циткина Ф.А. О семантическом аспекте сопоставительного терминоведения // Сопоставительная лингвистика и обучение неродному языку.- М.: 1987.-134 с.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ДЕРИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

Муродова Шахноза Чориевна
Тошкент молия институти, ўқитувчи

Аннотация: *Ушбу мақолада терминлар инсоннинг фикрлаш фаолияти маҳсули, тамойиллар, қоидалар, қонунлар, назариялар шаклланишига хизмат қилувчи восита каби масалаларга эътибор қаратилган.*

Калит сўзлар: *термин, дериватология, деривацион, лексик-семантик*

THE DERIVATIVE FEATURES OF PLANT GROWING TERMINOLOGY IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

Murodova Shakhnoza Chorievna
Tashkent Institute of Finance
Teacher

Annotation: *In this article terms are the means by which the functioning of human thinking, principles, rules, laws and theories can be developed.*

Keywords: *terminology, derivatology, derivative, lexical semantic*

ДЕРИВАЦИОННАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ТЕРМИНОЛОГИИ РАСТЕНИЕВОДСТВА В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ.

Муродова Шахноза Чориевна
Ташкентский Финансовый институт, преподаватель

Аннотация: *Термины - это средства, с помощью которых можно развить функционирование человеческого мышления, принципов, правил, законов и теорий.*

Ключевые слова: *термин, дериватология, деривацион, лексик-семантик*

Ўзбекистон иқтисодиётини рақобатбардошлиги ва барқарор ривожланишини таъминлашда ,асосий тармоқлардан ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ер, сув ва моддий техник ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ,қишлоқ хўжалигида инновацион агротехнологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Асрлар давомида бутун дунё тилларида тарихий ,иқтисодий ва экологик омиллар сабабли бир канча ўзгаришлар содир бўлган.Бундай ўзгаришлар эса ўз ўзидан аввало тилларнинг лексикасида ўз аксини топади.Тилдаги ўзгаришлар сабабли жамиятда янгидан янги сўзлар пайдо бўлиши ёки аксинча архаик сўзларга айланиб бориши мумкин. Шу сабабли, чет тилларини мукаммал билиш табийки ҳар қандай касб сирларини ўзлаштиришда, малака ва махоратга эга бўлишда мухим омил ҳисобланади ва жуда кенг имкониятларни яратиб беради. Ҳозирда Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти ўсимликлар генбанкида қишлоқ хўжалик экинларини юзга яқин турлари ,30 мингга яқин намуна уруғлари тирик холда сақланмоқда.Сақланаётган намуналарнинг уруғлари сўнгги 90 йил давомида

дунёнинг турли мамлакатларидан йиғиб келинган бўлиб , айни вақтда ўз ватанида ҳам бутунлай йўқолиб кетганлигини ҳисобга олганда ушбу генофонд–бебаҳо ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига оид терминларни тадқиқ қилиш ўзбек тилшунослигининг муаммоларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан типологик жиҳатдан ҳар хил бўлган тилларнинг термин тизимларини ўрганиш лозим.

Терминлар инсоннинг фикрлаш фаолияти маҳсули, тамойиллар, қоидалар, қонунлар, назариялар шаклланишига хизмат қилувчи восита сифатида фан ва техника тилининг муҳим таркибий қисми. Терминлар нафақат тилшунослар балки турли соҳа мутахассислар учун ҳам фойдаланиш манбаидир.

Терминологик тизимларнинг шаклланиши ва қарор топиши соҳадаги инглиз ва ўзбек ўсимликшунослик терминологияси асосан, икки манба: тилнинг ички имкониятлари ва хорижий тиллар унсурлари (сўз ва сўз бирикмалари) асосида ривожланиб ва бойиб бориши аниқланди. Жумладан, Г.О. Винокур термин – бу алоҳида сўз эмас, балки аташ функциясини бажарувчи сўзлардир» – деб таъкидлайди [4]. Терминнинг ўзига хослигини очиб берган олим А.С. Герднинг фикрича, термин илмий тушунчага оид маънони англатадиган сўзга боғланади. Бироқ бу маъно илмий тушунчанинг фақат асосий, муҳим белгиларини акс эттиради. Ваҳоланки, унинг таърифида ифодаланган маъно кенгроқ бўлади. Термин ҳақидаги масалани ҳал қилишнинг калити, аввало, ушбу аниқ билимнинг максимал даражада тўлиқ тузилишини моделлаштиришдан иборатлиги таъкидланган [1].

Терминологик деривация ўсимликшунослик термин тизимида асосий омил ҳисобланади ва уни барқарорлаштириш, шакллантириш ва эволюция воситаси бўлиб хизмат қилади. Барча деривацион жараёнларни ўсимликшунослик терминларнинг деривацион салоҳияти ва когнитив хусусиятларини акс эттирувчи натижа сифатида талқин қилиш мумкин.

Деривация тушунчаси сўз ясаш жараёнларини белгилашда сўз ясаш терминига тенглаштирилади. Лекин лексик ва синтактик деривация фарқлангандан сўнг [2], деривация тушунчаси тил шаклларини сўз чегарасидан ташқарида ясаш жараёнларига нисбатан қўлланила бошланди. Деривация тушунчасининг кенгайиши деривацион жараёнларни матн даражасида тадқиқ қилишга олиб келди ва дериватология томонидан ўрганила бошлади.

Ўзбек тилшунослигида ҳам дериватология масалаларига бағишланган жиддий илмий ишлар бажарилди ва бунинг натижасида ўнга яқин диссертациялар ҳимоя қилинди ва илмий мақолалар ёзилди [5].

Деривация, албатта, бирор материал асосида воқеаланади, бундай материал ёки хом ашё дериватологияда оператор деб номланади. Деривация ҳодисаси операторсиз воқеаланмайди. Чунки оператор лексик деривацияда ҳам, синтактик деривацияда ҳам уларнинг вужудга келишини таъминловчи асосий восита саналади. Шу боис дериватологияда оператор деривациянинг мутлақ ҳоким унсури сифатида талқин этилади [6].

Ўсимликшунослик терминлар доирасидаги семантик деривация лингвистик тадқиқот нуқтаи назаридан аҳамиятли ҳисобланади ва янги номинатив бирликлар

пайдо бўлишининг ушбу йўли ҳозирги пайтда ушбу соҳада энг самарали воситалардан саналади.

Қишлоқ хўжалигининг ўсимликшуносликга оид терминларида лексиканинг номинацияланиш жараёнида лексик семантик тизим ҳосил бўладики, ундаги ҳар қандай янги ҳосил қилинган номинатив бирлик этимология сидаги бир канча ўзгаришларга қарамасдан ҳам эскисига нисбатан мослашади. Ўсимликшунослик терминларнинг таҳлили инглизва ўзбек тилларидаги ўсимликшуносликга оид сўзларни номинация нуқтаи назаридан шартли равишда бир қанча гуруҳларга ажратиш мумкинлигини кўрсатади.

Ўсимликшунослик терминологик тизими доирасида икки (инглиз ва ўзбек) тил нуқтаи назаридан тадқиқ ўтказиш ўзбек тилшунослиги учун янги йўналишлардан бири бўлиб, бу соҳа бўйича қилинадиган ишлар талайгина. Ўзбекистонда ўсимликшунослик терминологик тизимининг яхлит шаклидаги тадқиқи когнитив тилшуносликнинг таржимашунослик аспекти жиҳатдан, хусусан, бирон бир хорижий тилдан миллий тилимизга таржима қилишдаги лексик-семантик хусусиятлари ҳали ўрганилмаган масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур мавзу илк бор махсус илмий таҳлил қилинмоқда.

Терминологик қатламининг деривацион тизими ноёб лисонийфеномен бўлиб, хозирги кунда ҳам бир қанча олимлар томонидан ўрганбилмоқда. Шу сабабли инглиз ва ўзбек тилларида ўсимликшуносликка оид терминларининг лексикографик жиҳатдан мукаммал изоҳли луғатини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Фойдаланган адабиётлар.

1. Герд А.С. Еще раз о значении термина // Лингвистические аспекты терминологии.– Воронеж: Изд-во Воронеж.ун-та, 1980. – С. 3-9.

2. Курилович Е. Очерки по лингвистике.– М., 1962. –С 57-70.

3. Интернет маълумотлари.

4. Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии/Татаринов В.А. История отечественного терминоведения – Т. – Классики терминоведения. Очерк и хрестоматия. – М.: Московский лицей, 1994. – С. 218 - 284.

5. Турниязова Ш.Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн тилининг матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари. Филол.ф.н. дисс.... автореф. – Тошкент., 2010.; Турниязов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисга кириш.–Самарқанд, 1990. ;Четин М. Ҳозирги ўзбек ва турк тилларида сўз бирикмалари синтактик деривацияси. Филол.ф.н. дисс.... автореф. – Самарқанд. 2002.; Холияров Л. Ҳозирги замон немис тилида содда гаплар деривацияси. Филол.ф.н. дисс.... автореф. – Тошкент, 2004. Шодиев. Э. А. Навоий ва форс тожик адиблари., Т., 1989;

6. Храковский В.С. Трансформация и деривация // Проблемы структурной лингвистики - 1972. – М., 1972. –С.599

ИЗУЧЕНИЕ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПОНЯТИЯ ТЕРМИНА БУХГАЛТЕРИИ В ЛИНГВИСТИЧЕСКОМ ИССЛЕДОВАНИИ.

Мадалиева Дилафруз Баходировна
Ташкентский Финансовый институт, преподаватель

Аннотация: *Эта статья о значении бухгалтерских терминов, возникновения и развития их в лингвистических исследованиях. Автор постарался раскрыть детали бухгалтерской терминологии как можно точнее и показать актуальность использования в современном мире.*

Ключевые слова: *банковское дело, экономика, казначейство, бухгалтерия, кредит.*

TILSHUNOSLIKDA BUXGALTERIYA TERMINING VUJUDGA KELISHINING TADQIQI.

Madaliyeva Dilafruz Baxodirovna

Annotasiya: *Ushbu maqola tilshunoslikda buxgalteriya terminlarining o`rni, kelib chiqishi va rivojlanishi haqida. Muallif buxgalteriya terminologiyasining tafsilotlarini iloji boricha aniqroq va zamonaviy dunyoda foydalanishning dolzarbligini ko`rsatishga urinib ko'rdi.*

Калит сўзлар: *bank ishi, iqtisodiyot, g`aznachilik, buxgalteriya, kredit.*

LEARNING ASPECTS OF ORIGINATING THE TERMS OF ACCOUNTING IN THE LINGUISTIC RESEARCH.

Madalieva Dilafruz Bakhodirovna
Tashkent Institute of Finance
Teacher

Annotation: *This article is about the meaning of accounting terms, their origin and development in linguistic research. The author tried to reveal the details of accounting terminology as accurately as possible and show the actuality of use in the modern world.*

Keywords: *banking, economy, treasury, accounting, credit.*

In the world linguistics, several linguistic studies have been conducted to study the term of particular terminological significance. The scientific and philosophical interest of the XIX century to the nature of the determinant as a result of the sharp growth of science, technology and the rapid development of industry created the basis for such research. Problems of terminology in the XVIII-XIX centuries were the focus of attention on linguists. One of the main reasons for this, is the fact that, the term is associated with the creation of terms, and the second reason was the influence of extra-linguistic factors on terminology. However, they are considered to be a distinctive feature of synonymy and polysemology in terminology, as well as in the paradigmatic and syntactic relations of context terminology, hybrid terminology and pure terms, the contextuality of individual concepts.

Numerous studies have been made about the term and terminology used previously, and various definitions are given. “The term” is derived from the term “terminus”, which means “end”, “check”, “boundary”, “end” [1]. According to P. Nishonov, “a term is a

combination of words or phrases, which islimited to the semantics of a specific sphere and is a lexical unit expressing the concept of this field" [2]. A term is a word that is conditional (obligatory) with a certain unit in the content of certain logical concepts. Terminology is defined as a linguistic object, and its systematic study has led to the emergence of terminology in developing the concept of terminology, describing terminology, and solving problems of a problem. The term has a strong place in the lexical grammatical system and has become a "full member" of the lexical-semantic language. According to A. Reformatsky, the term "not just a word", but "unusual" or "new word" says that even if one can "rationalize" and even "invent", it is primarily the word [3]. Research by Professor S. Usmanov plays an important role in the terminology of the term "... and the production of weapons of mass destruction, and culture and science are first expressed through language units, or rather, through terms. In this sense, terminology (a set of terms in a certain language) is a witness to the history of the earth, a mirror "[4]. In our opinion, this term is an integral part of the literary linguistic system in accordance with its linguistic nature and is characterized by a clear, concise expression and rich knowledge of scientific, technical or other professional concepts from other categories.

It is important to classify and describe terms in specific areas: they reflect the evolution of social sectors in certain periods of time [5]. The problem is that terminology separated from the context is outside the context. The term is involved in the terminology of the system, that is, with its own system or with other specialized, small (specialized) systems. For example, the lexeme "finance" is unique in the areas of "banking", "economy", "treasury", "accounting", "credit" and so on. Consequently, terminology formed by understanding the essence of its terminology in the system of terminology that provides one or another social life.

There are various opinions and opinions on the need to create a classification system for the purpose of organizing and structuring terminology. Thus, according to Sven Jacobson, "... the lack of standardization in the terminology of the social sciences led to an infinite number of new concepts". [6]

The etymology of the term accounting in English or accounting goes far into the past. Since the time when accounts began to appear, people began to count goods or count their wealth, the term of accounts arose, in different periods their names were interpreted differently.

For example:

Receive or give a cash account began after 1292 Westminster payroll.

In the Middle Ages ('counting', 'to count): from Old French acont (noun), aconter (verb), based on conter 'to count '.

Give or receive an account for money received;

"After 1292 he **accounted to** the Westminster exchequer".

Middle English (in the sense 'counting', 'to count'): from Old French *acont* (noun), *aconter* (verb), based on *conter* 'to count'.

In ancient period accounting term integrade different:

c. 1300, "counting," especially "reckoning of money received and paid, detailed statement of funds owed or spent or property held," from Old French *acont* "(financial) account, reckoning, terminal payment," from *a* "to" (see **ad-**) + *cont* "counting, reckoning of money

to be paid," from Late Latin *computus* "a calculation," from Latin *computare* "to count, sum up, reckon together," from *com* "with, together" (see **com-**) + *putare* "to reckon," originally "to prune," from PIE root **pau-** (2) "to cut, strike, stamp".

From the first often in plural form; sometimes in late Middle English *accompt* (see **account** (v.)). Meaning "course of business dealings requiring records" is from 1640s; hence "arrangement to keep money in a business, bank, etc." (1833), also "customer or client having an account" (1937). ***Money of account*** (1690s) that used in reckoning but not circulating as coin or paper, preserves the "counting" sense of the word.

From the notion of "rendering an account" comes the sense "statement answering for conduct" (mid-14c.) and the general sense "narration, recital of facts," attested by 1610s. Phrase ***by all accounts*** is attested from 1798. From the notion of "statement of reasons" comes ***on no account*** "under no circumstances" (1704). Also from c. 1300 in reference to answering for one's conduct, especially at the Last Judgment. Meaning "estimation, consideration," especially in the eyes of others, is from late 14c.

On account in the financial sense "as an item to be accounted for at the final settlement" is from 1610s, hence ***on account of*** in the general sense "for the sake of, in regard to, in consideration of" (1640s, originally *upon account of*). Also *on (my, your, etc.) account* "on (one's) behalf." To ***give accounts*** "prepare or present a statement of funds and property" is from mid-15c; the older term was *cast accounts* (mid-14c.); to ***take account of*** originally was to make an inventory; ***take into account*** "take account of" is from 1680s.

The spellings *accompt*, *accomptable*, etc. are artificial forms used, not prevailingly, in the sixteenth and seventeenth centuries. They are now obsolete, or nearly so, though *accompt* and *accomptant* may still be used in the formal or legal style. The pronunciation has always conformed to the regular spelling, *account*, *accountable*, etc.

The old look that terminates the periphery of the lexicon, that is, its edge, has already been denied. All terms characteristic is of the natural language linguistic units. However, one of the most important aspects of lexicology is the work on identifying terms for specific areas of science, regulation, terminology, and terms for new scientific and technical areas.

At the beginning of the term of terminology until the early 1960s, a number of basic concepts such as "terminology" (D.S.Lotte), "terminological space" (L. Kapanadze) were formed. As D. Steederer emphasized, "The development of jagged developments and technologies required not only to name new concepts, but also to conclude terms with terms. Practical result terminology studies have been started within the framework of specific areas (specializations) ".

V.S. Superanskaya describes as follows: "The term is a particular word accepted in certain professional activities and used in specific situations and conditions. The term is a concept that is a part of a certain area of professional knowledge, which is expressed in words. The term is a basic conceptual element of the language intended for specific purposes. Within the context of its terminology, terminology is used in a single sense. The same term for different fields is a combination. For a proper understanding of the term, the term requires a specific definition (definitive scientific description). "

Despite the fact that many terminological investigations have been carried out so far, the problem of classification of terminology, in particular their separate interconnection integration remains relevant.

It is important to classify and describe terms in specific areas: it reflects the degree of evolution of social sciences in certain periods. The problem is that the terminology separated from the context is beyond the context. The term participates in the terminology of the system, with its own system or with other special, small (-specialized) systems. For example, the "finance" lexeme is unique in the field of "banking", "economy", "treasury", "accounting" and "credit" and so on. Therefore, the terminology is formed by the understanding of the essence of the social life.

There are different opinions and opinions on the necessity of creating a classification system for the purpose of organizing and structuring terminology. Therefore, according to Sven Jacobson, "... the absence of standardization in the terminology of social sciences has led to an infinite number of new concepts".

References:

1. Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2009. – 26б.
2. Реформатский А.А. В ведение в языкознание. – М., 1967.
3. Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. –Тошкент., 1968.
4. Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – М., 1961. –160 с.
5.Городецкий Б.Ю., Раскин В.В. – Термины с лингвистической точки зрения //Науч. симпозиум «Место терминологии в системе современных наук»: Тез. докл. и сообщ. – М., 1969. – С.134-141.
6. Sven Jacobson. Three types of Terminologies, 1984. – Euralex.org http://www.euralex.org/elx
7. www.wikipedia.com

МОДИФИКАЦИЯГА УЧРАГАН АНТРОПОНИМЛАРНИНГ ДИСКУРСИВ ҚЎЛЛАНИШИ

Камолова Санобар Жабборовна.
Бухоро Муҳандислик Технология институти ,мустақил изланувчи.

Аннотация: *Мазкур мақолада шахс исми ва фамилиялари қўлланишининг таҳлили кўрсатилган. Тил тизимининг муҳим қисми сифатида айнан бир антропоним-нинг модификацияга учрамаган шакли индивидуаллаштирувчи белги функциясини бажарса, модификацияга учраган шакли доимо тавсифловчи белги вазифасини бажаради. Бу ҳолат антропонимнинг семантик структурасида, лексик семантикасида ва грамматик категориясида ўзгаришларни юзага келишига асос бўлади.*

Калит сўзлар: *Лингвистик анализ,антропоним, интенсионал, диахроник аспект, лингвомаданий, прагматик ва когнитив аспект.*

ДИСКУРСИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МОДИФИЦИРОВАННЫХ АНТРОПОНИМОВ

Камолова Санобар Джабборовна.
Бухарский технологический институт, независимый исследователь

Аннотация:*В этой статье анализируется использование фамилий и имя человека. В то время как неизменная форма антропонима как неотъемлемой части языковой системы является функцией индивидуализирующего характера, измененная форма всегда действует как описательный характер. Это является причиной изменений в семиотической структуре, лексической семантике и грамматических категориях антропонима.*

Ключевые слова*: лингвистический анализ, антропоним, название прецедента, семантика имени, антропонимы, прагматизм, диахроник аспект, интенсионал.*

THE DISCURSIVE USE OF MODIFIED ANTHROPONYMS

Kamolova Sanobar Jabborovna.
Bukhara Institute of Technology, independent researcher

Annotation: *Analyzing the last name and last name. In the form of an anthroponic form as an anthroponic frequency is characterized by an individualized individual character with the function of the fuzzy system, the change of the form of the opacity character. It is a semi-sensitive structure, lexical semantics and grammatical categories of anthroponima.*

Keywords: *semantic, differential,spelling andpronuucing,lingvocuturel, aspect pragmatic and cognitive.*

Антропонимлар, тил тизимининг муҳим қисми сифатида, миллий онгнинг ва жамият ижтимоий ривожланишининг ўзига хослигини акс эттиради. Антропоним-лар семантикаси атоқли отнинг асосий дифференциал белгиси сифатида келтирил-ган референтлик нуқтаи назаридан ўрганилади. Ҳар қандай тил тизимининг энг қадимий бирликлари сифатида, атоқли отлар энг қизиқарли ва мураккаб лингвис-

тик универсалиялардан биридир. Атоқли от-антропоним табиатига нисбатан бугунги кунгача илмий адабиётларда берилган лингвистик, семантик, когнитив, прагматик, маданий таърифларнинг барча у ёки бу даражада баҳслидир. Антропонимнинг семантик структурасини таърифлашдаги қийинчиликлар тилшуносликда, шу жумладан француз тилшунослигида, антропонимлар тўғрисида "нотўғри", тил тизимининг четида турадиган, лексик жиҳатдан тўлиқ қимматга эга бўлмаган бирликлар деган фикрнинг кенг тарқалишига ва, мос равишда, лингвистик таҳлил предмети сифатида уларнинг унутилишига олиб келди. Шу боисдан ҳам антропонимлар ҳақидаги фан – антропонимика– узоқ вақт давомида тилшуносликнинг асосий йўналишларидан ажралган ҳолда ривожланди ва тилнинг исмлар фондини тарихий-этимологик ва регионал аспектларда тасвирлаб келди. Тўғри, антропонимларнинг лингвистик моҳиятини ўрганишга тегишли мураккаб назарий масалалар вақти-вақти билан кўтарилиб келди, бироқ уларнинг кўпчилиги қониқарли тушунтиришсиз қолиб кетди. Бунинг сабаби методик, фалсафий даражада антропоним маъносининг ҳал қилинмаганидадир.

Атоқли отлар катта ҳажмдаги семантик ва эмоционал мазмунни махсус ихчам шаклда етказиб бериш имкониятини берадиган тил воситалари қаторига киради. Атоқли отлар билан боғланган белгиларнинг, тасаввур-ларнинг, ассоциацияларнинг тизимини юзага чиқариш - атоқли отлар лингвистик табиатининг ўзига хос томонларини ташкил қилади. Атоқли отлар тилда алоҳида шахслар ва индивидуал яккаликларни бошқа ўхшаш предметлар ва ҳодисалардан фарқлайдиган, атов функцияни бажарадиган отларнинг алоҳида гуруҳидир.

Антропоним ягона предметни англатувчи тил бирлиги сифатида фақат экстенционал маънога эга, деган фикр мавжуддир. Бироқ атоқли отда маънонинг борлиғини тан олувчи тадқиқотчилар атоқли от семантикасининг тушунчавий аспекти тўғрисидаги тезисни қўллаб қувватлайдилар. Шу билан бирга антропонимнинг сигнификатив маъноси отларнинг маълум бир разрядга тегишлилигини акс эттирадиган категориал-мавҳум маъно сифатида талқин қилинади. Масалан, одамларнинг номлари учун сигнификатив маъно умумий "одам" (эркак/аёл) тушунчасининг воқеланиши билан чегараланади. Шундай қилиб, мазкур ёндашувда предмет-логик маънонинг муҳимлиги тан олинса-да, унинг жуда мавҳум характерда эканлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозимдир.

Антропоним семантикасида ягона атов маъноси, шубҳасиз, асосий маънодир. Бу факт мазкур унинг реал борлиқдаги аниқ ягона объектга ёки тафаккур образига фактик тегишлилиги билан олдиндан белгилаб қўйилган. Айнан антропоним ва у англатаётган референт ўртасидаги яқин алоқа антропонимнинг предмет билан ўзаро боғланишининг кенгайишига замин тайёрлайди.

Умумлашган маъно касб этиш хусусияти биринчи навбатда аниқ денотатлар билан боғланувчи антропонимларга хосдир. Бу хусусият от билан маълум шахс ва, мос равишда, мазкур шахснинг фарқ қилувчи белгилари орқали юзага келадиган барча доимий ассоциациялар ўртасидаги аниқ ва мустаҳкам алоқаларга асосланган бўлади. Қандайдир бир шахс билан боғлиқ ассоциацияларнинг турғунлиги бу шахснинг исмини мазкур исмнинг бирин-чи соҳиби билан бир хил белгиларга эга бўлган одамларни англатиш учун кўчиришга имкон беради. Шахс исмининг бундай

умумлашган қўлланиши натижасида исм томонидан ифодаланаётган тушунчанинг характери ўзгаради. Категориал-мавҳумликдан у апеллятивга яқинлашади.

Ушбу мақоламизда асосий эътиборни атоқли отларнинг "модификациялашмаган" қўлланишида референциал омилнинг ўрнини аниқлашга қаратамиз. Чунки антропонимларнинг "метафорик қўлланишларидан" фарқли равишда, уларнинг "намунали қўлланишлари", аксарият ҳолларда, ўхшатиш ва ҳар хил изоҳловчи воситалар билан кўрсатилган бўлади. Бу ҳолатларни ўрганиш шахс исм-фамилияларининг "намунали қўлланишлари" таснифини янада мукаммаллаш-тиришга, конструкцияларнинг «майда-оилаларини» гуруҳлаштиришга имкон беради.

Француз антропонимларининг "намунали ёки модификацияга учрамаган" қўлланиши матнда *un Np* конструкцияси шаклида учрайди. Бу конструкцияда *un(e)* билан аниқланган атоқли от ўзининг одатдаги ёки «бошланғич» референтини, худди у стандарт, аниқлаштирилмаган қўлланишда кўрсатганидай, кўрсатишни давом эттирмайди. Масалан: 1. *Un Michel Drucker* n'a plus besoin de légitimer sa présence. Il fait ce qu'il veut, on sait qui il est (Télérama). 2. *Michel Drucker* n'a plus besoin de légitimer sa présence. Il fait ce qu'il veut, on sait qui il est. Француз тилшуносларининг таъкидлашларига кўра, «Бир тил жамиятида яхши таниш бўлган референтни кўрсатадиган атоқли от-атропоним, фамилия ёки тўлиқ исмдир». Бундай отлар фақат бирлик шаклдаги ноаниқ артикл билан қўлланади ва бошқа модификаторларга эга бўлмайди. [1] Атоқли отларнинг бошқа модификаторларга эга бўлмасликлари тўғрисида билдирилган фикрга биз қўшилаолмаймиз, чунки бизда бу фикрнинг асоссизлигини кўрсатадиган етарлича тил фактлари мавжуд. Бу хусусда кейинги ишларимизда алоҳида тўхталамиз.

Исм-фамилия қўлланишида ноаниқ артиклнинг борлиғи ва унинг асл соҳибига нисбатан амалга оширилган референция анчагина муаммоли вазиятларни вужудга келтиради. Бундай қўлланишда антропоним «бир вақтнинг ўзида ҳам модификациялашган, ҳам модификациялашмаган бўлиши мумкин. Намунали қўлланиш ва метафорик қўлланиш ўртасидаги бўлиши мумкин бўлган чалкашликлар, бу ерда, сақлаб қолинади: Cette nouvelle «cité sainte» ferait assurement les délices *d'un Umberto Eco*. Бу мисолда un Umberto Eco нинг микроконтексти метафорик қўлланишнинг кўплаб имкониятларидан биттасига мос келган ҳолда, антропоним референцияси ноаниқ бўлиб қолмоқда: ё Umberto Есонинг ўзи, ё бошқа бир референт ва бу референтнинг Umberto Eco билан ўхшашликлари кўсатилмоқда. Семантик референциал талқинлар асосида, назаримизда, бундай иккимаънолиликка чек қўйиш мумкин бўлади. Намунали қўлланишдаги атоқли от шу отнинг бошланғич референтига, ёлғиз унга йўналтиради, метафорик қўлланишдаги антропоним эса бошқа референтга йўналтиради. Бошқача айтганда, намунали қўлланиш референциал ўзгаришсиз қўлланиш бўлиб, метафорик қўлланишнинг куртагини ташкил қилади.

Кўпинча айрим конструкциялар намунали қўлланишни тавсифлайдиган асосий иккимаъноликни кўриш имконини беради. Шундай конструкциялар қаторига компаратив конструкцияларни киритиш мумкин, улар контекст таркибида намунали қўлланиш ва метафорик қўлланиш чегарасини кўрсатиб туради. Масалан: 1. Cette conception apothéotique de l'amour sexuel, est tellement dans les livres et les

esprits, que rien qu'à se laisser désirer, une femme est toute puissante sur l'individu *comme un César* sur Rome (Péladan). 2. Il est beau, il a de l'esprit. À Valladolid, le roi lui a consenti de grandes faveurs, car lui seul a illustré les fêtes du mariage royal. *Tel un Hector*, il combat les taureaux à la lance et l'épée (Camus).

Ҳақиқатан ҳам, энг кўп қўлланадиган компаратив конструкцияларда антропонимнинг одатдаги референти ўхшатиш эталони даражасига кўтарилади. Масалан: Nous saisissons, de même, la hardiesse et la puissance d'imagination *d'un Euclide* en constatant intrinsèquement la force d'intégration de ses mathématiques et en observant que, dans une certaine mesure, son système a rendu possible le développement des grandes formes de civilisation dont nous sommes issus (Gurvitch). Бу моделнинг структураси қуйидаги тартибда бўлади: *le N d'un Npr.* Бу сифатлар ўша шахснинг андазаси билан ўлчанади, яъни баҳоланади. Бунга ўхшаш структураларда, антропонимнинг намунали қўлланишда бўлиши *le N* томонидан тақдим этилган тушунчани умумлаштиришга ёрдам беради: келтирилган мисолда "аниқ" тасаввурнинг эркинлиги ва кучи ҳақида эмас, ҳақиқатда фантазия эркинлигининг ва кучининг бир тури [2] бир кўриниши [2], жинси [2] тўғрисида гап боряпти. Бу умумлаштириш орқали атоқли от референтининг ўзгача тарзда олинган намуна сифатида тикланганлиги кўрсатилади. Шу сабабдан, антропоним томонидан тилга олинаётган хусусият қиёслаш объектини ташкил қилиши мумкин. Масалан: Wei Jinsheng, dont la stature d'opposant *égale* celle *d'un Soljénitsyne* [3], a donc été reçu en catimini par la commission des Affaires étrangères de l'Assemblée nationale et Laurent Fabius [4] мисолда антропоним референти, Солжиницин, оппозициянинг энг юқори даражасидаги вакилнинг бурчини яратяпти.

Ҳақиқатан ҳам таъкидланяптики, агар структура битта отдан иборат бўлса, аксарият ҳолатларда айнан шу хусусият ҳақида гап боради. Кўпинча отдан кейин шу структуранинг иллюстрацияларида берилган сифат турган бўлади, масалан: 1. (Les personnages) n'ont jamais atteint *la grâce aérienne* d'un *Fred Astaire et* d'une *Ginger Rogers*: *la grâce* aérienne d'un Fred Astaire et d'une Ginger Rogers = Fred Astaire et Ginger Rogers sont (très) gracieux. 2. La *combativité musclée d'un Jean-Noël Augert* = Jean-Noël Augert est (très) *combatif*.[5] Кейинги мисол конкрет отларнинг бу конструкцияда нисбатан кам қўлланишинидан далолат бериши мумкин. Бу ўзига хос конструкциядан ташқарида ҳам намуналиликнинг бир хил таъсирини кузатиш мумкин. Масалан: Sa vie organique et sprituelle leur échappe, surtout quand leur auteur est *un Seurat*, dont le génie, tôt interrompu, mais congénitalement total, est fait pour occuper tout le parcours qui va du rigoureux laconisme à la poésie infinie (Cassou). Намунали қўлланишдаги атоқли от эга аттрибути вазифасида қўлланган. Урғу гап бораётган шахснинг "зоти", унда мужассам бўлган сифатларнинг мажмуига тушяпти. Seurat бу ерда ҳақиқий сифатнинг мутлоқ тимсоли сифатида кўрсатилган. Бу сифат тил воситасида ифодаланмай қолган, аммо ўқувчи уни контекстдан излаб топиши мумкин ёки энциклопедик билимлари воситасида ўзича тасаввур қилиши мумкин. Айнан намунали конструкциянинг ўзи, энг аввало, қиёслаш сифатидаги антропоним референтини кўришга, кейин эса тегишли сифатни излаб топишга бошлаб боради. Бу прототипликка асос бўлган сифат ёки хусусиятга келсак, юқорида қилинган мулоҳазалар уни намунали қўлланишдаги атоқли отнинг

ҳозирги котекстидан, хусусан *le Nc d'un(e) Npr* структураларидаги мавҳум отдан излаб кўришга бизни ундади. Юқорида келтирилган формулаларни тўлдириш учун, демак, « (un(e) N) Adj *comme* Npr » структураси билан параллел структурани таклиф қилиш мумкин. Маслан: 1. *La douceur et l'adresse d'un Fénelon* réussirent admirablement (Encyclopédie). 2. Il faut descendre jusqu'au début du XIX[e] siècle pour voir les mathématiciens revenir de l'arrogance d'un Descartes [6] à une position nuancée que celle des grecs (Bourbaki). Мисолларда*ги la douceur et l'adresse d'un Fénelon et l'arrognac d'un Descartes* синтагмалари Фенелонни эзгулик ва устомонликнинг ва Дескартни манманликнинг энг яхши вакиллари сифатида кўришга ундайди. Ўхшатишларда бу ҳолат эксплицит, яъни образли ўхшатишлар тарзида намоён бўлади: (*un homme) doux et adroit comme Fénelon et (un homme) arrogant comme Descartes*. Бу ўхшатишларда антропонимлар «қийматли типни»ни ўрнатади ва қиёсланаётган шахс ўхшаш сифатида эълон қилинади. Бу конткстларда намунали қўлланишдаги антропоним, демак, эталон, мазкур сифатнинг юқори даражадаги соҳиби вазиятида турган атоқли отга мос келади.

Шундай қилиб, маълум бир исм ёки фамилияни танлаш сўзловчи нуқтаи назарининг ифодасидир. Антропоним орқали нуқтаи назарнинг ифодаланишини ўрганишда, лисон ва олам ўртасидаги ўзаро муносабат-ларнинг намоён бўлиш усулларига эътиборни қаратиш лозим, чунки ушбу муносабатлар туфайли адресант тасвирланаётган соҳа оламини идрок этади ва ушбу муносабатлар ёрдамида у, антропонимнинг модифика-циялашган шаклини яратган ҳолда, ўз нутқида уни тақдим этади. Турли дискурсларда шахс исми ва фамилиялари қўлланишининг таҳлили яна шуни кўрсатяптики, айнан бир антропонимнинг модификацияга учрамаган шакли нутқий актларда, аксарият ҳолларда, индивидуаллаштирувчи белги функциясини бажарса, модификацияга учраган шакли доимо тавсифловчи белги вазифа-сини бажаради. Бу ҳолат антропонимнинг семиотик структурасида, лексик семантикасида ва грамматик категориясида ўзгаришларни юзага келишига асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Jonasson K. Le Nom propre. Constructions et interpretations. Louvain – la – Neuve: Duculot,1994.
2. Kleiber G. Problèmes de référence. Descriptions définies et noms propres. Paris : Klincksieck, 1981.
3. Kleiber, G. Du nom propre non modifié au nom propre modifié: la cas de la détermination des noms propres par l'adjectif démonstrative // Langue française. – 1991. – N 92. – P. 82-103.
4. Le Canard enchaîné, 21/01/98 Электронный ресурс. – Режим доступа: www.canardenchaîné, свободный доступ.
5. Télérama, 26/5/04 Электронный ресурс. – Режим доступа: www. télérama, свободный доступ.
6. Бадиий адабиётлардан олинган мисолларнинг манбаси: Frantext (httpv www.aHlf.fr/frantext.htm).

13.00.00 ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

ЎҚУВЧИЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Артикова Муҳайё Ботиралиевна
Андижон давлат университети доценти, педагогика фанлари номзоди

Аннотация. *Мақолада ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари, ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритишда масъулият хисси муҳим ўрин тутиши ҳақида фикр юритилади.*

Таянч сўзлар: *мактаб, ўқувчи, тадбиркорлик, ижтимоий-психологик тайёрлик, психологик хусусиятлар, мотивация, ижтимоий тасаввур, масъулият, қобилият.*

НЕКОТОРЫЕ СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТЫ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ НАВЫКОВ У УЧЕНИКОВ

Аннотация. *В статье рассматривается социально-психологическая подготовка учеников к предпринемательской деятельности, психологические особенности развития в них предпринемательских навыков, важное место в социальных предстовлений, а также чувство ответственности за ведение предпринемательской деятельности.*

Ключевые слова: *школа, ученик, предпринимательство, социально-педагогическая подготовка, психологическая особенность, мотивация, социальное вооброжение, ответственность, способность.*

CERTAIN SOCIO-PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF DEVELOPING ENTREPRENEURSHIP SKILLS IN PUPILS

Abstract. *The article discusses the socio-psychological preparation of students for entrepreneurial activity, the psychological features of developing entrepreneurial skills in them, the formation of social perceptions and the role of responsibility in doing business.*

Keywords*: school, pupil, entrepreneurship, socio-psychological readiness, psychological characteristics, motivation, social imagination, responsibility, ability.*

Жамият ривожланиб боргани сари инсоннинг ҳаётий хоҳиш, талаб, қизиқишлари тобора ортиб боради ва ўз навбатида уларни қондириш манбалари ҳамда миқдорига ҳам ижтимоий шартлар қўйилади. Тараққий этган давлатлар тажрибасидан маълумки, ҳар қайси жамиятнинг порлоқ келажаги ишлаб чиқариш маҳсулотлари мўл-кўллиги билангина эмас, сифати билан ҳам таъминланади. Бугун замонавий жамият кимки рақобатбардош ва ташаббускор бўлса, сифатни таъминласа муваффақиятлар келишини кўрсатмоқда. Буларнинг барчасига

тадбиркорона иш юритиш орқали эришиш мумкин. Шундай экан умумтаълим мактабининг вазифаси ўқувчиларнинг тезкор, ўзгарувчан иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий вазиятларга мослашувини таъминлаш учун уларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон республикаси Президентининг "Ўзбекистон республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонида халқ таълими тизимининг стратегик мақсади сифатида "Инсон капиталини меҳнат бозорида ва умуман мамлакатда ўқувчининг рақобатбардошлик даражасини белгиловчи асосий омил сифатида ривожлантириш" масаласи белгилаб қўйилгани ҳам юқоридаги фикримизни тадиқлайди [1].

"Таълим тизимида ўқувчиларнинг фақат билим доирасини кенгайтириш асосий мақсадга айланмаслиги, балки уларда ҳаёт учун зарур кўникма ва малакаларни шакллантириш биринчи ўриндаги вазифа бўлмоғи керак. Бу борада ҳозирда муҳим қадамлар қўйилди... Мамлакатимизда тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолияти учун кенг имкониятлар яратилган. Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш нафақат юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, балки ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига кенг йўл очади" [2:48].

Маълумки, юртимизда ва дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар ҳар бир инсонга ўз қобилиятлари ва ташаббусларини намоён этиш эркинлигини тақдим этиш билан бир қаторда ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини такомиллаштиришни таъминловчи масъулият, мустаҳкам ирода, фаолликни талаб этади. Бу эса таълим соҳаси олдига эса ёш авлодни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида онгли иштирок этишларига тайёрлашда педагогик-психологик жиҳатларига урғу бериш вазифасини қўяди.

Барча соҳалар каби тадбиркорлик фаолияти ҳам ўзининг маълум бир психологик жиҳатларига эга. Тадбиркорлик фаолияти жараёнида фаолиятга ундовчи мотивлар, шунингдек, фойда олишга қаратилган мақсад, ортиб борувчи эҳтиёжлар, мақсадга эришиш йўлида фаолият йўналишларини бойитиб бориш каби жараёнларга психологик тайёрлик талаб этилади.

Демак, тадбиркорлик жамият тараққиётини таъминловчи асосий омиллардан бири саналар экан, унга кўра, бу фаолиятнинг ижгимоий-психологик жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Кўплаб тадқиқотларда фаолиятга психологик тайёрлик фаолият шарти ва регулятор сифатида, унинг интеграл хусусияти тарзида субъектининг психологик ҳолати, установкалари билан боғлиқликда кўриб чиқилади. Психик ҳолат сифатида инсоннинг психологик тайёрлигини ўрганиш натижасида қатор олимлар зарурий даражада фаолиятни амалга оширишни таъминлайдиган инсон барча психофизиологик тизимларининг сафарбар этилганлик ҳолатига диққатни қаратади.

Тадбиркорлик ва уни бошқариш муаммоларини ҳал қилишда Гарвардда Д.Маккеланд (D.McCelland) ва Мичиган университетидан Ж.Аткинсон (J.Atkinson)лар томонидан ишлаб чиқилган мотивация назарияси муҳим аҳамият касб этади [3:119-122]. Улар мотивацияни ўлчашда аниқ баҳо беришга ҳаракат қилишиб, учта омилга бўлишади: **муваффақиятга интилиш; тан олинишга интилиш; ҳокимиятга интилиш.**

Муваффақиятга эришиш омилида кишилар ҳаётий неъматлардан баҳраманд бўлишни назарда тутишади. Муваффақиятга эришиш жараёнида шахс ўз олдида турган қийин муаммоларни ечишни ёқтиради ва унга интилади. Ҳокимиятга интилиш омилида эса муайян шахс бошқарувга ўз ҳукмини ўтказишга интилади ва бундан мағрурланади.

Умуман олганда, муваффақиятга эришиш мотивацияси шахс қобилиятлари доирасига алоқадор бўлиб, бу мураккаб масалалар устида жиддий равишда ишлай олиш лаёқатидир. Чунки ўрта ақлий қобилиятга эга бўлган тадбиркор баъзида ўзидан кўра, ўткирроқ рақобатдошларига қараганда яхшироқ фаолият юритаётганлигини айнан шу муваффақиятга эришиш мотивациясидаги ўзаро тафовутлар тушунтириб бериши мумкин.

Robert J.Kreitner ҳамда Angelo J.Kinickiларнинг фикрича, тадбиркорлик фаолияти мотивацияси бевосита ва билвосита уч соҳага бўлинади: тадбиркор фаолиятини илҳомлантириш, унга руҳ бахш этиш; фаолиятни мақсадга йўналтириш ва унинг тармоқларини ажратиш; фаолиятни шакллантирилишини белгилаш[5:142,205].

Ушбу китобларда Исҳоқхон Ибратнинг лирик меросидан намуналар, яъни шоирнинг беш ғазали ва бир мураббаъси, “Бўлибдур”, “Қалайсизлар?”, “Ишқинг”, “Кўргони келдим соғиниб” каби шеърлари ва бир маснавийси берилган.

Наманган давлат университети ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамкорлигида 2017 йил 2-3 июнь кунлари Наманганда “Исҳоқхон тўра Ибрат маънавий меросининг ўзбек маданияти ривожида тутган ўрни” мавзусида илмий-назарий анжуман ўтказилди. Тўпламда адабиётшунослик, тилшунослик, таржимачилик, таълим-тарбия ва методика йўналишидаги мақолалар жамланган.

Исҳоқхон Ибратнинг “Мезон уз-замон” маърифий асари япон ва ўзбек профессорлари Хисао Коматцу ва Бахтиёр Бобожоновлар томонидан ҳамкорликда Тошкент ва Токиода, лирик мероси эса 2000 йил Туркияда чоп этилди. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси (9-жилд. -Т.: 2002. 62-б) да Исҳоқхон Ибрат ҳаёти ва ижодий фаолияти, миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти ривожидаги ўрни баён қилинган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ҳар бир миллатнинг ўзига хос бўлган маънавий қадриятлари умуминсоний қадриятларнинг бир қисми саналади. Ҳозирги кунда халқимиз тарихида ёшларни тарбиялаш ва уларни билим олиш, жамиятда ўз касбининг маҳоратли эгаси бўлиб, мамлакат ривожи учун ҳисса қўша оладиган руҳда тарбиялаш қонуниятлари, қоидалари ва усулларни ўрганувчи педагогика фанининг равнақ топиши йўлида намунали хизмат қилган олимларимиз, жадид педагогларининг ҳаёти ва педагогик фаолиятларини ўрганиш муҳим вазифалардан бири саналади. Мана шу жиҳатдан олиб қаралганда, Исҳоқхон Ибрат ёшларни илм-маърифат эгаллаб, эзгу ном қолдиришга чорлаган авлодимизнинг буюк вакилидир.

Демак, Исҳоқхон Ибратдек фан фидойиси, методист, заҳматкаш педагог ҳақида унинг салоҳиятли меҳнатлари юзасидан маълумотларга кўпроқ эга бўлиш учун Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида барпо этилган Исҳоқхон Ибрат мажмуаси таркибидаги Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб ҳамда Исҳоқхон Ибрат музейига ташриф буюрсалар, зиёли ватандошимизнинг руҳини шод қилган бўладилар.

Умуман олганда, Ибрат бобомизнинг асарларини нашрга тайёрлаб, китобхонларимизга тақдим этиш бугунги адабиётшунослигимиз олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Маърифатпарвар, фидойи шоир Исҳоқхон Ибратнинг барчамизга ибрат бўла оладиган умр йўллари халқимиз маънавиятини юксалтириш ва бойитишда, шубҳасиз, хизмати каттадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. //Гўзал ва бетакрор ўлка. Наманган вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ. -Тошкент.: Ўзбекистон. 2017.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. "Миллий тикланиш" газетаси. 1998 йил, 18 август.
3. Абдуллаева Манзура. Исҳоқхон Ибрат – серқирра ижод соҳиби. –Т.: 2017. 9-б
4. Истиқлол қаҳрамонлари. Ибрат. Ажзий. Сўфизода. Танланган асарлар. -Т.: Маънавият, 1999, 61-б.
5. Исҳоқхон Жунайдуллахўжа ўғли Ибрат. Фарғона тарихи. // Мерос. (Нашрга тайёрловчилар: Ҳайдарбек Бобобеков, Маҳмуд Ҳасаний; таҳрир ҳайъати: Бўрибой Аҳмедов, Иброҳим Ҳаққулов ва бошқ.). -Т.: Камалак. 1991.
6. Исҳоқхон Ибрат. Шеърлар.// Муҳаббат васфи. Тўрақўрғон. 1993.
7. Улуғбек Долимов. Исҳоқхон Ибрат. -Т.: Шарқ, 1994.
8. Улуғбек Долимов. Исҳоқхон Ибрат. Истиқлол фидойилари./ Тарихи Фарғона. -Т.: Шарқ. 1994.
9. Матчонов С. Китоб ўқишни биласизми? –Т.: "Ўқитувчи". 1993.
10. Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона. ЎзФАШИ Қўлёзмалар фонди. 1916 й. Инв. № 11080.
11. Исҳоқхон Ибрат. Тарихи маданият. ЎзФАШИ Қўлёзмалар фонди. 1926 й . Инв. № 11616.
12. Исҳоқхон Ибрат ҳужжатлари папкаси ЎЗФАШИ Қўлёзмалар фонди. Инв. №: 11617.

PRIORITETNOSTI EVALUATION HOPPING ENDURANCE OF VOLLEYBALL PLAYERS USING A TOUCH-COMPUTER INSTALLATION

Ummatov Akram Akhmedovich, Uzbek State University of physical culture and sport, senior teacher of department "Theory and technique of volleyball, basketball"

Abstract. *The article analyzes the materials of the study of the effects of diagnostics of jump performance of volleyball players using a touch-computer system (SCU), developed by one of the authors. It is established that the use of the SCU in order to assess the level of development of hopping performance has a dominant advantage over other methodological techniques for assessing this quality.*

Keywords*: hopping performance, touch-computer installation, heart rate*

ПРИОРИТЕТНОСТЬ ОЦЕНКИ ПРЫЖКОВОЙ ВЫНОСЛИВОСТИ ВОЛЕЙБОЛИСТОВ С ПРИМЕНЕНИЕМ СЕНСОРНО-КОМПЬЮТЕРНОЙ УСТАНОВКИ

Умматов Акрам Ахмедович, Узбекский государственный университет физической культуры и спорта, старший преподаватель кафедры «Теории и методики волейбола, баскетбола»

Аннотация. *В статье анализируются материалы исследования эффектов диагностики прыжковой работоспособности волейболистов с использованием сенсорно – компьютерной установки (СКУ), разработанной одним из авторов. Установлено, что применение СКУ в целях оценки уровня развития прыжковой работоспособности имеет доминирующее преимущество перед другими методическими приёмами оценки этого качества.*

Ключевые слова: *прыжковая работоспособность, сенсорно-компьютерная установка, частота сердечных сокращений*

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРДА САКРАШ ИШ ҚОБИЛИЯТИНИ КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИЛГАН ЎЛЧОВ УСКУНАСИ ЁРДАМИДА БАҲОЛАШ АФЗАЛЛИГИ

Умматов Акрам Ахмедович, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, “Волейбол, баскетбол назарияси ва услубияти” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. *Мақолада волейболчиларда сакраш иш қобилиятини муаллиф томонидан ихтиро қилинган компьютерлаштирилган ўлчов ускунаси (СКА) ёрдамида баҳолаш самарадорлиги тадқиқот асосида ўрганилган. Аниқландики, сакраш иш қобилиятини баҳолашда мазкур ускуна бошқа тест-услубларига қараганда устувор афзалликларга эга экан.*

Калит сўзлар: *сакраш чидамкорлиги, компьютерлаштирилган сенсор ускуна, юрак қисқариш частотаси*

В современном волейболе все больше растет число игровых действий, выполняемых в прыжке, что требует от игроков высокой прыгучести и совершенной прыжковой выносливости. Эти качества ещё больше необходимы для эффективного нападения и блокирования, которые совершаются многократно как на тренировках, так и в ходе соревновательных игр. По данным А.В. Суханова, Е. В. Фомина, Л.В. Булыкиной [4,С.9] в соревнованиях ведущих квалифицированных команд в течении одной игры из пяти партий игроки в зависимости от игрового амплуа выполняют от 76 до 114 прыжков только для нападающих ударов и блокирования. А по сведениям Л.Р. Айрапетьянца [1,С.52-53] атакующие игроки за период тренировочных мезоциклов (подготовительный, предсоревновательный, соревновательный) выполняют в среднем до 1830 прыжков для нападающих ударов и блокирования, а игроки нападения 1 темпа – до 1270 прыжков. Из этих фактических данных нетрудно себе представить каким будет общий объём прыжковой нагрузки, если сюда причислить число прочих (прыжки для передачи, подачи, приёма мяча в падении) прыжков, в том числе отвлекающих и “холостых” прыжков. Тем не менее, необходимость сохранения высокой результативности игровых действий на протяжении 3 – 5 партий требует сохранения высоты прыжков до конца завершения игры, что зависит от уровня развития прыжковой выносливости игроков. Если рассматривать прыжковые нагрузки с точки зрения координационно – кинематической структуры в контексте биомеханических и аэродинамических

(активные маховые движения рук и частей тела) основ выполнения прыжков, то понятие “прыжковая выносливость”, по нашему предположению, можно переименовать как понятие “прыжковая работоспособность”. Методы (тесты) контроля и оценки прыжковой выносливости, практикуемые в волейболе, являются вполне адекватными и объективными [2;3;4]. Однако, нам кажется, существующие методические приёмы оценки прыжковой выносливости, тем более прыжковой работоспособности, не отличаются выдачей достоверных и информативных результатов. Основываясь на это предположение, нами было разработано сенсорно – компьютерное устройство – СКУ для оценки прыжковой работоспособности волейболистов (№ авторского удостоверения по изобретению - 001144).

Порядок эксплуатации СКУ. После подключения устройства программа начнёт отсчитывать количество прыжков с касанием рук испытуемого двух сенсорных панелей одновременно и выводит количество касаний на монитор компьютера. Для этого испытуемый становится под устройством и по команде он должен произвести максимальное количество прыжков с одновременным касанием обеими руками поверхность панелей. При одновременном касании рук панелей загорается световой индикатор зелёного цвета. Результаты через сенсорный сигнал выводятся на мониторе компьютера и фиксируются в памяти процессора (Рис.). При проведении исследования по диагностике прыжковой работоспособности сенсорная панель устанавливается на высоте 43 см для волейболистов и на высоте 24 см для волейболисток от вытянутых рук. Это достигается путём поднятия или опускания штанги в обойме и фиксирование её прижимными винтами.

Целью исследования являлось изучение уровня проявления прыжковой работоспособности у волейболистов по данным диагностики этого качества традиционным методом и с использованием СКУ.

В качестве традиционного метода определения уровня прыжковой работоспособности использовалось следующее тестовое упражнение: на баскетбольное кольцо подвешивается набивной мяч (3 кг) на высоте 43 см от вытянутых рук для мужчин и 24 см – для женщин; испытуемый находясь под набивным мячом, по команде последовательно выполняет (без пауз) максимальное количество прыжков с касанием мяча обеими руками; как только касание не произойдет двумя руками или произойдёт одной рукой – тест прекращается и записывается результат. **А методика использования СКУ** освещена выше.

В качестве объекта исследования привлекались сборные мужские и женские команды Узбекского государственного университета физической культуры и спорта.

Результаты и их обсуждение. Результаты исследования с использованием традиционной методики диагностики прыжковой работоспособности показали, что максимальное количество прыжков с касанием набивного мяча у волейболистов мужской команды университета в среднем составила 38,5±3,44 раз, варьируя в пределах 31-43 раз (табл.1).



Рис. Общий вид расположения СКУ и испытуемого при определении уровня развития прыжковой работоспособности

Таблица1

Результаты исследования прыжковой работоспособности у волейболистов мужской сборной с использованием СКУ и пульсового эффекта тестовой нагрузки - n= 16

$(\overline{X} \pm \delta)$

Методы определения прыжковой работоспособности	**ЧСС до теста**	**ПР**	**ЧСС после теста**	**ЧСС через 5 мин.**
Традиционная методика определения прыжковой работоспособности (кол-во)	73,2±3,18	38,5±3,44	149,6±5,17	97,4±4,67
Сенсорно-компьютерная методика определения прыжковой работоспособности (кол-во)	69,61±3,07	35,4±3,12	157,8±5,39	99,6±4,13

Примечание: -ПР–прыжковая работоспособность (максимальное количество прыжков).

Для полноценной оценки уровня проявления прыжковой работоспособности у волейболистов мужской и женской команд представлялось важным изучить пульсовую стоимость этой тестовой нагрузки по данным ЧСС до и после тестирования, чем будет достигнута возможность определения степени переносимости организмом этой нагрузки. Так, средняя величина ЧСС у игроков мужской команды до начала теста составила 73,2 ±3,18 уд./мин., а после – 149,6±5,17 уд./мин. Через 5 минут после выполнения теста ЧСС у этих волейболистов восстановилась лишь до 97,4±4,67 уд./мин.

У женской команды эти показатели составили соответственно: 31,3±2,89 раз; 24-37 раз. ЧСС до тестирования была равна в среднем 71,5±2,71 уд./мин., а после 153,1±5,29 уд./мин (табл.2).

Таблица2

Результаты исследования прыжковой работоспособности у волейболистов женской сборной с использованием СКУ и пульсового эффекта тестовой нагрузки - n= 16

$(\overline{X} \pm \delta)$

Методы определения прыжковой работоспособности	ЧСС до теста	ПР	ЧСС после теста	ЧСС через 5 мин.
Традиционная методика определения прыжковой работоспособности (кол-во)	71,5±2,13	31,3±2,71	153,1±5,29	99,7±4,77
Сенсорно-компьютерная методика определения прыжковой работоспособности (кол-во)	67,3±2,87	28,3±2,89	151,7±5,03	97,5±4,02

Примечание:-ПР–прыжковая работоспособность (максимальное количество прыжков).

Важно отметить, что при проведении исследования с использованием данного традиционного метода касание руками проводилось по бокам мяча, чтобы ограничить движение (колебание) подвешенного мяча в прямом направлении. А касание по мячу таким образом, во-первых, вынуждает производить замах руками в поперечной плоскости, что не характерно для специфики волейбола, во-вторых такой не адекватный замах может оказать негативное влияние на результат высоты и количество прыжков. Попытка применения этого метода с обеспечением неподвижности подвешенного набивного мяча путём установки подпорки с обратной стороны набивного мяча создала другие помехи, связанные со смещением мяча вправо или влево, если касание будет произведено на подобие блокирования. Поэтому становится очевидным, что исследование уровня и динамики развития прыжковой работоспособности у волейболистов с использованием разработанного нами СКУ, фиксируемые результаты могут быть гораздо объективными, информативными и достоверными.

При исследовании прыжковой выносливости с использованием СКУ результаты, выявленные как у игроков мужской, так и женской команды, характеризовались ярковыраженным различием их уровня количества прыжков в сторону уменьшения, что видимо, связано с высокой точностью и автоматической фиксацией числа производимых прыжков. Так, результаты исследования, проведенные с использованием данного метода, показали, что средняя величина объёма максимального количества прыжков у игроков мужской команды составила 35,4±3,12 раз, а у игроков женской команды она была несколько ниже и составила 28,3±2,89 раз. При этом ЧСС у волейболистов до начала теста была равна в среднем 69,6±3,07 уд./мин., а у волейболисток – 67,3±2,87 уд./мин. Сразу по окончании тестовой нагрузки ЧСС значительно возросла и составила соответственно157,8±5,39 уд./мин. и 151,7±5,03 уд./мин. Через 5 минут после тестирования ЧСС у волейболистов

восстановилась до 99,6±4,13 уд./мин., а у волейболисток – 97,5±4,02 уд./мин. Видно, что несмотря на небольшой объём данной тестовой нагрузки прыжковой направленности её пульсовые эффекты были значительными и потому, очевидно, восстановление ЧСС происходило относительно медленно.

Заключение. Исходя из сравнительного анализа результатов исследования прыжковой работоспособности у волейболистов и волейболисток высших разрядов с параллельным изучением ЧСС до и после выполнения тестовой нагрузки можно отметить приоритетность использования сенсорно-компьютерной установки для определения и оценки уровня развития этого качества при занятиях волейболом. Приоритетность данной методики заключается в оперативности её использования, автоматическом фиксировании результатов, радиосенсорной передачи и сохранения их в памяти компьютера, что обеспечивает объективность, информативность и достоверность изучаемых параметров прыжковой работоспособности.

Список литературы

1. Айрапетьянц Л.Р. Волейбол//Учебник для высших учебных заведений. Т.: Zar qalam. 2006. - 240 с.
2. Беляев А.В., Савин М.В. Волейбол. // Учебник для студентов вузов ФК. М.: ТВТ, 2009. – 368с.
3. Железняк Ю.Д. Волейбол: У истоков мастерства. Учебно-методическое пособие д/прочих видов обучения.ISBN 978-5-8183-0001-6,1998.- 323с.
4. Суханов А.В., Фомин Е. В., Булыкина Л.В. Прыгучесть и прыжковая подготовка волейболистов. Методическое пособие. № 10. - М., 2012, - 24с.

TALABALAR MA’NAVIY-AXLOQIY QIYOFASINI SHAKLLANTIRISHDA JISMONIY TARBIYA VA SPORTNING O‘RNI

Maqulov Shuxrat Zokirovich
Namangan muhandislik-qurilish instituti “Jismoniy madaniyat” kafedrasi mudiri

Annotatsiya: *Ushbu maqolada Jismoniy tarbiya va sportning talabalar ma’naviy-axloqiy qiyofasini shsakllantirishdagi o’rni haqida fikr-mulohazalar bildirilgan. Jismoniy tarbiya va sportning inson ruhiyati, ma’naviyati, axloqiga ta’siri tahlil qilingan.*

Kalit so’zlar: *Jismoniy tarbiya, sport, harakat, sog’lom turmush tarzi, ma’naviyat, estetik did*

РОЛЬ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ И СПОРТА В ПОДЧЕРКИВАНИИ ДУХОВНЫХ И НРАВСТВЕННЫХ КАЧЕСТВ СТУДЕНТОВ

Макулов Шухрат Зокирович
Заведующий кафедрой физической культуры Наманганского инженерно-строительного института

Аннотация: *В данной статье обсуждается роль физического воспитания и спорта в формировании морально-этического имиджа студентов. Анализируется влияние физического воспитания и спорта на человеческий дух, духовность и нравственность.*

Ключевые слова: *физическое воспитание, спорт, мотивация, здоровый образ жизни, духовность, эстетика.*

THE ROLE OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORT IN EMPHASIZING THE SPIRITUAL AND MORAL QUALITIES OF STUDENTS

Makulov SHuxrat Zokirovich
Head of the Department of Physical Culture of the Namangan Engineering –Construction Institute

Resume: *This article discusses the role of physical education and sports in shaping the moral and ethical image of students. The influence of physical education and sport on the human spirit, spirituality and morality is analyzed.*

Key words: *physical education, sport, motivation, healthy lifestyle, spirituality, aesthetics.*

Qadim zamonlardan insonlar sog‘lom turmush tarzining asosini jismoniy tarbiya bilan muntazam shug‘ullanish ekanligini anglab yetganlar. Umri davomida serharakat, g‘ayratli, shijoatli bo‘lgan kishilar uzoq umr ko‘rishganini, kasalliklar ularni yenga olmaganligiga guvoh bo‘lishgan. Shuning uchun, uzoq tarixdan boshlab bugungi kungacha jismoniy tarbiya va sport kishilar hayotining ajralmas qismiga aylangan.

Bugun mamlakatimizda ham jismoniy tarbiya va sportga har doimgidan ham katta e’tibor va imkoniyatlar berilmoqda. Jismoniy tarbiya va sportni aholining barcha qatlamlarida orasida ommalashtirishga harakat qilinmoqda va uning mustahkam qonunchilik bazasi shakllanmoqda.

“Jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi qonunida jismoniy tarbiyaga quyidagicha ta’rif beriladi: “**jismoniy tarbiya** — madaniyatning insonni jismoniy tarbiyalash, jismoniy rivojlanish va jismoniy tayyorgarlik orqali jismoniy hamda intellektual jihatdan kamol toptirish, uning qobiliyatini va harakat faolligini takomillashtirish, sog‘lom turmush tarzi ko‘nikmalarini shakllantirish, ijtimoiy moslashtirish maqsadida jamiyat tomonidan yaratiladigan hamda foydalaniladigan qadriyatlar, normalar va bilimlar yig‘indisidan iborat bo‘lgan qismi”[1]. Ushbu ta’rifdan kelib chiqib aytish mumkinki, jismoniy tarbiya va sport insonlarni ma’nan, ruhan, jismonan sog‘lom tarbiyalashga xizmat qiladi. Jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug‘ullanish natijasida insonda iroda toblanadi, kurashuvchanlik shakllanadi, o‘ziga bo‘lgan ishonch mustahkamlanadi. Bu sifatlari esa, jamiyatda o‘z o‘rnini topishga intilgan har qanday shaxs uchun asosiy sifatlardan hisoblanadi.

Jahondagi barcha ta’lim muassasalarida jismoniy tarbiya mashg‘ulotlari mavjud va u allaqachon ta’lim-tarbiyaning uzluksiz qismiga aylanib ulgurgan. “Jismoniy tarbiya va sport” fanining asosiy maqsadi talabalarda jismoniy takomillanish, chukur bilim va amaliy mohirliq sog‘lomliq psixomotor, professional yuqori sifatli harakatga olib keladigan epchillik va malakalar, sog‘lom turmush tarzini tashkil qilish uchun kerak bo‘lgan o‘quv, professional hamda maishiy hayot faoliyati sohasida paydo bo‘ladigan muammolarni echishga, o‘z bilimini orttirishga va jismoniy kamolotga etishga yo‘llanma beradigan bilimlar bilan qulrollantirishdan iborat.

Har qanday jamiyat azal-azaldan o‘zining axloq normalari va ularning talablari bilan biri-biridan ajralib turgan, ayrim holda keskin farqlangan. Bu talablar va normalardan jamiyatning mavkei, o‘rni, darajasini belgilash, baholashda foydalanilgan. Axloqiy tarbiya ularga jamiyat a’zolari rioya qilishidek zarur muammolarni hal qilishda

jismoniy mashqlar bilan shug‘ullanish mashg‘ulotlari, sport trenirovkalari, turli xil musobaqalar va ko‘ngil ochish tadbirlari axloq normalarini shakllanishi, tarbiyalanishida vosita rolini hozirgi kunda ham o‘ynab kelmoqda. O‘zaro munosabat, muloqot, umuminsoniy qadriyatlar, millati, xalqi, davlati, shoni-shuhrati uchun kayg‘urish hissiyoti jismoniy tarbiya jarayonida to‘g‘ridan-to‘g‘ri tarbiyalangan. Mamlakat sportchisining axloqi — bu, millat vakili, mavjud jamiyat kishisining axloqidir.

Sportchisining axloq normalari maxsus, alohida emas. Ular ham jamiyatning oddiy a’zosining axloqi normalaridan farq qilmaydi. Sport sayoz bilimli, mustaqil fikriga ega bo‘lmagan faqat sport bilan shug‘ullanadigan baquvat insonlarni emas, balki ma’nan boy, o‘z pozitsiyasi va mustaqil fikriga ega, teran tafakkur egalarini tarbiyalashi zarur. Jismoniy tarbiya va sport kirishuvchan, tashkilotchi, o‘zgalar dardini his qila oladigan, g‘amho‘r, fidoiy shaxslarni tarbiyalashi lozim.

Bugungi kunda jismoniy tarbiya va sport mashg‘ulotlarida talabalar axloqiy tarbiyasining asosiy xususiyatlari, uni jismoniy tarbiya jarayonini yo‘lga ko‘yilishi quyidagi yo‘nalishda va shaklda bo‘lishiga e’tibor qaratilmoqda:

1. Jamoatchilik burchiga ijtimoiy munosabatda bo‘lish, jamiyat ishini o‘z shaxsiy ishi bilan teng qo‘yish, jamiyat va davlat ishini darajasini pasaytirmaslik. O‘zining jismi tarbiyasiga ongli munosabatda bo‘lish, Vatan mudofaasiga doimo tayyorlik har bir jamiyat a’zosining umumiy burchiga aylangan bo‘lishligi sport hayotidagi maqsadni birligi va umumiyligi barcha uchun yagona qonuniy ahamiyatga ega bo‘lishligi, uni jamoa faoliyatida gavdalanishi, jamiyati jismoniy madaniyati tarixi, an’analari, millatining shoni uchun jamoaning kuchini umumlashtira bilishlik xususiyati. Mamlakat sportchisi xalqaro maydondagi g‘alabalarning xal qiluvchi omili ekanligi, o‘z xalki, Vatani oldidagi javobgarlik burchini his kilabilishlik xususiyati.

2. Jamoat mulkiga (sport inshoati, undagi jixoz va anjomlarga) ijtimoiy munosabatni shakllantirish. Sport maydonlarini jihozlash va qayta jihozlash ishida ishtirok etish.

3. Jamiyat a’zolarining axloq normalarini eng asosiy mehnatga ijtimoiy munosabatda bo‘lishlikdir. Jismoniy mashqlar bilan shug‘ullanish shug‘ullanuvchi mehnatda, ishlab chiqarish jarayonida har tomonlama garmonik rivojlanishini amalga oshirish imkoniyatini yuzaga keltiradi. Sportchini sport natijasiga erishishi mashaqqatli bo‘lib, chidamli mehnatni talab qiladi. U rekordlarnigina yangilash bilan mehnat jarayoni uchun iroda, intizom, mehnat qilishga odatni shakllantiradi, mehnatni qadrlashga o‘rganadi.

4. Jismoniy madaniyat jamiyat qonunchiligiga bo‘ysunishga o‘rgatadi. Gimnastika, o‘yinlar, sport, turizm va boshqa jismoniy mashqlar bilan shug‘ullanish tarbiyalanuvchilardan belgilangan qoidaga, tartibga qat’iyyan rioya kilish talabini qo‘yadi. Ularga bo‘ysunmaslik sportchini yoki tarbiyalanuvchini umumiy maksaddan uzoqlashtiradi. Sport faoliyati sportchi xayotini havf ostida koldirishi — masalan, to‘p uchun kurashayotganda o‘yinchilar bir-biri bilan to‘knashib ketdi. Kimdir aybdor. Ko‘pollikka javob qilgingiz keladi. Lekin sportchi axloq normalari, o‘zini qo‘lga olish va nizoli holatni tinch yo‘l bilan xal qilish uchun lozim bo‘lgan axloqiy normalar, talablarni ustun kelishi xususiyati.

5. Insonparvarlik, insonni hurmat qilish, kelajak uchun, tinchlik uchun kurashishga zamin, bir-birini qo‘llash, yordam berish, ayniksa, musobaqalar davomida o‘zaro o‘rtoqlik yordami o‘z raqiblariga nisbatan hkrmat ruhida turkiy xalqlarda o‘ta yuqori bo‘lganligi, mustahkam salomatlik va jisman tayyorgarlik jamiyat a’zosining axlok normalari, irodasi va boshqa xususiyatlarni tarbiyalash xususiyatlarini shakllantiradi.

Shu bilan birgalikda, jismoniy tarbiya va sport mashg‘ulotlarida tarli jamoviy o‘yinlarni birga bajarish davomida talabalarda guruh bilan ishlash, bir-birini tushunish malakasi shakllanadi. Talabalar o‘rtasidagi sog‘lom raqobat guruhdagi sog‘lom ijtimoiy-psixologik muxit shakllanishiga olib keladi.

Jismoniy tarbiya, badan tarbiya — sog‘liqni mustahkamlashga, odam organizmini uyg‘un ravishda rivojlantirishga qaratilgan umumiy tarbiyaning uzviy qismi. Jamiyatdagi jismoniy madaniyat ahvolini bildiruvchi ko‘rsatkichlardan biri. Jismoniy tarbiyaning asosiy vositalari: jismoniy mashg‘ulotlar, organizmni chiniqtirish, mehnat va turmush gigienasi. Jismoniy tarbiya aqliy, axloqiy, mehnat va estetik tarbiya bilan qo‘shib olib boriladi.[2]

Jismoniy tarbiya va sport talabalarning jismoniy rivojlantirish imkoniyatlari bilan birga, axloqiy-estetik xususiyatlarini shakllantirishda ham muxim omil bo‘lib xizmat qiladi. Jismoniy tarbiya va sport fani o‘smirlarning o‘z-o‘zini jismoniy takomillashtirishga bo‘lgan ehtiyojini qondirishi bilan birga, ularning estetik tarbiyasini shakllantirishda ham muxim ahamiyat kasb etadi.

Ta’lim-tarbiyaning boshqa shakllari kabi estetik tarbiya ham o‘z diqqat-e’tiborini yakka odamga va ijtimoiy guruhga qaratadi. Estetik tarbiya ham umuminsoniy va milliy qadriyatlarni qaror toptirishga xizmat qiladi. Ayonki, tarbiya inson ongiga, his-tuyg‘ulariga, tasavvuriga, e’tiqodiga, dunyoqarashiga, xatti-harakatlariga, xulq-atvoriga ta’sir o‘tkazishni o‘z oldiga maqsad va vazifa qilib qo‘yadi. Estetik tarbiya ham ana shu umumiy maqsad va vazifaning tarkibiy qismi sifatida amal kilib, tarixiy-ijtimoiy jihatdan ahamiyatga molik hodisani anglatadi. Shuni ta’kidlash joizki, qadimgi dunyoda umuman tarbiya maqsadi estetik asosda namoyon bo‘lgan. Masalan, kadimgi yunonlarda estetik tarbiya maqsadi fuqarolarning har tomonlama rivojlanishiga, «ruh va badan» hamohangligini qaror toptirishiga yo‘naltirgan edi. Aflotun va Arastu kabi zabardast mutafakkirlar ta’limotlarida estetik tarbiya tizimining bir-biridan farqli tomonlari bo‘lgani holda umumiylik ham mavjud bo‘lib, u yagona estetik orzuni qaror topgirishga, yagona axloqiy xulk-atvor va fukarolik xislat-fazilatlarini shakllantirishga xizmat qilgan edi. O‘rta asrlar Sharqi va Ovrupoda estetik tarbiya ilohiy kuch-qudrat manbai bo‘lgan Allohga e’tiqod qilish va «bu dunyo» ning o‘tkinchii arzimas ekanligini inson shaxsiga singdirishini o‘z oldiga maqsad qilib ko‘ygan edi. Estetik tarbiya g‘oyalarining ilohiy va dunyoviy mohiyatini kuchaytirishga intilish hozir ham o‘z ahamiyatini yo‘qotgan emas, zero estetik tarbiyada ilohiylik odamlar mehnati va maishiy hayoti bilan chambarchas bog‘lanib, ya’ni dunyoviylik bilan qo‘shilib ketgan edi. Muayyan jamiyatda ijtimoiy qarama-qarshiliklar zaiflashib, ijtimoiy tenglik va ijtimoiy adolat qaror topib borgani sari odamlarning estetik tarbiya olishlari uchun zarur bo‘lgan muayyan ijtimoiy-siyosiy va ma’naviy axloqiy shart-sharoitlar vujudga keladi, Moddiy-iqtisodiy va umumma’naviy imkoniyatlar kengayib, qashshoqlik va savodsizlik batamom tugatilsagina, jamiyat hayotida estetik tarbiya muhim omil bo‘lib xizmat qiladi.

Jismoniy tarbiya va sportning estetik mohiyati ham uzoq tarixga borib taqaladi. Kishilik tarixining dastlabki davrlarida jismoniy harakatlar yashash uchun kurash shaklida paydo bo‘lgan bo‘lsa, keyinchalik musobaqalari, turnirlar, o‘yinlar uni madaniyat va sport sifatida rivojlanishiga olib keldi. Kadimgi o‘yinlar asosida shakllangan sportning xozirgi zamon turlaridan kurash, boks, og‘irlikni ko‘tarish, nayzabozliq suzish, ot sporti, futbol va boshqalar yuz yillar davomida avloddan avlodga o‘tib, takomillashtirilmokda. Ularning har biri go‘zallik va mukammalliq harakat uyg‘unligi, sportning u yoki bu turining umumiy estetika namunasi, deb hisoblash mumkin. Keyinchalik asta - sekin sport asboblari: shar, koptoklar, tayoqlar va shu kabilar paydo bo’ldi. Sport inshoatlari, maxsus binolar qurildi. Ular tegishli jixozlar, anjomlar bilan jihozlandi. Turli sport turlariga bag‘ishlangan chempionatlar, turnirlar, musobaqalar sportning ajralmas qismiga aylandi.

E’tibor berib qaraydigan bo‘lsaq tashkil etiladigan har qanday sport musobaqalari, tadbirlar, olimpiada o‘yinlari, turnirlar sportning an’anaviy me’yorlari bilan birgalikda milliy unsurlar bilan boyitiladi. Maydonlar, sport zallari, musobaqa maydonlari milliy ruhda bezatiladi. Mana shu jihatlar ham kishining estetik zavqini oshiradi, estetik didning shakllanishi va rivojlanishiga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi.

Har davrda ham estetika sportda erishilgan yutuqlarni baholash mezonlaridan biri bo‘lib kelgan. Sportchining gavdasi jismonan baquvvat va o‘zaro mutanosibligi sport go‘zalligining asosiy belgisidir.

Sportchining epchilligi, chaqqonligi, sport anjomlari bilan oxista ishlashi, ular bilan birlashib ketishi, sport elementlari va mashqlarini yuqori texnika va mahorat bilan ijro etishi sportchining sportga bo‘lgan estetik munosabatini ifodalaydi.

Jismoniy komillik insonning jismoniy sifati va qobiliyati rivojlanishining eng yuksak darajasidir. Shaxsning gormonik rivojlanishining tavsiflaridan biri insonning jismoniy tarbiya jarayonida shakillangan tana go‘zalligi, nafis harakati va sirlari to‘g‘risidagi muayyan tushunchasidir. Biroq insonning ma’naviy boyligi hamda axloqiy pokligi, o‘z-o‘zini ijodiy namoyon etishi va ijtimoiy faolligi bilan uyg‘unlikda jismonan kamol topgan xolda go‘zaldir. Demak sport tabiiy go‘zalligi, birinchi galda tananing, ayniqsa uning simmetriyali va mutanosibligi bilan go‘zaldir.

Sportni badiiy tasvirlash, uning estetikasini tarannum etish qadimiy tsivilizatsiyalarning madaniy merosida ko‘p uchraydi. Qadimiy xaykaltaroshlik kulolchilik va mozaika asarlari namunalarida sport tarixi, qadimda turli mamlakatlarda mavjud bo’lgan sport musobaqalari haqidagi ilk tasvirlarni, ular orqali tarixiy tasavvurlarni beradi. Ayniqsa haykaltaroshlikka oid asarlarda sportning u yoki bu turiga xos bo‘lgan harakatlarning mohiyatini ifodalovchi ta’sirchan lahzalari mavjudki, ulardan estetik tarbiya materiali sifatida foydalanish muhim tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi.Ulardan o‘quvchilar go‘zallik ruhini anglab oladilar, zero psixologik lahza mazkur san’at asaridagi ajoyib harakatni tushunish uchun kalit vazifasini o’taydi, desak tug’ri bo’ladi.

Jismoniy tarbiya va sport talabalarning ma’naviy-axloqiy qiyofasini shakllantirish-da muxim omil bo’lib hizmat qiladi. Sport o’zining jozibadorligi bilan talabalarning estetik didini oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015 y., 36-son, 473-modda; 2016 y., 52-son, 597-modda; 2017 y., 24-son, 487-modda, Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 05.01.2018 y., 03/18/456/0512-son, 24.07.2018 y., 03/18/486/1559-son)
1. https://uz.wikipedia.org/wiki/Jismoniy_tarbiya
1. Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. - Toshkent: "O'zbekiston", 2017.
1. Mirziyoev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. - T., O'zbekiston, 2017.
1. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasi. 2017 yil, 7 fevral.
1. O'zbekiston Respublikasi "Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida" gi qonun. 2015 yil. 04. 09.
1. O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim muassasalarida jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish kontseptsiyasi. OO'MTV kollegiyasining 1999-yil martdagi qarori.
1. Ayrapetyants L.R. Voleybol. O'quv qo'llanma. T.: 2006.
1. Akramov J.A. Gandbol. T.: 2008.Latipov R.I. va boshkalar. Jismoniy tarbiya fanidan uslubiy qo'llanma (bakalavr ta'lim yo'nalishi uchun). T.: TDPU. 2008.
1. Normurodov A.N. Yengil atletika. O'quv-uslubiy qo'llanma. T.: 2002.
1. Normurodov A.N. Jismoniy tarbiya. O'quv qo'llanma. T.: 2011.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Санаева Сурайё Бобоназаровна
Навоий давлат педагогика институти "Мактабгача таълим" кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада мактабгача таълим муассасаси ўқув машғулотларини ташкил этиш тамойиллари, мактабгача таълим муассасаларида болаларни жисмоний, ақлий, ижтимоий ҳиссий жиҳатдан камол топтириш ва уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, болаларни эркин фикрлаш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш, аҳлоқий ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб мактаб таълимига тайёрлаш – мактабгача таълим муассасаси педагогларининг маҳорати, билими ва тажрибасига боғлиқ эканлиги илмий асосда ёритилган. Шунингдек мақолада мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда инновацион технологиялардан фойдаланиб ўқув жараёнини ташкил этиш масалалари билан бир қаторда таълимни ташкил этиш тамойиллари тўғрисида ҳам бир қатор фикрлар баён этилган.*

Таянч сўз ва иборалар: *мактабгача таълим, болалар, жисмоний, ақлий, ижтимоий, ҳиссий, камол топтириш, болаларни эркин фикрлаш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш, аҳлоқий, маънавий, баркамол, мактаб таълими, педагог, педагогик маҳорат, билим, тажриба, тамойил, технология, лойиҳа*

ФОРМИРОВАНИЕ ПРИНЦИПЫ ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЕ УЧРЕЖДЕНИЕ

Санаева Сурайе Бобоназаровна
Старший преподаватель кафедры «Дошкольное образование» Навоийского государственного педагогического института

Аннотация: *В статье рассматриваются принципы организации дошкольных образовательных учреждений, физического, психического, эмоционального развития детей в дошкольных учреждениях, охраны здоровья детей, развития навыков творческого мышления, нравственного и духовного развития дошкольного образования - дошкольного образовательного учреждения. базируется на научных знаниях, умениях и опыте педагогов. В статье также рассматриваются вопросы организации учебного процесса с использованием инновационных технологий с учетом возрастных и психологических особенностей детей дошкольного возраста, а также принципов организации обучения.*

Ключевые слова: *и фразы: дошкольное образование, физическое, психическое, социальное, эмоциональное, эмоциональное, свободное мышление детей, творческие способности, нравственные, духовные, понимание, обучение, педагогика, педагогические навыки, знания, опыт, принцип, технология, проект*

PRESCHOOL EDUCATION INSTRUCTIONS PRINCIPLES AND INNOVATIVE TECHNOLOGIES OF EDUCATIONAL PROCESSING

Sanaeva Surayyo Bobonazarovna
Senior teacher of "Pre-school education" Navoi State Pedagogical Institute

Annotation*:The article discusses the principles of the organization of preschool educational institutions, the physical, mental, emotional development of children in preschool institutions, child health, the development of creative thinking skills, moral and spiritual development of preschool education - preschool educational institution. based on scientific knowledge, skills and experience of teachers. The article also deals with the organization of the educational process using innovative technologies, taking into account the age and psychological characteristics of children of preschool age, as well as the principles of the organization of education.*

Key words*: and phrases: preschool education, physical, mental, social, emotional, emotional, free thinking of children, creative abilities, moral, spiritual, understanding, learning, pedagogy, pedagogical skills, knowledge, experience, principle, technology. Project*

Республикада мактабгача таълим - тарбия жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни миллий руҳ билан суғориш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда янгиларини яратиш ва амалиётда қўллаш борасида олиб борилаётган ишларга бевосита боғлиқ. Бу йўналиш кенг қамровли бўлиб, мазмунан такомиллашиб бормоқда.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган таълим соҳасидаги сиёсатнинг асосий мақсади комил инсонни шакллантиришга йўналтирилган экан, уни амалга ошириш жараёни кўплаб инновацияларни киритишни талаб этилади. Шу маънода

мамлакатимизда мактабгача таълим йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар босқичма-босқич, изчил ва тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни жисмоний, ақлий, ижтимоий ҳиссий жиҳатдан камол топтириш ва уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, болаларни эркин фикрлаш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш, аҳлоқий ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб мактаб таълимига тайёрлаш – мактабгача таълим муассасаси педагогларининг маҳорати, билими ва тажрибасига боғлиқ. Бунинг учун ҳар бир педагог ходим тинимсиз изланиши ва ўрганиши лозим.

Шунингдек, муассасада таълим-тарбия жараёнини режалаштириш тарбиячидан тегишли тайёргарликни талаб этадиган анча мураккаб ишдир, тарбиячи болаларнинг психологик-физиологик ривожланиш даражасини, “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари”ни, ҳамда у асосида яратилган “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастурини яхши билиши керак.

Педагогик ва психологик адабиётлар таҳлил ва тажриба кузатувларимиз шуни кўрсатадики, мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг асосий фаолият тури ўйин ҳисобланади. Мактабгача таълим муассасаларида ўқув машғулотларини янги педагогик ўйинли технологияларни қўллаш таълимнинг бутун жараёнини аниқ режа асосида ташкил қилиш ҳамда ўқув жараёнини мақсадга кўра индивидуаллаштиришни назарда тутади.

Педагогик технологиянинг асосий мақсади ўқув жараёнини фаоллаштириш, таҳсил олувчилар томонидан ўқув материалини ўзлаштиришнинг юқори даражасига эришиш ва таҳсил олувчиларни мустақил фикрлашга ҳамда ўз фикрини баён этишга ўргатишдан иборат.

Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимни ривожлантирувчи янги тамойилларга асосланган бўлиб, билим олувчи шахсини шакллантиришга йўналтирилмоғи керак. Ўйинли технологиялар асосида ўқув машғулотларини ташкил этиш таълим жараёнининг раҳбари ҳамда шу жараённинг субъекти-ю объекти бўлган тарбиячи ва таҳсил олувчи туради. Шундай экан, тарбиячи ва бола ўртасидаги педагогик ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир-бирига кўрсатадиган таъсири энг замонавий ва миллий талаблар асосида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун таълим жараёни, тарбиячи, таълим тарбия - жараёни олдига қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари ҳамда йўллари мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик қилиш, билим, кўнима ва малакаларини шакллантиришга йўналтириш, боланинг ёш хусусиятларига қараб шахсий фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотга киришиш, муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, гуруҳда ижодий, ишчанлик муҳитини вужудга келтириш, таҳсил олувчи фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш методлари билан қуролланган бўлиши лозим.

Ҳаммуаллифлар томонидан яратилган методологик аспектда педагогик технология умумий дидактик тамойилларга эга бўлиши билан бирга, қуйидаги айнан ўзигагина хос бўлган тамойилларга ҳам эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Биз


эса мазкур тамойилларни мактабгача таълим муассасалари фаолиятини келиб чиқиб қуйидагича такомиллаштишга муваффақ бўлдик:

Бир бутунлик, яхлитлик тамойили**.** Ушбу тамойил икки жиҳатни ўзида акс эттиради:

- таълим, тарбия ҳамда шахс камолоти (тараққиёти) бирлиги;

-педагогик технологиянинг муайян, қатъий тизимга эгалиги, «тизимлилик» тушунчаси бу ўринда ҳам маълум ўқув машғулотларини ўқитиш жараёнига, ҳам умумий таълим жараёнига хосликни англатади.

1-расм. Педагогик технология тамойиллари



- асослилик (фундаментлик) тамойили. Мазкур тамойил ўқув машғулотларини ўрганиш объекти, ички моҳияти ва хусусиятларига кўра турли йўналиш (машғулот турлари) ларга бўлиб ўрганиш афзалликларини ифода этади. Бу йўналишлар жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши; - ижтимоий-ҳиссий ривожланиш; - нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари; - билиш жараёнининг ривожланиши; - маданиятни англаш (маданий ҳаётнинг ривожланишига мувофиқлик) тамойили.

Мазкур тамойил олмон педагоги А.Дистервег томонидан XIX асрда истеъмолга киритилган бўлиб, бугунги кунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маданиятни англаш тамойили таҳсил олувчиларга ижтимоий жамиятнинг маданий тараққиёти даражасидан келиб чиқиб таълим берилишини назарда тутади. Ўтган асрда таълим самарадорлигини таъминловчи етакчи омил сифатида педагогнинг билим даражаси ва маҳорати эътироф этилган бўлса, бугунги кунда ўқитувчининг билими, салоҳияти ҳамда маҳоратининг юқори даражада бўлиши билангина муваффақиятларни қўлга киритиб бўлмаслиги барчага аён. Мазкур ўринда замонавий фан ва техника имкониятлари, хусусан, компьютер, мультимедиа воситалари, шунингдек, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг эътиборга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда биз мутахассисларни «соҳа (ёки йўналиш)ларнинг ўзига хос жиҳатлари, бу борадаги назарий ва амалий билимларни чуқур билишлари, муайян фаолиятларни бажара олишлари, белгиланган муддатда аниқ вазифаларни ҳал этишга улгуришлари ҳамда маълум ютуқларга эриша олишлари»

ғояси етакчи ўрин тутувчи бозор муносабатлари шароитига тайёрлай олишимиз лозим [3].

- таълим мазмунини инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш тамойили. Тилга олинган ҳар икки тушунча ҳам луғавий жиҳатдан (юнонча humanus - инсонийлик, humanitas -инсоният), бир ўзакка эга бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос маъноларни ифодалайди. Инсонпарварлаштириш - бу инсон ва жамият ўртасида юзага келувчи муносабатлар жараёнида инсон омили, унинг қадр - қиммати, шаъни, ор - номуси, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурматлашга асосланувчи фаолиятни ташкил этиш жараёни.

Юқоридаги тамойилларга таянган ҳолда МТМда таълим жараёнини ташкил қилиш тамойиллари қуйидагилардан иборат: - бола ҳуқуқлари, ўзига хос ривожланиш хусусиятлари ва салоҳиятларини ҳисобга олиш; - таълим жараёнида барча турдаги ривожланиш соҳаларининг ўзаро боғлиқлиги; - бола саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, унинг эҳтиёжлари, шу жумладан, унинг ҳаракатланиш эҳтиёжларини қондириш; - боланинг ижодий қобилиятларини қўллаб-қувватлаш; - ўйин орқали таълим бериш ва ривожлантириш; - боланинг ривожланиши ва ижтимоий мослашиши учун қулай муҳит яратиш; - бола учун хавфсиз муҳитни таъминлаш; - МТМнинг оила, маҳалла ва мактаб билан ҳамкорлиги; - миллий маданий анъаналар қадриятини ошириш ва бошқа миллатлар маданиятига ҳурмат, бошқа миллатлар маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш; [2]

Биламизки, боланинг мактабгача таълим муассасасидаги ривожланишини қўллаб - қувватлаш жамоавий иш ҳисобланади ва унинг амалга оширилиши учун мактабгача таълим муассасаси раҳбари жавобгар бўлади. Мактабгача таълим муассасаларида ўқув тарбиявий жараённи режалаштириш таълим шароитларига боғлиқ ҳолда интеграция, хилма-хиллик ва мослашувчанлик тамойилларидан таркиб топади.

Ўқув-тарбиявий жараёнда қуйидаги режалаштириш турлари қўлланилади: йиллик мавзувий; ҳафталик

Режалаштиришда таълим жараёнининг мавзуси, мақсадлари, мазмуни ва турлари ёритилади. Жараён турларини танлашда нафақат ўқув - тарбиявий жараённинг умумий мақсадлари, балки ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар, фаолият мазмуни ва турларини интеграциялаш ҳам ҳисобга олинади.

Режалаштиришда кун тартибини ҳисобга олиш зарур. Кун тартиби иш суръатини белгилайди ва болага бир фаолиятдан бошқасига осон ўтишда ёрдам бериши лозим. Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, ўйин мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолияти ҳисобланади. Кун тартибини тузишда кундузги уйқу, дам олиш вақти ва сайрга чиқиш вақти ҳисобга олинади.

Ўқув жараёнини лойиҳалаштиришда ҳар бир тарбиячи таҳсил олувчилар фаолиятини авторитар (якка ҳокимлик) тарзида бошқармай, балки таълимий ҳамкорлик ғояларига содиқлик асосида таълим жараёнини инсонийлаштиради ёки бошқача айтсак, таълимни инсонийлаштириш тамойилига амал қилинишини таъминлайди. Ушбу ҳолат ўз навбатида юксак маънавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади. [1]

Таълимни «технологик» йўналишда қуришнинг умумий мезони унинг аниқ ва пухта ўйланган мақсадга йўналтирилганлигидадир. Мазкур ҳолатда асосий (умумий) ҳамда жузъий мақсадларни амалга ошириш учун муайян қонуният, жараён, тизим ва унга мос амаллар мажмуи мавжуд бўлиши тақозо этилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўйинли технологияларнинг турларини танлаш шаклланаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган машғулот шакли ва қўлланилаётган методлар ҳамда методик усулларнинг хусусиятига боғлиқ. Масалан, таҳсил олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий ёндашиш кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қаторда уларни ривожлантириш учун машғулотнинг анъанавий шакллари (уйғунлаштирилган дарслар) билан биргаликда ишчан ўйин машғулотлари, интеграллаштирилган (икки компонентли) машғулотлардан фойдаланиш лозим. Мазкур вазиятда таълим методлари таълим мақсади билан мутаносиб (адекват) бўлиши керак. Чунончи, билимларни турли вазиятларда қўллашга йўналтирилган топшириқлар, янги шароитда фаолият кўрсатишга ундовчи топшириқларни бажариш, ўзлаштирилган билимлар асосида схемалар тузиш, уларни таснифлаш, қиёслаш, изчил тизимга солиш, умумлаштириш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Педагогик технология: муаммо ва истиқболлар (замоновий педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари). Муаллифлар гуруҳи. / Т.:ОЎМКҲТРМ, 300 бет

2. Ғозиев Э., Муроталиева Н. Педагогика фаолиятда шахсиятга йўналганлик.- Ж.: Халқ таълими, 2-сон, 2001. 86-90 б.

3.Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2016, 279 б.

АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИГА АСОСЛАНГАН ЯГОНА ГРАФИКАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Таджибаев Азизбек Батирович
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ таянч докторанти (PhD)

Аннотация. *Мақолада, умумий ўрта таълим мактабларида аниқ ва табиий фанлар узвийлиги ва интеграциясига асосланган ягона графикавий тартибни таъминлашнинг педагогик механизмлари тўғрисида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: *аниқ ва табиий фанлар, фанлараро алоқа, интеграция, педагогик механизм, сифат, самарадорлик, ошириш, чизмачилик, ягона графикавий технология.*

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ВНЕДРЕНИЯ НА ПРАКТИКУ ЕДИНОЙ СИСТЕМЫ ГРАФИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАЦИИ ТОЧНЫХ И ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК

Таджибаев Азизбек Батирович
докторант (PhD) УзНИИПН имени Т.Н.Кари Ниязова

Аннотация. *В статье речь идёт педагогических механизмов обеспечения единого графического режима на основе интеграции и преемственности точных и естественных наук общеобразовательных школ.*

Ключевые слова: *точные и естественные предметы, предметная взаимосвязь, интеграция, педагогический механизм, качество, эффективность, повышение, черчение, единая графическая технология.*

PEDAGOGICAL MECHANISMS FOR PUTTING INTO PRACTICE A UNIFIED SYSTEM OF GRAPHIC EDUCATION BASED ON THE INTEGRATION OF EXACT AND NATURAL SCIENCES

Tadjibaev Azizbek Batirovich
Doctoral student (PhD), Uzbek Research
Institute of Pedagogical Sciences n.a. T.N.Kary Niyazi

Annotation. *The article deals with the pedagogical mechanisms for ensuring a single graphic regime based on the integration and continuity of the exact and natural sciences of secondary schools.*

Key words: *accurate and natural subjects, subject interrelation, integration, pedagogical mechanism, quality, efficiency, enhancement, drawing, common graphic technology.*

Таълим тизимида, хусусан, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиб самарали натижаларга эришиб келинмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда мактабларда ягона графикавий тартибни таъминлаш технологияси орқали аниқ ва табиий фанлар ўқитувчиларида бошланғич график тушунчаларни, ўқувчиларда эса чизмачиликдаги билимларини янада ривожлантиришга замин яратилади.

Педагогика тарихидан маълумки, умумтаълим мактабларида фанлар интеграцияси педагогик жараённинг дидактик принциплар асосида такомиллаштирилишида муҳим аҳамият касб этади. Мактабларда ўтказилган таҳлиллардан аён бўлдики, ижтимоий туркумдаги фанларга нисбатан аниқ ва табиий фанларда интеграциялашув учун қулай таълимий муҳит яратиш имкониятлари нисбатан кўпроқ бўлиб, уларда устувор тарзда чизмачиликка оид график тасвирлардан кўп фойдаланилади. Жумладан, чизмачиликнинг турли элементлари математика (турли графиклар, диаграммалар ва б.), физика (схемалар, чизмалар), география (карталар, топографик шартлиликлар), тарих (тарихий карталар), шунингдек, биология, кимё каби фанларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган дидактик-иллюстратив материаллар чизмачиликка оид элементлар, шубҳасиз, ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим предметлари асосларини ўзлаштириш даражасини оширишнинг самарали

технологик воситасидир. Аниқ ва табиий фанлар ўқитувчилари ушбу график тасвирларни амалда бажаришда чизмачиликдаги давлат стандарти қоидаларига амал қилишларини таъминласалар, шубҳасиз, ўқувчиларда график саводхонлик ошади. Бу борада чизмачилик ўқитувчиси мактаб раҳбарияти билан келишган ҳолда чизмачиликдаги содда мавзулар асосида махсус курс дастури ишлаб чиқиб, аниқ ва табиий фанлар ўқитувчиларининг бошланғич график саводхонлигини шакллантириш мақсадида семинарлар олиб бориши ҳамда уни амалиётга жорий этишнинг педагогик механизмини ишлаб чиқиши талаб этилади.

Педагогик тадқиқотларда турли фанлар интеграцияси масалалари тадқиқ этилган. Жумладан, А.В.Фурман ўз тадқиқотида, технология (меҳнат таълими) ва чизмачилик фанларини алоқадорликда интегратив тарзда ўқитиш орқали мактаб ўқувчиларининг график тайёргарлиги ва саводхонлигини оширишнинг самарали йўлларидан бири эканлигини таъкидлайди. 4–8-синф ўқувчилари технология дарсларида ясайдиган буюмларини, аввало эскизини бажарадилар. Ушбу жараёнда ўқувчилар график саводхонлик принципига амал қилсалар мақсадга мувофиқ бўлади [1].

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, ўқув фанлариаро алоқадорлик муаммоси етарли даражада мукаммал ишлаб чиқилмаганлигини таъкидлаб, П.Г.Кулагин ўқув фанлариаро алоқадорликнинг ҳар томонлама маълум даражадаги аниқ таснифи берилмаганлигини эътироф этиб, фанлараро алоқадорлик тушунчасини у қуйидагича таърифлайди: “... ўқув-тарбиявий жараёнга татбиқ этилиши лозим бўлган мақсад ва вазифанинг бирлиги, ўқув предметларининг сермазмун элементлари, билимнинг мукаммаллиги ва тизимлилигини умумлаштириб, инсоний фазилатларга эга баркамол шахсни шакллантиради”. Шу билан бир қаторда “... мактабда ягона ўқув жараёнида таълим-тарбиянинг умумий мақсадларига эришиш мумкин эмас, балки ҳар томонлама баркамол шахсни замон талаблари асосида шакллантириш фақатгина барча ўқув предметларини ўзаро алоқадорликда ўрганиш натижасидагина амалга оширилади” [2;112-113-б].

Юқорида таъкидлаб ўтилган омилларни эътиборга олган ҳолда аниқ ва табиий фанларни ўқитишда фанлар ўқитувчиларини график материаллардан фойдаланишга оид билимларини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган 8 соатлик махсус дастур асосида график билимларини шакллантиришнинг педагогик механизмлари республикамизнинг бир қатор умумтаълим мактабларида самарали синовдан ўтказилди. Экспериментал тарзда график таълимга оид тестлар, бошқотирма кроссвордлар ва замонавий дастурлар ёрдамида калитли тестлар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилганлиги илгари сурилган таълимий технологияни самарали эканлигини тасдиқлади, қайсики, аниқ ва табиий фанлар ўқитувчиларининг ўз педагогик фаолиятида график материаллардан фойдаланишлари натижасида ўқувчиларнинг нафақат график саводхонлик даражаси, балки аниқ ва табиий фанларни ўзлаштириш сифатига ҳам ижобий таъсир ўтказди.

Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш жараёнида график таълим самарадорлигини оширишнинг педагогик механизмлари, биринчи навбатда дидактик вазифаларни бажаришга йўналтирилади. Улар муайян фан хусусиятига кўра ҳам хусусий, ҳам умумий бўлса-да, асосан, фанлараро интеграция қонуниятлари асосида

шакллантирилади. График таълим самарадорлигини оширишнинг педагогик механизмларини шакллантиришда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

-аниқ ва табиий фанларни ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши, билиш фаолиятини такомиллашишида уларнинг график билимларга таяниши;

-аниқ ва табиий фанларни чизмачилик фани билан алоқадорлигини таъминлаш орқали умумий ўрта таълим тизимида истиқболли ижодкор баркамол шахсни тарбиялаш;

-ўқув фанлариаро алоқадорликни таъминлаш асосида ўқувчиларда дунёқарашни ўстириш, тасаввур қилиш кўникмаларини ривожлантириш, техник ижодкорликни шакллантириш;

-ўқувчиларда график компетенцияларни мустаҳкамлаш, аниқ ва табиий фанлар ўқитувчиларида бошланғич график билимларни шакллантириш;

-умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчи ва ўқитувчиларнинг график билимларини шаклланганлигини таҳлил ва баҳолаш мезонлари асосида аниқлаш.

Натижада мактаблар амалиётида ягона графикавий тартибни таъминлашга ҳамда умумий ўрта таълим тизимида график таълим самарадорлигини оширишга эришилади. 1-расмда график таълим самарадорлигини оширишнинг педагогик механизми структураси берилган.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, ҳар қандай жараён унинг натижасига кўра бошқарилади, яъни аниқ ишлаб чиқилган мезонлар асосида аниқланган натижалар жараённинг истиқболини белгилаб беради. Шу мақсадда аниқ ва табиий фанлар ўқитувчиларини график билимларини аниқлаш учун қуйидаги мезонлар ишлаб чиқилди:

-мавжуд график тасвирни чизмачиликдаги бошланғич билимларга мос равишда қоғозга тўғри жойлаштириш;

-мавзуга оид график тасвирни бажаришда чизиқ турларига эътибор бериш;

-имкон даражасида тасвирга тегишли сарлавҳаларни 75^0 қияликдаги стандарт шрифтларда ёзиш;


-тасвирларни бажаришда масштабга амал қилиш;

-кўринишларга доир чизмалар тўғри келиб қолса, асосий, устдан кўриниш, ёндан кўринишларни ўз жойида тасвирлашни таъминлаш;

-тасвирланаётган буюмларни техник расмларини бажаришда аксонометрик қоидаларга (X,Y,Z ўқларини йўналиши ва улар орасидаги муносабатлар) амал қилиш.

Юқоридаги мезон талабларини барчасини бажарган аниқ ва табиий фанлар ўқитувчиларини график саводхонлик даражаси мавжуд ўқитувчилар қаторига киритамиз.

Аниқ ва табиий фанлар ўқитувчилари чизмачилик ўқитувчисидан график таълимга оид тушунчаларни ўрганганларидан сўнг, ушбу билимларни ўз дарс машғулотларига татбиқ этишлари натижасида ўқувчиларда чизмачилик фанига нисбатан мотивация даражаси ошди.



1-расм. График таълим самарадорлигини оширишнинг педагогик механизми структураси

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, аниқ ва табиий фанлар узвийлиги ва интеграциясига асосланган ягона графикавий тизимни амалиётга жорий этишнинг педагогик механизмларидан бири ҳисобланиб, умумтаълим мактабларида чизмачилик ўқитиш методикасини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, аниқ ва табиий фан дарсларида чизмачиликда ўтилган қонун-қоидалардан интегратив тарзда фойдаланиш бир фан негизида ўзлаштирилган билимни иккинчи бир фан доирасида осон ва пухта ўзлаштириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Фурман А.В. Повышение эффективности графической подготовки школьников (на материале предметов черчения и трудового обучения 4-8 классов): Дисс…канд.пед.наук. – Киев. 1984. – 210 с.

1.Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (Ижтимоий-гуманитар йўналишдаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида). / Пед.фан.док...дисс.-Тошкент: ТДПУ, 2006.- 264 б.

MUAMMOLI VAZIYATLARDAN FOYDALANIB, O'QUVCHILARNI MASALA TUZISHGA O'RGATISH

Asimov Alijon
Farg'ona davlat universiteti, fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent
Mamasaidova Muhabbat Abdusalom qizi Farg'ona davlat universiteti, o'qituvchi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada boshlang'ich sinf matematikasida muammoli vaziyatlardan foydalanib masala tuzish usullari yoritilgan.*

Kalit so'zlar: *muammoli ta'lim, muammoli vaziyat, masala, masaladan masala hosil qilish, sonli ifoda.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРОБЛЕМ И ПОДГОТОВКА СТУДЕНТОВ К ПРОБЛЕМЕ

Асимов Алижон
Ферганский государственный университет
кандитат физико-математических наук, доцент
Мамасаидова Муҳаббат Абдусалом қизи Ферганский государственный университет, учитель

Аннотация: *В данной статье раскрываются методы решения задач по математике используя проблемные ситуации в начальных классах.*

Ключевые слова*: проблемное обучение, проблемные ситуации, задача составление задачи, цифровое выражение.*

USING PROBLEMS AND TRAINING STUDENTS TO PROBLEM

Asimov Alijon
Ferghana State University, PhD in physics-mathematics
Mamasaidova Muhabbat Abdusalom qizi Ferghana State University, teacher

Annotation: *The problematic situation in mathematics at primary school this article the problem of using the method of drafting illuminated.*

Keywords: *problematic education, problematic situation, expression number.*

Jamiyatning, axborot muhitining va mehnat bozoridagi holatning jadal rivojlanish natijasida reproduktiv ta'lim tizimi davr talabiga javob bermay qoldi. Bu esa matematikaning o'qitishning yangicha yondoshvini ishlab chiqilishini talab qilmoqda. Faqat bilim olishga yo'naltirilgan ta'lim o'tgan zamonda qolmoqda. Barchamizga ma'lumki,matematika fani insonning aqlini o'stiradi, uning diqqatini rivojlantiradi, ko'zlangan(rivojlantirilgan) maqsadga erishish uchun o'zida qat'iyat va irodani tarbiyalaydi,o'zidagi algoritimik tarzdagi tartib-intizomlilikni ta'minlaydi va eng muhimi uning tafakkuri kengayadi.

Bugungi kunda iqtisodiy rivojlangan davlatlarda kompetensaviy yondashuv ta'lim mazmunini modernizatsiya qilib, yangicha o'qitish yo'nalishlaridan biriga aylangan. Bu davlatlardagi umumiy ta'limning yangicha mazmunining asosini o'quvchilarning tayanch kompetensiyalarini hosil qilish va rivojlantirish tashkil etadi.

"Matematik kompetensiya" tushunchasiga quyidagicha ta'rif berish mumkin: bu-vaziyatni strukturalsh, matematik bog'lanishlarni aniqlash , jarayonlarni matematik modellarini tuzish, ularni tahlil qilish va ko'rinishlarini o'zgartirish, olingan natijalar bo'yicha tegishli asoslangan va maqbul xulosalar chiqarish orqali ijtimoiy va kasbiy faoliyatga tayyor bo'lish.

Iqtisodiy rivojlangan davlatlar tajribasi va yuqoridagi fikrlarni hisobga olgan holda, to'g'ri mantiqiy mushohada yuritishga, kundalik hayotimizdagi duch kelinadigan ehtimolliy-statistik xarakterga ega masalalarni yechishga, jumladan turli ko'rinishda berilgan ma'lumotlarni tahlil qilish usullariga, xavflarni aniqlash va baholashga imkon beruvchi "Ma'lumotlar va imkoniyatlar" nomli bo'lim A1 va A darajalariga propedevtik tarzda kiritilishini lozim deb topdik.

Masalaga muammo sifadida yondashish usuli(Poyya tizimi, Singapur): Muammoli vaziyatni tahlil qilish → Muammo qo'yilishi→Yetmaydigan ma'lumotlarni izlash va gipotezalarni (ilmiy tahminlarni) shakllantirish→Gipotezalarni tekshirish va muammoli vaziyatga oid yangi bilimlarga ega bo'lish→Muammoni masalaga aylantirish→Masala yechilishining usulini izlash→Yechish jarayoni →Olingan natijalarni tekshirish →Yechimni to'g'riligini asoslash.

Dastlab masalaga muammo sifatida yondoshishda muammoli vaziyatlar yordamida masaladan yangi masala hosil qilish usulini o'rgatish maqsadga muofiq.

Ushbu maqolada muammoli vaziyatlar yordamida matnli va matematik modeli yordamida masala tuzish usullarini ko'rib chiqilgan.

Masala: Abduqodir bilan opasi bozordan tuzlash uchun ikki xil bodring olishdi. Birinchi xil bodringning har 3 kilogrammi uchun 400 so`mdan, ikkinchi xil bodringning har 2 kilogrammi uchun 245 so`mdan pul to`lanadigan bo`ldi. Birinchi xil bodringdan 18 kg, ikkinchi xilidan 20 kg olingan bo`lsa, xarid uchun qancha pul to`lash kerak?

Bu masalani yechish jarayoni quyidagicha:

Yechish: a) birinchi xil bodring necha so`m?

18:3=6 kg;

6×400=2400 so`m;

b) ikkinchi xil bodring necha so`m?

20:2=10 kg;

10×245=2450 so`m;

c) jami qancha?

2400+2450=4850 so`m;

Javob: 4850 so'm

Masalani sonli ifodasi: (18:3)·400+(20:2)·245=4850

Masalani o'quvchilar bilan birgalikda yechilgandan so'ng, ularga quyidagicha muammoli vaziyat taqdim etiladi.

Yuqoridagi sonli ifoda

(x:3)×400+(20:2)×245=4850

ko'rinishida bo'lsa, masalani matni qanday ko'rinishida bo'ladi?

a) Abduqodir bilan opasi bozordan tuzlash uchun 4850 so'mga ikki xil bodiring olishdi. Birinchi xil bodringning har 3 kilogrammi uchun 400 so`mdan, ikkinchi xil bodringning har 2 kilogrammi uchun 245 so`mdan pul to`lanadigan bo`ldi. Agar ikkinchi xil bodiringdan 20 kg olingan bo`lsa, ikkinchi xil bodiringdan necha kg xarid qilingan.

Yechish: a) ikkinchi xil bodiring necha so`m?

20:2=10 kg;

10×245=2450 so`m;

b) birinchi xil bodiring jami necha so'm?

4850-2450=2400 so'm

c) birinchi xil bodiring necha kg?

2400:400=6 kg

6×3=18 kg

Javob: 18 kg

Agar sonli ifoda (18:3)·400+(x:2)·245=4850 ko'rinishida bo'lsa, masala matni quyidagicha bo'ladi.

b) Abduqodir bilan opasi bozordan tuzlash uchun 4850 so'mga ikki xil bodiring olishdi. Birinchi xil bodringning har 3 kilogrammi uchun 400 so`mdan, ikkinchi xil bodringning har 2 kilogrammi uchun 245 so`mdan pul to`lanadigan bo`ldi. Agar birinchi xil bodringdan 18 kg xarid qilingan bo'lsa, ikkinchi xil bodiringdan necha kg xarid qilingan?

Yechish: a) ikkinchi xil bodiring jami necha so'm?

4850-2400=2450 so'm

b) ikkinchi xil bodiring necha kg?

2450:245=10 kg

10×2=20 kg

Javob:20 kg

Agar sonli ifoda (18:3)·400+(20:2)·x=4850 ko'rinishida bo'lsa, masala matni quyidagicha bo'ladi.

d) Abduqodir bilan opasi bozordan tuzlash uchun ikki xil bodiring olishdi. Birinchi xil bodiringdan 18 kg, ikkinchi xil bodiringdan 20 kg. Birinchi xil bodirinning har 3

kilogrammi uchun 400 so`mdan to'landi. Jami xarid 4850 so'm bo'lgan bo'lsa, ikkinchi xil bodirinning har 2 kilogrammi uchun necha so'mdan to'langan?

Yechish: a) birinchi xil bodiringga jami necha so'm?

18:3=6 kg

6×400=2400 so'm

b) ikkinchi xil bodiring necha so'm?

4850-2400=2450 so'm

20:2=10 kg

2450:10=245 so'm

Javob:245 so'mdan

Agar sonli ifoda (18:3)·x+(20:2)·245=4850 ko'rinishida bo'lsa, masala matni quyidagicha bo'ladi.

e) Abduqodir bilan opasi bozordan tuzlash uchun ikki xil bodiring olishdi. Birinchi xil bodiringdan 18 kg, ikkinchi xil bodiringdan 20 kg. Ikkinchi xil bodirinning har 2 kilogrammi uchun 245 so'mdan to'landi. Jami xarid 4850 so'm bo'lgan bo'lsa, birinchi xil bodirinning har 3 kilogrammi uchun necha so'mdan to'langan?

a) ikkinchi xil bodiringga jami necha so'm?

20:2=10 kg

10×245=2450 so'm

b) birinchi xil bodiring necha so'm?

4850-2450=2400 so'm

18:3=6 kg

2400:6=400 so'm

Javob:400 so'mdan

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, berilgan masalaga ijodiy yondoshgan holda undagi noma'lum va ma'lumlar orasidagi bog'lanishlarni bir necha usullar yordamida ko'rib chiqish mumkin. Masalani bunday tahlil qilish orqali o'quvchilar berilgan masalada turli yangi masalalar hosil qiladilar va buning natijasida o'quvchilarni fanga bo'lgan qiziqishlari yanada ortadi. Olingan bilimlarni kundalik faoliyatda, turli vaziyatlarda qo'llash malakasi shakllanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. N.U.Bikbayeva, E.Yangabayeva, K.M.Girfanova 4-sinf matematika darsligi. Toshkent O'qituvchi nashriyoti-2017

2. Jumayev M.E. Matematika o'qitish metodikasi. Toshkent. "Turon-Iqbol" 2016 y

3. R.Abdullayeva va boshqalar "Matematika" Toshkent 2018 y

ЛОТИН ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-МАДАНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Исроилова Махсуда Ниғматуллаевна,
Тошкент давлат стоматология институти “Анатомия” кафедраси доценти, фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. *Мазкур мақолада лотин тилини ўқитишнинг ўзига хосликлари, лотин тилини ўргатиш жараёнида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг назария ва амалиётдаги ҳолати ёритиб берилган. Муаллиф назарий-эмпирик таҳлил натижалари асосида лотин тилини ўқитиш сифатини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан.*

Таянч сўзлар: *лотин тили, ўқитиш, талаба, интеллект, маданият, ривожлантириш, маданиятлараро мулоқот.*

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО И КУЛЬТУРНОГО РАЗВИТИЯ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ЛАТЫНИ

Доцент, доктор философии (PhD) Исроилова Махсуда Нигматуллаевна Ташкентский государственный стоматологический институт, кафедра Анатомии

Аннотация. *В данной статье описаны особенности преподавания латыни, теория и практика интеллектуального и культурного развития студентов в процессе преподавания латинского языка. На основании результатов теоретического и эмпирического анализа автором были внесены предложения по улучшению качества преподавания латинского языка.*

Опорные слова. *Латинский язык, преподавание, студент, интеллект, культура, развитие, межкультурный диалог*

SOME ISSUES OF INTELLECTUAL AND CULTURAL DEVELOPMENT OF STUDENTS IN THE PROCESS OF TEACHING LATIN

Isroilova Maksuda ,
Associate Professor, Department of Anatomy, Doctor of Philosophy (PhD), Tashkent State Dental Institute

Annotation. *This article highlights the peculiarities of Latin language teaching, the theory and practice of intellectual and cultural development of students in the teaching of Latin. Based on the results of theoretical and empirical analysis, the author made suggestions and recommendations for improving the quality of teaching Latin.*

Reference words: *Latin, teaching, student, intellectual, culture, development, intercultural communication.*

XX аср бошларида машҳур филолог Ф.Зелинский антик давр маданияти, шу жумладан лотин тилини ўрганишнинг замонавий жамият учун заруриятини асослашга йўналтирилган маърузалар мажмуини яратди. Жумладан, у турли босқичларда лотин тилини ўқитишнинг мақсади ўша давр билан боғлиқликда

аниқлаштирилишига қарамай, ҳамма вақт унинг мақсади интеллект ва маданиятни бойитишдан иборат бўлганлигини таъкидлаб ўтади[1].

Н.Кацманнинг фикрича, олий таълим муассасаларида лотин тилини ўқитиш қуйидаги компетенцияларни шакллантиришга имкон беради:

- талабаларнинг лингвистик денёқарашини кенгайтириш;
- абстракт грамматик фикрлашни ривожлантириш;
- она тили ва хорижий тилларни ўрганишга илмий ёндашув;
- антик маданиятни ўзлаштириш орқали талабаларни умуммаданий ва интеллектуал ривожлантириш[2].

А.Подосинов лотин тилини ўқитишнинг етакчи мақсади индивидуал таълим стратегиясини шакллантириш эканлигини таъкидлаб: "Ушбу очиқ тавсифга эга ва нисбатан осон ўзлаштириладиган тил тизими умумий тарзда тилни ўрганишни ташкил этишга доир кўргазмали ва қулай тасаввурларни ҳосил қилади ҳамда дунёнинг исталган тилини ўрганишга онгли ёндашиш имконини беради" [3].

Е.Цывкунов талабаларда ўқув автономлигини шакллантириш учун лотин ва замонавий чет тиллар орасидаги фанлараро алоқадорликнинг муҳимлигини таъкидлаб, "талабаларда ўқув автономлигини шакллантириш, шунингдек, инглиз ва рус тилларини ўқитишда лингвистик компетентликни шакллантириш имконини берадиган" лотин тилини ўқитиш методикасини ишлаб чиққан[4].

Таҳлил натижалари асосида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришда лотин тилини ўқитиш мақсади қуйидаги компонентларни ўзида акс эттириши лозим, деган хулосага келинди: амалий, интеллектуал, маданий, тарбиявий, ривожлантирувчи.

Лотин тилини ўқитишнинг мақсади ўзида луғат ёрдамида лотин тилидаги матнларни ўқиш учун зарур грамматика ва лексикани ўзлаштиришни акс эттиради. Мазкур мақсаднинг аҳамияти шундаки, лотин тили ва грамматикасини ўрганиш орқали бошқа компонентларни рўёбга чиқариш мумкин. Шу сабабли лотин тили грамматикасини ўрганиш ва антик давр муаллифларининг асарларини ўқишга йўналтириш амалий фаолият тажрибаси билан уйғунлаштирилганда ўзининг самарасини беради. Чунки лексика ва грамматика амалиётсиз жуда тез унутилади.

Лотин тилини ўқитиш бошқа тилларни ўрганиш сингари ўзида мантиқий тафаккур юритиш, тасаввур ва онг бирлиги, фикрий жараёнларни жадаллаштириш каби мақсадларни акс эттиради. Лотин тилини ўқитиш жараёнида бўлажак тиббиёт ходимларида тиббий терминологияни ўзлаштириш, исталган дори воситасининг қўлланилиш соҳаси ҳақида хулоса чиқариш имконияти юзага чиқади.

Лотин тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг интеллектуал-маданий ривожланганлик даражасини дастлабки ҳолатини ташхис этиш қуйидаги режа асосида амалга оширилди: "Лотин тили ва тиббий терминология" фани бўйича тузилган ўқув дастурлари ва ўқув-услубий мажмуаларни таҳлил этиш; илмий-тадқиқот методлари асосида талабаларни интеллектуал-маданий ривожланиш даражасини аниқлаш; аудиториядан ташқари машғулотларнинг орқали талабаларни интеллектуал-маданий ривож-лантириш самарадорлигини баҳолаш.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида лотин тили ва тиббий терминология фани олий ҳамширалик иши, стоматология, даволаш иши, педиатрия иши, тиббий

биология иши, тиббий профилактика иши бакалавриат йўналишларида ўқитилади. Ўқув-меъёрий ҳужжатларда мазкур фанни ўқитишнинг мақсади сифатида талабаларга тиббиётнинг анатомик, клиник ва фармацевтик бўлимларининг асосий тушунчалари ва категорияларини грамматик қонуниятлар асосида ўргатиш ҳамда амалиётда қўллаш кўникмаларини таркиб топтириш белгилаб олинган.

Фаннинг вазифалари сифатида қуйидагилар аниқлаштирилган: талабаларни назарий билимлар бўйича анатомик терминологияда от, урғу қўйиш, отларнинг луғат формаси, сифат, мослашган ва мослашмаган аниқловчи, бирлик ва кўплик формаси, отларнинг турланиши, келишик, сон; клиник терминологияда лотин тилидаги тана аъзоларининг юнон тилидаги вариантини ёдлаш, суффиксация, префиксация, негиз топиш, тўғри ташхис қўйиш ва қонунга бўйсунмаган ташхис қўйиш усуллари; фармакологияда рецептни грамматик жиҳатдан хатосиз ёзиш, феъл, шарт ва буйруқ майли, доривор ўсимликлар, дорилар, кислоталар, тузлар, оксидлар ва афоризмлар тўғрисида мушоҳада юритиш усуллари билан қуроллантириш, фаннинг долзарб муаммоларини очиб бориш, ҳамда лотин тилининг тиббиётдаги ўрни ва роли ҳақида амалий кўникмалар ҳосил қилиш.

Ўқув дастурларида “Лотин тили ва тиббий терминология асослари” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талабалар анатомик билим асослари, клиник ташхис қўйишни тўғри ўрганиши ва рецептни тўғри ёзиш тўғрисидаги тасаввурга эга бўлиши; анатомик, клиник ва фармацевтик бўлимлар бўйича морфологик, синтактик усулларни билиши ва уларни амалиётда қўллаш; анатомик, клиник ва фармацевтик терминларни амалий машғулотда таҳлил қилиш усулларни қўллаши, хулоса чиқариши, муаммоли вазиятни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотлар тўплами ва улардан фойдаланиши, илмий тушунчаларни тушунтира олиши, муаммоли вазиятлар бўйича ечимларни қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиши кераклиги белгилаб берилган.

Ўқув режасида назарий машғулотларни ўтказиш кўзда тутилмаган бўлиб, фанни ўзлаштириш амалий машғулотлар доирасида ташкил этилади. Амалий машғулотлар жараёнида қўйидаги масалалар ўрганилади: тиббий терминологияга кириш; лотин алифбоси; унли ва ундош харфлар; тана тузилишига тегишли терминлар; урғу қўйиш қонуниятлари; тана тузилиши ва бош кисмга тегишли анатомик терминлар; отлар: грамматик категориялари ва луғат формаси; отнинг турланиши; юз, жағга тегишли суяклар; сифат: грамматик категорияси ва луғат формаси; от билан мослашуви; оғиз бўшлиғига оид анатомик терминлар; мураккаб анатомик терминларнинг турланиши; нафас олиш тизимига оид терминлар; отларнинг келишик қўшимчалари; нафас олиш тизими; сифат даражалари: қиёсий даража (юрак тизими оид); орттирма даража (қон айланиш тизимига оид); анатомик терминларни бирлик формасида ишлатилиши; отларнинг турланиши; бош келишик кўплик формаси (сийдик чиқариш тизими); қаратқич келишик кўплик формаси (суяклар); бош ва қаратқич келишик кўплик формада анатомик терминларда ишлатилиши (эшитиш тизими); сон: тартиб ва саноқ сонлар; сўз ясалиши; морфема; суффиксация (тана тузилиши ва калла суяги (энсага оид, чаккага оид, пешонага оид); префиксация; клиник терминология; тана тузилиши ва юз-

жаға оид клиник терминлар; аъзо ва бош қисмларни ифодаловчи дублетлар ва уларнинг патологиясининг номлари (бош, танглай, тиш); нафас олиш ва юқори қисмга тегишли клиник терминларни тузиш; клиник терминлар (милк ва милкни тузувчи органлар); тўқималар, секретлар, ёшни билдиргувчи ТЕ ва оғиз бўшлиғи тубини ифодаловчи клиник атамалар; сўлак безларини, чайновчи мускулларни ва фаолиятини билдирувчи клиник терминлар; фармакологияга кириш; дори формалари (нафас олиш тизимига тегишли); рецепт структураси ва формаси (юрак тизимига оид); рецептурада таблетка, шам ва кўз плёнкасини ишлатилиши (ёзилиши); рецептурада кимёвий элементлар; кислоталар; рецептурада оксидлар (сийдик чиқарув тизимига тегишли); рецептурада тузлар; катионлар ва анионлар; рецептурада қисқартмалар.

Ўқув дастурлари таҳлили маданий тавсифдаги айрим ўқув материаллари фақат мустақил таълим мавзуларида акс этганлигини кўрсатади: лотинча хикматли сўзлар ва афоризмлар; қадимги Рим маданияти; қадимги Юнон маданияти; Олимпия ўйинлари тарихи; замонавий тилларда лотинчилик (инглиз, француз); алхимия ўрта аср маданиятида ғайри одидий ҳодиса сифатида; халқаро тиббий эмблеманинг тарихи; диний табобат; “Gaudeamus” (Талабалар гимни); тиббиёт ва санъат; қадимги Римнинг атоқли нотиқлари; нумизматикада тиббиёт; лотин ва юнон адабиёти ёдгорликларида тиббиёт; тиббиёт ва саломатлик тўғрисида юнон ва лотин эпиграммалар; дунёнинг етти мўжизаси; қадимги рим адиблари; қадимги юнон адиблари.

Лотин тили ва тиббий терминология” фани бўйича тузилган ўқув дастурлари ва ўқув-услубий мажмуалар таҳлили ҳамда тиббиёт олий таълим муассасаларидаг ўқув жараёнини кузатиш машғулотлар мазмунида маданий тавсифдаги ўқув материалларининг деярли учрамаслигини кўрсатади. Келтирилган маълумотларга кўра, антик давр маданияти ҳодисалари ва далиллари талабаларнинг фақат мустақил ишлари таркибига киритилган. Дастурда келтирилган адабиётлар рўйхатида ҳам мазкур фаннинг маданий тавсифига доир манбалар ўз аксини топмаган.

Педагогика фани эришган ютуқлар талабаларнинг интеллектуал ривожланиш даражаси билим ва кўникмалар ҳамда уларни ўзлаштириш жараёнида шаклланган ақлий ҳаракатлар йиғиндиси, маълум бир даражада янги билим ва кўникмаларни эгаллашни таъминловчи фикрлаш жараёнида уларга эркин таяниш билан белгиланишини кўрсатади. Талабаларнинг интеллектуал ривожланиш даражаси-нинг мавжуд ҳолати ҳақидаги маълумотлар махсус кузатиш ва психологик-педагогик ташхис методлари ёрдамида аниқлаштирилди.

Тадқиқотга оид назарий материалларга таянган ҳолда, интеллектнинг муҳим сифатлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- тиришқоқлик;
- ақлнинг теранлиги;
- фикрнинг эгилувчанлиги ва мослашувчанлиги;
- фикрнинг мантиқийлиги;
- фикрни далиллаш;
- фикрнинг танқидийлиги;

- фикрлаш доираси.

Мазкур сифатлар ўз навбатида талабаларнинг интеллектуал ривожланиш мезонлари тарзида белгилаб олинди. Ҳар бир мезон бўйича талабаларнинг интеллектуал ривожланишининг мавжуд ҳолатини баҳолашга ёрдам берувчи кўрсаткичлар аниқланди ва сўнгра тест ва анкета сўровномалари ёрдамида миқдорий маълумотлар олинди.

Олинган натижалар таҳлили назорат гуруҳида мотивацион (юқори даража – 18%; ўрта даража – 47%), ўрганилаётган объектни ҳар томонлама таҳлил этиш (юқори даража – 19%; ўрта даража – 63%), фикр ва хулосаларни тасдиқловчи далил ва қонуниятлардан фойдаланиш қобилияти (юқори даража – 20%; ўрта даража – 60%) кўрсаткичлар бошқа мезонлар билан таққослаганда яхши шаклланганлигини кўрсатди.

Тажриба гуруҳида эса билишга қизиқиш (юқори даража – 19%; ўрта даража – 48 %), нарса-ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш, асосий фикрни ажратиш, нарса-ҳодисалар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни тушуниш (юқори даража – 18%; ўрта даража – 43%) кўрсаткичлари бўйича юқори натижалар кузатилди.

Иккала гуруҳда ҳам фикрнинг эгилувчанлиги ва мослашувчанлиги – мавжуд билим ва тажрибадан фойдалана олиш, янги вазият ва муносабатларда объектлардан тезкор фойдалана олиш, юзага келган қийинчиликларни бартараф этиш (назорат гуруҳида – 50% қуйи даража, тажриба гуруҳида – 53% қуйи даража); танқидий фикрлаш – фикрлаш фаолияти натижаларини қатъий баҳолаш, нотўғри фикр ва хулосалардан воз кечиш, тузатиш киритиш (назорат гуруҳида –45 % қуйи даража, тажриба гуруҳида – 45% қуйи даража); фикрлаш доирасининг кенглиги – фикрий фаолият объектини ҳар томонлама қамраб олиш қобилияти, муқобил қарорлар қабул қила олиш (назорат гуруҳи – 49% қуйи даража, тажриба гуруҳи – 43% қуйи даража) каби интеллектуал сифатлар нисбатан суст ривожланган.

Шунингдек, тажриба-синов ишлари жараёнида талабаларнинг маданий ривожланиш даражаси ўрганилаётган тил билан боғлиқ цивилизацияга доир маданиятни ўзлаштириш жараёни сифатида таҳлил этилди. Олинган натижалар эса, назорат ва тажриба гуруҳларида ҳам талабаларнинг антик давр маданияти тўғрисидаги билим, кўникма ва малакалари етарлича шаклланмаганлигини кўрсатди. Иккала гуруҳ респондентларида ҳам бошқа фанлар, бошқа соҳалар билан боғлиқ қадимги юнон-рим маданияти тўғрисидаги маълумотларга эгалик ва лотин тилини амалий фаолиятда қўллай олиш даражаси нисбатан юқори даражани ташкил этди.

Энг паст кўрсаткичлар маданий артефактлар, фалсафий ва бадиий асарлар муаллифлари, мифология, маросимлар билан боғлиқ мезонларда (назорат гуруҳида –57%дан 73% гача – қуйи даража; тажриба гуруҳида – 58 %дан 69 %гача – қуйи даража) яққол кузатилди.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида лотин тилини ўқитишга доир аудиториядан ташқари машғулотларни таҳлил этиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1) тиббиёт олий таълим тизимида кенг қўлланилаётган талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг аудиториядан ташқари шаклларига илмий-амалий анжуманлар, фан олимпиадалари, факультатив машғулотлар, илмий ишлар танлови, даврий нашрларни киритиш мумкин;

2) илмий-амалий анжуманларни ташкил этилишидаги жиддий камчилик уларни фақат талабалар иштироки асосида ўтказилиши, маълумотларинг ўз вақтида етказилмаслиги ва талабаларнинг маърузалар тайёрлаш ва тақдим этиш маданиятининг етарлича таркиб топтирил-маганлиги билан боғлиқ;

3) фан олимпиадаларидан ташқари Интернет олимпиадалари ва анжуманлар учун саралаш вазифасини бажарувчи талабаларнинг гуманитар билимларга қизиқишларини рағбатлантирувчи тиббиёт олий таълим муассасаларида лотин тили фани бўйича ҳар йили олимпиада ўтказилиши мақсадга мувофиқдир;

4) талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришга доир танловлар тўғрисидаги ахборотни талабалар Интернет орқали ҳамда кафедралардан олиш имкониятига эга. Бироқ аксарият ҳолларда улар мазкур танловлар ҳақида хабардор бўлишмайди. Ана шу сабабли олий таълим муассасасида ўтказилаётган танловларга кафедралар билан бирга, талабаларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳам ташаббус кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир. Фақат мазкур тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида бу каби танловлар самарадорлигига эришиш ҳамда талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш мумкин;

5) факультатив машғулотлар талабаларни қизиқтирадиган масалалар бўйича ташкил этиладиган таълимни ташкил этишнинг ихтиёрий шакли сифатида ҳозирги вақтда аксарият ОТМларида мавжуд эмас, чунки талабалар ўзларини қизиқтирган ушбу соҳага мос ўқув курсини ўқитувчига таклиф эта олишлари эҳтимоли бўлганда ҳам “пастдан” кўрсатиладиган ташаббус мақсади номаълум; иккинчидан, ўқитувчиларга ўз навбатида факультатив машғулотларни ўтказганликлари учун ҳақ тўланмайди. Таъкидлаш жоизки, мазкур жараёнда профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг юқори илмий-интеллектуал салоҳиятидан мазкур ҳолатда тўлиқ фойдаланилмай қолинмоқда. Замонавий фанларнинг, айниқса, фанлараро тавсифга эга бўлган лотин тилининг замонавий Европа тиллари, антик давр ва ўрта асрнинг лотинзабон маданияти каби йўналишлар асосида ташкил этиладиган факультатив машғулотлар талабаларнинг илмий изланишлар олиб боришлари учун мустаҳкам асос бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зелинский Ф. Древний мир и мы. М., 1997. – С.18-19.
2. Кацман Н. Методика преподавания латинского языка. – М., 2003. - С9-24.
3. Подосинов А. Латинский язык в школе. История, задачи и методика преподавания. – М., 1996. – С.32.
4. Цывкунова Е. Формирование автономности студента лингвистического вуза на основе междисциплинарного взаимодействия учебных курсов (английского и латинского языков). Автореферат диссертации на соискание степени кандидата педагогических наук. – М., 2002. – С.5.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.

Рустам Шамуратов
Тошкент давлат педагогика университети

Аннотация. *Мақолада олий таълим тизими фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнларини такомиллаштириш технологиялари ўрганилган бўлиб, унинг замонавий таркибини акс эттирадиган концептуал тушунчалар ва ёндашувлар аниқланди.*

Калит сўзлар: *таълим технологияси, стратегия, такомиллаштириш, бошқарув мақсади, инновация, ҳаракатлар стратегияси.*

Аннотация. *В статье исследуются технологии совершенствования организации и управления высшим образованием, а также концептуальные концепции и подходы, отражающие его современный состав.*

Ключевые слова: *образовательные технологии, стратегия, совершенствование, цель управления, инновация, стратегия действий.*

Annotation. *This article will examine the enhancement technology of the organizational and management processes of higher education system activities and define conceptual assumptions and approaches that showcase its content and essence.*

Key words: *education technology, strategy, enhancement, management goal, innovation, action strategy.*

Олий таълим ўқув жараёнини ташкил этишда инновацион технологияларнинг роли кун сайин ортиб бормоқда. Масофавий технологиялардан фойдаланиш замонавий таълимнинг имкониятларини янада кенгайтирди. Таълимга технологик ёндашув таълим жараёнини аниқ воситалар ёрдамида самарали бошқариш ва қўйилган ўқув мақсадларига муваффақиятли эришиш натижаларини кафолатлайди. Жамият тараққиётини илм-фан ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, илм-фан ишлаб чиқариш, унинг моддий асосини яратиш, технологик ривожлантириш ва энг асосийси кадрлар билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади.

“Бошқарув” сўзи одатда аниқ бир мақсадга эришиш учун бошқарилувчи объект ёки тизимга фаол таъсир кўрсатишни англатади. Бу, ўз навбатида, маълум бир режалаштирилган фаолиятни ифодалайди. Ҳар қандай фаолият бошқариладиган объект ва бошқарувчи субъект тизимларидан иборат бўлиб, мазкур тизимлар ўртасидаги алоқа инсонларнинг ўзаро муносабатларидан ташкил топади ва мавжуд ўзаро муносабатлар уларнинг фаолиятини ифодалайди. Шундай экан ихтиёрий фаолият албатта бошқарувни талаб этади, шахснинг индивидуал фаолиятида инсон ўзини ўзи бошқаради ва кўзланган натижаларга эришади, ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш учун ўзаро таъсир ёки шахснинг бошқа шахсларга нисбатан таъсири зарур бўлиб, бу ўз моҳиятига кўра бошқарувни, яъни маълум бир мақсадга эришиш йўналишида инсонлар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришни ифодалайди.

Таълимда *бошқарувнинг мақсади* – менежмент умумий назарияси соҳасида талабаларнинг билим даражасини ошириш, уларда мазкур билимлардан амалда фойдаланиш кўникмасини шакллантиришдан иборат. Қўйилган мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

- ижтимоий бошқарув назариясининг вужудга келиш ва ривожланиш тарихи билан талабаларни таништириш;
- стратегик бошқарувнинг энг янги методлари ва принциплари ҳақидаги ахборот билан танишиш;
- таълим хизматлари бошқаруви, маркетинги ва инновациялари соҳасида махсус билимларни ўзлаштириш.

Бошқарув вазифаларини рўёбга чиқариш турли хил усуллар ёрдамида амалга оширилади. Шундай экан бошқарувни, яъни бошқарув фаолиятини ташкил этиш заруратини белгиловчи бош мезон – инсон олдига ёки муассаса олдига қўйилган мақсад бўлиб, унга эришиш учун вазифалар белгилаш, ташкил этиладиган фаолиятни олдиндан режалаштириш, амалга ошириш йўл-йўриқларини танлаш, вазифаларнинг мазмун ва моҳиятига кўра, бажарувчиларни танлаш ҳамда бажариладиган вазифаларни тақсимлаш, белгиланган мақсадга эришиш учун ташкил этиладиган жараён иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборатдир.

“Бошқарув” тушунчаси одатда тизимнинг бир ҳолатдан янада сифатлироқ ҳолатга ўтиши сифатида тавсифланади. Бу ерда икки жиҳатга эътиборни қаратиш лозим. Биринчи жиҳати тизимни сақлаш, унинг барқарорлигини қувватлаш мақсадида бошқариш (маъмурий бошқарув). Иккинчи жиҳати тизим янги сифат ҳолатига ўтишини, яъни муттасил ривожланишни таъминловчи бошқариш.

Шунингдек, таълим муассасасидаги раҳбар-ходимлар бошқарувнинг функционал жиҳатларини ўзлаштириши, меҳнат унумдорлигига эришиш, ишига масъулият билан ёндашиш, жамоани мақсад сари йўналтира олиш, таълим муассасаси бошқарувини ички ва ташқи ўзгаришларга мослаштириши, инновацион янгиликларни жорий этиши ва инновацион технологияларни бошқарувда қўллашни такомиллаштириш учун зарурий билим, кўникма ҳамда малакаларга эга бўлиши зарур ҳисобланади.

Технология юнонча сўз бўлиб, techne–маҳорат, санъат ва logos–тушунча, таълимот, фан маъносини англатади. Таълим технологияси иборасининг маъноси (“educational technology”) таълим жараёнини юксак маҳорат билан санъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот демакдир. Технология тушунчаси истеъмолга 1872 йилда кириб келган. У дастлаб ишлаб чиқариш жараёнидаги технологик операциялар ва маҳсулотни тайёрлашга йўналтирилган жараённинг босқичма-босқич кечишини ифодалаган.

Олий таълим соҳасида орттирилган тажрибалар асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доимий равишда такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон қарорига

мувофиқ олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланмаган, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклиф киритиш борасида профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг ташаббус кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида бир нечта чора-тадбирлар белгилаб олинган эди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасини “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг изчил тартибдаги пухта ўйланган амалиёти ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий жиҳатдан бой шахсни шакллантириш ҳамда юқори малакали, рақобатбардош малакали кадрларни тайёрлашдан иборат стратегик мақсадга эришиш учун назарий асос бўлди ва замин яратди.

Кадрлар тайёрлаш тизимида таълимни тубдан ислоҳ қилиш ҳамда замонавий инновацион технологияларни самарали қўллаш йўлида олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, янги ўқув адабиётларини яратиш, энг асосийси, кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини оширишга қаратилган инновацион технологиялар асосида самарали таълим тизимини шакллантириш ва ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш зарурияти ортмоқда. Миллий таълим тизимин ислоҳ этишда инновацион жараёнларни қўллашни фаоллаштириш ва самарадорликни ошириш масаласини ҳал этмай туриб муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони чиқди. Фармонга кўра, олий таълим тизимида қуйидагиларни амалга ошириш белгилаб олинган:

- олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш;
- Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш;

- республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш;
- олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш;
- халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;
- олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш; ва ҳ.к

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўртинчи йуналиши ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб унинг тўртинчи банди таълим ва фан соҳасини ривожлантириш: давлат сиёсатини такомиллаштириш; таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтиришдан иборат.

Республикамизда узлуксиз таълимнинг жорий этилиши таълим соҳасининг бошқаруви органлари зиммасига бир қатор вазифаларни ҳал этиш ва уларни доимо такомиллаштириб, ривожлантириб боришни тақозо этмоқда. Бу ўринда таълим жараёнини сифатли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўз вақтида таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўтган давр ичида юқорида қайд қилинган қонунларнинг ижроси бўйича қуйидаги соҳаларда қонунчиликка оид ва меъёрий ҳужжатлар қайта қабул қилинди:

- Таълим-тарбия тизимини бошқариш;
- Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш;
- Молиялаштириш ва моддий-техник таъминот;
- Педагог ва илмий-педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- Таълим хизматлари бозорини ривожлантириш;
- Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида халқаро алоқалар;
- Чет тилларини ўрганиш;
- Электрон кутубхоналар яратиш ва ягона тармоққа бирлаштириш;
- Таълим соҳасида ижтимоий ва молиявий давлат ёрдамини таъминлаш ва бошқалар.

Бугунги кунда республикамизда олий таълим тизимини ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари бўйича вазифалар ечими белгиланган:

- олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг замонавий босқичида инновацион жараёнларни қўллаш ва амалга оширишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;
- республикада олий таълим муассасаларини самарали бошқаришнинг жахон стандартларига асосан таълимда сифат менежменти усулларини самарали қўллаш;
- глобаллашув ва миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион технологияларни қўллаш асосида таълим тизими сифатини ошириш ва рақобатбардош кадрларни тайёрлашда олий таълим муассасаларини самарали инновацион стратегиялар йўналишларини ишлаб чиқиш;
- республика олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ривожлантиришда самарали хорижий тажрибаларни ўрганишнинг ижобий натижаларини республикада қўллаш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;
- олий таълим тизимида меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни такомиллаштиришда эришилган тажрибаларни янада оммалаштириш асосида таълим сифатини ошириш бўйича тавсиялар ва ишланмалар ишлаб чиқиш;
- миллий таълим тизимини модернизациялаштириш шароитида республикада олий таълим муассасаларида замонавий таълим хизматлари турларини кенгайтириш;
- олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ривожлантириш асосида фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни янада кучайтириш;
- республика олий таълим муассасалари фаолиятига инновацион механизмларни татбиқ этиш асосида таълим сифатини ошириш бўйича истиқболли йўналишларни аниқлаш ва амалга ошириш кабилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда олий таълим тизимида малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш долзарб ижтимоий-иқтисодий масала бўлиб, олий таълим тизимида мутахассисларни тайёрлаш жараёнига ўқув-тарбия фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг янгича ёндашувларини жорий этиш, кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизими давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ривожланиш динамикаси ва таркибий ўзгаришларини давлат томонидан тартибга солиниши амалга оширилмоқда. Олий таълим муассасаларининг таълим жараёнини ташкиллаштириш ва молиявий-хўжалик фаолиятини юритишдаги ҳуқуқ ва эркинлигини кенгайтириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №5, июль, 2012 йил.
2. Хасанов Р., Суюнов Ш. Инсон ресурсларини бошқаришда таълимнинг аҳамияти. //Таълим ва иқтисодиёт журнали. 6 сон, 2010 й., 146 б.)
3. Василькова С. Технология работы социального педагога. – М.: Академия. 2009. 39 с.

Норматив ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони.

THE BENEFITS OF LISTENING TO PODCASTS

Almira Nigmatullina Shamsunovna
Senior English teacher
Ferghana polytechnic institute

Annotation:The use of podcasts in teaching foreign language to students of universitie is discussed in the article. The article defines the concept of a “podcast” and describes the didactic properties and methodological functions of podcasts in teaching a foreign language.

Keywords: podcasts, innovation, English, higher education institution, information technology, motivation.

ПРЕИМУЩЕСТВА ПРОСЛУШИВАНИЯ ПОДКАСТОВ

Нигматуллина Альмира Шамсуновна
Ферганскиий политехнический институт
Старший преподаватель английского языка

Аннотация:В данной статье рассматриваются вопросы использования подкастов в обучении иностранному языку студентов Вузов.В статье дается определение понятия “ подкаст” и описываются дидактические свойства и методические функции подкастов в обучении иностранному языку.

Ключевые слова: подкасты, инновации, английский, высшее учебное заведение, информационные технологии, мотивация.

ПОДКАСТЛАРНИ ЭШИТИРИШНИ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Нигматуллина Альмира Шамсуновна
Фарғона политехника институти
Инглиз тилини катта ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада хоорижий тилларни ўқитишда подкастлардан фойдаланиш, шунингдек, “подкаст” тушунчаси белгилаб олинган ва чет тилини ўқитишда подкастларнинг дидактик хусусиятлари ва методик вазифалари тасвирлаган.*

Калит сўзлар: *подкастлар, инновацияллар. инглиз тили, олий ўқув юртлари, ахборот технологиялари, мотивация***.**

At present modern English lesson can not be represented and effectively implemented without the use of modern educational technologies. Moreover the most productive technologies, in my opinion, are information and communication, project method, student research, multilevel learning, differentiated learning, etc. The construction of the educational process at the lesson and in extracurricular activities entails the active use of modern educational technologies, taking into account modern requirements to the quality of education, to the level of formation of educational activities.

Living in the digital age has many perks, but it's especially great when it comes to language learning. Today, we can improve our English quickly and easily with the help of our phone, tablet or computer, and a good internet connection.[1] Mainly whether you're jogging on a treadmill or commuting, podcasts are a great way to get a better grasp of any foreign language. So what is a podcast? And why is it so beneficial to implement this learning habit in our personal growth journey?

New technology always has a heavy impact on education, and Podcasting is no different. Many learning institutions are cutting back on textbooks and investing in technology enhanced learning. Podcasting, as one of the latest mediums to emerge into the mainstream, is one of the forefront technologies in this change. Podcasting offers the opportunity for lecturers to easily broadcast engaging audio content, which students can then listen to at any time and wherever they are. A student only needs to subscribe to a podcast feed and suddenly you can push educational content to them, rather than wait for them to come. Podcasts can easily be used in Schools, universities or colleges to engage students, and improve your teaching and learning practise.

в) бытовые заведения: pub, bad-and-breakfast;

г) отдых, времяпрепровождение, спорт, игры: baseball, cricket, rugby;

д) обычаи и традиции, праздники: Halloween;

2. Реалии культуры:

а) литература: Shakespeare, William;

б) кино и театр: The Globe Theatre, Star Wars;

в) изобразительное искусство: the National Gallery;

г) музыка: Beatles;

д) средства массовой информации: BBC, The Times.

е) в разных обществах сходные реалии различаются оттенками своего значения: cuckoo's call – кукование кукушки в народных поверьях американцев предсказывает, сколько лет осталось девушке до свадьбы, в русских – сколько лет осталось жить.

Главная цель лингвострановедения — обеспечение коммуникативной компетенции в международной коммуникации, прежде всего через адекватное восприятие речи собеседника и оригинальных текстов, рассчитанных на носителя языка.

Методы и приемы, которые включает эта технология, следующие:

Методы – это ознакомление с новым вокабуляром, новой темой и проблемами, с ней связанными. Приемы – это объяснение, самостоятельное чтение материала и его изучение, работа с вокабуляром и диктант. Тренировка – это ответы на вопросы, поиск ответов на вопросы в тексте, чтение и перевод текстов, работа с карточками в парах. Практика – это ролевые игры, обсуждение изучаемой проблемы в парах, групповая работа, устная презентация, доклад, реферат.

В практике преподавания иностранного языка все более ощущается необходимость обучить не только языковым структурам, но и тому, что "лежит за языком", то есть культуры страны языка.

В культуре, как правило, выделяют:

- информационную, или фактологическую, культуру;
- поведенческую культуру;
- культуру достижений, свершений.

Информационные тексты обычно очень нейтральны, сжаты и поэтому какая-то часть подаваемой в них информации плохо воспринимается обучающимися, или очень быстро забывается. Информационная основа деятельности обладает, по мнению исследователя, двумя формами: материальной и идеальной. Первая из них представляет собой совокупность объектов, предметов или сигналов, несущих

профессионально важную информацию, а вторая образована знаниями, в качестве которых выступают образы сигналов и их значения. Точность и полнота информационной основы во многом определяет эффективность профессиональной деятельности. Поэтому очевидна потребность в методической интерпретации данного понятия с целью организации учебного процесса по иностранному языку в рамках профессионально-ориентированного курса для неязыковых вузов.

Информация, необходимая для организации обучения иноязычному профессионально-ориентированному говорению в составе будущей профессиональной деятельности, рассматривается в методическом ключе как информационная основа речевой деятельности.

Тексты из художественной литературы, своей эмоциональной окрашенностью делают читающего как бы свидетелем описываемых событий, связанных с историей или традициями, знакомят со специфической стороной культуры другого народа и поэтому являются наиболее значимым средством усвоения лингвострановедческой информации. Именно чтение специально отобранных художественных произведений способствует более прочному усвоению культурологических сведений.

При обучении иноязычной культуре можно выделить следующие **важные задачи:**

1) определить минимальный объем культурологического материала;
2) выявить, какого рода культура соответствует целям изучения иностранного языка в конкретной ситуации;
3) отобрать и предъявлять соответствующий этим целям материал;
4) формировать у обучающихся «навыки культурного осознания»;
5) формировать у обучающихся понятие о том, что ни одна культура не является статичной, и вовлекать их в «культурную» деятельность.

Особое внимание уделяется лексике, ведь она отражает реалии, т.е. слова, обозначающие предметы и явления, связанные с историей, культурой, бытом страны изучаемого языка, которые отличаются по своему значению от соответствующих слов родного языка. Лингвострановедческий компонент находит свое воплощение в пословицах и поговорках, фразеологизмах, считалках и стихах, именах собственных, макро- и микротекстах, образцах речевого этикета. Отбор лингвострановедческого материала на начальном этапе преподавания иностранного языка предполагает использование таких критериев как соответствие интересам и возрасту учащихся, соответствие его определенной тематике, уровень его языковой доступности и эмоциональности, значимости и т.д. (4, 23) Знание этих реалий немаловажно при изучении иностранного языка, ведь именно в реалиях наиболее явно проявляется связь между языком и культурой и то, как язык зависит от изменений в культурной жизни общества страны – появление новых реалий в

духовной жизни и культуре ведет к появлению новых реалий в языке. Уровень культуры, который человек приобретет в процессе изучения иностранного языка, выразится в его компетентности как системном качестве личности, позволяющем ему реализовывать свои индивидуальные достижения в плане освоения иноязычной

культуры в конкретной деятельности (например, коммуникативной или переводческой)

Таким образом, культуроведческая направленность обучения иностранным языкам обеспечивает реализацию не только общеобразовательных и воспитательных целей, но и практических. В этом проявляется специфика учебной дисциплины “иностранный язык”.

Литература:

1. Каширина Н. А. Способы перевода имен собственных на материале американской публицистики / Соломыкина А. С. - М.: «Наука», 2013. - 80-81с.
2. Королёва Г. А. Актуальность использования лингвострановедческого аспекта в обучении английскому языку // Научно-методический электронный журнал ««Концепт». - 2017. - № S8.
3. Костюченко М.В. Лингвострановедческий подход при обучении иностранному языку // Междунар. журнал гуманит. и естеств. наук. Новосибирск, 2016. Т. 6. № 1. С. 81-83.
4. Маслова В.А., «Лингвокультурология» М.: Изд. центр "Академия", 2001, с. 17 — 18
5. Нефедова М.А., Лотарева Т.В. Страноведческий материал и познавательная активность учащихся. // Иностранные языки в школе. № 6, 2007. – 24 с.
6. Шарафутдинов Р. Р. Лингвострановедение и его роль в иноязычном образовании // Вестник Казанского технологического университета. - 2008. - № 5. - С. 231-236.

БЕНЧМАРКИНГ ЛОЙИҲА – ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИКЛАРИНИ ЯРАТИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Ортиқов Азизбек Улуғбекович,
Наманган давлат университети мустақил изланувчиси,

Аннотация. *Мазкур мақолада янги авлод дарсликларини яратишга доир бенчмаркинг турлари ва методлари аниқлаштирилган. Муаллиф бенчмаркинг-лойиҳани ишлаб чиқиш босқичлари, уларнинг тавсифи ва янги авлод дарсликларини яратишда бенчмаркинг-лойиҳадан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб берган.*

Таянч сўзлар: *бенчмаркинг, лойиҳа, бенчмаркинг лойиҳа, дарслик, ўқув адабиёти, хорижий тажриба.*

Аннотация. *В данной статье выявлены методы и виды проекта бенчмаркинга в создании учебников нового поколения. Автор описывает этапы разработки проекта бенчмаркинга, их описание и способы использования проекта бенчмаринга в создании учебников нового поколения.*

Опорные понятия: *бенчмаркинг, проект, проект бенчмаркинга, учебник, учебная литература, зарубежный опыт.*

Annotation. *This article identifies the methods and types of the benchmarking project in creating new generation of textbooks. The author describes the stages of the developing benchmarking project, their description and methods of using the benchmarking project in creating new generation of textbooks.*

Supporting concepts: *benchmarking, project, benchmarking project, textbook, educational material, foreign experience.*

Бенчмаркинг аслида бизнесга оид термин, лекин у аксарият соҳаларга кириб бормоқда. Мазкур тушунча бугун таълим соҳасига ҳам кириб келди. Бенчмаркинг инглизча сўз бўлиб, горизонтал ричаг (bench) ва белгилаш (mark) деган маънолардан ташкил топган. Силвия Кодинг таъкидлашича, бенчмаркинг тушунчаси илк бор қадимги Мисрда қўлланилган бўлиб, темирли ричагни тарозисимон тарзда бир нуқтага қўйиб нарсаларнинг оғирлигини ўлчашдан иборат бўлган [1].

Аксарият адабиётларда шундай таърифлар берилади: «Бенчмаркинг бу қиёслаш, бир-биридан ўрганиш ва шу йўсинда муассасанинг заиф томонлари ва муаммоли аспектларини ҳамкорликда яхшилаш демакдир». Бенчмаркинг методидан фойдаланаётган ҳар бир университет раҳбарияти ўзи танлаган ҳамкори ўзига мос ва турдош фаолият юритаётган бўлиши лозим [2].

Бенчмаркинг бу ривожланиш ва ўз-ўзини тартибга солишга ёрдам сифатида тажриба, иш жараёни ва ижро этиш (performance) кабиларни изчил қиёслаш ва баҳолаш демакдир [3].

Республикамиз педагогика илмида илк бор бенчмаркинг олий таълим сифати ва самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқликда П.Лутфуллаев томонидан тадқиқ этилган. Олимнинг фикрича, бенчмаркинг бу мавжуд тажрибаларни ривожлантириш ёки ўзаро ўрганиш мақсадида хизматларни очиқ ва ҳамкорликда баҳолаш демакдир[4, 48-б.].

Умуман олганда, бенчмаркинг кенг тушунчага эга бўлиб, улар турли хил талқинларга эга, аммо Ж.Алститнинг асосли фикрича, уни “ташкилотлар ва саноат корхоналари ўзаро ва биргаликда ўз-ўзини яхшилаш имконини берувчи маълумотлар йиғиш учун жараённи, тажрибани ва фаолиятни таҳлил қилишдир” [5].

Е.А.Князев ва Я.Ш.Евдокимовалар бенчмаркингни қуйидаги каби саволларга жавоб топишга уриниш деб қарайди: бошқаларга нисбатан биз қандай бажаряпмиз?; биз қанчалик яхши бўлишни хоҳлаймиз?; ким яхшироқ бажармоқда?; улар (яхшироқ бажараётганлар) бунга қандай эришмоқда?; биз улар бажарган ишларни ўзимиз учун қандай мослаштира оламиз?; энг яхши бажаришга эришсак-да, янада такомиллашишни узлуксиз давом эттира оламизми? [6, 49-б.].

Адабиётлар таҳлили бенчмаркингнинг кўплаб турлари мавжудлиги ҳақидаги хулосага келишга имкон беради. Худди шундай вазиятни, яъни бенчмаркинг турларининг номланишининг хилма-хиллигини таҳлил этиш асосида П.Лутфуллаев қуйидаги умумий тузилмани таклиф этган: қандай термин билан юритилмасин, ўрганилаётган барча манбаларда ички бенчмаркинг, ташқи бенчмаркинг, рақобатли бенчмаркинг ва умумий бенчмаркинг тўғрисида гап боради. Уларнинг қўлланиш доираси қуйидагича:

- ички бенчмаркинг катта ёки кўп тармоқли муассаса ва ташкилотларда, яъни ўзаро тажриба алмашинув ва ўрганиш марказлашган бир ташкилот ёки муассаса ичида олиб борилади;

- ташқи бенчмаркинг эса фаолияти бир-бирига ўхшаш бўлган ёки турдош ташкилотлар (муассасалар) ўртасида олиб борилади;

- рақобатли бенчмаркинг кўпроқ диагностик жараёнда бўлади, яъни ташкилотлар ўртасида олиб борилади ҳамда ташкилот ёки муассасанинг кучли ёки, аксинча, рақобатга бардошсиз томонларини аниқлашга каратилган бўлади;

- умумий бенчмаркинг айни бир хил фаолият олиб борадиган бир неча муассасалардаги энг яхши тажрибаларни излаб топиш ва уни биргаликда барча ташкилот ва муассасаларга мослаштириш ва қўллашга қаратилган бўлади" [4, 55-56-б.].

Биз эса, янги авлод дарсликларини бенчмаркинг воситасида яратиш нуқтаи назаридан уч – мақсад ва вазифаси, объекти ва субъекти кўра бенчмаркинг турларини қуйидагича тизимлаштирдик (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал

Янги авлод дарсликларини яратиш бўйича бенчмаркинг турлари таснифи

№	Белгиси	Моҳиятли тавсифи	Бенчмаркинг тури
1.	Янги авлод дарсликларини яратиш мақсади ва мазкур фаолият такомиллаштиришга кўра	Стратегик (янги авлод дарсликларини яратишнинг таянч аспектлари)	Стратегик
		Операцион (субъектларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда дарсликни яратиш жараёнига ўзгартиришлар киритиш)	Операцион
2.	Бенчмаркинг объектларига кўра	Жараёнли (дарслик яратиш билан боғлиқ барча жиҳатлар: жараённинг ўзи, натижа, ресурслар)	Жараёнга йўналтирилган
		Дарслик яратишга доир аниқ муаммолар	Муаммога йўналтирилган
3.	Бенчмаркинг субъектлари ва ҳамкорлар бўйича	Республика миқёсидаги таклифлар асосида	Ички
		Илғор хорижий тажрибалар асосида	Ташқи

П.Лутфуллаевнинг фикрича, бенчмаркингнинг узлуксиз ривожланиб бориши учун унинг методлари ҳам янада аниқлаштириб борилиши зарур [4, 56-б.].

Бенчмаркинг методларини таснифлашга доир ҳам турли моделар мавжуд. Масалан, Карен Кларк эса бенмаркингни олий таълимда қўллашнинг олти босқичли методини тавсия этади [7, 3-б.]:

1. Қайси масалада бенчмаркингни қўллашни аниқлаб олиш. Бунда бенчмаркинг методини қўллаган ҳолда муассасада ўнгланиш ёки такомиллаштирилиши лозим объект аниқлаб олинади. Масалан, олий таълимда фанни ўқитиш ва ўргатиш, илмий тадқиқотларни кенгайтириш, таълим стандартларини такомиллаштириш, ўқув амалиётининг самарадорлигини ошириш, талабаларга сервис кабиларда қўллашни мисол қилиш мумкин.

2. Ҳамкор муассасани аниқлаб олиш. Бенчмаркинг олиб бориш жараёнининг муваффақияти қандай ҳамкор муассаса танланиши билан боғлиқ. Бунда муассасанинг функцияси, иш жараёни ва йўналишларининг ўхшашлиги ҳисобга олинади ёки кадр тайёрлаш соҳалари жиҳатдан бир-биридан тубдан фарқ қилувчи муассаса ҳам танланиши мумкин.

3. Маълумотлар тўплаш методини аниқлаб олиш ва маълумот йиғиш. Маълумотлар тўплашда фактларга таянган маълумотлар назарда тутилади. Бунда сўровнома, интервью, ҳужжатлар ва ҳисоботлар таҳлили каби методлар қўлланилиши мумкин.

4. Фаолиятнинг жорий даражасини аниқлаб олиш. Бунда таълим жараёнида ёки муассасанинг иш фаолиятида юз бераётган муаммоли масалани тузатиш ва яхшилаш учун унинг жорий даражасини, яъни муаммоли бўшлиқни аниқлаб олиш назарда тутилади.

5. Кўзланаётган натижанинг даражасини аниқлаб олиш. Бунда мавжуд бўлган муаммони ечиш ва ривожлантириш натижасида қай даражада муваффақиятга эришиш, фойда олиш мумкинлигини аниқлаш тушунилади.

6. Натижаларни боғлаш. Бунда олинган натижа ва тажрибалардан (бенчмарк) ўрганиш ва ўзлаштириш ишлари ҳамда ҳамкор муассасадаги фойдали, ибратли тажрибаларни топиш ва шу асосда ўзидаги мавжуд муаммони ечиш мақсадида фойдаланиш тушунилади.

Юқоридаги таснифдан маълум бўладики, бенчмаркинг методологиясида маълумотларни таққослаш ва таҳлил қилиш методи алоҳида роль ўйнайди.

Хорижий тажрибани таҳлил этиш асосида асосида янги авлод дарсликларини яратишда бенчмаркинг методларини қўллашнинг қуйидаги модели ишлаб чиқилди (2-жадвалга қаранг.)

2-жадвал

Янги авлод дарсликларини яратишда бенчмаркинг методларининг қўлланилиши

Белгилари	Моҳиятли тавсифи	Бенчмаркинг методи
Маълумотлар турига кўра	Яхши сифатга эга маълумотлар	Сифатли маълумотлар асосида энг яхши амалий тажрибани эксперт баҳолаш
	Миқдор кўрсаткичлари	Фаолият ва натижавий кўрсаткичлар асосида расмий баҳолаш
Маълумотларни таҳлил	Норасмий баҳолаш	Норасмий маълумот

этиш турига кўра		асосида эксперт баҳолаш
	Расмий баҳолаш	Аниқ белгиланган мезонлар асосида расмий баҳолаш

Янги авлод дарсликларини бенчмаркинг воситасида яратишда бенчмаркинг турлари ва методларини белгилаб олиш бенчмаркингга асосланган лойиҳани ишлаб чиқиш имконини беради.

Реал амалиётда бенчмаркинг тадқиқот бенчмаркинг-лойиҳа шаклида амалга оширилади. Бенчмаркинг-лойиҳа тури ва шаклидан қатъий назар унинг тузилмаси ўзгармасдан қолади. Е.А.Князев ва Я.Ш.Евдокимовалар бенчмаркинг-лойиҳанинг қуйидаги асосий босқичларини ажратиб кўрсатишган: 1. Бенчмаркинг лойиҳани тайёрлаш.2. Маълумотлар тўплаш. 3. Натижаларни таҳлил қилиш. 4. Ўзгартиришлар киритиш[6, 28-б.]. Мазкур компонентлар қиёсий тадқиқот методикасида амалий жиҳатдан ўз исботини топади [8].

Қуйида мазкур босқичларга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз. Бенчмаркинг-лойиҳани тайёрлаш босқичида дарсликларни яратиш бўйича энг яхши амалий тажрибага эга давлатларга доир манбалар ёритилган манбаларни топиш зарур бўлади. Таълимда бенчмаркинг бўйича шуғулланган тадқиқотчилар таъкидлаб ўтганидек, танланган ёндашув ва ўзгартиришлар киритиш имконияти билан боғлиқликда бенчмаркингнинг объекти аниқ бир муаммо, таълим хизматлари, жараёнлар бўлиши мумкин. Бизнинг тадқиқот учун бенчмаркинг объекти – бу янги авлод дарсликларини яратиш.

Мазкур босқичда асосий масала ва мазкур тадқиқот методларини аниқлаштириш зарур. Бу ҳолда тадқиқот стратегиясини кейс-стади тарзида тақдим этиш самарали бўлади. Биринчи босқич якуни бенчмаркинг асосини ўрганиш билан тугалланади. Тадқиқотчи бенчмаркинг жараёни моҳиятини тушуниши ва уни ўтказиш кўникмасига эга бўлиши лозим. Амалиётда бенчмаркинг-лойиҳани амалга оширишга тайёргарликнинг уч турини учратиш мумкин: танишув (бенчмаркинг билан умумий танишиш), бенчмаркин методологияси асосларини ўзлаштириш учун кросс-функционал малакаларга эга бўлиш (малака ошириш); бенчмаркингни ўтказиш бўйича гуруҳни шакллантириш учун жамоавий тренингларда иштирок этиш (маълум бир лойиҳага қўллаш учун жамоада ишлаш малакаси).

Бенчмаркинг-лойиҳа доирасида ишни бажариш учун чуқур тайёргарликдан сўнг ахборотларни тўплаш босқичи бошланади. Ахборотларни тўплаш босқичида жорий таълим амалиётини ўрганиш ва қайд этиш зарур. Муҳим маълумотлар ҳамкор-ташкилотлар билан тўпланишига қарамасдан, аввалдан фойдалаи маълумотлар тўпланган бўлиши мумкин. Бенчмаркинг бўйича ҳамкорларни излашда ахборот манбалари сифатида Интернетдаги электрон ва очиқ маълумотлар базаси, касбий ассосациялар, журнал ва газуталар, расмий таълимий тузилмалар, вазирликлар, эксперт, аналитиклар материаллари хизмат қилади. Шунингдек, бенчмаркинг соҳасидаги аввалги тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш, ҳамкорлар билан чора-тадбирлар тизимини муҳокама қилиш лозим. Бенчмаркинг доирасида қабул қилинган мажбурият ва ахлоқий меъёрларга қатъий рияо қилиш

ҳамкорлар билан самарали ҳамкорлик гарови бўлиб хизмат қилади. Ҳамкорлардан қизиқарли маълумотларни сўраб туриб, шунга ўхшаш ахборотларни тақдим этишга ҳам тайёр туриш лозим. Шунинг учун бенчмаркингнинг асосий тамойилларидан бири олинган маълумотларни рухсатсиз ошкор қилмаслик ва уларни сир сақлаш ҳисобланади.

Е.А.Князев ва Я.Ш.Евдокимовалар энг яхши амалиётни истеъмолчилар ва экспертлар томонидан эътироф этилган технология ва манбалардан фойдаланиш соҳасида янги ҳисобланган натижаларни олиш имконини берувчи ёндашув ёки метод сифатида аниқлаштиришган. Қиёсий тадқиқотлар нуқтаи назаридан эксперт фикри сифатида турли давлатлардаги таълим соҳасидаги қонунчилик нормалари; халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинган материаллар; турли давлатларнинг таълим дастурлари; даврий нашрлар; педагогик журнал ва газеталар, ўқув-методик материаллар, онлайн нашрлар, расмий веб-сайтлар, онлайн ва оффлайн ҳисоботлар, интернет-конференция материаллари хизмат қилиши мумкин[6].

Тўпланган материаллар лойиҳанинг учинчи босқичида чуқур таҳлил қилиниши лозим. Бунинг учун кейс-стади методи доирасида олинган материаллар таҳлил қилиниши лозим. Қиёсий тадқиқотларни ўтказиш таълим тизимини алоҳида ёки умумий алоқадорлиги, қонуниятлари, ўхшаш хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ. И.Р.Луговская таъкидлаб ўтганидек, қачонки, “алоҳида нарса-ҳодисадаги умумийликни ўрганиш” методологик тамойили асосида тадқиқот амалга оширилса, кўпроқ самарали бўлади. Мазкур тамойил алоҳидалик, айримлик, хусусийликдаги умумийликни излаш орқали амалга ошади ва таълим тизимини қиёсий-педагогик таҳлил этишнинг асосини ташкил этади[9, 43-б.].

Ўзига хосликларни ўрганиш асосида дарсликлар яратиш амалиёти ўртасидаги бўшликларни аниқлаш, ҳамкорларнинг ютуқларининг асосий омилларини ўрганиш, янги авлод дарсликларини яратиш жараёнини такомиллаштириш бўйича шахсий ғояларни илгари суриш жуда муҳим. Т.В.Данилованинг фикрича, бўшлиқ деганда кўриб чиқилаётган тизимнинг мавжуд ва хоҳланаётган ҳолати орасидаги фарқ тушунилади. Бўшлиқ ижобий, нолга тенг, салбий бўлиши мумкин. Ижобий бўшлиқ шундан далолат берадики, ташкилот ҳамкор-ташкилотлардан фарқли равишда энг яхши амалиёт ташувчиси бўлиб хизмат қилади[10].

Бенчмаркингга доир тадқиқотнинг тўртинчи босқичида янги авлод дарсликларини яратиш соҳасига ўзгартиришлар киритиш стратегиясини амалга ошириш сценарийси ишлаб чиқилиши зарур. Бенчмаркинг натижаларини мавжуд тизимга мослаштириш мураккаб иш. Янги ғоя ва технологияларни қўллашнинг қанчалик самарали эканлигини тўғри баҳолаш жуда муҳим. Айниқса, дарсликларни яратиш соҳасида хорижий тажрибалардан фойдаланишнинг самарали ёки самарасиз эканлигини аниқ белгилаш, мавжуд имкониятлар ва ресурсларни ҳисобга олиш, дарслик тилининг грамматик тузилишидан келиб чиқиб, матндаги гаплар ва сўзлар, сўзлардаги ҳарфлар сонини тушунарлилик шкалаларига мослаш алоҳида аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Codling S. Benchmarking. Aldershot, Hampshire: Gower. 1998 – 168 p.
2. Bender, B. E. Benchmarking as an Administrative Tool for Institutional Leaders // McKinnon (pp.113-120). San Francisco: Jossey-Bass, 2002. – pp 113-120.
3. Lund, Helen. Benchmarking in UK higher education // In CHEMS (Commonwealth Higher Education Management Service) Benchmarking in Higher Education: An International Review (pp. 66-92). London: CHEMS.1998. – 135 p.
4. Лутфуллаев П.М. Хорижий олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошлик таъминлаш йўллари: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. – Наманган, 2018. – 148 б.
5. Alstete W. J. Benchmarking in Higher Education: Adapting Best practices to improve quality. 1995. Washington, DC: George Washington University. – 258 p.
6. Князев Е.А., Евдокимова Я.Ш. Бенчмаркинг для вузов: Учебно-методическое пособие. - М.: Университетская книга, Логос, 2006. – 208 с.
7. Karen L.Clark, Ed.D. Benchmarking as a global strategy for improving instruction in higher education // A paper presented at the XI Conference on New Concepts in Higher Education, Phoenix Arizona. 1993 – 12 p.
8. Пусвацет В. С. Сравнительный анализ подготовки педагогических кадров в Германии и России: автореф. дис. ... канд. пед. наук. – СПб., 2007. – 22 с.
9. Луговская И. Р. Сравнительно-педагогический анализ систем школьного образования: параметрический подход. – Архангельск: Поморский государственный университет им. М.В.Ломоносова, 2004. – 155 с.
10. Данилова Т.В. Бенчмаркинг как инструмент обеспечения конкурентоспособности образовательных услуг вуза: дис. ... канд. пед. наук. – Казань, 2007. – 188 с.

ОИЛАДА АХЛОҚИЙ-МАЪНАВИЙ ТАРБИЯДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мирзаева Фарохат Одилжоновна

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети “Умумий педагогика” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. *Ушбу мақолада оилада ота-она ва фарзанд муносабатлари, бола тарбиясидаги муаммолар, ота-онанинг бола билан тўғри муносабатга кириша олиш, муносабатга киришда бола психологиясига эътибор, ички оламини, ёшини инобатга олиш каби масалалар ёритилган.*

Калит сўзлар: *ақл, билим, маданият, муносабат, муомала, мулоқот, мустақил, оила, тарбия, таълим .*

Ключевые слова: *разум, знание, культура, отношение, обращение, мыслитель, независимый, семья, воспитание, учёба.*

Key words: *mind, knowledge, culture, relation, attitude, thinker, independent, family, education, teaching.*

Оила жамият қоидаларини синовдан ўтказиб, яхшиларини ўз бағрида асраб-

авайлаб келажак авлодларга етказиб келган. Шунинг учун ҳам Шарқда оила қадим-қадимдан муқаддас қўрғон ҳисобланиб келинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги 3808-сонли “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида юртимизда оила институтини мустаҳкамлаш бўйича асосий йўналишлар белгиланган бўлиб, IV-йўналишда оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанвий оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, оилаларга таъсирчан методик консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш вазифалари белгиланди[1]. Қарорда кўрсатилган вазифалардан келиб чиқиб,

-ота-она ва фарзанд;

-фарзанд ва фарзанд;

-яқин қариндошлар (бобо, буви, амма, амаки, хола, тоға ва ҳок.) ва фарзанд;

-маҳалла ва фарзанд;

-таълим муссасаси ва фарзанд муносабатларида оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, оилаларда ички оилавий ва шахсий муносабатларни, хусусан ота-она ва фарзандалар, эр ва хотин, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатларни яхшилаш механизмлари жорий этилмоқда.

Оила ўз фарзандларини тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириш билан уларга бошланғич ижтимоий йўналиш беради. Ўз фарзандларини катта оқимга - жамиятга қўшиш билан эса оила жамият йўналиши, иқтисодиёти, маданияти ва маърифатини ҳам белгилашга ўз таъсирини кўрсатади. Зеро ёш авлод тарбияси инсониятнинг келажак тақдирини белгилайдиган, уларни ижобий мезон билан қуроллантирадиган сифатлар бўлганлиги учун ҳам мутафаккирлар бу муаммони ҳал қилишга ҳаракат қилиб келганлар. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Кайковус, Умар Хайём, Аҳмад Югнакий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби мутафаккирларнинг қатор асарларида болаларни оилада тарбиялаш масалаларига доир маълумотлар келтирилган.

Оилада ахлоқий-маънавий тарбияда муносабатлар масалаларини ўрганиш борасида илмий тадқиқот ишлари сўнгги йиллар мобайнида жадал тус олиб бормоқда. Жумладан, М.Очилов, Д.Шарипова, М.Иномова, О.Мусурмонова, А.Миноваров, М.Қуронов, С.Нишонова, Ҳ.Йўлдошев, Т.Усмонхўжаев бошқа кўплаб тадқиқотчилар томонидан бу соҳада бир қанча ишлар амалга оширилди.

Бизнинг нуқтаи назаримизча, болалар ва ота-оналар муносабати , ота-оналик муносабати ва ота-оналик установкалари каби бир-бири билан боғлиқ, лекин шу билан бирга бир-бирини тўлдирувчи ҳамда кўпинча синомим тарзида қўлланиладиган тушунчаларни бир-биридан фарқлаш лозим. Болалар ва ота-оналар муносабатларининг ўзига хослиги шундан иборатки, улар икки томонлама муносабатлардан таркиб топиб, ҳар икки томон ота-она ва бола муносабатлар тизимини фаоллик билан шакллантиради. Бу муносабатлар аввал бошидан тенг ҳуқуқли муносабатлар бўлмасада-бироқ доимо тенг ҳуқуқлиликка интилади. Бола

шахсининг шаклланганлиги эса бундай муносабатларнинг маҳсули бўлиб ҳисобланади[3].

Шундай қилиб, болалар ва ота-оналар муносабатларини бевосита қариндошчиликка эга бўлган катталар ҳамда болалар ўртасидаги муносабатлар тизими сифатида талқин қилиш мумкин: улар бола туғилиши билан пайдо бўлиб, ота-она ва боланинг ўзаро таъсирли ҳамкорлиги жараёнида ўзининг алоҳида динамикаси ҳамда ўзига хослик билан тавсифланувчи моҳиятга эга бўлиб боради. Бундай муносабатлар қуйидаги учта омил: ота-она, бола муносабатларининг маданий тарихий мазмунига эга. Шу билан бир қаторда ота-оналик муносабати алоҳида моҳиятга эга бўлган тушунчадир. А.С.Спиваковскаянинг таърифи бўйича ота-оналик муносабати бу катталарнинг аниқ бир йўналтирилган муносабати бўлиб, унинг асосида бола билан мулоқотга киришининг турли хил восита ва шаклларида намоён бўлувчи бола нисбатан онгли ва онгсиз тарзда баҳо бериш ётади[5].

Оилавий муносабатларда шахслараро муносабатларнинг издан чиқиши оилавий муносабатларда болалар тарбиясида уларнинг шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатади.

Оилада болалар билан тўғри муносабатга киришиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Оиланинг унда тарбияланаётган болаларга таъсир доираси ижтимоий таъсир доираси каби кенгдир. Оила болаларни Ватанга муҳаббат, меҳнатга ва халқ бойликларига онгли муносабат, нуқсонларга муросасозлик руҳида тарбиялаш учун катта имкониятларга эга. Оила хусусан, боланинг ҳиссиёти ва эмоционал маданиятини тарбиялашда катта имкониятларга эга.

Оилада айниқса, катта ёшли болалар билан тўғри муносабатда бўлиш муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, ҳар қандай бола улғайган сари катталар буйруғини ёқтирмайдиган бўлиб боради. Бу буйруқ кўпинча қаршилик кўрсатиш, ҳатто оқилона талабларни бажаришдан бош тортиш ҳолатларини ҳам келтириб чиқаради. Бундай пайтларда болага муомала тарзини ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Буйруқ ўрнига ишонтириш усулини қўллаш керакки, токи бола ана шу қилиниши керак бўлган ишни бажариши шарт эканлигини онгли тарзда тушуниб етсин. Шундай ҳолатдагина бола ҳар бир ишни онгли тарзда бажаришга одатланади. Агар катта ёшдаги болага панд-насиҳат қилинаверса, унинг ғашига тегиш мумкин. Айни ҳолларда педагогик усул қўллаш яхши самара беради. Айтайлик, оилавий юмуш ҳақида боланинг фикрини билишга интилиб, агар мана шу нарсани мана бундай қилсак, сен қандай қарайсан деб боладан сўралса, бажарилиши керак бўлган ишга у ўзининг шахсий муносабатини билдиришга ҳаракат қилади. Бу ўз навбатида боланинг оиладаги обрўси ва ўрнини мустаҳкамлайди ва болага ижобий таъсир қилади. Натижада хар бир нарсага оқилона ўйлаб фикр билдирадиган бўлади. Яна шуниси муҳимки, бола ўзини катталардек сезиб хулқидаги айрим камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилади[2].

Кузатишлардан маълум бўлишича, болаларга ота-онанинг ёки оила катта аъзоларининг хадеб насиҳат қилавериши яхши натижа бермас экан. Ота-оналар ёки оиланинг катта кишилари бундай муносабатнинг ўрнига болалар билан ҳамфикр, дўст каби муносабатда бўлсалар, болаларда ўз-ўзини баҳолаш, берилган

топшириқларга масъулият билан ёндашиш ҳиссининг шаклланиши кабиларнинг юзага келишига олиб келар экан.

Оилада болаларга таъсир этиш сифатини ошириш учун оиланинг катта ёшли аъзоларинг болага қўядиган талаблари ҳамда уларга тарбиявий таъсир кўрсатишда сўз билан ишнинг бир бўлиши лозимдир. Оилада бундай бирликнинг бўлмаслиги бола хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Баъзан ота-она болаларига ўта меҳрибонликларининг изҳори сифатида у нима деса шуни қиладилар. Бола истагини ўзлари учун қонун деб биладилар, бошқача қилиб айтганда шу орқали ўзларининг болага ниҳоятда эътиборли эканликларини кўрсатмоқчи бўладилар. Ота-онанинг бундай хусусиятини сезган бола ўз талабини янада орттиради. У ота-онадан тобора кўпроқ нарса талаб қила бошлайди. Ота-она болани жуда ҳам «яхши кўрганликлари» учун унинг бу галги талаби: қимматбаҳо кийимлар, тақинчоқларни ҳам муҳайё қиладилар. Аммо булар қайси маблағ эвазига келаётганлигини болага тушунтиришни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Натижада ота-онанинг бола кўнглига қараб муносабатда бўлиши бола тарбиясининг бузилишига олиб келади. Оқибатда бола худбин, молпараст бўлиб қолиб, ҳар бир буюмнинг қадрига етадиган, уни асраб-авайлайдиган эмас, унинг аксини қиладиган шахс бўлиб етишиши мумкин[4].

Ҳаётий кузатишлар шуни кўрсатадики, баъзан айрим оилаларда болага бирор иш бажариш учун ёки яхши ўқитиш учун уни ёки буни олиб бераман деб катта ваъдалар беришади. Ота-оналар бу билан болаларини таъмагир қилиб куяётганлигини ҳеч ҳам ўйламайдилар.

Шу нарсани таъкидлаш керакки, болалар билан муносабатга киришишда уларнинг кўнглига, психологиясига эътибор бермаслик, оиладаги носоғлом психологик муҳит – бир-бирини хақоратлаш, дўқ-пўписа ва зулм ўтказиш асосида қилинадиган муносабат болаларда қўрқоқлик, асабийлик, ёлғончилик, меҳрсизлик, қўполлик каби сифатларнинг шаклланишига олиб келади.

Оилада болага қўрқитиш, дўқ-пўписа асосида муносабатда бўлинса, бола характерида одам ёқтирмаслик, писмиқлик, иродасизлик, маънавий заифлик хислатларининг таркиб топишига имконият яратилади.

Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатнинг ижобий тус олиши учун ота-она фарзандлари билан муносабатга киришаётганларида педагогик одобга риоя қилмоқлари керак. Ота-онанинг айтган ҳар бир сўзи таъсир қиладиган бўлмоғи, сўзнинг айтилиш формаси, шу сўзнинг формасига мос келадиган ҳолда чеҳранинг очиқ ёки важоҳатли бўлиши педагогик таъсирнинг таъсирчанлигини оширади. Аксинча, педагогик одобга риоя қилмаслик болани ҳаддан ортиқ севиш ёки бераҳм, қаттиққўл муносабатда бўлиш ота-она билан бола ўртасидаги ўзаро муомаланинг бузилишига сабаб бўлади.

Ота-оналар ва болалар ўртасида муносабатларнинг ижобийлигини таъминлашда хар бир болага алоҳида муомала ва муносабатда бўлиш зарур. Бунда боланинг ёши, ўша даврдаги ҳолати ҳисобга олиниши керак. Болани ёшини, маълум вазиятдаги ҳолатини яхшироқ тушуниш учун ўзимизни боланинг ўрнига қўйиб кўришимиз керак. Шунда биз боланинг ички оламини, хоҳиш – истагини англаб ета оламиз. Боланинг ички олами, ҳаяжон ва қувончларини, ўй хаёлларини ўзимизда

ифодалаб кўришимиз эса болаларни тушунишда бош мезон бўлиб хизмат қилиши лозим[2].

Бола кичиклигида катталарга тақлидчан ва итоаткор бўлади. Катталар нимани буюрса шуни қилади, айтганларидан чиқмайди. Катта бўлган сари кўп нарсага ақли етадиган бўлиб боради. Энди у баъзи масалаларда катталар билан келиша олмайди, ўз фикрида туриб олади. Буни катталар баъзан одобсизлик, ўжарлик, ўзбошимчалик деб тушуниб, уни жазолашга уринадилар. Бундай ноҳақлик болани қалбини жароҳатлайди. Натижада ота-она обрўйига путур етади. Оқибатда ота-она ва бола ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ишончнинг йўқолишига имконият яратилади.

Ота-она ва болалар ўртасидаги ижобий муносабатни юзага келтириш кўп жиҳатдан ота-оналарнинг ўз болаларини, уларнинг феъл атвори, характер хислатлари, қизиқишлари кабиларни билишларига боғлиқдир. Шу жиҳатдан хар бир ота-она энг аввало ўз болаларини ҳар томонлама билишлари ва шу асосда муносабатда бўлишлари лозимдир.

Келтирилган фикрларга асосланган ҳолда қуйидаги хулоса ва тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ:

• Болаларга самимият билан муносабатда бўлувчи, лекин уларга кўп нарсаларни рухсат этувчи ота-оналарнинг фарзандлари фаоллик, мустақиллик, ўртоқлик, ижодга интилиш каби хусусиятларга эга бўлиш билан бирга уларда салбий шароитлар шаклланишига кенг имконият яратилиши мумкин.

• Болаларга самимият билан қаровчи, лекин уларни кўп жиҳатдан чекловчи ота-оналарнинг болалари хушмуомала, ён босувчан бўлиб, уларда ижодкорликка, мустақилликка интилиш камроқ намоён бўлди.

• Болаларга совуқ муносабатда бўлувчи, лекин уларга кўп нарсаларни рухсат этувчи ота-оналарнинг фарзандлари кўпинча ота-оналарига бефарқ муносабатда бўладилар, лекин буни хулқ-атворларида ҳар доим ҳам намоён қилмайдилар. Шунингдек, улар одатда тортинчоқ катталарга ишонмайдиган бўладилар, ижтимоий ёлғизликни афзал кўрадилар.

• Болаларга совуқ муносабатда бўлувчи ва уларни кўп соҳаларда чекловчи ота-оналар ўз болаларида андишасизликни ривожлантириб борадилар, баъзи ҳолларда бу яширин, баъзида яққол намоён бўлади.

• Фарзанд билан ота-она ўртасидаги яқин муносабат ўз-ўзини англашни ривожланишига туртки бўлиши мумкин.

Илгари сурилган хулосаларга мувофиқ қуйидаги тавсияларимиз ота-оналар ва ўқитувчиларга мўлжалланган.

• Шахсда ўз-ўзини англашни шаклланиши хусусиятлари тўғрисида ота-оналар ва ўқувчилар тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари керак.

• Ота-оналар ўз фарзандларининг қизиқишлари имкониятлари ва қобилиятларини тўғри баҳолашларга ўрганишлари лозим. Фақат шундагина улар ўз фарзандларини ўз-ўзини тўғри баҳолаш ва ўз-ўзини ривожлантиришга ўргатишлари мумкин.

• Оиладаги психологик иқлимнинг бузилиши бола хулқида негатив хусусиятларни шакллантиришини инобатга олган ҳолда ота-оналар оилада ҳамкорлик муҳитини яратишга одатланишлари мақсадга мувофиқ.

• Самимий ўрнатилган мулоқот бола шахсида ростгўйлик, сахийлик, мустақиллик сифатларни таркиб топтиради. Бу эса ота-оналарнинг ўз фарзандлари билан билан мунтазам жонли мулоқотда бўлишни тақазо этади.

• Ўз-ўзини англаш шахсда ахлоқий меъёрларни эгаллаш омилларидан бири. Бу ўринда ота-оналар ўз фарзандлари учун “яхши андоза”ролини бажариши жуда зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги 3808-сонли “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2006 йил.
3. Файзиева М, Жабборов А “Оилавий муносабатлар психологияси” Т.: “Янги аср авлоди” 2007.
4. Ковалев С.В Психология современной семьи М.: Просвещение 1998г
5. Шнейдер Л.Б. Психология семейных отношений. Курс лекций. - М.: Апрель-Пресс, Изд-во ЭКСМО - Пресс, 2000. - 512 с.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
01.00.00 ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

1 О единственности одной краевой задачи для уравнения эллиптико гиперболического типа второго рода.
Абдуллаев А.А.…..…….. 3
2 Задача типа дирихле-неймана для уравнения высокого порядка
Иргашев Б.Ю.....…….. 9
3 Сиртдаги нуқсонларни эллипсометрия усули билан аниқлаш
Эргашева М.Мамажанова Н .Ортиқова О..... 16
4 Приближенное решение задачи коши для обыкновенного дифференциального уравнения в математической системой matlab
Имомов А, Настинов С..... 19
5 О постановке и исследованию одной краевой задачи для параболо-гиперболического уравнения четвертого порядка
Мамажонов М Мамажонов С. М..... 28
6 Бир жинсли бўлмаган монокристалл кремнийда радиациявий-физик жараёнлар
Курбанов А. О..... 36
7 Керр-нут қора туйнугининг яшаш вақти
Мамаджанов А И. Турғунов А.Р..... 41

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
03.00.00 БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
BIOLOGICAL SCIENCES

8 Alteration in the convulsive effect of kynurenine, corazol and caffeine under the action of bicuculline
Мирзаев С, Ниязметов Б.A.S. Mirzayev., B.Niyazmetov..... 46
9 Влияние поливов минерализованными водами на почвенные условия и агробиологические особенности пшеницы
Юлдашев Г. Дармонов Д..... 49
10 Кузги буғдойни ўғитлашда нав хусусиятини ҳисобга олиш
Каримов Х.Х..... 54
11 Ғўза фотосинтетик аппаратининг фаоллигига чигитга экишдан олдин қизил нур билан ишлов беришнинг таъсири
Мавланова С.А, Исматов А.М..... 58
12 Саноат ҳудудларининг тупроқ сувўтлари (Андижон шаҳри мисолида)
Мамасолиев С.Т Мўминова Р.Н..... 65
13 Основные пути повышения эффективности использования сельскохозяйственных земель при образце Ферганской долины.
Юлдашев Г. Марупов А.А..... 70

14 Влияние минерального питания на рост и развитие Silene Viridiflora l.
Абдуназаров Э.Э Равшанова У.Б..... 77
15 Сўх конус ёйилмаси тупроқлари хоссаларинингсуғориш билан боғлиқ ўзгаришлари
Хошимов А.Н 81
16 Аминокислотный пул сероземов севера Ферганы.
Хайдаров М, Юлдашев Г..... 86

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
05.00.00 ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

17 Aholi yashash hududlaridagi chiqindilarni qayta ishlash asosida hudud ekologiya holatini yaxshilash.
Xusniddin M.A., Murtozaeva I.U..... 93
18 Namangan sharoitida zamonaviy qurilish muammolari.
Xusniddin M.A., Adashboyeva M.A..... 96

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ
08.00.00 ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ
ECONOMIC SCIENCES

19 Prospects of implemention of leasing in textile enterprises
Ismanov I, Davlyatova G..... 100
20 Ishlab chiqarish samaradorligini oshirish masalalari
To'ychiyeva O.N..... 105
21 Improving of organizational mechanism of leasing
Abdullaeva S..... 109
22 To questions of personnel motivation at industrial enterprises
Usmanova Z.M..... 116
23 Tijorat banklari tomonidan investitsiya loyihalarini moliyalashtirishni rivojlantirish masalalari
Muminova E.A., To'xtasinova D.R..... 121
24 К вопросам совершенствования маркетинга в образовании
Набиева Н.М..... 126
25 Аграр тармоқда маркетинг тадқиқотларини бошқаришнинг муҳим жиҳатлари
Сирожиддинов К.И..... 130
26 Ҳудудий иқтисодий-экологик тизимлар барқарор ривожланишининг назарий жиҳатлари ва баҳолаш усуллари
Рахмоназаров П.Й., Ахунова М.Х..... 137
27 Аграр тармоқда маркетинг тадқиқотларини ташкил этишни ривожлантиришнинг устивор йўналишлари
Сирожиддинов К.И..... 144
28 Инвестициялар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш масалалари
Давлятова Г.М..... 150

09.00.00 ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ PHILOSOPHICAL SCIENCES

29 Жамият тараққиёти ва инсон манфаатлари хусусида
Саданова Д.А 157

30 Ўзбекистонда инновацион ривожлантиришни таъминлаш муаммолари ва устувор йўналишлари
Аликулов С.А 160

31 Ўзбекистон мустақил мамлакат-цивилизация сифатида
Турдибоев Б. 163

32 Шарқ ҳалқлари тафаккурида илмий баҳс феноменининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти
Турабова С. Жўраева В.Ф 169

33 The concept of Modernism in modern national literature and its subjective discourse
Kattaeva F.Sh. Khudoynazarov B.B..... 175

34 Прагматизм фалсафасида инсон муаммоси
Баҳодирова Ф.Б..... 179

35 Мунис Хоразмийнинг таълим-тарбия ва маърифий қарашлари
Сапаев Ғ.Б 184

36 Ёшларнинг маънавий тарбиясида мумтоз адабиёт ва раҳнамонинг ўрни
Хўжамов Х.Х..... 189

37 Авеста Лингвистикасининг диалект ва диалектикаси
Маҳмудова Г.Т..... 195

38 Integration of environmental education and moral education
Amirovna.Z.A…..…….. 202

39 Тарихий-Фалсафий меросни ўрганишнинг баъзи концептуал-методологик муаммолари
Карабаева Р.О……... 208

40 Облик научной школы: прошлое и настоящее
Туленова К.Ж, Расулов Э .....…… 213

41 Меҳнат шахс ва жамият манфаатларини уйғунлаштирувчи ижодий қобилият
Холмирзаев Н. Н 218

10.00.00 ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PHILOLOGICAL SCIENCE

42 Влияние сатиры Н.Гоголя на художественную систему М.Булгакова
Чжен Е.В., Султанова Д.Т……. 225

43 Ҳусайний девонининг қўлёзмалари хусусида
Джураева Х.Б…… 228

44 Фразеологизмлар синтагматикаси ва уларнинг пайт валентлиги
Ганиева Ш.А..... 233
45 Мазмуний майдонда кўпмаънолиликмасаласи
Искандарова Ш.М..... 236
46 “Бобурнома”даги изофий бирикмаларнинг аслият билан мутаносиблиги
Амонов М.У..... 240
47 Инглиз ва ўзбек тилларидаги омонимларнинг дефинициясиваэтимологияси
Худжаева Р.М..... 245
48 Синтактик сатҳ бирликларининг контрастив таҳлили
Зокирова С.М 251
49 O’zbek tilida evfemizmlar murojaat vositasi sifatida
Turdimurodov S.E..... 256
50 Лингвоперсонологиянинг мустақил фан сифатидаги тараққиёти
Рахимова.У.Д 260
51 Frazeologizmlarning lingvopoetik xususiyatlariga doir
Husanxo’jayev O..... 266
52 Polisemiya va uning matn tuzilishidagi o`rni
Abdurahmanov Sh.A..... 269
53 Суғуртанинг инглизча-ўзбекча терминларининг қиёсий-типологик таҳлил этиш
Хайдаров И.Т..... 274
54 Инглиз ва ўзбек тилларидаги ўсимликшунослик терминларининг деривацион хусусиятлари
Муродова Ш.Ч..... 278
55 Изучение возникновения понятия термина бухгалтерии в лингвистическом исследовании.
Мадалиева Д.Б..... 281
56 Модификацияга учраган антропонимларнинг дискурсив қўлланиши
Камолова С.Ж..... 285

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
13.00.00 ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

57 Ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг айрим ижтимоий-психологик жиҳатлари
Артикова М.Б.....290
58 Олий таълим муассасаларидаги нофилологик таълим йўналишларида чет тилларни ўқитиш сифатини баҳолаш индикаторларини шакллантириш
Рахимова Ш.Б..... 296
59 Teaching foreign language with authentic text materials
Sharipova S.A..... 301
60 Diagnostik faoliyatni samarali tashkil etish o’qituvchining diagnostik madaniyatini shakllantiruvchi omil sifatida
Qodirova X.N..... 307

61 Чет тили қоидаларини ўқитишда материалларнинг ўрни ва таснифи
Абдуазизова И.А……..... 313
62 Differentiated instructions in language classes: “One size does not fit all”
Jamoliddinova.N ……..... 317
63 Ибратнинг ибратли ҳаёт йўли
Сарибоева М.У., Мамажонова Х.Ш……..... 322
64 Prioritetnosti evaluation hopping endurance of volleyball players using a touch-computer installation
Ummatov A.A……..……..... 329
65 Talabalar ma’naviy-axloqiy qiyofasini shakllantirishda jismoniy tarbiya va sportning o‘rni
Maqulov Sh.Z……..... 334
66 Мактабгача таълим муассасаси ўқув машғулотларини ташкил этиш тамойиллари ва инновацион технологиялар
Санаева.С.Б……..... 339
67 Аниқ ва табиий фанлар интеграциясига асосланган ягона графикавий таълим тизимини амалиётга жорий этишнинг педагогик механизмлари
Таджибаев А.Б……..... 344
68 Muammoli vaziyatlardan foydalanib, o’quvchilarni masala tuzishga o’rgatish
Asimov.A ……..... 349
69 Лотин тилини ўқитиш жараёнида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг айрим масалалари
Исроилова М.Н……..... 353
70 Олий таълим тизими фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнларини такомиллаштириш технологиялари.
Рустам Ш..... 359
71 The benefits of listening to podcasts
Almira N.Sh..... 364
72 Amaliy va seminar mashg’ulotlarida interfaol ta’lim texnologiyalaridan foydalanish usullari.
Matkarimova B.H.,Tursunboyeva M.A..... 368
73 Визуал мнемотехникалар
Хасанова О.Қ..... 372
74 O`quvchilarni milliy o`yinlarga qiziqtirishning ahamiyati
Qo’chqorov U..... 378
75 Бенчмаркинг лойиҳа – янги авлод дарсликларини яратиш воситаси сифатида
Ортиқов А.У..... 385
76 Оилада ахлоқий-маънавий тарбияда шахслараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари
Мирзаева Ф.О..... 391